

**А.Р. Бобожонов,  
Қ.Р. Раҳмонов**

# **ЕР КАДАСТРИ**

**Тошкент - 2008**

Бобожонов А.Р., Раҳмонов Қ.Р. Ер кадастри фанидан дарслик.  
Т.:ТИМИ, 2008й.

Дарсликда давлат ер кадастрининг тарихи, мазмунни, асосий вазифалари берилган, ер участкаларини рўйхатга олиш, ер ҳисоби ва ҳисоботи, ерларни баъолаш масалалари ёритилган. Хўжалик, туман (шахар) ва вилоятда ер кадастри ҳамда ер кадастри хужжатларини юритиш бўйича амалий кўнікмалар акс эттирилган.

Дарслик Олий ўқув юртларининг “Ер тузиш ва ер кадастри” «Геодезия, картография ва кадастр» бакалавр йўналишларида таълим олаётган талабаларига мўлжалланган.

Тақризчилар: ТИҚХМИИ “Ер тузиш ва ер муносабатлари” кафедраси мудири,  
профессор, Авезбоев С.А.

Ўзбекiston Республикаси Геодезия, картография ва давлат  
кадастри Давлат қўмитасининг бошқарма бошлиғи .....

С. Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2008 й.

## **Кириш**

Табий ресурслар орасида ер айни́кса катта аћамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат ќўмитасининг маълумотларига асосан мамлакатимизнинг умумий ер майдони 2005 йил 1 январ ћолатига кўра 44410,3 минг. га ни ташкил этади. Ушбу майдоннинг 90 фоиздан ортиѓи давлат томонидан эгалик ќилиш, фойдаланиш, мулк ва ижара асосларида турли ќишлоќ ћамда ноќишлоќ хўжалик корхона ва ташкилотларга, шунингдек фуќароларга бириклирилган. Улар ушбу майдонларда ўз фаолиятларини тўлиќ амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 55-моддасида ќайд ќилинадики, ер ресурслари республиканинг миллий бойлигидир. Улардан оқилона ва самарали фойдаланиш зарур. Бу эса кўп жићатдан ернинг энг мућим хоссалари ва хусусиятлари ќанчалик чуќур ва хар томонлама ўрганилганлигига боғлик. Бу энг аввало, ердан оқилона фойдаланишга йўналтирилган, илмий асосланган тадбирлар мажмуини ишлаб чиќишга изчиллик билан ёндошиш ва амалда тўпланган тажрибаларга суюнган ћолда ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 29 апрелдаги Олий Мажлис Кенгашларида ќабул қилинган "Ер кодекси", "Ќишлоќ хўжалик кооперативи (ширкати) тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Дећкон хўжалиги тўғрисида" ги, 1997 йил 24 апрелдаги Солик кодекси, 1998 йил 30 августдаги "Давлат ер кадастри тўғрисида" ги, 2000 йил 31 декабрдаги "Давлат ер кадастрлари тўғрисида" ќонунлари ћамда Вазирлар Маћкамасининг 1996 йил 17 июлдаги "Ўзбекистон Республикасида Давлат кадастрларининг ягона тизимини яратиш тўғрисидаги Низомини тасдиќлаш тўғрисида", 1998 йил 31 декабридаги 543-сонли "Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисида" ги ќарорлари ва бошќа ќатор меъёрий хужжатлар ерлардан фойдаланишни ташкил этишга йўналтирилган асосий давлат тадбири ћисобланган ер кадастрига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Натижада ердан фойдаланишда янги шакллар вужудга келди ҳамда ер участкаларига бўлган ћуќуќлар доираси кенгайди.

Ерни ћар томонлама яхшилаш, унинг унумдорлигини ва иќтисодий самарадорлигини ошириш – бу иќтисодиёт тармоќларини, жумладан ќишлоќ хўжалигини юритишнинг илмий тизими асослари ва ердан юќори маћсулдорлик билан фойдаланишдир. Ердан тўғри фойдаланиш, замон ва маконда ћар хил ўсимлик турларининг илмий асосланган кетма-кетлигини жорий этиш, тупроќка экологик "тоза" ишлов бериш усуllibарини ќўллаш, ўѓитлаш, ќулай агротехник муддатларда амалга ошириш, ўсимликларни касаллик ва зааркундалардан ћимоя ќилиш, тупроќ эрозиясига ќарши кураш каби муайян элементлар аниқ ќонунчилик йўли билан бошқаришни талаб ќилади. Бунда ћам ер кадастри ер ресурсларидан фойдаланишни бошқаришнинг мућим ричаги сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 15-моддасига мувофиқ, давлат ер кадастри ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳукукий тартиби, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва қиймати, ер участкаларининг жойлашган ўрни ва ўлчамлари тўғрисидаги, ер участкаларини ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузиш ишларини ташкил этиш, ер тузиш, ер учун тўланадиган һақ миқдорларини асослаш хўжалик фаолиятига баҳо бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ћокимияти органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастри муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Унинг маълумотларидан иқтисодиёт тармоқларининг турли масалаларини ћал ќилишда, жумладан ер солигини жорий этиш, ер майдонларига ижара ћақи миқдорларини белгилаш, ќишлоқ хўжалик экинлари ћосилдорлигини режалаштириш, ер тузиш ва умуман ердан фойдаланиш билан чамбарчас боғлик бўлган барча масалаларни ћал ќилишда кенг ќўлланилади.

Республикамизда давлат ер кадастрини юритиш Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат ќўмитасининг туман, шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги хизмат томонидан амалга оширилади.

Ерлардан оқилона фойдаланишни ташкил этишда, ер тузиш ишларини илмий асосланган ћолда бажариш ер кадастрининг ахамиятини ћисобга олган ћолда мамлакатимизнинг сугориладиган худудларида жойлашган ќишлоқ хўжалик корхоналарида ер тузувчи мутахассис лавозими жорий ќилинган. Республикамизнинг ќатор олий ўқув юртларида ер кадастри ихтисослиги бўйича бакалаврлар ва магистрлар, ўрта маҳсус қасб-ћунар колледжларида эса маҳсус билимга эга бўлган мутахассислар тайёрланмоқда.

Ер кадастри илмий фан сифатида ерни иқтисодий тармоқларда ишлаб чиқариш воситаси эканлиги тўғрисидаги таълимотга, ривожланаётган демократик жамиятнинг ер муносабатларига ћамда дунёни билишнинг диалектик услубиятига асосланади. Ер кадастрини ўрганиш у билан чамбарчас боғланган илмий фанлар (иқтисодиёт назарияси, ќишлоқ хўжалиги иқтисоди, ер ҳукуки, ер тузиш ва ер муносабатлари, ер тузишнинг назарий асослари, ер тузишни лойићалаш, картография, ер ресурсларини бошқариш, давлат кадастри асослари, ер мониторинги, тупроќшунослик, мелиорация ва бошқалар)нинг назарий, услубий ва амалий ишланмаларига таянади. Ер ресурслари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, ќайта ишлаш ва таълил ќилишда математик, статистик, геодезик, фотограмметрик ва картографик услубларидан фойдаланилади. Бундан ташқари у китобхонларни хорижий мамлакатларда юритилаётган ер кадастрининг илғор тажрибалари билан таништиради.

Ушбу дарслик «Ер тузиш ва ер кадастри», «Геодезия, картография ва кадастр», Касбий педагогик таълим: «Ер тузиш ва ер кадастри» йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш учун тайёрланган бўлиб, давлат таълим стандартлари, намунавий ўқув дастурларига мос ҳолда ёзилган дарслик мамлакатимизда давлат ер кадастрини ташкил этиш ва юритишнинг ҳозирдаги мавжуд илғор тажрибаларини ёритади. Ушбу китобдан юкорида қайд қилинган йўналишлардарсликдан «Ер тузиш ва ер кадастри» магистратура мутахассислиги бўйича тайёрланаётган магистрантлар, соҳанинг илмий ходимлари, лойиха институтлари мутахассислари ҳам фойдаланишлари мумкин. Дарслик кириш, олтита боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

# **I боб**

## **Давлат ер кадастрининг назарий асослари**

### **1.1. Ҳисоб-китоб ва ер кадастри тўғрисида умумий тушунчалар**

Иқтисодиёт тармоқларининг муҳим тадбирларидан бири ҳисобланган ҳисоб-китоб ишлари сифатида ер кадастри кишилик жамияти пайдо бўлган даврдан бошлаб вужудга келган ва ривожланиб келмоқда. Шу нўктаи назардан ҳисоб-китобнинг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш жоиздир.

Ҳисоб-китоб кишилик жамияти ижтимоий хаётининг асосини ташкил этади. Дастрлабки даврларда бунга бўлган зарурият ишлаб чиқаришнинг талабларидан келиб чиқкан. Моддий ишлаб чиқариш жараёнини, ишчи кучларни, ишлаб чиқиши воситаларини, ҳайдаладиган ерларни, боғзор ва токзорларни, хомашёларни, материалларни ҳамда етиштириладиган маҳсулотларни ҳисоб қилмасдан инсонлар хаёт-фаолиятини амалга ошириш мумкин эмас. Шу сабабли ҳам ҳисоб-китоб кишилик жамияти ривожининг энг бирламчи босқичларида пайдо бўлган ва такомиллаша борган. Турли ижтимоий-иқтисодий тузумларда ҳисоб-китоб ишларнинг мазмуни, моҳияти, вазифалари ва услублари турлича бўлган.

Ишлаб чиқаришнинг ибтидоий-жамоа тузумида ҳисоб-китоб ишлари жуда оддий бўлиб, у фақатгина жойдаги жамоанинг манфаатини кўзлаган. Жумладан, тарихий манбаларнинг далил беришича, Марказий Осиёда аҳолининг асосий қисмини манзилгоҳларда яшаган кўп оиласлик жамоалар ташкил этган. Бундай жамоа аъзолари ўз кўшнилари билан биргаликда атрофларда бўш ётган ерлардан фойдаланганлар. Бу турдаги жамоа оналиқ ҳукуқига асосланган оиласдан шахсий оиласга ўтишда гоят катта аҳамиятга эга бўлган. Ундан ерга айрим моногам оиласлар бўлиб ишлов берадиган ҳамда ҳайдалма ва ўтлоқ ерлар оиласлар ўртасида аввал вақти-вақти билан, кейинчалик эса уларнинг асосида қишлоқ жамоаси ўсиб чиқкан.

Қишлоқ жамоаларида маҳсус омборлардан белгиланган меъёрларга кўра оиласларнинг эҳтиёжига кўра тақсимлаб борилган. Бу даврда ирригация ва қишлоқ хўжалик ишлари жамоатчилик асосида биргаликда бажарилган. Жамоа оқсоқоли ёки унинг энг кекса вакили барча ишларни бошкарсан ҳамда жамоа ичидаги меҳнат ва турмуш жараёнини тартибга солиб турган. Хатто жамоа доирасида ижтимоий табақаланишни вужудга келиши ёки бадавлат оиласларнинг ажралиб чиқиши мумкин бўлганда ҳам, Марказий Осиёнинг иқлим шароитлари доимий ирригация ишларнинг зарурлиги жамоа алоқаларини барқарор ва узоқ муддат давом этишига асос бўлган.

Жамоа ёпи́к даврий бирлик бўлиб, ўз аъзоларини барча зарур нарсалар билан таъминлаган. Бу устахоналар ва тандирлар учун мўлжалланган усти ёпи́к айвонлар, турли меҳнат қуролларни ясаш, бўйралар тўкиш, кичик метал буюмлар қўйиш, тикиш, терига ишлов бериш каби бинолардан иборат бўлган. Жамоаларда қуллар ёки қарам кишилар ҳам бўлиб, улар эркин жамоачилардан анча кам эди. Улар уйида эркин оиласлар билан биргаликда яшаганлар, хатто шу оиласларнинг аъзолари ҳам бўлганлар.

Жамоанинг мавжуд бўлиши ирригация ва суный сугоришни ривожлантириш учун зарур шароитни яратди. Ирригация иншоатларини қуришда ва уларни тегишли тартибда тутишда Марказий Осиё минтақаси ғоят юксак даражага кўтарилиган.

Сугориш иншоатларини барпо этишдаги тараққиёт деҳқончиликнинг мислсиз даражада юксалишига, барқарор ҳосиллар олишга олиб келди. Унумдорлиги миллионлаб йиллар оша йиғилиб ётган ер деҳқончилик экинларидан мўл ҳосил олиш имкониятини берган. Дон хўжалиги қадимдан деҳқончиликнинг асосини ташкил этган. Аҳоли буѓой, тариқ, шоли етиштирас, боѓдорчилик ва полизчилик билан шуғулланган. Бу ерда шафтоли, олча, қовун, тарвуз ва узум яхши битарди.

Ҳам ўтрóк ҳам кўчманчи ахоли орасида ривожланган чорвачилик Марказий Осиё иқтисодиётининг тараққиёти учун айни́са муҳим ахамиятга эга эди. Иш кучи сифатида ишлатиладиган йирик шохли молларни кўпайтириш бошланди ва йилқиличик ҳам тез ривожланди. Натижада бундай тез ривожланиш чуқур ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келди. Майда ва йирик шохли молларни кўпайтириш бойлик манбаларини ва улар асосида янги ижтимоий муносабатларни яратди. Чорва моли мўл кўл сут ва гўшт, бундан ташқари тери, жун, сувяк берардики, булар истемол қилинар ҳамда уй касбкорлиги ва хунармандчилик бўйича ишлаб-чиқаришнинг ривожланишига ёрдам берган.

Албатта, юқоридагиларнинг барчаси бу ерда ўз навбатида ҳисоб - китоб ишларни ҳам юқори савияда олиб боришни тақозо қилган. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши билан ҳисоб-китоб ишларини янада катта хажмларда олиб боришга эҳтиёж туғилган. Хусусий ер эгаларидан ташқари қулдорлик давлатининг ўзи ҳам ҳисоб-китоб ишларни олиб борган. Эътироф этиш зарурки, ерга хусусий мулкчиликнинг бўлмаганлиги Марказий Осиёнинг ижтимоий - иқтисодий тарихида муҳим омил эди. Чўл ва иссиқ иқлим шароитидаги суный сугориш қишлоқ хўжалик ишларининг асосий шарти ҳисобланган.

Марказий Осиё қулдорлик ишлаб чиқариш усулини четлаб ўтган. Бу ерда феодал тузум қарор топгунига қадар бўлган ишлаб чиқариш усулини асосини ерга давлат мулкчилиги, қишлоқ жамосининг хукмронлиги, уруғ-қабила тузумининг сақланганлиги, кўчманчи қабилалар билан ҳамкорлик ва ўзаро муносабат ҳамда Буюк ипак йўлидаги қизғин савдо сотиқ ташкил этган. Шу

муносабат билан давлатда олиб бориладиган ҳисоб-китоб ишлари ҳам такомиллаша борган. Давлат асосан олинаётган соликлардан келаётган фойдани, армияни сақлашга сарфланадиган сараф-харажатларни, фойдаланишга берилган ер майдонларни ва бошқаларни ҳисоб килиб борган. Шу даврга келиб қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситасига айланган ер ҳам аста секинлик билан ҳисоб-китоб обьектига айланган. Ушбу даврда ёк маҳсус ерларни ҳисоб-китоби тадбир сифатида ер кадастри вужудга келган ва у кейинчалик, феодализмда анча ривожланган.

Дунёдаги бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистон феодализм даврида феодал хўжалигини бошқариш ва назорат қилиш мақсадларида айниқса ички хўжалик ҳисоб-китоби тез ривожланган. Бу даврда ер кадастри тизимида ерларга хусусий мулкчилик хуқуқини қонунлаштирувчи тадбир-ерларни рўйхат қилиш вужудга келади.

Шундай қилиб, ер ресурсларини ўрганиш ҳамда ер кадастрини ўтказиш давлатнинг вужудга келиши ва солик тизимини ривожлантирилиши билан бирламчи заруриятга айланди. Жамият ривожининг маълум босқичида ер майдонларининг миқдори билан бир қаторда сифат ҳолати ҳам ҳисоб-китоб қилина бошлади, кейинчалик эса турлича унумдорликка эга бўлган ерлардан олинаётган фойда миқдорини ҳам ҳисоб қилиш зарурияти туғилди.

“Кадастр” сўзи, французча сўз бўлиб, у маълум бир обьект бўйича даврий ёки узлуксиз кузатув ва назорат қилиш йўли билан олинган маълумотларнинг мужассамлашган йиғиндисини билдиради.

Маълумки, табиий ёки моддий ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланишни ташкил этиш ва назорат қилиш халқ хўжалигининг истиқболда янада ривожланиши учун илмий асосланган режалар тузишда ҳисоб-китоб ишларини тўғри йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимиоий ишлаб чиқариш жараёнларига рађбарлик қилиш ва назорат қилиш мақсадида ушбу жараёнларни миқдор ва сифат жиҳатидан тавсифлаш халқ хўжалиги ҳисоби асосида амалга оширилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бошқа ривожланган давлатлар сингари иқтисодиёт тармоқлари ҳисобининг ягона тизими мавжуд бўлиб, у республикамизнинг ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маълум йўналишда ривожланишини тамиллашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Халқ хўжалиги ҳисобининг обьекти - бу алоҳида тармоқлар ва корхоналар ҳисоб-китоб ишларини ўтказиш асосида ягона халқ хўжалиги ҳисобланади. Алоҳида олинган корхона, муассаса ва ташкилотлардаги ҳисоб-китоб халқ хўжалиги ҳисоби ягона тизимининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади ҳамда унга тезкор - техник, бухгалтерия ва статистик ҳисоблар киради. Халқ хўжалиги ҳисобининг ягона тизимида ер кадастри ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Халқ хўжалиги ҳисобининг ягона тизимини ташкил қилиш асосан юқори давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади. Республикаизда халқ хўжалиги ҳисобининг ягона тизими юритиш Ўзбекистон Республикаси

Макроиқтисодиёт ва статистика Вазирлигига юклатилган бўлиб, ўз навбатида унинг барча вилоят ҳамда туманлар ҳокимиятлари қошида бошқармалари мавжуд. Марказий ва маҳаллий статистик органлар ягона тамойиллар ҳамда услубиятлар асосида ишлайдилар.

Тезкор техник ҳисоб алоҳида хўжалик юмушларини бажариш жараёнида уларга жорий раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш воситасидир. У бажарилган ишларнинг тури ва ҳажмлари тўғрисида, хом-ашёлардан фойдаланганлик, иншоатлар куввати, меҳнат харажатлари қилинган ишларнинг, муддатлари ва сифати, олинган материаллар ва бошқалар тўғрисида маълумот беради. Масалан, қишлоқ хўжалик корхоналарида тезкор-техник ҳисоб тупроқка ишлов бериш, экинларини экиш, уларни парвариш қилиш, шунингдек, янги ерларни ўзлаштириш, мелиоратив ва кимёвий ишлов бериш йўли билан ер турлари ёки қишлоқ хўжалик ерларини яхшилаш, тупроқ эрозиясига қарши кураш сингарилар билан боғлиқ бўлган ишларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини тўла назоратини таъминлайди. Тезкор - техник ҳисоб-китобларда асосан натурал бирликлардан фойдаланилади, шунингдек улар статистик усууллар ёрдамида жамланади.

Бухгалтерия ҳисоби-бу маълум бир вақт ичида халқ хўжалиги режаларини бажарлишини алоҳида йўналишларда ҳар бир корхона фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш усулидир. Барча ишлаб чиқариш воситалари, ялпи ва товар маҳсулотлар, хом-ашё ва материаллар бухгалтирия ҳисоби остида бўлади. Бухгалтерия ҳисобида натурал ҳисоблар ўлчовлар ёрдамида меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори, унинг унумдорлиги, маҳсулотларнинг таннархлари ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар аниқланади. Бухгалтерия ҳисоби аниқ бир корхона фаолиятини тизимли тарзда назорат қилиш ва ушбу корхонага раҳбарлик қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Турли-туман ижтимоий воқейликни ўрганиш ва назорат қилиш статистик ҳисоб-китоб ёрдамида амалга оширилади. Ижтимоий турмушнинг турли қирраларини, жумладан, ишлаб чиқаришнинг маданий-маиший ва бошқа соҳаларини тавсифлайдиган сонли кўрсаткичлар мажмуаси статистика деб аталади. Статистика ижтимоий ва иқтисодий воқейликларни сифат қирралари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда уларнинг миқдорий томонларини ўрганади.

Ўзига хос хусусиятга эга бўлган ер кадастри халқ хўжалиги ҳисобининг умумий тизимида муҳим аћамият касб этади. У ҳам бўлса ер кадастрининг обьекти ҳисобланган ернинг хусусиятлари билан боғлиқдир. Маълумки, ер меҳнатнинг умумий воситасидир, меҳнат жараёнини амалга оширишнинг зарур шартидир. У ишлаб чиқариш воситаси сифатида қишлоқ хўжалигида, саноатда, транспортда ҳамда инсон моддий фоалиятининг бошқа барча жабҳаларида гавдаланади. Аммо, шу билан бирга, ер бошқа қатор ишлаб чиқариш воситаларидан анчагина фарқ қиласи. Булардан асосийлари қўйидагилардир:

- ердан ташқари барча ишлаб чиқариш воситалари инсон меҳнатининг маҳсулидир, ер эса табиатнинг маҳсали ҳисобланади. У табиат инъоми

сифатида меҳнаткашлардан олдин пайдо бўлган ҳамда ушбу међнатнинг табиий шароитидир.

- ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан ишлаб чиқариш воситалари миќдор жићатидан кўпаяди ва сифат жићатидан ўзгариб боради. Ер эса ер шарининг унинг юзаси (майдон) ва у ер шарининг қуруќлик қисми билан чегаралангандир. Ерни бирон бир ишлаб чиқариш воситаси билан алмаштириш имконияти ҳозиргача мавжуд эмас.
- ердан фойдаланиш доимий макон (жой) билан боғлиќ. Уни ишлаб чиқариш воситаси сифатида бир жойдан бошқасига қўчириш мумкин эмас. бошқа кўпгина ишлаб чиқариш воситалари (тракторлар, автомобиллар ва ҳаказо.) доимий ўрин билан боѓланмаган.
- барча ишлаб чиқариш воситалари фойдаланиш жараёнида эскиради, ўзларнинг фойдали хусусиятларини аста-секин йўќотади ва ниҳоят, ишлаб чиқариш жараёнидан умуман чиќиб кетади. Ер эса ваќтнинг емирувчи таъсири измида бўлмаган доимий ишлаб чиқариш воситасидир. Ердан тўғри фойдаланиш натижасида унинг унумдорлиги доимий равишда ортиб боради.

Юќоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ер ўзига хос бўлган, бошқаларга ўхшамайдиган ишлаб чиқариш воситасидир.

Ер участкалари турли ўлчамларда, шаклларда, рельефда, тупроќларда, табиий ўтлар ва гидрографик шароитда учрайди. Ер майдонларининг кенглик шароити қишлоќ хўжалигида катта аћамиятга эга, негаки улар ишлаб чиқариш жараёнларига эмас, балки бутун қишлоќ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга таъсир кўрсатадилар. Ер участкаларининг ўлчамлари, шакллари, жойнинг рельефи ва ернинг бошқа хусусиятлари ишлаб чиқариш воситалари ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш характерини белгилайди, међнат унумдорлигига катта таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси ер майдонларининг кенглик шароитини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатади, ҳамда шу билан бирга ер кадастрини турли план-хариталар ёрдамида юритиш имконини беради.

Ер қишлоќ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситасидир, усиз ћеч ќандай қишлоќ хўжаликда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мумкин эмас. Бундан шу нарса яќќол қўринадики, қишлоќ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни тўғридан тўғри ер билан боѓланган. Турли хил машина ва механизмлар ёрдамида ерни ћайдаш, экинларни экиш ва уларни парвариш қилиш каби инсон фаолияти натижасида ер, энг аввало, међнат предмети сифатида гавдаланади. Шу билан бир ваќтда, маданий экинларни этиштириш жараёнида одамлар тупроќнинг механик, кимёвий ва биологик хусусиятларидан фойдалангандилари ћолда уни бир ваќтнинг ўзида међнат ќуролига ҳам айлантирадилар. Шундай қилиб, међнат предмети ва међнат ќуроли функцияларини бир ваќтда бажаргани ћолда ер қишлоќ хўжалигининг энг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида гавдаланади.

Ер кадастри ишларининг тарихи тўғрисида гап юритилганда, айни́са иккинчи жаҳон урушидан сўнг республикамизда амалга оширилган ишларни қайд қилиш жоиздир.

Маълумки, собиќ Иттифоќнинг Министрлар Совети 1954 йил 31 декабрда мамлакат ер фондининг ягона давлат ћисобини юритиш тўғрисида ќарор ќабул қилди. Ушбу ќарорга мувофиќ ишлаб чиқилган "Ерлардан фойдаланишнинг рўйхати ва ерларнинг давлат ћисобини ўтказиш тартиби хаќида" ги қўрсатмада ер турларидан фойдаланишнинг тўғрилигини тасдиқлаш маќсадида тупроќларнинг сифати ва хоссалари ћаќида маълумотлар зарурлиги кўрсатилган. Бундай қўрсаткичларга: тупроќ типлари, механик таркиби, гумус ќатламининг чуќурлиги, шўрланганлик даражаси, ер ости сувларининг чуќурлиги, ер ости ќатламининг сув ўтказувчанлик ћолати ва бошқалар киради. Юќорида қўрсатилган маълумотларни фаќат йирик маштабдаги тупроќ хариталардан олиш мумкин бўлган. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси ќишлоќ хўжалик вазирлигидаги ер тузиш бошқармаси ќошида 1956 йили маҳсус гурућ ташкил ќилинди ва 1959 йилга келиб 102 туманда тупроќ хариталари тайёрланди.

Кейинчалик тупроќ унумдорлигини ошириб бориш, ўѓит ва сувдан фойдаланишни яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш маќсадида 1959 йили Ўзбекистон Республикаси Министрлар Советининг "Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларида тупроќ текширув ишларини ташкил ќилиш хаќида" ги 270-сонли ќарорига биноан Ўзбекистон ќишлоќ хўжалиги вазирлиги Тупроќшунослик институти ќошида Республика тупроќ текширув экспедицияси ташкил ќилинди ва у 1961 йил июн ойида ћозирги "Ўздаверлойића" илмий лойићалаш инситутига ўтказилди.

1959-1967 йиллар давомида ушбу институт ёрдамида республиканинг сұғориладиган мінтаќаларида жамоа ва давлат хўжаликлари майдонларида катта ћажмдаги тупроќ текширув ишлари тугалланиб, 4,3 млн ерга йирик масштабда, шу жумладан, 3,3 млн.гага 1:10000 маштабда тупроќ хариталари тузилган. Ушбу даврда биринчи марта пахтакор хўжаликлари ерларининг сифати бўйича тавсифланиб, "Паспортлаш" ишлари ўтказилган. Бу тадбир ўз вақтида ер фонди таркибини текшириб қўриш ва ўѓит солиш, сұғориш, шўрланган ва эрозияга учраган ерларнинг мелиорацияси тўғрисидаги таклиф ва тавсияларга ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, сұғориладиган хўжаликлар ичидаги бўш ерларни ва фойдаланилмай ётган ерларни ўзлаштириш манбаларини ќидириб топиш хамда ћисоблаб чиқиши имконини берган.

1966-1967 йиллар ичida олинган тупроќ текширув ишлари натижаларининг хужжатлари асосида республиканинг сұғориладиган ерларини йўќлама ќилиш амалга оширилган. Натижада ќишлоќ хўжалиги ер турларини сифатини кўрсатувчи ќайдномалар тузилиб пахтакор хўжаликларига топширилган.

Жамоа ва давлат хўжаликлари тупроқ хариталарини тайёрлаб берилиши ер тузиш ташкилотлари га ерларнинг миқдорини ҳисобга олиш билан бир қаторда уларни сифатини ҳисобга олиш учун имкон берди. Бундан ташқари келажакда ҳосилдорликни оширишни режалаштиришда агротехникани тўғри олиб бориш ва тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишида юқорида қайд этилган хариталар катта амалий аћамиятга эга бўлди.

Ўзбекистонда 1967-йилдаги тупроқни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилишининг кечиктириб бўлмас тадбирлари хақидаги қарорга биноан тоғли лалмикор минтақаларнинг ювилиш бўйича тупроқ текширув ишлари ўтказилди.

Ўзбекистонда 1969 йил 2 октябрдаги 1594-р сонли қарори билан Республика тупроқ экспедицияси асосида "Узгипрозем" институти қошида Ер кадастри филиали ташкил қилинди. Бу филиал республикада ер кадастри ишларини бошлаб, ерлар сифатини аниқлаш, тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий баҳолаш ишларини бажара бошлаган.

Республикада ер кадастрини юритишни янада такомиллаштиришда собиқ Иттифоқ Министрлар Совети томонидан 1977 йил 10 июнда қабул қилинган "Давлат ер кадастрининг юритиш тартиби тўғрисида"ги маҳсус қарор қабул қилинган. Ушбу қарорга биноан ер кадастри ердан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, ер ҳисоби ва ерларни баҳолаш ишлари комплекс тадбир сифатида ягона услубият асосида ўтказила бошланди.

Ўзбекистон Республикасини мустақиликка эришиши, иқтисодиётда бозор муносабатларини шаклана бориши биринчи галда ер муносабатларини тубдан қайта қуришни тақозо қилди. Бу эса ўз навбатида давлат ер кадастрини юритишни хам шакллантириш заруриятини тутғирди. Буларнинг барчаси 1998 йилга келиб Ўзбекистон Республикасининг янги Ер кодексини, "Давлат ер кадастри тўғрисида" ги қонун ва ердан фойдаланиш, давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бўлган қатор меъёрий хужжатларни қабул қилинишига асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси" нинг 15-моддасига ҳамда "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонуннинг З -моддасиги биноан " Давлат ер кадастри давлат кадастрларининг ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, хўжалик, хуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ҳамда хужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказишни амалга ошириш билан бир қаторда миқдори ва сифатини ҳисобга олишни, тупроқ бонитировкасини, ерларнинг қиймат баҳосини, шунингдек ер кадастрига доир ахборотларни бир тизимга солиниши, сақланиши ва янгилаб туришни ўз ичига олади.

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, ердан о́килона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган һа́к ми́дорларини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо бериш ма́ксадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўгрисидаги маълумотлар билан таъминлашга мўлжаллангандир.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда, ер участкаларини бериш (реализация қилиш) ва уларни қайтариб олишда, ер учун тўланадиган һа́к ми́дорини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда тадбиќ этилади.

Давлат ер кадастри республика учун ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат кадастри ва ер тузиш хизматлари органлари томонидан юритилади.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупроќ, агрокимё, геоботаника ва бошқа йўналишларда текшириш ва қидиувлар олиб бориш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ҳамда мулқдорларнинг ер участкалрига бўлган ҳуку́кларини рўйхатга олиш билан таъминланади.

Ю́корида қайд қилингандардан келиб чиққан ҳолда давлат ер кадастри қуидаги таркибий қисмлардан иборат:

- ер участкаларига бўлган ҳуку́кларни давлат рўйхатига олиш;
- ер майдонларини ми́дор ҳамда сифат жиҳатдан ҳисоб қилиш;
- тупроќ бонитровкаси ва ерларни иктисодий баҳолаш.

Ер участкаларига бўлган ҳуку́кларни давлат рўйхатига олиш-ер кадастрининг биринчи таркибий қисми бўлиб, у ер майдонларини ҳуку́кий жиҳатдан хўжалик ҳолатини таъминлайдиган тадбирлар тизимини ўз ичига олади. Бу тадбир ер - мулкларни, ердан фойдаланувчиларнинг чегаралари бўйича ерларни маълум субектларга қонуний бириттириб қўйиш фойдаланиш ҳуку́кларини берувчи давлат хужжатларини топшириш, субъектларни туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобига қайд қилишни ўз ичига олади.

Ер майдонларининг ҳисоби-ер майдонларининг ми́дори ва сифати бўйича тўлиқ маълумотларни олиш, қайта ишлаш, маълум бир тизимга ва тартибга келтириш ҳамда саклаш бўйича мажмуали тадбир ҳисобланади. Ерларни ми́дор жиҳатидан ҳисоб-китоб қилиш уларни маълум маъмурий ҳудудий бирликларга, ер тоифаларига, ердан фойдаланувчиларга ва ер турлари бўйича тақсимланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Ерларни сифат жиҳатидан ҳисоб қилинганинг вазифаси-тупроќ қатлами ҳамда ердан фойдаланувчилар нуќтаи назаридан ер турларини табиий, мелиоратив ва хўжалик ҳолатига ҳар томонлама тавсиф беришдан иборатдир.

Тупроқ бонитровкасининг асосий мақсади ерларни табиий, барқарор хусусиятлари һамда хўжалик шароитида ва фойдаланиш жараёнида олган сифатлари бўйича баҳолашдан иборат. Тупроқ бонитировкаси натижалари ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда һолисона асос бўлиб хизмат қилади.

Ерларни иқтисодий баҳолаш - бу маҳсус иқтисодий қўрсаткичлар асосида ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан самарадорлик хусусиятини уларнинг иқтисодий унумдорлигини қиймат жиҳатдан баҳолашдир. Ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ердан фойдаланишнинг табиий (тупроқ бонитети баллари орқали), иқлимий (самарали һарорат йиғиндиси, ёғингарчилик миқдори ва бошқалар), хўжалик (ишлаб чиқаришнинг жадаллашгандик даражаси) ва технологик (контурлилик, майдонлар шакли, ишчи қияликлар ва бошқалар) шароитлари бутун бир мажмуя тарзда һисобга олинади.

### **Мустақил ўрганиш учун саволлар.**

1. Ҳисоб-китоб кишилик жамиятининг ривожланишида қандай аћамият касб этган?
2. Халқ хўжалигида мавжуд бўлган ҳисоб-китобларнинг қандай турларини биласиз?
3. Ўзбекистонда ҳисоб-китоб ишларининг тури сифатида ер кадастри қай тарзда вужудга келган?
4. Ер кадастрини ҳисоб-китоб тури сифатида қандай ўзига хос хусусиятлари мавжуд?
5. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврларда Ўзбекистонда қандай ер кадастри ишлари амалга оширилган?
6. Бозор муносабатлари шароитида ўтказилаётган ер кадастри қандай ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради?
7. Давлат ер кадастрининг қисқача мазмуни қандай?
8. Давлат ер кадастри қандай таркибий қисмлардан иборат?

## **1.2. Давлат кадастрларининг ягона тизимида ер кадастрининг ўрни, вазифаси ва аћамияти**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маћкамасининг 1996 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрлари Ягона тизимини ташкил этиш һамда уни юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш һақида» ги 255-сонли қарорига биноан бугунги кунда Республикада қатор ривожланган ҳорижий давлатлардаги сингари давлат кадастрининг ягона тизими

яратилмо́да. Давлат кадастрининг ягона тизими (ДКЯТ) – бу барча турдаги давлат ва тармоқ кадастрларини ягона тамойил асосида бирлаштирувчи куп қиррали информацион тизим һисобланади. ДКЯТ ер юзасининг һар бир һисобкастр участкаси бўйича уларнинг географик һолатини, һукукий һамда хўжалик статусини ёритган һолда ер, сув, ўрмон, қазилма бойликлар, ўсимликлар ва һайвонот дунёси, қўчмас мулк ва бошқа табиий, шунингдек хўжалик ресурслари тўғрисидаги хужжатлаштирилган маълумотларни ўз ичига олади. Бундай такомиллашган тизим асосан Ўзбекистон Республикасининг табиий иқтисодий салоҳиятини умумдавлат нуктаи назаридан мажмуали тарзда һисоб китоб қилиш ва баҳолашни таъминлаш мақсадида яратилади һамда юритилади. Ер участкалари ва объектларнинг һукукий һолатлари тўғрисидаги маълумотлар, белгиланган тартибга мос һолда аниқланган тармоқ кадастрларининг маълумотлари ДКЯТ нинг асосини ташкил этади.

ДКЯТ асосан давлат бошқарув тизимини, юридик һамда жисмоний шахсларни уларнинг фаолиятлари учун зарурий маълумотлар һамда һудудлар ва қўчмас мулк тўғрисидаги маълумотлар билан тезкорликда таъминлашга мўлжалланган. Унинг маълумотлари давлат бошқарувининг барча тизимлари, юридик һамда жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл фуқаролари учун зарурий кучга эгадир. Кадастр хужжатлари мулкчилик һамда хўжалик юритишнинг барча шаклларининг объектлари тўғрисидаги бирламчи һукукий иқтисодий ва техник маълумотлар сифатида қабул қилиниши зарур.

ДКЯТ нинг объектлари қўйидагилардир:

- табиий ресурслар (ер, сув, ўрмон, ер ости қазилма бойликлари ва бошқ.);
- бинолар ва иншоатлар, транспорт ва муҳандислик коммуникациялари;
- геодезик тармоқлар пунктлари;
- ДКЯТ вазифаларини бажариш учун зарур бўлган объектлар;

ДКЯТ нинг объектлари тўғрисидаги маълумотлар республика бўйича қўйидагича ягона технологик асосида қаралади:

- давлат ер кадастри бўйича – жойлардаги давлат һокимияти тизими, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизими томонидан;
- давлат сув кадастри бўйича – гидромелиорация бўйича Бош бошқарма (табиий сув манбаалари), геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси (ер ости сувлари), қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (сув ресурсларидан фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив һолати);
- давлат ўрмон кадастри бўйича – қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ўрмончилик Бош бошқармаси);
- давлат ер ости қазилма бойликлари кадастри бўйича – геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитаси;
- алоҳида муҳофаза қилинадиган һудудлар бўйича – табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ва Фанлар Академияси;
- һайвонот дунёси, ўсимликлар дунёси бўйича – Фанлар Академияси;

- кўчмас мулк кадастри бўйича – жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда Геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси;
- давлат қурилиш кадастри бўйича – жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда архитектура ва қурилиш Давлат қўмитаси;

ДКЯТ нинг маълумотлари асосан қўйидаги маъсадлар учун фойдаланилади:

- иктиносий ислоҳатларни, жумладан ер ислоҳатини амалга ошириш;
- ҳудудни мажмуали тарзда ижтимоий иктиносий ривожлантиришга дастурлар ва башоратлар тузиш;
- табиий ресурслар ва қучмас мулкни мажмуали тарзда ҳисоб қилиш, баҳолаш ҳамда даврий мониторингини ўтказиш;
- хўжалик юритиш субъектлари томонидан табиий обьектлар ва ҳудудларга етказилган зарарни баҳолаш;
- ҳудудлар тўғрисида маълумотлар талаб қилинадиган бошқа фаолиятларни амалга ошириш.

ДКЯТ ни вужудга келтириш ҳамда ушбу тизим фаолиятини такомиллаштириб бориш Ўзбекистон Республикаси Геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси ҳамда унинг вилоятлар ва туманлар (шахар) ҳокимиятларидаги кўчмас мулк кадастри хизматларига юклатилган. Улар ўз фаолиятларини Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туман (шахар) ҳокимиятлари томонидан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ ҳолда олиб борадилар.

ДКЯТ қўйидаги тамоилларга биноан юритилади:

- республиканинг барча ҳудудларини тўла қамраб олиш;
- марказлашган раҳбарлик;
- кадастр маълумотларини қайта ишлаш ва тақдим этишининг бирлиги;
- барча турдаги кадастрлар тизимининг ер кадастри асосида шаклланиши;
- автоматлаштирилган информацион технологияларни қўллаш;
- маълумотларнинг обьективлиги, тўлалиги, аниқлиги ҳамда ҳаққонийлиги;
- маълумотларни тўлдирилиши ва янгиланишининг узлуксизлиги;
- маълум чегараланган фойдаланувчилардаги мавжуд маълумотларнинг маҳфийлиги.

Шундай қилиб, республикада шундай ягона информацион кадастри тизими вужудга келмоқдаки, у сўзсиз иктиносидиётимиз тармоқлари учун ҳозирги бозор муносабатлари шароитида сўзсиз муҳим амалий аћамиятга эга бўлади.

Тизим таркибига кирувчи ер кадастри қолган барча кадастрлар обьектлари айнан ушбу майдонларнинг устки ёки остки қисмларида шаклланган ва жойлашган. Ушбу обьектлар бўйича тармоқ кадастрларини юритишда биринчи галда ер тутғисидаги маълумотларга таянилади. Бу ҳол сўзсиз албатта давлат ер кадастрини тўғри ва ҳар томонлама асосланган ҳолда юритишни тақозо қиласи.

Ер ресурсларидан тўғри, оқилона ҳамда самарали фойдаланиш – иқтисодиёт аҳамиятига молик бўлган муаммодир. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётдаги мавжуд ерларни имкони борича тармоқлараро оптимал тарзда тақсимлашни, мумкин қадар камроқ харажатлар сарфлаган ҳолда ҳар гектар ер майдони ҳисобига кўпроқ миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мунтазам равишда, илғор агротехник тадбирлар асосида, ошириб боришни билдиради. Бу муаммони ҳал қилиш ер кадастрини тўлиқ ҳажмларда ўтказиш зарурлигини туғдиради.

Давлат ернинг ягона тўлақонли эгаси сифатида ер фондини бошқаришни амалга оширади. Бу эса ўз навбатида ер кадастрига давлат аҳамиятини беради. Унинг маълумотлари, биринчи навбатда, ер участкаларига бўлган ҳукуқларни рўйхат қилиш, ер ресурсларини давлат томонидан бошқаришни янада такомиллаштириш мақсадларида фойдаланибина қолмасдан, балки ерларга давлат эгалиги ҳукуқини муҳофаза қилиш мақсадларида, шунингдек, бошқа мулкдорлар ва фойдаланувчилар ҳукуқларини ҳам муҳофаза қилишда фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан ҳам ер кадастри маълумотлари фақатгина иқтисодий аҳамиятга молик бўлибина қолмасдан, ҳукукий аҳамиятга ҳам эгадир.

Ер кадастри маълумотлари давлат ёки бошқа жамоат мақсадлари учун ер ажратишни асослашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Халқ хўжалиги манфаатлари нуқтаи назардан юқорида қайд қилинган мақсадлар учун биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида яроқсиз бўлган ёки кам яроқли бўлган, шунингдек, ҳеч бир субъектга ажратиб берилмаган ерларни ажратиш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабли бундай масалаларни ҳал қилишда ер фондининг ҳақиқий ҳолати, тақсимоти ва амалдаги фойдаланиши тўғрисида, шунингдек қишлоқ хўжалик ерларининг маҳсулдорлиги тўғрисидаги маълумотларга зарурият туғилади. Бу маълумотлар ер ажратишнинг мақбул ечимларини асослаш учун ҳам зарурдир.

Ишлаб чиқаришнинг йил сайин ривожлана бориши билан унга кўпроқ табиий ресурслар миқдори жалб этиб борилади. Бунда ўз навбатида иқтисодий, ижтимоий, технологик ва биологик жараёнларнинг ўзаро боғликлиги кучаяди. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг мақбул ҳолда амалга оширилиши ҳам жамият ҳамда табиат қонунлари тўғрисида чуқур ва ҳар томонлама билимларга асосланди. У фақатгина моддий бойликлар яратибина қолмасдан шу билан бир вақтда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиатдаги мавжуд экологик барқарорликни ушлаб туриши зарур. Шу нуқтаи назардан ҳам табиий ресусларни, жумладан ер ресурсларини муҳофаза қилиш иқтисодиёт аҳамиятига молик бўлган муаммо ҳисобланади. Шунинг учун унга давлат томонидан катта аҳамият берилади. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида ҳам атроф-муҳитни, жумладан ер ресурсларини муҳофаза қилиш, ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай тадбирларга ҳудудни оқилона ташкил этиш, тупроқ

унумдорлигини ошириш, ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босищдан, захланишдан, қайта шўрланишдан, қақраб қолишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан ҳимоя қилиш, бузилган ерларни тиклаш ва уларни қайта экинзорларга айлантириш кабилар киради. Бундай долзарб муаммоларни ҳал қилиш мамлакат ер ресурсларининг сифат ҳолати тўғрисида тўлиқ, ишончли ва сифатли маълумотларга асосланиши зарур.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада жадаллаштириш ва ривожлантириш бўйича хукуматимиз олиб бораётган аграр сиёсатни амалга ошириш бўйича ҳам ер кадастри бўйича катта вазифалар юклатилган. Жумладан, "Ер кодекси, Солик кодекси, «Ширкат (кооператив) хўжалиги тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунларни амалётга тадбиқ қилиш, қишлоқ хўжалигига аграр ислоҳатларни амалга ошириш биринчи галда ер кадастри маълумотларига асосланади.

Маълумки, республикамиз вилоятлари, туман (шахар)лари ўзларининг жойлашуви бўйича турли мінтақаларга, иклим, рельеф ва тупроқ шароитларига эгадир. Бундай ҳолда ушбу вилоятлар, туманлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри, илмий асосланган ҳолда белгилаш, асосий экинлар ҳосилдорликларини келгусига тўғри режалаштириш ҳамда шу асосда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ер кадастри маълумотлари асосида олиб борилади.

Ер кадастри материаллари ердан фойдаланганлик учун ҳақ ундиришда бирламчи асос бўлиб хизмат қилиши зарур. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади. Ер учун ҳақ ҳар йил тўланадиган ер солиги шаклида олинади, унинг миқдори ер участкаларининг сифатига, жойлашган ўрнига ва сув билан таъмнланиш даражасига қараб белгиланади. Ер участкалари ижарага берилган тақдирда ер учун тўлов ижара ҳақи шаклида олинади, унинг миқдори томонларнинг келишувига мувофиқ белгиланади, лекин у ер солиги ставкасининг бир бараваридан кам ва уч бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак. Ердан қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларида фойдаланилган тақдирда ижара ҳақи ер солиги ставкасининг бир баравари миқдорида бўлади.

Ер кадастри маълумотлари ерлар ҳолатини ва улардан фойдаланишни яхшилаш бўйича тадбирларни режалаштириш учун ҳам ниҳоятда зарур. Давлат томонидан ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулқдорларига ердан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилюна ва самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришда табиатни муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш, ўзининг хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик, тупроқни сув ва шамол эрозиясидан, қайта шўрланиш, ботқоқланиш ва ифлосланишдан асраш бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиқиш каби мажбуриятлар юклаган. Буларни амалга

ошириш учун албатта ер майдонларининг сифат жиҳатидан олиб бориладиган ҳисоб-китоб маълумотлари зарур бўлади.

Маълумки, мелиорация, жумладан қишлоқ хўжалиги ерларини ирригациялаш ва сувдан фойдаланиш тизимида асосланган сунъий суғориш республикамиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бирламчи асоси ва ерлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш шартидир. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган ва суғориш манбалари билан боғланган, доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган майдонлар суғориладиган ерлар жумласига киради. Кадастр баҳосига қўра ўртacha туман бонитет баллидан 20 фойиздан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига киради. Бундай суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва суғориладиган ерларни суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмаслиги бўйича тадбирлар белгилайди. Юқоридагилардан якъол кўриниб турибдики, бундай ҳолларда хам ер кадастри материаллари, жумладан ер ҳисоби ва ерларни баҳолаш маълумотлари катта аћамият касб қиласди.

Ер кадастри маълумотларини ҳозирги шароитда айниқса ер тузиш ишларини, жумладан хўжаликларо ва ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларини иктиносидий жиҳатдан асослашда ўта зарурдир. Қайд қилиш зарурки, кейинги йилларда республикамиздаги ердан фойдаланувчилар ва ер участкалари мулқдорларининг турли шакллари вужудга келмоқда. Бу эса юқорида қайд қилинган субъектларга ер ажратиш уларнинг майдонларини ташкил этиш, янга шаклдаги алмашлаб экишларни жорий қилишни тақазо қиласди. Бу ҳол эса ўз навбатида ер кадастри материалларига асосланади.

Ер кадастри қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини, энг аввало, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини таълил қилиш учун ҳам катта аћамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қишлоқ хўжалик ишларининг ўлчамлари ва ҳолатини ҳисоб-китоб қилибгина қолмасдан, балки улар маҳсулдорлигини сиёсий баҳолаш, биринчи навбатта, алоҳида қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш самарадорлиги нуқтаи назардан баҳолаш зарурияти туѓилади.

Шундай қилиб, ер кадастрининг вазифаси бугунги кунда кўп қирралиkdir. Улар халқ хўжалиги талабларидан жумладан, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш заруриятлари ҳамда талабларидан келиб чиккән. Буларнинг барчаси давлат ер кадастрининг халқ хўжалиги ахамиятига молик эканлиги яна бир карра намоён киласди.

Мустақил ўрганиш учун саволлар.

1. Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ) нима?
2. ДКЯТ нинг объектларига нималар киради?
3. ДКЯТ ни юритиш қандай тамойилларга таянади?

3. ДКЯТ ни вужудга келтириш ва ривожлантириш қайси ташкилотга юклатилган?
4. ДКЯТ да ер кадастрининг ўрни қандай?
5. Давлат ер кадастрларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Давлат ер кадастрларининг иқтисодиёт тармоқларидағи аћамияти тўғрисида нималарни биласиз?

### **1.3. Давлат ер кадастрининг турлари, тамойиллари ва ҳужжатлари**

Ўтказилиш мазмуни ва тартибига қараб давлат ер кадастри асосан икки турга бўлинади: асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик).

Асосий ер кадастрининг вазифаси ер майдонларининг табиий, хўжалик ҳамда ҳуқуқий ҳолатлари тўғрисида маълумотларни бирламчи сифатда олиш ва уларни ер кадастри хужжатларида ёритишдан иборат. Асосий ер кадастри даврий равишда ер майдонларининг қайта тасвирга олишдан, ерларни холатини кузатувдан, ер баъолаш ишларини бажаргандан сўнг, янги ердан фойдаланувчилар ёки ер мулкдорлари ташкил этилганда, шунингдек, қайтадан тасдиқланган ер кадастри хужжатларини навбатдаги тулдириш чоѓида ўтказилади.

Асосий ер кадастрида ердан фойдаланувчиларнинг умумий майдонлари, ер турларининг таркиби, ерларнинг сифат ҳолати, тупроқларнинг бонитет баллари ва ерларнинг иқтисодий баъолари тўғрисидаги маълумотларни ўзида материаллар ва хужжатлар тўпланади, бир тизимга келтирилади ва таълил қилинади. Тўпланган материаллар чуќур ўрганилади, уларнинг тўлиқлиги аниқланади ва объективлиги текширилади. Зарур ҳолларда мавжуд материаллар таълил қилинади ёки мавжуд бўлмаган маълумотларни олиш учун қўшимча ишлар бажарилади. Асосий ер кадастри ер фондининг ҳолати тўғрисида аниқ маълумотлар беради. Ер майдонлари тўғрисида бундай аниқ маълумотларнинг мавжуд бўлиши келгусида ундан оқилона ва самарали фойдаланиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши имконини беради.

Эътироф этиш жоизки, ер кадастри маълумотлари, жумладан ер турлари ва уларнинг таркиби майдонлар бўйича доимо ўзгариб туради. Ушбу ер кадастри маълумотларини шу куннинг талаб даражасига бўлинишини таъминлаш учун ушбу ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаб бориш хамда ер кадастри хужжатларида ёритиб бориш керак. Бу эса ўз навбатида жорий ёки кундалик ер кадастрини юритиб бориш заруриятини тутдиради.

Жорий ер кадастрининг вазифаси асосий ер кадастри ўтказилгандан сўнг ер майдонларидан фойдаланишда рўй берадиган ўзгаришларни аниқлаш ва уларни ер кадастри хужжатларига туширишдан иборат. Бундан ташқари, бошлангич ёзувлардаги хатоларни тузатиш ва замон талабларига мос қўшимча маълумотларни ҳам киритиш жорий ер кадастрининг вазифасига киради.

Бошқача қилиб айтганда, жорий кадастр ер кадастри маълумотларини бугунги кун талаб даражасида бўлишини таъминлайди.

Асосий ва жорий кадастр ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган ер кадастри-нинг босқичлариdir. Асосий кадастр жорий кадастрни юритишга замин яратади. Жорий кадастр, асосий кадастр маълумотларини янгилагангани ва тўлдирилгани ҳолда ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни тизимли тарзда шу куннинг талаби даражасида ушлаб туради. Шу сабабли ҳам жорий ер кадастри бўйича ишлар асосий ер кадастри ишлари тугагандан сўнг бирданига ташкил этилиши зарур.

Ер кадастри маълумотларининг аниқлиги ер тузиш, ўрмон тузиш, тасвирга олиш ва кузатув материалларининг сифатига боғлиқ. Жорий ер кадастри ишларида асосий ер кадастри материалларидан фойдаланилади.

Ер кадастрини юритишида бир қатор тамойилларга амал қилиш зарур. Давлат ер кадастрининг бундай асосий тамойилларига қўйидагилар киради: мамлакатнинг бутун ҳудудини тўла қамраб олиш, фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш, ер кадастрига доир ахборотлар ишлаб чиқиши услубиятининг бирлиги ер кадастрига доир ахборотларнинг тўғри бўлиши, қонунийлик узлуксизлик, кўргазмалилик, марказлашган рађбарлик ва бошқалар.

Маълумки ер кадастри ишлари мамлакатнинг барча ҳудудларида ягона услубият асосида бажарилиши зарур. Бир даврда мамлакатнинг барча ҳудудларини тўла қамраб олган ҳолда ўтказилган ер кадастри ишларининг натижалари ҳам республикамизнинг ер майдонлари тўғрисида аниқ фикр-мулоҳазалар юритиш имконини беради.

Ер кадастри мақсадлари учун фойдаланиладиган план-картографик материалларни тайёрлашда бугунги кунда фазовий координаталарнинг ягона тизимини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Негаки бундай план-картографик материаллар катта аниқликка эга бўладилар, улардан фойдаланиш ер кадастрини юқори аниқликда ўтказиш имконини беради.

Ер кадастрини юритишида қонунийлик тамойилига алоҳида эътибор берилади. Бу тамойилнинг бажарилиши асосан давлатимизни ер, ундан фойдаланиш, ер кадастри ва уни юритиш бўйича қабул қилган қонунлари ҳамда бошқа қатор меъёрий хужжатлари билан таъминланади. Ўкуйкий демократик жамиятнинг асосий ташкилий тадбирларидан бири ҳисобланган ер кадастри мустаҳкам ҳукуйкий базага эга бўлиши зарур. Буларга Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси”, “Давлат ер кадастри тўғрисида” ги қонун, ер кадастрини юритиш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари, йўриқномалар, ерлардан фойдаланишни давлат назоратини ўрнатиш, ер тузиш ва ерларни муҳофаза қилиш бўйича бошқа меъёрий хужжатлар киради.

Ер кадастрини юритиш узлуксиз ҳолда амалга оширилиши зарур. Жумладан ер кадастри ердан фойдаланишда рўй берадиган ўзгаришларни доимий равишда ҳисобга олиб ер фонди ҳолатининг аниқ тавсифини бериши зарур. Бундан кўринадики, ер кадастри маълумотлари ерларнинг табиий,

хўжалик ва ҳуқуқий ҳолатларида бўладиган жорий ўзгаришларни тизимли тарзда аниқлаб берилиши керак. Эътироф этиш зарурки, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасидаги ер майдонларда ҳар йили жуда кўп сонли ўзгаришлар кузатилади. Маъмурӣ туман (шахар), вилоят ва ниҳоят мамлакат бўйича эса бундай ўзгаришлар жуда катта миқдорларни ташкил этади. Бу ўзгаришларни доимий равишда аниқлаб бориш ягона ер фондидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ бошқариш имконини беради. Шунинг учун ҳам ер кадастрини узлуксиз равишда ўтказиш зарур бўлади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, ер кадастрига доир ахборотлар тўғри бўлиши керак. Унинг барча кўрсаткичлари қатъий аниқ, ҳақиқатга тўла мос келиши зарур. Ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий, табиий ва хўжалик ҳолатларига мос бўладиган фақатгина объектив маълумотлар мамлакат ер фондидан тўғри фойдаланиш ва бошқариш бўйича давлат вазифаларини бажариш учун муваффақиятли қўлланилиши мумкин. Шунинг учун ҳам ер кадастри хужжатларига бирламчи ёки жорий ўзгаришларни киритиш уларни тасдиқловчи хужжатларга асосланилади.

Ахборотлар тўғри бўлиши нуқтаи назардан ердан фойдаланувчиларнинг ўзлари ҳам ер кадастрини тўғри юритишлари катта аћамиятга эгадир. Шунинг учун ҳар бир ердан фойдаланувчи ер кадастрини юритиш бўйича ўзидағи зарур хужжатларда ер таркибида рўй берган барча ўзгаришларни аниқ ҳисобга олган ҳолда туман ҳокимиятияга ердан фойдаланишнинг ҳақиқий ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этиши зарур.

Хўжаликлар, маъмурӣ туманлар кундалик ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятларида ер кадастри маълумотларидан тўғри ҳамда кенг фойдаланиш учун улар мумкин қадар кўргазмали бўлиши зарур. Яъни, ер кадастри маълумотлари оддий, тушунарли ҳамда турли план-харита материалларида ҳам акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Ер кадастрини мамлакат ҳудудларида тўғри юритиш ҳамда улардан кенг миқъёсда фойдаланиш марказлашган раҳбарлик тамоилии асосида давлат ҳокимияти органлари томонидан назорат қилиш билан таъминланади. Ер кадастрининг яхлитлигини таъминлаш бўйича умумий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади. Вилоятда ер кадастри ишларига умумий раҳбарлик вилоят ер ресурслари Геодезия, картография ва давлат кадастри бошкармасига, туман (шахар)да эса туман (шахар) ер ресурслари Геодезия, картография ва давлат кадастри хизматига юқлатилган.

Маълумки, асосий ва жорий ер кадастри уларнинг мазмуни ва моћиятига мос ҳолда ер кадастри хужжатларида ёритилади. Ўзларининг моћиятига қараб ер кадастри хужжатлари матн-ёзув ва график-чизма турларига бўлинади. Матн – ёзув хужжатлари китоб, қайднома, тушунтириш хатлари кўринишида улиб, ер кадастри маълумотлари натурал кўрсаткичларда ёритилади. График-чизма хужжатлари – бу ер кадастри ишлари ўтказилаётган ҳудудни маълум

масштабларда қоғозда акс эттирилиши асосида олинадиган турли план-хариталар, чизмалардир.

Матн ва график - чизма хужжатлар ўртасида доимий равишда узвий боғлиқлик мавжуд. Матн хужжатлар одатда график хужжатлардаги маълумотлар асосида тўлдирилади ва аксинча.

Ер кадастри хужжатлари мазмуни ва моҳияти бўйича асосий, ёрдамчи, бирламчи хужжатларга бўлинади. Асосий ер кадастри хужжатлари ўз навбатида ҳисоб-китоб ва ҳисбот турларига бўлинади. Маъмурий туман (шаҳар) бўйича ер кадастрининг асосий ҳисоб-китоб хужжати – бу туман (шаҳар) давлат ер кадастри китобидир. Ушбу китобда одатда туман (шаҳар) бўйича барча ердан фойдаланувчилар ер мулқдорларининг рўйхати, ерларнинг миқдор ва сифат ҳисоби, тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий баҳолаш маълумотлари қайд қилинади. Ўз моҳияти бўйича иккинчи муҳим ҳисоб китоб хужжати – бу туманнинг навбатчи кадастри харитасидир. У туманда мавжуд бўлган барча ердан фойдаланувчилар, ер мулқдорлари ва бошқа бирликларни маълум масштабдаги харитада ҳудудий жойлашуви бўйича аниқ тасаввур беради. Ер кадастрининг асосий ҳисбот хужжатлари – бу туман (шахар), вилоят ер баланси миллий ҳисбот.

Ердан фойдаланувчиларнинг асосий кадастри хужжатлари – бу барча ерлардан фойдаланишни ҳисобга олиб борадиган ҳамда уларда юз берадиган ўзгаришларни даврий равишда тизимли тарзда ёритадиган хужжатлардир. Бунга асосан ерлардан фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи давлат далолатномалари, ерга мулқ ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ер кадастри китоби ва ердан фойдаланувчиларнинг турли мазмундаги план-хариталари киради.

Ёрдамчи ер кадастри хужжатларига асосан ишчи дафтарлар, ер мулқдорлари, ердан фойдаланувчилар рўйхати, ҳисботлар ва уларга иловалар, тушинтириш хатлари, очерклар, картограммалар, диограммалар киради. Улар асосий ер кадастри хужжатларида келтириладиган маълумотларни тўлдирадилар.

Асосий ер кадастри хужжатларига ер кадастрини юритиш учун бирламчи хужжат маълумотларидан фойдаланилади. Бошлангич тарзда ер кадастрини юритиш ҳамда жорий ўзгаришларни киритишида ҳам бирламчи хужжатлар асос бўлади. Бундай хужжатларга асосан ер тузиш, ўрмон тузиш, майдонларни тасвирга олиш, ерларни йўқлама қилиш, ер ва экин турларини маҳсус асбоблар ёрдамида назоратли ўлчов, тупроқ, агрокимё, геobotаник ва мелиоратив кузатув материаллари, ердан фойдаланишда рўй берган ўзгаришларни ўлчов натижалари бўйича материаллар, тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш, майдонлар юзаларини ҳисоблаш қайдномалари кабилар киради.

Асосий ер кадастри хужжатларида юқоридагилар билан биргаликда ер кадастри маълумотларини қонуний равишда тасдиқловчи унга ҳуқуқий асос бўладиган хужжатлар ҳам зарур. Буларга асосан “Ер кодекси”, “Давлат ер

кадастри тўғрисида” ги ва “Давлат кадастрлари тўғрисида” ги қонунлар Вазирлар Маҳкамасининг, вилоят ва туман ҳокимяtlарининг ер муносабатларини тартибга солиш ва ердан фойдаланиш соҳаларидаги қарорлари киради.

### **Мустақил ўрганиш учун саволлар.**

1. Давлат ер кадастри ўз мазмунига қараб қандай турларга бўлинади?
2. Асосий ер кадастри қайси вақтда ўтказилади?
3. Жорий ер кадастри нима сабабдан ўтказилади?
4. Ер кадастри қандай тамойиллар асосида юритилади?
5. Ер кадастри хужжатлари қандай турларга бўлинади?
6. Асосий ер кадастри хужжатларига нималар киради?

## **1.4. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди – ер кадастрининг объекти сифатида**

Республикамиз ер фонди ер кадастри билан узвий боғлиқдир. Чунки айнан ер кадастри мамлакатимиз ҳамма ер майдонларида ягона услубият асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида ер - давлат мулки, умуммиллий бойлиқдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур. Ер давлат томонидан муҳофаза қилинади. Давлат ернинг асосий эгаси сифатида ер фондига эгалик қилиш ва ундан тўғри фойдаланишни ҳам ташкил этиши зарур. Шундай ташкилий тадбирлардан бири давлат ер кадастри ҳисобланади. Демак, мамлакатнинг ягона ер фонди-ер кадастрининг объекти ҳисобланади. Ер фонди ундан фойдаланишнинг асосий мақсадига қараб қўйидаги тоифаларга бўлинади:

- 1) қишлоқ хўжалиги ерлари - қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ёки шу мақсадларга мўлжалланган ерлар;
- 2) аҳоли пунктларининг ерлари (шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари), шаҳар ва поселка ва қишлоқ аҳоли пунктлари чегаралари доираларидаги ерлар;
- 3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар;
- 4) табиатни муҳофаза қилиш, согломлаштириш рекреация мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар;
- 5) тарихий-маданий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган ерлар;
- 6) ўрмон фонди ерлари;
- 7) сув фонди ерлари;
- 8) заҳира ерлар.

Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ажратиб берилган ерлар шу соҳага мўлжалланган ерлар деб ҳисобланади. Бу ерлар қишлоқ хўжалиги мақсадларида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган экинзорлар, дараҳтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, берк сув хавзалари, бинолар ва иншоотлар, аҳоли яшаш жойлари билан банд бўлган ерларга ажратилади. Ҳайдаладиган ерлар, кўп йиллик дархтзорлар (Боғзор, токзор ва тутзорлар), яйловлар, пичанзорлар ва бўз ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш мақсадларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативларига (ширкатларга), бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш, деҳон хўжалигини, хусусий боғдорчилик, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги учун Республика фуқароларига, ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган корхоналар; муассасалар ва ташкилотларга берилади.

Қишлоқ хўжалиги ерларини ирригациялаш ва сувдан фойдаланиш тизимиға асосланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ерлардан фойдаланиш жараённида тупроқ унумдорлигини оширишнинг шартидир. Қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ва сўғоришни таъминлай оладиган сўғориш манбааси билан боғланган доимий ёки муваққат сўғориш тармоғига эга бўлган ерлар сўғориладиган ерлар жумласига киради. Сўғориладиган ерлар давлат органлари томонидан махсус муҳофаза қилинади, уларни сўғорилмайдиган ерлар сарасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупроқ – мелиоратив ва иқтисодий шароитларни ҳамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва уларга белгиланган меъёрлашни эътиборга олиб вилоят ҳокимларни томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Шаҳар ва посёлка доирасидаги барча ерлар шаҳарлар ва посёлкалар ерларига киради. Шаҳар ва посёлкалар ерлари таркибиға шаҳар қурилиши ерлари, умумий фойдаланишдаги ерлар, қишлоқ ҳужалигига фойдаланиладиган ерлар, дараҳтзорлар эгаллаган ерлар, саноат транспорт, алоқа, мудофаа ерлари ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий – маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар, сув фонди ерлари ва заҳира ерлар киради.

Қишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига белгилаб қўйилган чегаралари доирасидаги ҳамма ерлар киради. Қишлоқ ва овул, ўзини-ўзи бошқариш органлари тассарруфидаги қишлоқ аҳоли пунктларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари муассасалари ва ташкилотлари фойдаланадиган ерлар киради.

Саноат ерлари жумласига саноат корхоналарига, жумладан ундирма саноат ва энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоатлар қурилишига доимий фойдаланиш учун бериб қўйилган ерлар

киради. Транспорт ерлари жумласига темир йўл, ички сув транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоатлари, қурилмалари ва бошқа объектларни ишлатиш, сақлаб туриш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга бериб қўйилган ерлар киради. Алоқа ерларига алоқа тизими объектларини ћамда уларга тегишли иншоатларни жойлаштириш, алоқа, радиоэшиттириш, телевидения ва ахборот корхоналари муассасалари ва ташкилотларида доимий фойдаланиш учун бериб қўйилган ерлар киради. Қуролли кучлар, чегара, ички ва темир йўл қўшинларининг ћарбий ќисмлари, ћарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жойлашиши ћамда доимий фаолияти учун бериб қўйилган ерлар мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади. Бошқа мақсадлар учун мўлжалланган ерлар жумласига корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фойдаланадиган, қишлоқ хўжалиги ерлари аћоли пунктлари, саноат транспорт, алоқа, мудофаа, табиатни муђофаза қилиш, соғломлаштириш, рекриацион ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар таркиби, шунингдек ўрмон ва сув фонdlари таркиби кирмаган ерлар киради.

Сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда бериб қўйилган сув хавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари ва һ.) гидротехника ва бошқа сув хўжалиги иншоатлари эгаллаб турган ерлар, шунингдек сув хавзаларининг қирѓоқлари ва бошқа сув объектлари бўйлаб ажратиб қўйилган зонадаги ерлар сув фонди ерлари жумласига киради.

Табиатни муђофаза қилишга мўлжалланган ерлар таркиби корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга маҳсус мақсадлар учун берилган давлат қўриқхоналари, миллий ва дендрология боѓлари, ботаника боѓлари, буюртма боѓлар (овчиликка мўлжалланган ерлар бундан мустасно), табиат ёдгорлиги ерлари киради.

Касалликнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун қулай, табиий шифобахш омилларга эга бўлган, тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланиш учун белгиланган тартибда бериб қўйилган ер участкалари соғломлаштириш ишлари учун мўлжалланган ерлар жумласига киради.

Аћолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ва ташкилотларга берилган ерлар - рекреация учун мўлжалланган ерлардир. Тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланиш учун бериб қўйилган тарихий – маданий қўриқхоналар, меъмориал боѓлар, маќбаралар, археология ёдгорликлари, тарихий ва маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар тарихий-маданий аћамиятга молик ерлар қаторига киради. Ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади. Ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайишини

тўхтатиш, шаҳарлар ва саноат марказлари теварагидаги ихота ўрмонзорлари ва кўкарамзор майдонлар барпо этиш учун бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар ўрмон фонди ерлари таркибига белгиланган тартибда ўтказилиши мумкин. Фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга фойдаланиш учун берилмаган барча ерлар заҳира ерлардир. Бундай ерлар жумласига доимий эгалик қилиш ва доимий фойдаланиш ҳукуки тугатилган ерлар ҳам киради. Заҳира ерлар, туман ва шаҳарларнинг давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлади ва қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилиш, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади. Туман ҳокими маҳаллий аҳамиятга молик заҳира ерларнинг айрим участкаларини ўз қарори билан посёлка, қишлоқ ва овулларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тасарруфига бериши мумкин. Қуйидаги 1 – жадвалда Ўзбекистон Республикаси ягона давлат ер фондининг ер тоифалари бўйича тақсимланиши келтирилган.

#### 1 - жадвал

**Республика ер фондини ер тоифалари бўйича тақсимланиши  
(2005 йил 01.01 гача бўлган ҳолати)**

Т.р	Ер тоифалари	Умумий майдони	
		минг. га.	%
1	Қишлоқ хўжалик ерлари	25789,8	58,1
2	Аҳоли яшаш ерларининг майдони	230,6	0,5
3	Саноат транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадлар учун ажратилган ерлар	1934,2	4,4
4	Ўрмон фонди ерлари	8050,4	18,1
5	Сув фонди ерлари	810,2	1,8
6	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекриацион	12,6	-
7	Тарихий–маданий аҳамиятига молик ерлар		
8	Давлат заҳира ерлари	7582,5	17,1
	Жами ерлар	44410,3	100,0

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, умумий ер майдонининг 58,1 фоизини қишлоқ хўжалик ерлари, яъни қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар ерларини ташкил қиласди.

Олиб борилаётган ер ҳисоби шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда 2005 йил 1 январга суғориладиган ер майдони 4277,6 минг гектар бўлиб, умумий майдоннинг 9,6 фоизини ташкил этади. Ушбу майдонлардан олинаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 95,0 фоизини ташкил этади. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқариш манбаъларини жадал ривожлантиришда суғориладиган ерлардан тўғри ва оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш катта аҳамият қасб этади. Ягона ер фонди нафақат фойдаланиш мақсадлари бўйича, балки ҳар бир ердан фойдаланувчилар бўйича ҳам ажратилади.

Республикамизда ћозирги кунда асосий ердан фойдаланувчилар – жамоа, кооператив (ширкат) хўжаликлари, фермер ва бошқа ќишлоќ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, саноат, транспорт ва бошқа нокишлоќ хўжалик корхоналари, муассасалари, ќўшма корхоналар ћамда алоҳида фуқаролар ћисобланади. Шундай экан, ер кадастри ёрдамида ер фондининг ердан фойдаланувчиларнинг гурућлари бўйича ћам уларни таксимланиши тўғрисида маълумотлар бериши керак. Ердан фойдаланувчилар гурућлари бўйича тавсифлар олиш учун ер кадастри ћар бир ердан фойдаланувчи учун алоҳида юритилиши лозим. Шу сабабли асосий ер кадастри бирлиги – бу ердан фойдаланувчи субъектдир. Ердан фойдаланиш – бу ягона давлат ер фондининг таркибий ќисмини ташкил этган, маълум бир ердан фойдаланувчига ќатъий белгиланган маќсадларда давлат томонидан берилган ћудуддир. Ердан фойдаланувчи субъект маълум майдонга, жойдаги ўрнига, шаклига ва доимий чегарасига эга.

Ердан фойдаланувчи субъектга ер бериш ер ажратиш асосида амалга оширилади. Ер участкаларини фойдаланиш учун ажратиш ер ќонунлари хужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маћкамасининг ќарори, вилоят, туман ва шаћар ћокимиётларининг ќарорларига асосан амалга оширилади. Ердан фойдаланувчилар ер участкасидан меёрий хужжатларда белгиланган асосий маќсадлар бўйича фойдаланишлари зарур. Берилиш муддатларига ќараб ердан фойдаланиш икки турга бўлинади: доимий ва ваќтинчалик. Олдиндан муддати кўрсатилмасдан берилган ерлар муддатсиз ёки доимий фойдаланишдаги ерлар деб эътироф этилади. Ердан муддатли фойдаланиш ќиска муддатли уч йилгача ва узоќ муддатли – уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиќариш эътиёжлари талаб ќилган ћолларда бу муддатлар тегишлича ќиска муддатли ёки узоќ муддатли даврга узайтирилиши мумкин. Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари ќишлоќ хўжалиги корхоналарига 25 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Берилган шароитига ќараб ерлар бирламчи ва иккиламчи ердан фойдаланишга ажратилади. Бирламчи фойдаланиш тўғридан-тўғри давлат ћокимияти органлари томонидан ажратилади. Буларга жамоа хўжаликлари, кооперативлар (ширкатлар), бошқа ќишлоќ хўжалик корхоналари, саноат корхоналари, транспорт муассасалари, ўрмон хўжаликлари ва бошқалар киради.

Бирламчи ердан фойдаланишда ќонунда кўзда тутилган тартибда томорқа участкаларига иккиламчи тартибда ер берилиши мумкин. Бунда ширкат (жамоа) хўжалигининг ерларидан иккиламчи фойдаланиш учун ер майдонлари, хўжалик аъзоларининг умумий мажлис ќарорига асосан, бошқа ердан фойдаланувчиларга ерлар – маћаллий ћокимият ќарори бўйича берилади.

Муддатсиз ердан фойдаланиш учун ердан фойдаланиш ћукуларини берувчи давлат далолатномаси билан тасдиќланади. Давлат далолатномасига биноан ќишлоќ хўжалик корхоналарига бириктирилган ерлар жамоа ерларига ва томорқа ерларига бўлинади. Томорқа ерлари жойларда жамоа ерларидан

ажратилади. Қишлоқ хўжалик корхоналари аъзолари, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ишчилар, хизматчилар ва бошқа фуқаролар томорқа ерлари майдони ер кадастри китобида ҳамда қишлоқ фуқаролар Кенгашининг хўжалик дафтарларида қайд қилган ҳолда расмийлаштирилади. Ер майдонларидан вақтингчалик фойдаланиш давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан расмийлаштирилади.

Ердан фойдаланиш ер кадастрининг асосий бирлиги сифатида ўз мазмунига қараб турлича бўлиб, фойдаланиш тавсифи бўйича фарқланувчи турли табиий – тарихий хусусиятларга эга бўлган ер участкаларининг йигиндисидан иборат. Булар ер турларини ташкил этади. Ер кадастри ердан фойдаланувчи чегарасида ерлар турлари бўйича юритилади. Шу сабабли ер тури ер кадастрининг асосий элементи хисобланади. Турлича табиий хусусиятларга эга бўлган, аниқ бир ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиладиган ер участкалари ер турлари деб эътироф этилади.

Ер турларини таснифлашда айниқса қишлоқ хўжалик ер турларини ажратиш муҳимдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда бевосита фойдаланиладиган ер турларига қишлоқ хўжалик ер турлари деб эътироф этилади. Буларга ҳайдалма ерлар, кўп йиллик мевали дараҳтзорлар, яйловлар, пичанзорлар, бўз ерлар киради.

Қишлоқ хўжалигида бевосита фойдаланилмайдиган ер турлари бўйича ҳам алоҳида ҳисоб юритиб борилади. Булар ўрмонлар, боткоёликлар, кўллар, йўл ва йўлаклар, қурилишлар, ҳовлилар, кўчалар, майдончалар билан банд ерлар, қумликлар ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлардир.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш мақсадида тизимли тарзда мунтазам фойдаланадиган ер тури ҳайдалма ерлардир. Бунга экилган кўп йиллик ўтлар ва дам бериш учун қолдирилган шудгор ерлар ҳам киради. Пичанзор ва яйловларни яхшилаш мақсадида ҳайдалиб, чорва учун экилган ўтлар ва дараҳтлар орасига экилган майдонлар экин ерларига кирмайди. Сунъий равишда яратилган мевали кўп йиллик дараҳтзорлар, бутазорлар ёки ўтсимон кўп йиллик ўсимликлар, маҳсулот берадиган доривор ва техник дараҳтзорлар кўп йиллик дараҳтзорлар деб юритилади. Уларга боғлар, токзорлар, тутзорлар ва мевали кўчатзорлар киради. Мева ҳосилини олиш учун экилган кўп йиллик дараҳтзорлар боғларни ташкил этади. Токзорлар – узум олиш мақсадида экилган ишкомлардир; тутзорлар – ипак қуртини боқиши учун экиладиган тут плантациялари; мевали кўчатзорлар – кўп йиллик маданий мевали дараҳт кўчатларини етиштириш учун фойдаланиладиган ерлар таркибига киради.

Мунтазам экин келинган, аммо бир йил (куздан-кузгача) ва ундан ортиқ даврда ҳайдалмаган ва фойдаланилмай қолган ерлар бўз ерлардир. Чорва моллари учун дағал хашак сифатида узлуксиз пичан ўриб туриладиган қишлоқ хўжалик ерлари пичанзорлар деб аталади. Кўпроқ пичан ўриб олиш мақсадида ҳолати яхшиланган пичанзорлар ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалигида чорва молларини узлуксиз боқиши учун фойдаланиладиган ерлар яйловлардир.

Яйловлар асосан тубдан яхшиланган, маданий, тоғ чорва моллари ўтлайдиган, сув билан таъминланган турларига ажратилади. Тубдан яхшиланган яйловлар – чорва моллари истеъмол қиласидаги табиий ўсимликларни бойитиш мақсадида маҳсус ўт уруғлари сепилган һамда саксовул ва бутазорлар ташкил қилинган ер майдонлари; маданийлашган яйловлар – зарурий тартибда ишлов берилган, доимо ўғитлатиб, чорва моллари учун ўт ўсиши яхшиланган вақти – вақти билан чорва моллари ўтлатиладиган яйловлар; тоғ яйловлари – тоғлик ерларда жойлашган яйлов ерлар; чорва моллари ўтлатиладиган яйловлар – хўжалик марказидан узоқ муддатга (бутун мавсум давомида) чорва молларини ўтлаши учун ажратилган яйловлар; сув билан таъминланган яйловлар - мавжуд чорва молларини сув истеъмоли билан таъминлай оладиган, сув манбасига эга бўлган яйловдир.

Дарёлар, кўллар ва каналлар атрофида жойлашган яйловлар һам сув билан таъминланган һисобланади.

Ўрмон фонди ерлари – ўрмон дараҳтлари билан қопланган, шунингдек, ўрмонга қўшилмаган якка дараҳтлар, жарликлар атрофига экилган дараҳтлар, қиялик, баландлик, дарё қирғоқларига сув һавзалари атрофларига қўмликлар ёнларида, ўрмон – боғ ерлари, ўрмон кўчатзорлари, шунингдек, дараҳтлари кесиб олинган ўрмон ерлари, очик қолган ерлар, сийраклашиб қолган ўрмонлар, ёғоч кесиши учун ажратилган ерлар ва ёнгиндан нобуд бўлган (ёнгинга учраган) ўрмон кўчатзорлари ерларидаир. Ўрмонзорлар учун кўчат етиширишга ажратилган ер майдонлари ўрмон кўчатхонасиdir. Ўрмон учун кўчатзорлар: уруғликдан олинадиган кўчатзор, кўчат экиш учун ер бўлимлари бирламчи (бошлангич) кўчат экиш ерлари, кўкарган қаламчалар ва қаламча қилиб экиладиган кўчатзор бўлимларига бўлинади.

Ихота дараҳтзорлари – алмашлаб экиш майдонларини шамолдан тўсиш, сувориладиган ва қурилиш иншоатлари таъсирида тупроқ эрозиясидан сақлаш, қурғоқчиликдан ва бошқа табиий ноқулайликлардан асраш мақсадида экиладиган ўрмон дараҳтзорлариdir. Ботколик-ер ости сувларининг кўтарилиши һамда ёғингарчилик натижасида тупроқнинг устки қатлами сернам бўлиб кетган ерлардир. Жарликлар-ер қатламининг эрозия таъсирида ёмон жойлашганлиги ёки тупроқ қуви қатламларининг генетик һолати ва қия кесикилиги бир метрдан ортиқ бўлган ерлардир. Қуйидаги жадвалда республика вилоятлари бўйича асосий ер турлари майдонларининг тақсимланиш маълумотлари келтирилган  
(2- жадвал).

2-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики республикамиз бўйича асосий қишлоқ хўжалик ери һисобланган һайдалма ерлар 4056,6 минг гани, яйлов ва пичанзорларэса 22263,4 минг гадан иборат. Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда мамлакат ер фондида бўз ерларнинг майдони асосиз равишда ошиб кетмоқда. Олинган маълумотларга қараганда, агарда 1993 йилда бўз ерлар майдони республикамиз бўйича 53,6 минг гани ташкил этган бўлса, 2005 йилга

келиб 80,7 минг гадан иборат бўлган. Томорқа ерлари билан 651,4 минг га, ўрмонлар ва бутазорлар билан 1511,9 минг га, мелиоратив тайёргарликдаги ерлар билан 79,3 минг га майдон эгалланган.

Маълумки, ҳар бир ер тури алоҳида контурлардан иборат. Контур деб одатда бир хил ер турига ҳамда ёпиқ ташқи чегарага эга бўлган майдон тушунилади. У маълум бир майдон ва аниқ бир хўжалик аҳамиятига эгалиги билан тавсифланади. Контурларнинг майдонлари қанча катта бўлса техникадан самарали фойдаланиш шунча қулай бўлади.

#### **Мустақил ўрганиш учун саволлар.**

1. Давлат ер кадастрининг обьекти нима?
2. Ўзбекистон Республикасининг ягона ер фонди қандай тоифаларга бўлинган?
3. Кишлоқ хўжалик ерлари деб қандай ер майдонларини ҳисоблайсиз?
4. Ердан фойдаланиш деб нимага айтилади?
5. Муддат бўйича ердан фойдаланиш қандай турларга бўлинган?
6. Бирламчи ва иккиламчи ердан фойдаланишлар тўғрисида нималарни биласиз?
7. Ер тури деб нимага айтилади? Қандай ер турлари қишлоқ хўжалик ер турларига киради?
8. Суғориладиган ерлар таркибига қандай ерлар киради?

2-Жадвал

**Республика вилоятлари бўйича ер турлари майдонларининг тақсимланиши**

(2005 йил 01.01. га бўлган юлати минг га ҳисобида)

Вилоятлар	Умумий майдон	Шу жумладан:									
		Ҳай- далма- ерлар	Шун- дан су- ѓорила- диган	Кўп йиллик дараҳт- зорлар	Бўз ерлар	Яйлов ва пичан- зорлар	Қишлоқ хўжалик ерлари- нинг жами	Томор- қа ерлари	Ўрмон ва бута- зорлар	Мелиора- тив ю- лати ях- шиланан- диган ерлар	Бошқа ерлар
Ҷон	16100,6	419,2	419,2	12,0	8,0	4855,2	5294,4	44,6	592,2	27,1	10142,3
Андижон	430,3	199,1	199,1	28,4	3,9	21,6	253,0	52,2	3,5	1,9	119,7
Бухоро	4193,7	200,3	200,3	24,0	5,2	2685,1	2914,6	55,3	232,5	4,0	987,3
Жиззах	2117,8	477,5	256,6	18,6	6,3	739,0	1241,4	31,8	173,3	7,2	664,1
Қашқадарё	2856,8	669,7	417,7	34,6	23,5	1503,2	2231,0	73,6	109,8	20,9	421,5
Навоий	10937,4	112,6	92,1	10,6	7,0	10009,0	10140,0	20,3	0,7	2,8	773,6
Наманган	717,5	197,2	197,2	36,4	3,3	158,9	395,8	45,1	24,6	1,4	250,6
Самарқанд	1677,4	477,4	261,9	53,3	4,5	806,1	1301,3	85,1	11,7	4,5	279,8
Сурхандарё	2009,9	284,7	245,6	34,2	1,7	865,0	1185,6	58,2	201,5	0,2	564,4
Сирдарё	427,6	256,2	256,2	7,4	11,3	23,6	298,5	18,8	3,4	4,6	102,3
Тошкент	1513,2	333,9	298,9	42,6	0,8	397,6	774,9	57,7	81,1	1,3	548,2
Фарғона	715,3	256,3	256,3	36,9	-	26,0	319,2	66,9	17,7	1,5	310,0
Хоразм	681,6	212,5	212,5	13,7	5,2	172,3	403,7	41,5	58,5	1,9	176,0
Жами	44410,3	4056,6	3313,6	352,9	80,7	22263,4	26753,6	651,4	1511,9	79,3	15414,1

## **2-Боб Ер кадастри маълумотларини олиш кайта ишлаш ва тахлил килиш усуллари**

### **2.1. Ер кадстри маълумотларини олиш йуллари**

Ер кадастрини муваффакиятли юритиш уз навбатида ерларнинг хукукий, хужалик хамда табиий холатлари тугрисидаги маълумотларни талаб килади. Бу эса ер кадастрининг хар бир таркибий кисми учун уларга мос келадиган курсаткичларни аниклаш заруриятини тугдиради. Ер кадастрининг умумий тавсифидан куринаники, уни юритиш учун, ер майдонлари кимнинг мулклигига, эгалигига ёки фойдаланишига, улар кандай муддатларга берилган, хар бир ер эгалиги, ердан фойдаланувчи ёки ер мулкдори ерларининг майдонлари канча, ер турларининг таркиби ва майдонлари, ерларнинг сифати холат хамда киймат баҳолари кандайлиги тугрисидаги жуда куп сонли маълумотларни билиш талаб килинади. Хар бир таркибий кисм буйича бундай курсаткичларнинг нисбатлари турличадир. Масалан, ер участкаларига булган хукукларни руйхатга олиш, ерларни микдорий жихатдан хисобга олишда ер кадастри маълумотлари ер участкасига хукук тури, бириктирилган майдоннинг микдори, фойдаланиш муддатлари, ер турлари буйича худудни булиниши ва ерларнинг мелиоратив холатлари тугрисидаги маълумотлар билан чегараланади.

Ерларни сифат жихатидан хисоб килишда ер турларининг майдонлари тугрисидаги маълумотлар билан бир каторда ерларнинг сифатини тавсифлайдиган тупрокларнинг табиий хусусиятлари тугрисидаги хам маълумотлар зарур. Бундай курсаткичларга тупрок типлари, механик таркиби, шурланиши, овилиш даражаси, тупрокларни озука моддалари билан таъминланганлиги, гумус катлашининг микдори ва бошталар киради. Улар асосан у ёки бу табиий белгиларини вужудга келиш даражалари буйича бир-бирларидан фарқ киладилар. Масалан, тупроклар механик таркиби буйича енгил, урта ва оғир таркибларга; озука моддалари билан таъминланиши буйича озот, фосфор ва калий билан наст, уртача ва юкори

таъминланган; шурланиш даражаси буйича шурланмаган, кам, уртача, юкори даражада шурланган; эрозияга учраганлиги буйича эрозияга учрамайдиган, кам, уртача ва кучли учрайдиган типларга ажратилади.

Тупрок бонитировкаси –ер майдонлари ва бонитет баллари, ерларни иктисодий жихатдан баҳолари каби курсаткичлар билан тавсифланади.

Умуман юкоридагилардан куринаники, ер кадастрини илмий асосда юритиш жуда куп сонли турли-туман маълумотларни олиш, материалларни туплаш ва урганиш уларни тахлил килиш хамда бир тизимга келтиришни талаб килади.

Ер кадастри маълумотларини олиш учун турли усуллардан фойдаланилади. Улар ер кадастри курсаткичларининг моҳиятига боғликдир. Масалан, ер майдонларини хисоблаш учун жойни тасвирга олиш буйича ишлар утказилади, тупрокларнинг табиий хусусиятларининг курсаткичларини аниклаш учун-ерларни кузатув, ерларни иктисодий жихатдан баҳолаш учун эса ерларни хужалик жихатдан фойдаланиш тугрисида статистик маълумотларни туплаш, кайта ишлаш ва тахлил килиш ишлари бажарилади.

Ер кадастри ишлари-бу бир вактнинг узидағина утказиладиган тадбир эмас, балки ерларнинг холати хакидаги маълумотларни олиш ва янгилаб туриш буйича доимий жараёндир. Ер кадастри маълумотларини бир тизимга келтириш ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ер мулқдорлари томонидан ишлаб чиқариш фаолиятларидан ундан максадли фойдаланишлари учун, шунингдек ер фондини давлат томонидан бошқариш учун зарурдир. Шунинг учун хам, энг аввало, ер кадастри маълумотларини олиш йуллари тугрисида аник бир тасаввурга эга булиш мухимдир. Буларга асосан жойни тасвирга олиш ва кузатув ишлари киради.

Ер кадастри маълумотларининг аниклиги, одатда, ернинг хукукий, табиий ва хужалик холати буйича ер кадастри маълумотларини олиш усулларига боғлик. Бундай маълумотлар план-картографик материалларда хамда матн хужжатларида ёритилади.

План-картографик материаллар-бу ер майдонларининг кенглик жойлашиши, холати хамда фойдаланишини когозда маълум бир масштабда акс эттирилган материаллардир. Ернинг кенглик жойлашиши шакли, томонларининг нисбатлари, ёнма-ён жойлашган ерлар буйича чегараларни белгиланиши билан тавсифланади. Бу материаллар ер кадастри маълумотларини кургазмалигини таъминлайди, майдонларни туширилиб колдирилишидан ёки кайтарилишидан огохлантиради, зарур булган маълумотларни доимий равишда ва объектив тарзда олишга имкон беради. План картографик материалларсиз ер кадастрининг хеч бир таркибий кисми буйича маълумотлар олиш амалий жихатдан мумкин эмас.

План –картографик материаллар, одатда, ер устида тасвирга олиш, аэрофототасвирга олиш хамда фазодан тасвирга олиш ишлари натижасида олинади. План-картографик материаллар ер кадастрининг асосий талабини-ер кадастри маълумотларининг зарурий аниклигини таъминлаши зарур. Бу эса, уз навбатида хаританинг масштабига баглий. Масштабни танлаш контурларнинг улчамларига, ердан фойдаланиш характерига хамда хужалик юришишнинг жадаллашганлик даражасига караб амалга оширилади. Майда контурлилик шаротида 1:10000 масштабда тайёрланган план-картографик материаллар ер кадастри учун максадга мувофик булади. Чул худудларида, яъни ер массивлари йирик контурлардан иборат булган жойлар учун 1:25000 масштабли план-картографик материаллардан фойдаланиш мумкин. Сугориладиган минтакаларда хамда ер турлари таркибида куп йиллик дарахтзорларнинг микдори куп булган хужаликлар учун 1:10000 ёки 1:5000 масштабли план-картиграфик материаллардан фойдаланиш максадга мувофикдир. Шахарларда, шахар типидаги

Поселкаларда ва кишлок ахоли пунктларида ер кадастрини юритиш одатда 1:2000 масштабли план-картографик материаллар зарур.

Аэофототасвир ишлари ёрдамида олинган материаллар ер кадастри маълумотларининг айникса юкори аниклигини таъминлайди.

Аэрофототасвирларнинг афзаллик томонлари шундан иборатки, улар ер

эгалиги ёки ердан фойдаланишни микдорий хамда сифат тавсифини тузиш имконини беради. Аэрофатотасвиirlар ёрдамида тузилган планлар жойнинг шундай характерли холотларини, куринишларини акс эттириш имкониятига, эгаки, ер устилар тасфирга олиш асосида бунга эришиб булмайди. Фатопланлар ёрдамида наинки алоҳида ер турлари чегараларининг аник тасвиirlарини, балки уларнинг сифат холотларини хам олиш мумкин. Аэрофатотасвиirlар ёрдамида наинки ер майдонларининг улчамларини, шу билан бирга, тупрок хилларини бир-бирларига алмашиш чегараларини, турли хил мелиоратив, маданий-техкин тадбирлар талааб килинадиган участкалар, шунингдек турли утлар таркалган участкалар чегараларини хам ажратиш мумкин.

Ернинг сунъний йўлдошлари, космик кемаларнинг учирилишини ривожланиши, космик лабораторияларни вужудга келиши муносабати билан ер юзасини аэрокосмик усуллар ёрдамида ўрганишга имконият пайдо бўлди. Бу усул ерни дистанцион зондлаш деб юритилади. Космик аппаратлар ёрдамида ер ресурслари тугрисида маълумотлар олишнинг анчагина кенг таркалган усуллари –бу оптик ва инфра кизил диапазонларда купспекирли тасвирга олиш ва радиолокацион тасвирга олишdir. Биринчи усул ёрдамида ер майдонларида таркалган тупроклар ва усимликларнинг характери тугрисида, ер участкаларини шурланиш ва намланганлик даражаси, сув манбаларининг ифлосланиш даражалари тугрисидаги маълумотларни олиш мумкин. Иккинчи усул билан наинки ер майдонларининг устки кисмини, балки ер ости катламларини урганиш, жумладан, ернинг устки катламларини баҳо бериш, топографик ҳар..... масалаларини хал килиш, ер ости сувлари чукурлигини аниклаш ва бошка масалаларни хал килиш мумкин.

Ернинг устки кисми буйича олинган космик тасвиirlар катта илмий ва амалий ахамиятига эгадир. Одатда, табиий ресурсларни урганиш учун фойдаланиладиган анъанавий усуллар турли вактларда ва булак-булак холда утказилган хусусий кузатувларни бирлаштириш ва туплашга асосланади.

Космик тасвирлар эса ер устини кенг камровли тарзда ёришгани холда киска муддатларда маълумотлар олиш, кийин ва борит булмас жойлар тугрисида хам тезкор маълумотлар олиш имконини беради. Космосдан тасвирга олиш материаллари табиий ресурслар тугрисида кенг камровли маълумотлар беради ва шу сабабли хам иктисодиётнинг турли тармокларида фойдаланилади. Худудни географлар, нефтчилар, картографлар, ер тузувчилар, мелиораторлар, тупрокшунослар, кишлок ва урмон хужалиги мутахассислари томонидан комплекс тарзда урганиш каттагина техник-иктисодий самара беради.

Ер устини аэрокосмик усулда тасвирга олиш ерлардан окилона фойдаланишни ташкил этиш максадида ер ресурсларини урганиш буйича куйидаги масалаларни хал килиш имконини беради: кишлок хужалик ерлари майдонларини кенгтайтириш учун ер ресурсларини аниклаш буйича тадбирлар ишлаб чикиш ерларини сифат холатини яхшилаш, тупрокни эрозиядан муҳофаза килиш, шурланиш ва боткокланишга карши кураш; маҳсулдор ерларни ифласланганлигини, аниклаш ва йукотиш иктисодиётнинг турли тармокларида ердан фойдаланишнинг макбул назоратини амалга ошириш; атроф-мухитга кишлок хужалигининг таъсирини баҳолаш; кишлок хужалик экинларини ишлаш муддатларини аниклаш ва бошқалар.

Якин келажакда аэрокосмик тасвирга олиш ер кадастрида маълумотлар олишнинг асосий манбаси булади. Кайд килиш зарурки, аэрокосмик тасвирга олиш материалари асбоби катта масштабларда, яъни катта худудларда ер кадастри маълумотларини олиш учун кулланилади. Алоҳида ер эгаликлари, ердан фойдаланувчилар тугрисидаги ер кадастри маълумотларни олиш учун одатдаги аэрофототасвирлардан фойдаланиш мумкин.

Ер кадастри маълумотларини янгилаб туриш учун мавжуд план-картографик материалларни корректировка килиш (түгрилаш) йули билан жорий узгаришларни график хисоби утказилади. Корректировка бу жойни

тасвирга олиш ёки охирги марта корректировка утказилганидан кейинги даврда ер эгалигидан, ер турларида руй берган узгаришларни жойда аниклашва план-картографик материалларга туширишдир. План-kartографик материалларни корректировка килиш уни жойдаги холат билан, яъни ер майдонларининг хакикий холати билан таккослаш, ва аникланган узгаришларни ер эгалиги планида график жихатдан ёритишидир.

Корректировка ишлари турли усуллар билан пулат лента, теодолит, мензула ва бошка геодезик асбоблар ёрдамида утказилади. Кейинги йиллари чет мамлакатларда ишлаб чикарилаётган электрон тахеометрлар, GPS-500 мажмуасидан хам фойдаланиш корректировка ишларини юкори сифатда, тез суратларда бажариш имконини беради. Агарда ер эгалиги худудидаги контурларнинг 30 фоизи ва ундан ортигига узгаришлар мавжуд булса жойни кайтадан тавирга олиш ишлари бажарилиши зарур.

Зарурий ер кадастри маълумотлари, шунингдек турли ерларни кузатув ишларининг материаллари асосида таъминланади. Бундай кузатувларнинг асосий вазифаси ер турларининг хакикий холатини аниклаш хамда келгусида улардан фойдаланишни жадаллаштириш имкониятларини аниклашдан иборат. Кузатувлар асосан икки турга булинади: агроХужалик ва маҳсус.

АгроХужалик кузатувлари ташки белгилари ва хужалик фойдаланиши маълумотлари буйича ерларнинг сифат холати тугрисидаги зарурий маълумотларни олишни таъминлайди. Кузатув натижалари план-картографик материалларда ёритилади ва маҳсус агроХужалик кузатувлар кайдномасига тушуралади.

Аммо агроХужалик кузатувлари эгалигининг тула тавсифини бермайди. Шунинг учун хам агроХужалик кузатувларидан ташкари ерларни маҳсус кузатув ишлари утказилади. Уларга тупрок. Агрокимёвий, мелиоратив ва геоботаник кузатувлар киради.

Тупрок кузатувлари кейинчалик тупрок банитировкасини утказишда фойдаланиладиган тупрокларнинг асосий табиий хусусиятлари буйича

микдорий курсаткичларни олиш максадида утказилади. Тупрок кузатувларининг курсаткичлари дала ишларини ва лаборатория анализларини бажариш натижасида олинади.

Агрокамёвий кузатувлар озука моддалари билан таъминланиши буйича тупрокларга тавсиф беради.

Ер ости сувларининг чукурлиги ва уларни намланиши буйича ерларга тавсиф бериш учун мелиоратив кузатувлар утказилади.

Геоботаник кузатувлар табиий ем-хашак ер турларини уларда усаётган табиий утларнинг таркиби ва сифати буйича тавсифини таъминлайди.

### **Мустакил урганиш учун саволлар**

1. Ер кадастри маълумотларига кандай маълумотлар киради?
2. Ер кадастри маълумотлари кай усууллар ёрдамида олинади?
3. Ер кадастри максадлари учун план-картографик материалларини тайёрлашнинг кандай усуулларини биласиз?
4. План-картографик материалларни тайёрлашнинг кандай замонавий усуулларини биласиз ва бу усуулларнинг кандай афзалликлари мавжуд?
5. План-картографик материаллар кандай тадбир ёрдамида янгланиб турилади?
6. Кузатув ишлари нима ва уларнинг кандай турлари ер кадастрида фойдаланилади?

## **2. Ер кадастри маълумотларни олиш ва кайта ишлашнинг ситатистик усууллари .**

Ер кадастри иктисодиёт тармоклари хисобинииг тартибий кисми булгани холда ер майдонлариниг хукукий, табий холда хужалик холатлари тугрисидаги маълумоеларни олиш кайта ишлаш ва тахлил килишнинг ситатистик усуулраига асосланади. Маълум бир татқикотобектини урганиш

учун бирламчи маълумотлар олишга ситатискада лузатув дийлади.

Ситатистик кузатувнинг асоай мохияти иштимоий хәётдаги вокийликлар ва жараёнлар тугрисидаги турли туман маълумотларни режалаш тарзда илмий ташкил этилган холда йулашдан иборат. Масалан урларни иктиносидий жихатдан баҳолаш учун ерлардан фойдаланиш характерини тахлил килишда ерларни ва ер эгаларини уртасидаги таксимотини ур шурларини таркибий тупрок банитирофкаси материалари, экин майдонлари, хосилдорлик, соғдаромад ялпи маҳсулот микдорлари, сарфланган мгдий ва меҳнат ресурслари еугрисидаги маълумотлар тупланади, кайта ишланади ва шу асосда баҳолаш иши утказилади .

Ситатистик кузатуилар татқикотнинг асосий звеноси хисобланади. Улар ёки бу вокелик учун бирламчи маълумотлар беради. Шу сабабли табиийки, статистик маълумотларни тахлил килиш натижасида килинадиган хулосаларнинг асослилиги кузатув натижасида олинадиган маълумотларнинг тулалигига ва сифатига боғлиқдир. Чунончи, аник ва катъий ишончли холда маълумотларни туплаш статистик кузатувларнинг зарурий шартли булади.

Статистик кузатувлар маълум бир режа асосида утказилади. Бу режада кузатувларнинг шакллари, турлари ва усуслари, шунингдек кузатувларни амалга ошириш буйича ташкилий тадбирлар кайд килинади.

Статистик кузатувларнинг асосий шакллари –бу хисобот ва руйхатга олишдир (перепись) . Хисобот-бу шундай кузатув шаклини, бунда статистик ерганлар, маълум муддатлар буйича, корхона, муассаса ва ташкилотлардан конуний белгиланган хужжат куринишидаги зарурий материалларни олади. Хисобот шакллари ва уларни текшириш муддатлари Республика марказий статистикка бошкармаси (МСБ) томонидан белгиланади. Олинадиган маълумотларнинг ахамияти ва зарурлигига караб хисоботлар турли муддатли булади: ойлик, квартал, ярим йиллик ва йиллик. Ер кадастрида асосан йиллик хисоботлар кенг таркалган. Корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари уз эгалиги ёки фойдаланишидаги ерлар таркибида

рүй берган узгаришларни хисобга олганлари холда хар йили ер майдонларининг холати тугрисида хисобот топширадилар. Давлат ер тузиш оргонлари хар йили кишлок хужалик ерлари, сугориладиган ва куритиладиган ерлар, ер трлари, ва ер эгаликлари буйича таксимланиши тугрисида хамда беш йилда бир марта-ерларни ер тоифалари, ер турлари, ер эгаликлари, ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари, ерларнинг сифат холати ва баҳоси тугрисидаги маълумот узида жамлаган хисоботлар топширадилар. Бу хисоботларда ерларнинг мелиоратив холати ва ердан фойдаланиш тугрисидаги маълумотлар хам берилади.

Аммо хисоботлар турли хилда булишларига. Карамасдан улар бир катор масалалар буйича материаллар бермайди. Бир канча курсаткичлар буйича хисоботлар умуман тузилмайди. Шунинг учун хам маҳсус статистик кузатувлар утказиш зарурияти тугилади. Бу-руйхатга олишдир. Руйхатга олиш деб, шундай кузатув тушуниладики, бунда статистик органлар аник муддатга маҳсус ташкил этилган кузатув йули билан материаллар туплайдилар. Республикаизда даврий равишда куп йиллик мевали дарахтларни, мелиоратив иншоотларни, руйхатга олиш, йуклама килиш (инвентаризация) куринишида сугориладиган ерларни руйхатга олиш ишлари бажарилади. Руйхатга олиш хисоботда булмаган маълумотларни тулдиради, хисобот маълумотларини кенгайтиради, шунингдек уларнинг ишончлилигини текширади.

Статистик кузатувлар утказилиш муддатлари буйича икки турга булинади: танаффузсиз, ёки жорий ва танаффусли. Жорий кузатувда обеъктнинг холатидаги узгаришлар тизимли тарзда кайд килиб борилади. Шунинг учун хам унга танаффуссиз дейилади. Ер кадастрида жорий кузатувларга ер участкаларига булган хукукларни руйхатга олиб бориш, кишлок хонадонларининг дехкон хужаликлари ерларини кузатиш киради. Ер участкаларига булган хукукларда, дехкон хужалиги ерларида юз бериб турадиган узгаришлар доимий равишда матн ва план-картографикхужжатларда кайд килиб борилади.

Танаффусли кузатувлар одатда даврий ва бир вактнинг узидаги кузатувларга булинади. Даврий кузатувлар аник, катъий белгиланган муддатларда амалга оширилади. Бунга масалан, ер баҳолаш ишларини киритиш мумкин, негаки тупрок бонитировкасини утказиш ва шу асосида ерларни иктисодий баҳолаш хар 5 йилда амалга оширилади.

Бир вактнинг узидаги кузатувлар белгиланган вактга ёки маҳсус топширик буйича вокеликни урганиш максадида утказилади. Бу кузатувлар доимий буласда, заруриятга караб амалга оширилади. Бунга масалан, сугориладиган ерларни, куп йиллик дарахтзорларни йуклама килиш, тупрок мелиоратив ва геоботаник кузатувлар, эскириб колган план-картографик материалларни янгилаш максадида тасвирга олиш ишларини утказиш ва ҳакозалар киради.

Маълумки, статистик кузатувлар ёрдамида олинган ер кадастри маълумотлари катта микдорлардаги турли-туман маълумотларни уз ичига олади. Шубу маълумотлар ёрдамида асосли хulosалар килиш учун бундай алоҳида маълумотларни маълум бир тартибга солиш зарур.

Статистик маълумотлар туплаш (сводка) –бу статистик кузатув натижасида олинган, урганилаётган холат тугрисидаги маълумотларни белгиланган тартибдаги бирлашувидир. Сататистик маълумотларнинг оддий туплами-бу тадқик килинаётган белгининг оддий жамланмасидир. Масалан, туман буйича кишлоқ хужалик ерларининг умумий майдонини олиш учун ушбу маълумотларни барча ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар буйича битта жадвалга туплаш ва жамини хисоблаш зарур.

Аммо статистик маълумотларни анчагина чукур таҳлил килиш учун гурух амалга оширилади. Гурухлаш деганда урганилаётган мажмуани маълум бир белгилари буйича гурухларга ёки сифат жихатидан бир турдаги кисмларга ажратиш хамда шу билан бир вактда ушбу кисмлар ва гурухларни умумлаштирувчи курсаткичлар ёрдамида бирлаштириш тушунилади.

Олдига куйилган вазифаларига караб гурухлаш типологик, анамитик ва таркибли турларга булинади. Типологик гурухлаш ижтимоий-иктисодий типларга тавсиф бериш учун фойдаланилади, анамитик-узаро боғликларни

аниклаш учун, таркибли эса вакеликни таркибини аниклаш учун фойдаланилади. Типологик гурухлашга, масалан, ер фондини тоифалари буйича гурухлаш, анамитик гурухлашга тупрокларни агроишлаб чикариш гурухларига булиш таркибли гурухлашга –ер фондини ер турларининг таркиби буйича гурухлаш кириши мумкин.

Хар кандай гурухлашнинг асосий масаласи-бу гурухлаш белгиларини танлашдир. Гурухларга ажратиш асосига куйиладиган белгиларга гурухлаш белгилари дейилади. Сонлардан иборат булган гурухлаш белгилари микдорий, сузлар ёрдамида ёритилардиган белгилар-атрибутув деб юритилади. Микдорий белгиларга, масалан, ер эгалигининг улчами ер турларининг майдони, тупрок бонитетининг балли ва бошкалар, атрибутивга эса-ерларнинг тоифалари, ер эгаликлари гурухлари, тупроклар гурухлари ва бошкалар.

Ер кадастрининг статистик маълумотларини туплаш ва гурухлаш статистик жадваллар куринишида расмийлаштирилади. Маълумотларни ёритиш характери буйича статистик жадваллар оддий, гурухланган ва кушма турларга булинади.

Одатда, ер кадастри маълумотлари абсолют, нисбий ва уртаича кийматларда ёритилади. Аюсалют курсаткичлар урганилаётган вokenликнинг улчамларини курсатадилар ва натурал, шартли, меҳнат хамда киймат улчовлври (гектарлар, центнерлар, ем-хашкат бирликлари, сумлар, баллар ва бошкалар) ёрдамида ёритилади.

Абсолют курсаткичлар тадқикот обьекти тугрисида бошлангич маълумотлар беради. Аммо урганилаётган мажмуани ёки унинг алохида бир кисмини чукур тахлил килиш учун абсолют микдорлар етарли булмайди. Купинча битта абсолют кийматни бошкаси билан таккослаш, битта курсаткични бошкасига нисбатини курсатишга зарурият тугилади. бундай таккослаш максадида нисбий курсаткичлардан фойдаланилади. Нисбий курсаткичлар битта абсолют курсаткични бошкасидан неча марта катта ёки

кичилигини курсатганда коэффицентлар оркали, битта курсаткични иккинчисига булиб 100 га купайтиришда фоизларда курсатилади. Ер кадастри амалиётида нисбий курсаткичлардан ташкари уртача кийматлардан хам фойдаланилади. Улар одатда бир хил белгиларга эга булган типик микдорларни умумлаштиришнинг микдорий тавсифини берадилар. Масалан, контурларнинг уртача улчами, ер эгаликларининг, уртача майдонлари хужалик экинларининг уртача хосилдорликлари, кишлок хужалигининг уртача янги маҳсулот микдори, тупрокларнинг уртача бонитет баллари ва хакозолар.

Хисоблаш усуллари буйича одатда куйидаги уртача кийматлар ажратилади: уртача арифметик, уртача гармоник, уртача геометрик, уртача квадратик, мода ва медиана. Уртача арифметик анча кенг таркалган уртача киймат хисобланади. У оддий ва келтирилган кийматларга булинади. Уртача арифметик, коидага биноан, белгининг алохида кийматлари бир хил мартадан учрайдиган холларда кулланилади. У асосан куйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$\bar{X} = \frac{X_1 + X_2 + \dots + X_n}{n} = \frac{\Sigma X}{n}$$

бу ерда  $\bar{X}$  -белгининг уртача аримфметик киймати.

$X_1, X_2, \dots, X_n$  -белгиларнинг алохида микдорилари.

$n$ -белгилар алохида кийматларининг сони.

Агарда белгиларнинг алохида кийматлари турли микдорларда тақорланса, бунда келтирилган уртача арифметик киймат аникланади.

$$\bar{X} = \frac{X_1 f_1 + X_2 f_2 + \dots + X_n f_n}{f_1 + f_2 + \dots + f_n} = \frac{\Sigma X f}{\Sigma f}$$

бу ерда  $f_1, f_2, \dots, f_n$  -белгилар алохида кийматларининг солиширима микдорилари.

Ер кадастри маълумотларини кайта ишлаш.

чогида келтирилган уртacha арифметик купинча тупрок балистировкаси ва ерларни иктисодий жихатдан баҳолаш ишларини утказишдан фойдаланилади.

Ер кадастри маълумотларини кайта ишлашда баъзан уртacha арифметика киймат формуласидан фойдаланиб булмайди. Кисман, кишлок хужалик экинларининг факатгина ялпи касали ва хосилдорлик тугрисидаги маълумотларига асосланган холда бу экинларнинг уртacha хосилдорликларини аниклаб булмайди, негаки экин майдонлари тугрисидаги маълумот мавжуд эмас. Бундай холларда оддий уртacha гармоник кулланилади:

$$\overline{X}_{gap} = \frac{n}{\sum \frac{1}{x}}$$

Келтирилган уртacha гармоник эса куйдагича аникланади

$$\overline{X}_{gap} = \frac{\Sigma f}{\sum \frac{1}{x} f}$$

Белгиларнинг узгарувчанлигини тавсифлаш учун куйдаги курсаткичлардан фойдаланилади: вариация кулочи, уртacha квадратлик фарқ, вариация коэффициенти.

Вариация кулочи белгининг энг юкори ва пастки кийматларини уртасидаги фарқ сифатида аникланади. У вариациянинг энг чекка чегарали тугрисида тушунча беради, аммо белгининг узгарувчанлик даражасини тахлил килишни таъминламайди.

Белгининг узгарувчанлигини анчагина туларок тавсифлаш учун уртacha квадратик фарқдан фойдаланилади. У куйдагича аникланади:

Оддий уртача арифметик учун :  $\sigma = \sqrt{\frac{\sum(x - \bar{x})^2}{n}}$ ;

Келтирилган уртача арифметик учун:  $\sigma = \sqrt{\frac{\sum(x - \bar{x})^2 f}{f}}$ .

Агарда кузатувчилар сони 20 дан ошмаса уртача квадратлик фарк куйидаги формула ёрдамида аникланади:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum(x - \bar{x})^2 f}{x - 1}}.$$

Белгининг узгарувчанлигини таккослаш учун вариация коэффициенти деб номланадиган нисбий курсаткич кулланилади. У куйидагича аникланади:

$$v = (\delta \cdot 100) : \bar{x}$$

Вариация коэффициентни маълум даражада уртача кийматнинг ишончли мезони хисобланади. Белгининг хакикий микдорлари уртача кийматдан канчалик кам фарк килса, шунчалик вариация коэффициентни кичик булади, чунончи, уртача киймат шунчалик тугри аникланган.

Мустакил урганиш учун саволлар

1. Статистик кузатувлар деб нимага айтилади? Унинг мохияти нима?
2. Статистика кузатувлар кандай шакилларда амалга оширилади.
3. Руйхатга олиш (перепись) кандай тадбир? У кандай шароитда утказилади?
4. Статистик кузатувлар утказилиш муддатлари буйича кандай турларга булинади?
5. Гурухлаш нима ва у кандай турларга булинади?
6. Абсолют, нисбий ва уртача курсаткичлар тугрисида нималарни биласиз?
7. Уртача арифметик микдори кандай аникланади?
8. Ер кадастри маълумотларининг узгарувчанлигини тавсифлаш учун кандай курсаткичлардан фойдаланилади.

## 2.3. Ер кадастри маълумотларини тахлил килишнинг статистик усуллари.

Статистик маълумотларни тахлил килиш статистик тадқикотнинг энг мураккаб ва маъсулиятли, шу билан бирга, якуний боскичи хисобланади. Агарда статистик кузатувнинг асосий вазифаси маълумотлар йигиш булса, сводканинг вазифаси олинган маълумотларни бирламчи кайта ишлашни ташкил этади. Тахлилнинг вазифаси эса ижтимоий воеиликнинг микдорларида ва нисбатларидаги узгаришларда акс этадиган конуниятларни аниклаш хамда тушунтириш, ва шу асосда тугри назрий ва амалий хulosалар чикаришдан иборат. Тахлилнинг мазмунига уни вазифасини аниклаш, жалб килинадиган материалларни танкидий баҳолаш, фактларни эътироф этиш ватакослаш асосида уларни баҳолаш, белгилар уртасидаги узаро боғликларни аниклаш, тадқик килинаётган жараёнлар динамикасини аниклаш, тахлил натижаларини тушунтириш, хulosалар ва Амалий таклифларни бериш киради.

Кузатувлар натижасида тупланган ва сводка ёрдамида кисман кайта ишланган маълумотлар урганилаётган обьект тугрисида хали Тула-туқис тушунча бермайди. Шунинг учун тупланган маълумотларни бирламчи кайта ишлаш жараёнида маълумотларни гурухлаш, уртacha ва нисбий кийматларни аниклаш, динамик каторларни тузиш ва тахлил килиш ишлари бажарилади. Аммо статистик маълумотларни бошлангич тахлил килишнинг бу услублари факат воеиликнинг узгаришидаги умумий холатини аниклаш узгаришининг конуниятларини микдорий ёритишга имкон беради, аммо тадқик килинаётган обьектни узгаришига алоҳида омилларнинг таъсир даражаларини аниклай олмайди. Статистик маълумотларни тахлил килиш ижтимоий жараёнлар ривожланиш конунлари ва шаклларига асосланиши хамда узаро боғликлида олинган маълумотларнинг бутун бир жамламасига таяниши зарур. Белгилар уртасидаги боғликлар турли усуллар ёрдамида аникланади. Гурухлаш, нисбий ва уртacha курсаткичлар, динмик каторлар

билин бирга параллел каторлар услуби, баланслаш услуби аналитик гурухлаш услуби, корреляцион тахлил услубидан фойдаланилади.

Параллел каторлар услуби, ёки таккослаш-бу жуда оддий, лекин шу билан бир вактда, турли белгалар уртасидаги алокаларни аниклашнинг энг усулидир. Бу усулнинг асосий моҳияти шундан иборатки, бунда параллел статистик каторлар куринишида, жадвал шаклида жойлашган маълумотларни таккосладир бунинг натижасида эса таккослашнинг энг макбул кургизмалигига ва куринишига эришилади.

Баланслаш услуби-вокеликлар уртасидаги алокалар ва узаро боғликларни белгилаш ва тавсифлаш учун кулланилади. Бу асосан узаро боғлик курсаткичларни жадвалда жойлаштириш йули билан эришилади, алоҳида кисмларни жамламалари узаро тенг булиши зарур. Ер кадастри ишларни бажаришда хисобот йилига ер фондидаги узгаришларнинг баланс жадвали, ерларни трансформация килиш жадвали ва бошқалар тузилади.

Аналитик гурухлаш услуби турли белгилар уртасидаги узаро алокаларни тахлил килишда кенг кулланилади. Бу услубда бита белгиси буйича маълумотлар гурухланади ва хар гурух учун бошка белгининг уртacha ёки нисбий кийматлари хисобланади. Шундай холда олинган маълумотлар гурухлаш асосига куйилган, ва бошка белгилар билан боғлик булган белгилар уртасидаги боғликларни тавсифлаш имконини беради. Агарда иккита учта ва ундан ортиқ белгиларнинг бирлиқдаги таъсиридан қандайдир битта белгининг боғликлиги урганилса биргаликда олинган Ушбу белгилар буйича комбинацион гурухлашни амалга ошириш зарур. Бунда битта белги буйича тузилган гурухлар бошкача тарзда кичик гурухларга ажратилади. Хар бир гурух ва кичик гурухлар учун уртacha ёки нисбий кийматлар аникланади, гурухлаш асосига куйилган белгиларнинг узгариши сабабли олинган курсаткичлар таккосланади, хамда маълум хуносалар килинади. Аналитик гурухлаш алоканинг мавжудлиги ва йуналишини аниклаш, шунингдек бу алоканинг кучлилигини тавсифлаш,

битта омил узгаришини иккинчисига таъсир улчовини микдорий аниклаш имконини беради.

Мураккаб ижтимоий вокеликни купомилли тахлил килишнинг анча такомиллашган услубларидан бири булиб корреляцион тахлил услуби хизмат килади. Битта вокеликни бошкаси билан бодликлик даражаси буйича алокалар икки турга ажратилади: функционал ва корреляцион. Функционал деб шундай алока тушуниладики, кандайдир битта белгининг микдори бита ёки бир неча бошкалар белгилар ёрдамида аникланади. Бунда факториал белгининг маълум бир кийматига барча холларда натижавий белгининг бир ёки бир неча катъий аникланган кийматлари тугри келади. Масалан, квадрат шаклдаги ер участкасининг майдони Тула квадрат томонларининг улчамларига бодлик, тугри бурчакли шакллар эса-участканинг узунлиги ва энига бодлик. Корреляцион бодликликда эса бундай катъий мослих мавжуд булмайди. Бу ерда биттагина факториал белгининг кийматига одатда натижавий белгининг катор кийматлари мос келади. Масалан, ялпи даромад ва ер эгалигининг улчамлари уртасидаги хосилдорлик ва солинган угитлар микдори, пахтанинг ялпи хосили экин майдони ва хосилдорлиги уртасидаги алока шундайдир. Ялпи даромад, хосилдорлик, ялпи хосил микдорлари наинки ер эгалигининг улчамларига, солинган угитлар микдорига, пахта экин майдонлари ва хосилдорлигига бодлик, шу билан катор бошка омиллар-хужаликнинг ихтисослигига, меҳнат ва моддий ресерслар билан таъминланганлигига, ернинг сифатига, табиий-иклиний шароитга, сугориш суви билан таъминланиш даражасига ва бошкаларга хам бодликдир.

Корреляцион бодликликда натижавий белги факториал белги таъсири билан тулалигича аникланмайди. Бу микдор факатгина уртacha микдордагина намоён булади, баъзи холларда эса белгиланган алокага тескари келадиган алокалар вужудга келади.

Йуналиши буйича корреляцион бодликлик тугри ва тескари бодликлик шаклларига булинади. Факториал белги кийматининг усиши билан натижавий белги кийматининг усиши кузатиладиган бодликлик тугри

богликлек дейилади. Бундай богликлекка, масалан, хужаликнинг ялпи даромад микдори билан ер эгалигининг улчамлари уртасидаги алока, ернинг унумдорлиги билан хосилдорлик уртасидаги алока в.к.

Тескари богликлек деб шундай богликлек тушуниладики, бунда битта белги микдорининг ошиши унга боглик булган иккинчи белги микдорини камайишига олиб келади. Масалан, меҳнат унумдорлиги билан маҳсулотнинг таннархи, яъни меҳнат унумдорлиги канча ошса маҳсулотнинг таннархи шунчалик пасайиши кузатилади. Иккита белги уртасидаги статистик богликлекни функционал шаклда, яъни математик функция ёрдамида ёритиш мумкин.

#### Мустакил урганиш учун саволлар

1. Ер кадастри маълумотларини тахлил килишда кандай услублардан фойдаланилади?
2. Баланслаш услуби нима ва укандай ер кадастри маълумотларини тахлил килишда кулланилади?
3. Кандай ер кадастри масалаларини хал килишда аналитик гурӯхлаш услугидан фойдаланиш мумкин?
4. Корреляцион тахлил услубининг умумий моҳияти нимадан иборат?
5. Функционал богликлек билан корреляцион богликликтасида кандай фарқ мавжуд?

#### **2.4. Ер кадастрини юритишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш.**

Давлат ер кадастрини юритиш маълумотларини олиш, кайта ишлаш, уларни ер кадастри хужжатларига тушириш, ерларнинг хукукий, табиий ва хужалик холатларини узгаришлари тугрисидаги маълумотларни аниклаш, туплаш хамда кайта ишлаш, бу узгаришларни ер кадастрининг хисоб ва хисобот хужжатларида ёритиб бориш каби мураккаб жараёндир. Шунинг учун бундай мураккаб жараённи осонлаштириш, ер тугрисидаги, ундан

фойдаланиш ва умуман ер кадастрини юритиш буйича маълумотларни замон талаб даражасида ушлаб туриш тезкор равища зарурий маълумотларни олиш максадида бугунги кунда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни йулга куйиш максадга мувофикдир.

Технология-сузи юончча (techne) санъат, махорат укув маъноларини англатади, бу эса жараёнлар демакдир.

Жараён деганда олдига куйилган максадга эришишга йуналтирилган харакатларнинг муаян йигиндиси жамламаси тушунилади. Жараён инсон томонидан танланган стратегияга караб белгиланиши, турли восита ва услублар жамламаси ёрдамида амалга ошириши керак.

Ахборот-технологияси объект, жараён ёки ходиса(ахборот маҳсулоти)нинг холати хакидаги Янги сифат ахборотини олиш учун маълумотларни туплаш, кайта ишлаш ва узатишнинг восита ва услублари жамланмасидан фойдаланувчи жараёндир.

Ахборот технологиялари жамият ахборот захираларидан фойдаланишнинг энг муҳим жараёнларидан биридир. Хозирги пайтга келиб у бир неча эволюцион боскичларни босиб утиш, улардан ҳар бирининг алмашинуви асосан Фан ва техника тараккиётининг ривожланиши, ахборотни кайта ишлашнинг Янги техника воситалари пайдо булиши билан белгиланади. Хозирги жамиятда ахборотни кайта ишлаш технологияларнинг асосий техник воситаси булиб шахсий компьютер хизмат килаяпти, у технологик жараёнлар конспекциясини кури шва ундан фойдаланишга хам, сернатижа ахборот тизимиға хам муҳим таъсир курсатади. Шахсий компьютерни ахборот соҳасига тадбик килиши ва алоканинг телекоммуникация востиаларида кулланиши ахборот технологиялари ривожланишда Янги замонавий боскични бошлаб берди.

Замонавий ахборот технологиялари шахсий компьютерлар ва телекоммуникация ва воситаларидан фойдаланган холда фойдаланувчи ишнинг дустона интерфейсли ахборот технологиясидир.

Ахборот технологиялари узига асосий мухит булган ахборот тизимлари билан чамбарчас боғлик. Бир каторда, дарсликка киритилган ахборот технологиялари ва тизимлари ва тушунчалари бир-бирига ухаш туйилиши мумкин. Аммо бундай эмас.

Ахборот технологиялари компьютерда сакланувчи маълумотлар устидан тушурувчи турли мураккаблик даражасидаги операциялар, амаллар, боскичларини бажаришнинг аник рекламентли коидаларидан ташкил топади. Ахборот технологиясининг асосий максади- ахборотни саклаш ва узатишни ташкил этишдур. Ахборот тизими ахборотни кайта ишлашнинг ахборот- компьютер тизимини узида ифодалайди.

Шундай килиб замонавий ахборот технологиялари ахборот жамиятда ахборотни узгартериши жараёнлари хакидаги замонавий тасаввурларини акс эттирувчи анча кенг тушунчадир. Ахборот тизимлари ишнинг муваффакият гарови-бу бошкарув ва компьютер ахборот технологияларидан оқилона уйгунилкда фойдаланишдир.

Хозирги пайтда электрон техниканинг бир катор соҳаларидаги ютуклар компьютерлардан фойдаланиш соҳасини кенгайтиради. Масалан, бир яримутказувчи чапнинг хотира хажми 70-йиллар бошларидаги 4 Кбайтдан 1980 йилда 64 Кбайтгача усди. IBM фирмаси 1 Мбайт, яъни 1млн.байт сонли чапни барпо этди, якин келажакда уни сигимини 4 Мбайтга етказиш кузда тутилган.


Бу ютуклар махсулот ихчамлашуви ва таннарх бирлигига махсулдорлик усигига олиб келди. Хаар йили микропроцесслар янги асбоб ва тизимларда кулланилади ва хар йили стол компьютери анча сермаҳсул ва тобора арzonлашиб бормокда. Эндиликда компьютердан мураккаб ва куп рангли ишлаб чиқариш диаграммаларини яратиш, электрон почта учун мураккаб инженерлик ва меъморлик чизмаларини тайёрлаш ва бошкаларда фойдаланиш мумкин.

Юкоридагилардан куриниб турибдики, иктисадиётнинг турли тармоклари катори ер кадастрини тезкор юритиши, ер кадастри учун куп рангли, юкори

сифатли тан картографик материаллар тайёрлаш, ер ресурсларининг таксимланиши ва доимий кайта таксимланиши, ердан фойдаланиш буйича хисоботлар тузи шва бошка катор ер кадастрини замонавий талаблар асосида юритишда замонавий ахборот технологияларида кенг фойдаланмокда.

Давлат ер кадастри юритишнинг асосий бугинларидан бири-бу ер майдонлари, уларнинг сифати, жойлашуви, холати, киймати ва бошкалар буйича тупланган маълумотларни кайта ишлашдир. Маълумотларнинг кайта ишлашнинг ахборот технологиялари яхши тизимлашган вазифаларини хал килишга мулжалланган. Бу технология бошカリб, меҳнатининг айрим майда, доимо тақорорланувчи операцияларини автоматлаштириш максадларида кулланилади. Шу боис ахборот технологиялари тизимларини бу даражада куллаш ходимлар меҳнати самарадорлигини анча оширади.

Ахборот технологияларининг бир тури булиши интеллектуал тармокларининг амалиётда кулланиши куйидаги, 1схемада акс эттирилган.



1-схема. Ер кадастри маълумотларини кайта ишлаш ахборот технологияларининг асосий компонентлари.

Мустакил урганиш учун саволлар

1. Ахборот технологиялари нима, улар жамият хаётида кандай урин тутадилар?
2. замонавий ахборот технологиялари(ЗАТ) деганда нимани тушунасиз?
3. Ер кадастрининг кандай масалаларини хал килишда ЗАТ дан фойдаланиш мумкин?

### III боб

## Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари

### 3.1. Ер участкаларига бўлган ҳуку́кларни рўйхатга олиш

Хўжалик ёки корхона, муассаса ва ташкилотларни ер участкаларига бўлган ҳуку́кларини рўйхат қилиш давлат ер кадастрининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Рўйхатлаш маълум бир ер участкасига мулқдорлик, фойдаланиш ёки ижара ҳуку́кини расмийлаштириш ҳамда давлат миќъёсида қабул қилинган ягона шаклдаги хужжатларда акс эттириш бўйича ҳуку́кий тадбир ҳисобланади.

Ер участкасига бўлган ҳуку́кларни рўйхатга олиш маълумотлари ҳуку́кий кучга эга. Албатта, ерларни рўйхат қилиш ишчи тизим сифатида бирданига шаклланмаган. У XX асрнинг 20-30 йилларида ўтказила бошланган ҳамда бошлангич даврларда ердан фойдаланиш ҳуку́кини расмийлаштириш ва ерга давлат мулқчилигини таъминлашга йўналтирилган. Шу билан бир қаторда унинг вазифасига ер майдонларининг ҳуку́кий ва хўжалик ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тизимли тарзда сақлаш ва янгилаб туриш ишлари кирган.

Ер участкасига бўлган ҳуку́кларни рўйхатга олиш ер ҳисоби билан узвий боғланган ҳолда олиб борилади.

Ер участкасига бўлган ҳуку́кларни рўйхатга олиш маълум бир ер участкасидан фойдаланиш, ижарага олиш ҳуку́кларини расмийлаштириш ва ер участкаларига бўлган ҳуку́лар тўғрисидаги маълумотларни қабул қилинган хужжатларда қайд қилиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Бунда дастлабки хужжатлари ер участкаларининг ҳуку́кий ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади. Аммо, ердан фойдаланиш маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда маълум ҳудуд ва аниқ субъект билан боғлиқ бўлганлиги сабабли у ўз ичига ер участкаларининг хўжалик ҳолати, жойлашган ўрни ва ердан фойдаланишнинг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларни олади.

Ер участкасини ердан фойдаланувчига бериш тўғрисидаги ваколатли давлат органларининг қарори ҳамда ер тузиш лойићасини жойга қўчириш ва ер участкаси чегараларини жойда белгилаш тўғрисидаги далолатнома ердан фойдаланувчи ёки ер-мулқдорини рўйхат қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласиди. Давлат рўйхатида расмийлаштирилгандан сўнг ердан фойдаланувчига ердан фойдаланиш ҳуку́кларини берувчи хужжатлар топширилади.

Ер участкалирини эгалик килиш, фойдаланиш ёки мулк тариқасида бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маћкамаси, вилоятлар, Тошкент шаћри, туманлар, шаћарлар ҳокимлари томонидан қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади. Фойдаланишдаги ер участкасининг бошқа шахсларга бериш шу ер

участкаси белгиланган тартибда қайтариб олингандан кейингина амалга оширилади.

Ерни ижарага олиш ћуќуќи ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Сервитутлар ва мулк ћуќуќидаги бошќа чеклашлар ер участкаларидан фойдаланиш шартномалар, суд ќарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Ер участкасидан ўзгаларнинг ћам ќисман фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги хуќуќ давлат ћокимияти органларининг ќарорлари ёћуд ќонун хужжатларида назарда тутилган бошќа хужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади.

Бинога, иншоатга ва иморатга бўлган мулк ћуќуќи бошќа шахсга ўтиши натижасида юзага келган ер участкасидан фойдаланиш ћуќуќи ана шу мулкдорларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, хадя этилганлиги ёки васият ќилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва битимлар, тузилади. Мулкдорларнинг ёки улар томонидан вакил ќилинган органлар ва юридик шахсларнинг ќарорлари, шунингдек бинога, иншоатга, мулк ћуќуќи ундан бошќага ўтаётган шахснинг ер участкаси тегишли хужжатлари тегишли ћокимият органларининг ќарори билан расмийлаштирилганидан кейин рўйхатдан ўтказилади.

Саноат корхоналари, темир ва автомобил йўллари, алоќа ва электр энергиясини узатиш ќурилмалари, магистрал ќувурлар ќуриш учун, шунингдек, ќишлоќ хўжалиги билан боѓлик бўлмаган бошќа эҳтиёжлар учун ќишлоќ хўжалигига мўлжалланмаган ёки ќишлоќ хўжалиги учун яроќсиз бўлган ерлар ёћуд ќишлоќ хўжалигининг сифати ёмон бўлган ерлардан ажратилади. Мазкур маќсадлар учун ўрмон фондига ќарашли ерлардан ер участкалари асосан ўрмон билан ќопланмаган майдонлар ёки бутазорлар ва арzon баҳо ўсимликлар билан ќопланган майдонлар ћисобидан берилади.

Ердан фойдаланувчига фойдаланиш учун битта ёки алоћида-алоћида жойлашган бир неча ер участкалари берилиши мумкин. Бунда биринчи ћолатда ћам иккинчи ћолатда ћам ердан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун асос яратади, негаки ердан фойдаланиш субъект томонидан амалга оширилади. У ўзига бириктирилган барча ћудуддан фойдаланиш бўйича маълум ћуќуќ ва мажбуриятларга эгадир. Ердан фойдаланиш рўйхат ќилинади ва у ер участкаси хуќуқини рўйхатдан ўтказишнинг рўйхат бирлиги асосини ташкил этади. Рўйхатлаш ер участкаларига бўлган ћуќуќларнинг объекти ва хўжалик юритиш субъекти сифатида ёки ердан фойдаланувчининг ўзга фаолияти сифатида гавдаланади ћамда маълум аниќликдаги жойлашган ўрни ва ўлчамлари билан тавсифланади.

Ер участкаларига бўлган ћуќуќлар, яъни ердан фойдаланувчилар давлат томонидан ушбу ћуќуќларни тасдиқлайдиган хужжатга эга бўладилар. Ердан фойдаланиш турларига қараб ћуќуќий расмийлаштириш хужжатлари хамда ердан фойдаланувчиларни рўйхат ќилиш тартиби турлича бўлиши мумкин.

Ердан фойдаланишни рўйхат қилиш ер участкаларидан фойдаланиш муддатлари бўйича амалга оширилади, яъни муддатсиз ва вактингчалик (узоқ муддатли ва қиска муддатли). Муддати олдиндан белгиланмаган фойдаланиш муддатсиз ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, у доимий ердан фойдаланишдир. Бундай ердан фойдаланишлар туман (шаҳар) ҳокимиётлари томонидан ерлардан доимий (муддатсиз) фойдаланиш ҳукукини берувчи Давлат далолатномалари бериш билан вужудга келади.

Ердан муддатли фойдаланиш қиска муддатли - бир йилдан уч йилгача ва узоқ муддатли - уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари талаб қилган ҳолларда бу муддатлар вактингчалик фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан фойдаланиш муддатларини узайтириш ана шу ер участкаларни берган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Яйлов чорвачилги учун ер участкалари қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган ҳукуклар учун давлат рўйхатини амалга ошириш ердан фойдаланиш тоифалари бўйича белгиланган тартибда туман ва шаҳар ҳокимиётларида амалга оширилади. Ҳар бир ердан фойдаланувчи бўйича муддатсиз, узоқ муддатли ва қиска муддатли ерлар алоҳида рўйхат қилинади. Асосий ер рўйхати маълумотлари сифатида қўйидагиларни ажратиш мумкин: ердан фойдаланувчиларнинг номи, фойдаланиш тури, жойлашган ўрни, фойдаланиш муддати, ер майдони ва ердан фойдаланиш ҳукукини берувчи давлат хужжатининг номи, унинг тартиб рақами ҳамда ердан фойдаланувчига берилган вақти ва бошқалар. Ердан фойдаланишнинг давлат рўйхати туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг биринчи бўлимида амалга оширилади.

Ер участкасидан фойдаланиш хукукини рўйхатлаш бўйича маълумотлар туманинг ва алоҳида ердан фойдаланувчиларнинг бошқа кадастр хужжатларида ҳам қайд қилинади. Масалан, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ер кадастри китобининг биринчи бўлимида туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг биринчи бўлимида қайд қилинган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг асосий ер рўйхати маълумотлари киритилади. Китобининг бешинчи бўлимида эса фуқаролар томорқа ерларининг майдонлари қайд қилинади. Томорқа ерлар тўғрисидаги маълумотлар қишлоқ фуқаролар йиғинида юритилаётган хўжалик дафтарида ҳам қайд қилиб борилади.

Ер участкаларига бўлган ҳукукларни рўйхатга олишнинг муҳим ташкилий тадбирларидан бири – бу ҳудудни кадастр бўйича бўлиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш кўчмас мулкни ҳисобга олишнинг ягона тизимини яратиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоатларга кадастр рақамларини бериш мақсадида амалга оширилади.

Ер участкалари кадастр бўйича бўлишнинг ва ажратиш тартибида ажратилган ерни ҳисобга олишнинг дастлабки бирлиги ҳисобланади.

Муайян юридик ва жисмоний шахсларга биритирилмаган умумий фойдаланишдаги ерлар, жумладан қўчалар, майдонлар, кўкаламзорлаштирилган минтақалар, ёдгорлик мажмуалари, қабристонлар, шаҳар ахлатхоналари, шаҳар қурилиши учун ажратиладиган заҳира ерлар ва бошқа ерларга бўлинадиган кадастр бўйича ҳисобга олиш участкалари ерни кадастр бўйича бўлиш ва ҳисобга олиш бирлиги ҳисобланади.

Ҳудудларни кадастр бўйича бўлиш Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар (шаҳар туманларидан ташқари) доирасида ер ресурслари бошқармалари томонидан, шаҳарлар ва аҳоли пунктлари доирасида – туманлар кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан ўтказилади.

Кадастр рақами бу – ер участкаси, бино, иншоатга тегишли Ўзбекистон Республикаси ҳудудида такорланмайдиган рақамдир, у қонун хужжатлари билан белгиланган тартибда уни шакллантиришда берилади ва у рўйхатдан ўтказилган ҳукуқнинг ягона обьекти сифатида фаолият юритиш давомида сақланиб қолади.

Қўйидагилар ер участкаси, бино ва иншоатларнинг кадастр рақамининг мажбурий элементларини ташкил этади:

- минтақа (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) нинг рақами;
- минтақа таркибидаги маъмурий туман ёки вилоятга бўйсунувчи шаҳарнинг рақами;
- кадастр зонасининг рақами;
- кадастр массивининг рақами;
- кадастр мавзесининг рақами;
- ер участкасининг рақами;
- бино ёки иншоатнинг рақами;
- бино, иншоат бир қисмининг рақами;

Яхлит ҳолда кадастр рақами қўйидаги тузилмага эга:

АА : ВВ : ДД : ЕЕ : ГГГГ : ННН

Ер участкасига кадастр рақамини бериш ер участкаларига кўчмас мулк обьекти сифатида шакллантилган ва уларнинг чегаралари туман (шаҳар) навбатчи кадастр харитасига киритилганидан кейин бошланади.

Ер участкаларига бўлган ҳукуқларни рўйхатга олиш асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик) турларга бўлинади. Бирламчи рўйхат қилишда янги ердан фойдаланувчиларни расмийлаштириш, ер рўйхати хужжатларига бирламчи зарур маълумотларни тушириш ва тизимга келтириш бўйича ишлар амалга оширилади. Уни ўтказиш жараёни натижасида ер участкалирига бўлган ҳукуқлар бўйича бирламчи ёзув туширилади. Кейинчалик хужалик фаолиятининг ривожланиши натижасида ердан фойдаланишнинг ўлчамлари ва таркибида у ёки бу кўринишлардаги қонуний ўзгаришлар рўй беради. Бу ҳол эса ерларнинг ҳукуқий ҳолатини

аниқлашга зарурат түгдиради. Масалан, давлат ва жамоат заруриятлари учун ер ажратилиши натижасида ердан фойдаланишнинг умумий майдони, жумладан алоҳида ердан фойдаланиш турларининг майдонлари ўзгаради. Бундай ҳолатлар айниқса ердан вақтингчалик фойдаланишда кўп учрайди. Баъзи ҳолатларда эса аксинча ердан фойдаланувчига олдин ундан олинган ер участкаси қайтариб берилади. Негаки, бундай ҳолатда олдин ажратиб берилган мақсадлар учун ердан фойдаланишга эхтиёж қолмаган. Бундан бошқа хам қатор қонуний сабаблар бўлиши мумкин.

Ердан фойдаланишдаги барча қонуний ўзгаришларни расмийлаштириб бориш ва ушбу ўзгаришларга ҳамда бирламчи рўйхат маълумотларига зарурий аниқликлар киритиш ердан фойдаланишнинг жорий рўйхати тартибида амалга оширилади. Шу тарзда ер участкаларининг рўйхатлаш маълумотлари доимий равишда шу кун талаби даражасида бажариб берилади.

Ер участкасига бўлган ҳукуқларнинг юзага келиши, уни ўзга фойдаланувчига ўтиши, ундан фойдаланиш бўйича чекланиши ёки бекор қилиниши ҳам давлат рўйхатига олиб борилади. Ер участкаларига бўлган ҳукуқларни рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш йиғими ундирилади. Давлат рўйхатига олиш белгиланган тартибда, юридик ёки жисмоний шахснинг ер участкаларига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатига олиш ишларини амалга оширувчи органга берган аризасига асосан амалга оширилади. Рўйхатга олиш ариза берган кундан эътиборан ун кунлик муддатда амалга оширилади ва давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Ер участкаларига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатига олиш вақтида туман (шахар) ер кадастри китобига қўйидаги маълумотлар киритилади:

- ер участкасига бўлган ҳукуқни олган юридик ёки жисмоний шахс тўғрисидаги;
- ер участкаси тўғрисидаги (ернинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, ернинг тури, унинг сифати, чегаралари, майдони, кадастри рақами ва бошқалар);
- ер участкасининг берилиш шартлари, уни сақлаш вазифалари ва сервитутлар тўғрисидаги;
- туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Қорақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг ер участкасини давлат ёки жамоат эхтиёжлари учун ажратиш хусусидаги қарорлари тўғрисидаги;
- давлат рўйхатига олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг тартиб рақами ва у берилган сана тўғрисидаги маълумотлар.

Ер участкаларига бўлган ҳукуқларни белгиловчи, ўзgartирувчи ёки бекор қилувчи хужжатлар ана шу ҳукуқларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Ер участкаларига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатига олиш учун берилган аризаларни рўйхатга олиш маҳсус рўйхатга олиш жараёнида

юритилади. Бу китоблар жумладан қуидаги шакллардан иборат (1,2 жадваллар).

### Жадвал

Ер участкасига бўлган ҳукукни рўйхатга олиш ҳақидаги ариза ва хужжатларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш реестри

Т.р	Ариза берувчин инг номи	Ариза ва хужжатларни қабул қилинган санаси	Ер участкасининг манзили	Рўйхатга олиш мазмуни (сабаби) ва хужжатлар номи	Хизмат ҳақини тўлаганинги ҳақида ги белги	Изоҳ

### Мустақил ўрганиш учун саволлар.

1. Ер участкаларига бўлган ҳукукларни рўйхатга олиш нима?
2. Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган қандай ҳукуклар мавжуд ва улар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
3. Ер участкаларини рўйхатга олиш обьекти нима?
4. Ер участкаларига бўлган ҳукуклар қай тартибда рўйхатга олинади?
5. Рўйхатга олинган ер участкалари ер кадастрининг қайси хужжатида ёритиб борилади?
6. Ер участкаларига бўлган ҳукукларни давлат рўйхатига олиш даврида туман (шаҳар) ер кадастри китобига қайси маълумотлар киритилади?
7. Ер участкаларини кадастр бўйича бўлиш нима мақсадда амалга оширилади?
8. Нима мақсадда ер участкаларига, бино ва иншоатларга берилади?
9. Кадастр рақамлари ер участкаларига, бино ва иншоатларга ким томонидан берилади?
10. Ер реестири нима ва у қандай юритилади?

2 жадвал  
Ер участкасига бўлган ҳуку́кни Давлат рўйхатига олиш (реестр)

Т.р	Ер участкасинг кадастр рақами	Хуку́к эгаси, субъект, юридик ва жисмоний шахснинг номи	Ер участкаси нинг жойлашган манзили	Ер участкаса бўлган ҳуку́к нинг манзили	Ҳуку́к ўрнатадиган хужжатнинг Номи, қачон ва ким томонидан берилган	Ер участкасидан фойда ланиш нинг маќса	Ер участка сига бўлган ҳуку́книнг чекланниши	Сервиг углар	Ер участкаси нинг координата вазминлик марка зи	Майдони,га ёки м2	____ й ____ ҳолатига ер кадастри баҳоси		Иморат ва иншоатлар тўғрисида ги маълумотлар	Ер солиги минтакаси коэффициенти, санаси	Баҳслашув, саволлар, сана	Қандай қаерда батафсил бор бўлган хужжатлаштириш (кадастр хужжатлар тартиб рақами) маълумотлари мавжуд
											Тупроқ бонитет балли	Нархи, сўм				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	16	17	18

### **3.2. Ер һисоби, унинг мазмунни, турлари ва ўтказиш услубияти**

Энг муҳим бойлигимиз һисобланган ер ресурсларимиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ва халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришни маконий базиси һисобланади. Ер шундай хусусиятга эгаки, ундан тўғри ва оқилона фойдаланилса, у бошқа ишлаб чиқариш воситаларига ўхшаб эскирмайди, аксинча маћсулдорлиги ошиб боради. Шу нуқтаи назардан һам ер һисоботини доимий юритиб бориш, унда мавжуд ерлар кимга тегишилиги, ундан қай тарзда фойдаланилаётганлиги тўғрисида маълумотлар йиғиш муҳим амалий ахамият касб этади. Ер һисоботи (баланси) бажарилган ер һисоби асосида тузилади.

Ер һисоби ишларининг натижалари халқ хўжалигини ривожлантириш режасини тузишда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва унга бўлган эҳтиёжни аниқлашда катта аћамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалик ерларини һосилдорлигини ошириш, майдон бирлигига нисбатан камрок харажат талаб қилиш асосида етиштириладиган маҳсулотни кўпайтириш, иктисадий жиҳатдан натижали фойда келтирадиган, илмий асосланган дећончилик ва чорвачиликни ривожлантиришда экин майдонларини энг маќбул тузилиши белгиланади. Қишлоқ хўжалиги маћсулотларини етиштириш мумкин бўлган һамма ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланишга топширилиши керак. Аммо һар бир ер участкаси майдонининг миќдорини ва сифатини билмасдан туриб агротехника ва мелиоратив һолатини яхшилаш тадбирларини белгилаб бўлмайди.

Ер һисоби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда жуда катта аћамиятга эга. Биринчи навбатда ер һисобида юқори аниқликда бўлиши зарур. Бунинг учун ер һисобини ер тоифаларига, ширкат, фермер хўжаликларига, жумладан, һайдалма ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқа ер турларига бўлинган һолда олиб бориш талаб қилинади.

Маълумки, республикамиз вилоятларининг табиий ва иктисадий шароитларини хилма-хиллигини һисобга олиниб, қишлоқ хўжалик маћсулотларини давлат томонидан харид қилишда ер һисобига қўйидаги талаблар қўйилади:

- хўжаликнинг йирик шаћар, саноат маркази ва қайта ишлаш корхоналарига нисбатан жойлашиши;
- қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер миќдорининг сифати ва табиий шароити;
- чорвачиликда иктисадий фойда келтирадиган у ёки бу экин турларини танлаш;
- қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш.

Булардан ташқари һар қайси туман ва вилоятда асосий қишлоқ хўжалик маћсулотларининг ялпи хажми һисобланиб, истеъмол молларининг

ми́дори ани́кланади. Хўжаликларо ва ички ер тузиш ишларини, давлат хўжаликларининг марказларини белгилашда, ширкат хўжаликлидаги ишлаб чи́кариш бўлинмаларини ани́лашда ер ҳисоби зиммасига маълум даражада маъсулият юклатилади.

Ерни давлат ёки жамоат э́тиёjlари учун олиб берилишида хўжалик ерларининг ми́дори, сифати, ер турлари ва улардан фойдаланиш даражаси, ўзлаштириладиган янги ер майдонларининг ҳисоб-китоблари ер ҳисобига асосланади. Булардан ташқари, ер ҳисоби ҳамда қиймати ҳақидаги маълумотлар ердан фойдаланганлик учун тўланадиган соликка асос бўлади.

Ер ҳисоби давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда хўжалик ҳисобининг бир тури ҳисобланади. Уни олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар ер майдонларининг ишлаб чи́кариш воситаси сифатидаги хусусиятлари билан боғли́дир. Халқ хўжалиги тармо́кларида ер белгиланган ма́ксадларда фойдаланилади. Шундай экан, ер ҳисобини доимий равишда юритиб ишлари бориш амалга ошириб борилади. Ер уй-жой биноларини, саноат, транспорт, қишло́к хўжалиги, ўрмон хўжалиги корхоналари, маданият муассасалари, соғли́кни сақлаш масканлари ва бошқаларни жойлашиш ўрни сифатида ҳисобга олинади.

Ишлаб чи́каришнинг турли тармо́клари бўйича ерларни ҳисоб қилишнинг, бир томондан умумийлик, иккинчи томондан эса ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир. Бу ҳол ишлаб чи́каришнинг турли тармо́кларида ва инсон фаолиятининг бошқа соҳаларида ернинг тутган ўрни билан боғли́дир. Ҳамма жойда ер майдон ёки ҳудуднинг асоси сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Шу сабабли ҳам у энг аввало, ўзининг ўлчамлари ва ҳудуддаги жойлашуви билан изоҳланади. У ёки бу саноат корхонасини ҳудудий жойлаштириш ва қурилиш учун ушбу ма́ксадга берилган ёки ажратилган ер майдони тў́грисида маълумотга эга бўлиши зарур. Аммо зарур ўлчамдаги майдон битта ёки бир нечта алоҳида жойлашган участкалардан ташкил топган бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам ишлаб чи́каришни тў́три ташкил этиш учун корхонага ажратилган ернинг макон ҳолати тў́грисидаги маълумотга эга бўлиш зарур.

Ишлаб чи́каришнинг баъзи тармо́кларида (қишло́к хўжалиги, ўрмон хўжалиги) ерларни макон асоси сифатида ҳисоб қилишдан ташқари, унга асосий ишлаб чи́кариш воситаси сифатида ҳам қараш зарур бўлади. Бу эса ўз навбатида ерлардан фойдаланиш ва уларнинг сифат ҳолати тў́грисидаги маҳсус маълумотлар олиш заруриятини туѓидиради. Бунга биринчи навбатда қишло́к хўжалик ерларининг таркиби ва сифат ҳолати тў́грисидаги маълумотлар киради.

Ер ҳисобида ерларнинг ми́дор жи́натидан ҳисобини юритиш ҳамда сифат тавсифини бериш учун одатда натурал ўлчовлар қўлланилади. Ер ҳисоби халқ хўжалигини режалаштириш, мамлакат ягона ер фондидан о́қилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ер майдонларининг ми́кори, сифати ва хўжалик жи́натдан фойдаланиш тў́грисидаги маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таълил

ќилиш ћамда бир тизимга келтирган ћолда саќлашга йўналтирилган. У мућим хўжалик аћамиятига эга. Ундаги мавжуд маълумотларнинг мазмунни энг аввало ќишлоќ хўжалиги зарурияти бўйича аниќланади. Негаки ер халќ хўжалигининг алоћида тармокларида турли-туман маќсадларда фойдаланилар экан, шу сабабли ћам ер ћисобига турлича аниќлик ва талаблар ќўйилади.

Кўйилган аниќ вазифаларига ва асосий маќсадларига ќараб ер ћисоби турлича аћамиятга эга бўлиши мумкин. Баъзан у давлат миќъёсдаги ёки маълум бир тармоќ бўйича тадбир сифатида гавдаланади. Умумдавлат вазифаларни бажаришда (халќ хўжалигини режалаштириш, мамлакат ягона ер фондидан фойдаланиш ва уни муђофаза ќилиш ва ћ.к.) у ер ћисоби давлат тадбири сифатида намоён бўлади. Бундай шароитда унинг вазифаси, мазмуни ћамда юритиш тартиби давлат томонидан белгиланади: ер ћисоби маълумотлари ва уларни олиш усуллари; ћисоб китоб ва ћисобот хужжатларининг шакллари ва мазмуни; уни амалга оширувчи органлар ва мутахассислар; ерларни ћисоб ќилиш ишларини доимий юритиб бориш вазифалари бажарилади.

Ћисоб-китоб ва ћисобот ишларини юритишнинг белгилаб берилган тартиби мамлакатнинг барча ћудудлари учун мажбурийдир. Давлат ер ћисобининг обьекти бўлиб ягона мамлакат ер фонди хизмат килади.

Халќ хўжалигининг у ёки бу тармоғи масалаларини муваффаќиятли ћал ќилиш маќсадида ушбу тармоќ устидан раћбарлик ќилаётган идорага шу тармоќ корхоналари фойдаланаётган ерлари тўѓрисида маълумотлар зарур бўлади. Масалан, ўрмон хўжалиги корхоналари томонидан ўрмон хўжалигини оқилона ва самарали юритиш учун улар ихтиёридаги фойдаланилаётган, ўрмон блан ќопланган ћудуднинг ћолати ва мавжуд фойдаланилиши тўѓрисида аниќ маълумотлар зарур ёки шаћар ћокимияти ва унинг органларига шаћар чегарасидаги ерларнинг ћолати ва ћаќиќий фойдаланилаётганлик даражаси тўѓрисида маълумотлар зарур. Шу маќсадлар учун хам ерларнинг давлат ћисоби билан бир ќаторда тармоќ ћисобининг обьекти бўлиб, маълум бир вазирлик (идора) ихтиёридаги ерлар хизмат ќилади. Ушбу ћисоб турлари ўртасида маълум бир ўзаро узвий алоќа бўлиши зарур.

Тармоќ бўйича ер ћисоби давлат ер ћисобининг мазмуни ва талабларини ћисобга олган ћолда тузилади. У ўз таркибига тармоќ ишлаб чиќариши бўйича давлат ер ћисоби учун зарур бўлган барча маълумотларни, шунингдек аниќ бир тармоќ масалаларини ћал ќилиш учун зарур бўлган ўзига хос маълумотларни олади. Шунинг учун ћам ерларнинг тармоќ ћисобини юритиш тартибини ўрнатишда ушбу масалалар ерларни давлат ћисобини амалга ошириш вазифаси юкланган органлар билан келишилган булади.

Ерларнинг мавжуд ћолати ва фойдаланиш бўйича ћисоб-китоб ишлари юќори сифатли план-харита материаллари асосида олиб борилади. Барча ер фонди маъмурий-ћудудий бирликлар бўйича ћисоб ќилинади.

Ернинг сифати тупроқ қатламининг шўрланиши, тупроқларнинг озуқа моддалар билан таъминланганлик даражаси, жойнинг рельефи, табиий ўтларнинг ҳолати, ер майдонларининг мелиоратив ҳолати ва бошқалар бўйича аниқланади.

Ерларни ҳисоб қилиш мамлакат бўйича ягона услугият асосида ўткаилади. Бу эса ўз навбатида ҳисобга олинадиган ер тоифалари ва республиканинг алоҳида минтақалари бўйича маълумотларни бир - бирлари билан таққослашни таъминлайди. Шу мақсадларда ер турларини ягона услугда таснифлашда, ер ҳисобининг маълумотларини олиш, қайта ишлаш ва тарз гурухлашнинг ягона тизими қўлланилади.

Ер ҳисобининг обьекти ягона давлат ер фонди бўлганлиги сабабли кимнинг ихтиёрида бўлишидан, ушбу ер майдонлари маълум мақсадларда фойдаланилаяптими ёки йўқми, булардан қатъий назар, ер фондига кирувчи барча ер участкалари ҳисоб қилинади. Бошқача қилиб айтганда, ягона давлат ер фондининг барча майдонларини ер ҳисоби ҳамма ер участкаларини қамраб олиши керак. Бу эса ўз навбатида, умумий майдонни, уни ер тоифалари ва ер турлари бўйича тақсимланишини тўғри аниқлаш имконини беради.

Ер ҳисобини тўғри ташкил этишнинг муҳим шарти уни ўз вақтида ва узлуксиз юритишдир. Бу эса ер ҳисоби маълумотларини давр талаби даражасида тутишга имкон беради. Бу тамоил ер майдонларининг ҳолати ва фойдаланишида рўй берадиган миқдорий ва сифат ўзгаришларни тизимли тарзда ҳисоб қилиб боришга зарурят туғдиради. Ер майдонларини ҳисоб қилишда барча ўзгаришлар жойида қайд қилинганидан сўнгтина ер ҳисоби хужжатларига қайд қилиш зарур. Миқдорий маълумотларни турли графиклар, диаграммалар тарзида курсатиш мақсадга мувофиқдир. Ер хисоби ва ер ҳисоботи хужжатлари ўртасида мантиқий жиҳатдан доимий равишда боғлиқлик бўлиши керак. Чунки ер ҳисоби натижалари ер балансини тузишга бирламчи асос бўлади.

Ер ҳисобини ўтказишида кам харажат талаб қиладиган маълумотларни олиш ва қайта ишлаш усуллари ҳамда техник воситалардан фойдаланиш зарур. Замонавий компьютерларни ва тасвирга олиш ҳамда кузатувнинг такомиллашган усулларини қўллаш мамлакат ягона ер фонди ҳисобини тўғри, ўз вақтида юқори сифатда амалга оширишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида давлат ер кадастрини муваффакиятли юритишга замин тайёрлайди.

**Ер ҳисобининг турлари.** Ер ҳисоби ишлари ўз вазифасига, мазмунига ва ўтказиш хусусиятига қараб давлат ер кадастри каби асосий бирламчи ва жорий (кундалик) турларга бўлинади. Бу ҳисоб турлари ўзаро боғлиқдир ҳамда ягона ер ҳисоби жараёнининг маълум босқичларини ўзларида намоён қиласи.

Асосий ер ҳисобининг вазифаларига қўйидагилар киради:

- ҳисоб қилинадиган ҳудуд учун барча мавжуд план-харита материалларини олиш, бир тизимга келтириш ва таълил қилиш;

- зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва план-харита материалларини олиш мақсадида тасвирга олиш юнада кузатув бўйича дала қидирув ишларини ўтказиш;
- ҳисоб қилинадиган барча ерлар ўлчамларини, сифат юнолатини, тақсимланиш ва фойдаланиш холатини аниқлаш;
- маҳсус ер ҳисоби хариталарини тайёрлаш ва матн хужжатларига бирламчи ёзувларни киритиш;
- ер фонди таркибини ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ер турлари бўйича аниқлаш, ерларни маъмурий бирликлар (туман, шаҳар, вилоят, республика) бўйича сифат жиҳатидан тавсифлаш.

Асосий ер ҳисобини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ишлар миқъёсини умумий юнолатда баҳолаш учун мисол тариқасида қўйидаги маълумотларга мурожаат қиласиз: Республикализ ягона ер фонди (44410,3 минг га) Ўзбекистон Республикаси, 12 вилоят, 165 маъмурий туман, 40 дан ортиқ республика ва вилоят аҳамиятидаги шаҳарлар бўйича ҳисобга олинади ва тавсифланади. Ердан фойдаланувчилар сони юнозирги кунга келиб 5 млндан, жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналари 60 мингдан ошади. Қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобида, тупроқларнинг механик таркиби бўйича тўлиқ тавсиф берилади, барча қишлоқ хўжалик ерларини баҳолаш ишлари амалга оширилади.

Асосий ер ҳисоби-майдонларини тасвирга олиш ва кузатув, план-хариталар тузиш, майдонларнинг юзаларини ҳисоблаш билан боғлиқ. Ҳисоб қилинаётган ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш юқори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади. У қўйидаги иш босқичларини ўз ичига олади: тайёргарлик, дала қидирув, ҳисоб натижаларини расмийлаштириш.

Тайёргарлик ишлари жараёнида ҳисоб қилинадиган юнуддаги барча ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган барча мавжуд материаллар ва хужжатлар тўпланади. Тўпланган материаллар ўз моҳиятига қараб гуруҳланади, ер ҳисоби учун яроқлилиги нуқтаи назардан таҳлил қилинади ва баҳоланади. План-харита материаллари ва ички хўжалик ер тузиш лойиҳаларининг маълумотлари, ер участкаларига бўлган хукуқларни руйхатга олиш хужжатлари тўпланади ва ўрганилади. Шундан сўнг олинган материаллар ва маълумотларнинг сифати ва аниқлигига қараб ҳисоб учун улардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги масала ҳал қилинади. Агарда тўпланган материаллар эскирган бўлса, улар жойдаги мавжуд юнолатни тўла ёритилмаса, бундай юнолатда план-хариталарни таҳрир қилиш ёки янгидан тасвирга олиш ва кузатув бўйича ишлар белгиланади, яъни, янги босқич ишларига дастур тузилади.

Дала-қидирув ишлари асосан жойдаги зарурий ер ҳисоби маълумотларини белгилаш бўйича маҳсус ишларни ўз ичига олади. Буларга асосан: тасвирга олиш, кузатув, мавжуд план-харита материалларини таҳрир қилиш киради.

Дала ишлари ўз ниҳоясига етказилгандан сўнг маҳсус тадбирлар: тупроқ таҳлили; ер ҳисоби маълумотларини расмийлаштириш, майдонларни ўлчаш ва ер участкаларини геодезик тармоқларга боғлаш; маҳсус ҳисобрежа хужжатларини тузиш ишлари амалга оширилади. Шундай тарзда олинган маълумотлар белгиланган тартибда қўриб чиқилади ва тасдиқланади. Шундан сўнггина улар бирламчи маълумотлар сифатида қабул қилинади ва матн хужжатларига тўлиқ ёзилади.

Асосий (бирламчи) ҳисобни ўтказиш пайтида аниқланган ва қайд қилинган маълумотлар вақт ўтиши билан ҳақиқий ҳолатга мос келмай қолиши мумкин. Бундай ҳолатда ер майдонларидан хўжалик фаолияти жараёнида фойдаланиш натижасида улар таркибида ва тақсимланишида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Масалан, сўнгги ўн йилликда давлат ва жамоат мақсадлари учун ўн минглаб гектар ер қишлоқ хўжалик майдонларидан ажратилган. Ер майдонларида турли хил агротехник ва мелиоратив тадбирларнинг муваффақиятли олиб борилиши натижасида ер турларининг сифат ҳолати ўзгаради. Хатто томорқа ер участкалари ҳам катта аниқликда ҳисоб ишларини ўтказилиши талаб қилинади. Ер кадастри хужжатларига туширилган бошлангич маълумотлар вақт ўтган сайин эскиради, шунинг учун уларни тизимли тарзда янгилаб туриш зарур бўлади. Бу ишлар жорий ер ҳисоби сифатида амалга оширилади.

Жорий ҳисобнинг вазифасига қуйидагилар киради: биринчидан, ерларнинг миқдори, сифати ва тақсимланишида юз берадиган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ва ер ҳисоби хужжатларида қайд қилиш; иккинчидан, бирламчи ҳисобда йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаш ҳамда ер ҳисоби хужжатларига аниқликлар киритишдир.

Хужжатларда фақатгина қонуний ўзгаришлар қайд қилинади. Шунинг учун ҳисобда фақатгина ҳақиқий юз берган ўзгаришларни аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, шу билан бирга ушбу ўзгаришларнинг қонунийлигини ҳам аниқлаш зарур. Жорий ҳисоб ишлари мазмунининг фарқи шундан иборатки, уни ўтказишда асосий ҳисоб материалларидан фойдаланилади ва фақатгина ернинг ҳолати ҳамда фойдаланишдаги ўзгаришларгина қайд қилинади. Бунда жойни қайтадан тасвирга олиш ишлари бажарилмайди ва план-харита материаллари тайёрланмайди. Шундай қилиб, жорий ҳисоб асосий ҳисобдан иш ҳажми ва мазмуни бўйича фарқ қиласди. Ўз характери бўйича юз берадиган ўзгаришлар қуйидаги турларда бўлиши мумкин: ер турларининг, жумладан қишлоқ хўжалик ер турларининг трансформацияси (бир турдан иккинчисига ўтиши) натижасида ер турларининг майдонларида; тупроқларнинг сифат холатларида; ер участкасини ажратиб олиш ва бериш натижасида ердан фойдаланувчиларнинг алоҳида тоифаларининг ер майдонларида; асосий ер тоифалари майдонларида; маъмурий бирликлар худудининг майдонларида.

Асосий ва жорий ер ҳисоблари ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Биринчиси иккинчисини ўтказишга замин яратади, унинг таъсир доирасини

аниқлайди; иккинчиси эса биринчисининг маълумотларини талаб даражасида ушлаб туради. Асосий ва жорий ер ҳисобида миқдор кўрсаткичлар билан бир қаторда сифат кўрсаткичлари ҳам ёритилади.

Ер ҳисобини тўғри йўлга қўйишда жойни тасвирга олиш катта аћамият касб этади. Фаќатгина тасвирга олиш ва шу асосда олинган хариталардан фойдаланиш мамлакат ягона ер фондини мумкин қадар тўғри ҳисоб қилишга имкон беради. Тасвирга олиш материаллари ердан фойдаланувчилик майдонлари, ер турларининг таркиби тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларни олиш имконини беради. Бу олинган маълумотлар ерларнинг сифатини ҳисоб қилиш учун ҳам зарурдир.

Тасвирга олиш асосан ер устида, аэрофототасвирга ҳамда фазодаги тасвирга олишга бўлинади. Ҷозирга пайтда аэрофототасвирга олиш ерларни давлат ҳисобидан тасвирга олишнинг асосий тури бўлиб қолмокда. У мамлакат ягона ер фондини, жумладан ҳар бир ердан фойдаланувчилик майдонларининг ҳолати ва фойдаланиш даражаси, ўлчамлари, рельефи тўғрисидаги тез ва нисбатан кам харажатли зарурий маълумотлар олишга имкон беради. Унинг маълумотлари ҳамда ердан фойдаланишини ҳисобга олиш учун зарур бўлган жойнинг элементлари ер устида тасвирга олишга нисбатан кўпроќ ва аникроќ ёритилади. Масалан, аэрофототасвир материалларида ер турларининг фаќатгина контурларигина эмас, балки экин майдонларининг чегаралари, сув ва шамол эрозияларининг ривожланиш даражалари ва бошқалар ҳам қайд қилинади. Аэрофототасвир ёрдамида тайёрланган хариталар унча катта бўлмаган ер участкаларига эга бўлган томорқа ерларини ҳисоб қилишда жуда қимматлидир. Ушбу материаллар асосида ер ҳисобини бугунги давр талаби даражасида ушлаб туриш мумкин.

Кейинги йилларда ер ҳисобига фазодан тасвирга олиш материаллари ҳам кириб келмоќдаки, бу якин истиќболда муђим хўжалик аћамиятига эга бўлган тадбирлардан бирига айланиши шак-шубҳасиздир. Негаки, фазодан ер майдонларининг устки қисминигина тасвирга олибгина қолмасдан остки қатламлари тўғрисида ҳам ишончли маълумотлар олиш мумкин. Булардан ташқари ер ҳисобида якин келажакда электрон хариталардан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади.

Ҳисоб маълумотларини олишнинг жуда муђим усулларидан бири-бу кузатувдир. Давлат ер ҳисобида ўтказиладиган кузатув ишларининг вазифасига асосан ер турларининг ҳақиқий ҳолатини ва фойдаланишини аниқлаш, шунингдек, уларни қишлоќ хўжалиги ишлаб чиқаришида мумкин қадар тезкор фойдаланиш имкониятларини аниқлаш киради. Ер кадастри маќсадлари учун ўтказиладиган кузатувлар асосан икки турга бўлинади: маҳсус ва агрохўжалик. Маҳсус кузатувларга тупрок, геоботаник ва мелиоратив кузатувлар киради. Агрохўжалик кузатувда асосан ҳар бир контур ва ер турининг жойдаги ташқи белгилари ва ҳолати бўйича унинг сифати ҳамда ердан истиќболдаги оқилона фойдаланиш йўллари аниқланади.

Ер майдонларининг тезкор һисоби, жумладан сурориладиган ерларни йўқлама қилиш ер һисобининг таркибий қисми сифатида қабул қилинган.

Ерларни йўқлама қилиш бир вақтнинг ичида ўтказиладиган тадбир бўлиб, унда ҳар қайси хўжалик бўйича қўйидагилар амалга оширилади:

- қишлоқ хўжалик ер турларининг майдони тўғрисида аниқ маълумотлар олиш ва уларни план-харита асосида кўрсатиш;
- тупроқ кузатув хужжатлари асосида қишлоқ хўжалик ер турларининг сифатига тавсиф бериш;
- ер устини текислаш, коллектор-зовур ва сурориш тармоқларини қуриш һамда реконструкция қилиш учун зарур бўлган майдонларни аниқлаш.

Ерларни йўқлама қилиш ишлари натижаларини умумлаштириш ва тасдиқлаш мақсадида вилоят һокимияти топширигига биноан туман ва вилоят һокимиятлари қошида маҳсус хайъатлар ташкил қилинади. Вилоят бўйича тузиладиган ҳайъат таркибига қўйидагилар киради:

- қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи (ҳайъат раиси);
- сув тармоқларини эксплуатация қилиш бошқармасининг бошлиғи;
- һокимият қошидаги ер ресурсларини ҳудудий бошқармасини бошлиғи;
- фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси раиси;
- статистика бошқармасининг бошлиғи;
- "Ўздаверлойиҳа" институтининг вилоят бўлинмасининг директори ёки бўлим бошликлари.

Туманда тузиладиган ҳайъат таркибига қўйидагилар киритилади:

- туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи (ҳайъат раиси)
- туман сурориш тармоқларидан фойдаланиш бўлимнинг бошлиғи;
- туман һокимиятидаги ер тузиш хизматининг бошлиғи;
- "Ўздаверлойиҳа" институтининг вилоят бўлинмасининг етук мутахассиси.

Ерларни йўқлама қилиш "Ўздаверлойиҳа" институтининг ер тузувчи мутахассиси томонидан хўжалик ер-тузувчи инженери, гидротехники, хўжалик рађбарлари ва бошқа мутахассислар билан биргаликда бажарилади.

Ерларни йўқлама қилиш асосан 1:10000 масштабдаги план-хариталар асосида амалга оширилади. Айрим майдонлар учун план-хариталар бўлмаса, улар янгидан тайёрланган ҳолда амалга оширилади.

Сурориладиган ерларни йўқлама қилиш ишлари қўйидаги босқичларда бажарилади:

- тайёргарлик ва ташкилий ишлар;
- дала ишлари;
- майдонларни аниқлаш ва қайдномаларни тузиш;
- расмийлаштириш ва хужжатларни кўпайтириш;
- йўқлама қилиш ишларини кўриб чиқиши.

Тайёргарлик ва ташкилий ишлар даврида ҳар бир хўжалик бўйича ердан фойдаланиш плани, ер баланси ва бошқа ер тузиш хужжатлари танлаб олинади. Даля ишлари давомида сурориладиган майдонларни тўғрилиги аниқланади ва барча ўзгаришлар планга туширилади. Сурориладиган

ерларни йўқлама қилиш қайдномаси шу ерларнинг ҳар бир хўжалик бўйича тузилишига асосан ер турлари контурларига кўра майдонни ҳисоблаш орқали олинади. Агар олдин хисоблаб чиқилган майдон ўзгармаган бўлса, унинг қайдномасидан фойдаланиб йўқлама қилиш шакллари тўлғазилади. Агар хўжалик майдонининг бир қисми ёки айрим бўлагида тегишли ўзгаришлар бўлган бўлса, бу ўзгаришлар йўқлама қилиш шаклларини тўлғазишда кўрсатиб ўтилади.

Суѓориладиган ерларни йўқлама қилиш натижалари ҳар бир хўжалик бўйича З нусхада далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади. Далолатнома ҳайъат раиси, аъзолари, хўжалик раћбари ва бош агрономи томонидан имзоланади. Йўқлама қилиш якуни туман буйича туман ҳокимияти ва вилоят ҳокимияти томонидан кўриб чиқилиб маҳсус қарор билан тасдиќланади.

(вазирлик, қўмита, идора)

вилояти

туманидаги

хўжалик номи ва унинг ихтисослиги

### **Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш далолатномаси**

1. Туман юнгимининг ҳарорига биноан 200 й сонли

2. Қуйидаги таркибда ҳайъат тузилади:

туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи  
(райс)

туман сугориш тармоқларидан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи

туман ер тузиш хизматининг бошлиғи

лойиҳа бош инженери (ёки етук мутахассис)

хўжалик раҳбари

хўжалик бош агрономи

200 йилдан гача бўлган даврда сугориладиган ерлар йўқлама қилинди.

3. Йўқлама қилишда қуйидаги хужжатлардан фойдаланилди:

план-харита асосларидан (литооттиск, масштаби-1:10000) нашр қилинган йили

тупроқ кузатуви ишлари

ерларнинг сифатини ҳисоблаш

4. Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш натижалари қуйидаги иловаларда акс эттирилган

1) Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш бўйича ер турларининг якуний натижаси;

2) Ер баланси маълумотларини ва сугориладиган ерларни йўқлама қилиш бўйича қиёсий қайдномаси;

3) Қишлоқ хўжалик ер турларининг сифати бўйича тавсифномаси;

4) Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тавсифномаси;

5) Хўжаликнинг масштабдаги ердан фойдаланиш плани Раис

(имзо)

(Фамилияси, исми шарифи)

Хайъат аъзолари

(имзо)

(Фамилияси, исми шарифи)

\_\_\_\_\_ вилояти  
\_\_\_\_\_ туманидаги

200 \_\_ йил \_\_\_\_\_ дан  
Суғориладиган ерларни йўқлама

2-илова

Ер баланси маълумотларини ва суѓориладиган  
ерлар йўқламаси натижаларининг ќиёсий  
**ҚАЙДНОМАСИ**

Ер турлари номи	01.01 йил ер баланси бўйича	йил йўқлама ќилиш якуни бўйича	Фарқи +,-	Фарқ ќилиш сабаблари
1. Тайдалма ер, жами ш.ж.доимий суѓориладиган ерлар 2. Кўп йиллик дараҳтзорлар 3. Бўз ерлар, жами ш. ж. доимий суѓориладиган ерлар 4. Пичанзорлар 5. Яйловлар 6. Қишлоқ хўжалик ер турининг жами ш.ж.доимий суѓориладиган ерлар 7. Томорқ ерлар 8. Ихота ўрмон тизимлари ва ўрмонлар Суѓориладиган ерлар, жами				

Тузувчи \_\_\_\_\_

Текшириди\_\_\_\_\_

Бирламчи маълумотлар олиш ва суѓориладиган ерлардан фойдаланишни назорат ќилиш маќсадида даврий равишда, эхтиёжга қараб экин майдонлари ёки томорқа ерларини умумий назоратли ўлчов ишлари ўтказилади. Назоратли ўлчов асосан геодезик асбоблар ёрдамида бир муддатда ћамма ер участкаларида ёки танланган яъни алоќида олинган майдонда амалга оширилади. Умумий ўлчовда-барча майдонлар қамраб олинади, айrim ћолатларда эса худуднинг айнан танланган ќисмигина ўлчов ишларига тортилади.

Хўжаликда, корхона, муассаса ва ташкилотларда йил давомида олиб борилган ер хисоби ишларининг натижалари бўйича йил якунида туман ер тузиш хизмати томонидан туманда ер ћисботи (ер баланси) тузилади. Ер ћисботига йил давомида бажарилаган хўжаликлараро хўжаликларда алоќадор ер тузиш, ўтказилган назорат ўлчовлар ва бошқа ер тузиш ишларига алоќадор бўлган маълумотлар асос ќилиб олинади. Бу маълумотлар маҳсус шаклларга, чизма хужжатларга ћамда тушинтириш

хатларида қайд қилинади ва ёзилади. Ер һисоботи 22 ва 22 а һамда уларга илова қилинадиган шаклларда олиб борилади.

Туман (шаһар) ер һисоботи республика бўйича тузиладиган миллий ер һисботининг асоси һисобланади.

### **Мустақил ўрганиш учун саволлар.**

1. Ер һисобининг қисқача мазмуни тўғрисида сўзлаб беринг?
2. Ер һисоботи (баланси) нима ва халқ хўжалигига унинг аҳамияти қандай?
3. Ер һисоби билан ер һисоботи (баланси) ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
4. Ер һисоби қандай турларга бўлинади?
5. Асосий ер һисобининг вазифаларига нималар киради?
6. Жорий ер һисобининг мазмуни қандай?
7. Ер һисобининг натижалари қайси хужжатларда акс эттирилади?
8. Ерларни йўқлама қилиш ишининг мазмуни нималардан иборат?
1. Ерларни назоратли ўлчови қандай мақсадларда амалга оширилади?
2. Ерларни йўқлама қилиш қандай тартибда амалга оширилади?

### **3.3. Ерларни баҳолаш, иқтисодиёт тармоқларида унинг аҳамияти**

Ерларни баҳолаш давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиладиган табиий ресурсларни умумий тарзда баҳолашнинг бир қисми һисобланади. Бунда айниқса қишлоқ ҳужжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги ерларни баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. У жойнинг минтақавий фарқини һисобга олиш ва тақкослаш бўйича муҳим муаммолардан бири сифатида гавдаланади. Иқтисодиётнинг аксарият масалаларини, шунингдек қишлоқ хўжалик корхоналари ички масалаларини, давлатнинг ердан фойдаланганлик учун тўловлар сиёсатини ер тузиш ва ердан фойдаланиш муаммоларини ва ернинг сифат һолатини ва уни қиёсий баҳоламасдан туриб муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас.

Баҳолаш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш, энг аввало, уни обьекти ва субъектини тўғри белгилашга боғлиқдир. Тупроқшунослик бўйича олиб борилган тадқиқотлар һамда ерларни баҳолашга оид маҳсус адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ерларини баҳолашда унинг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер участкалари обьект бўлиб хизмат қилишини эътибор этишимиз керак.

Ернинг қишлоқ хўжалигига асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги асосий хусусияти – унинг унумдорлигидир. Ер майдонининг, аниқроғи тупроқнинг ўсимликларни унга зарур бўлган озуқа моддалари ва зарур намлик билан таъминлай олиш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади.

Инсон тупроқ унумдорлигини ошириш учун ерга турлича таъсир ўтказади: ерни ҳайдайди, юмшатади, сұғоради, тупроққа турли ўғитлар солади ва ћоказо. Натижада у тупроқдаги озуқа моддалар миқдорини оширади ћамда уларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштиришга имконият яратади. Шу Билан бирга тупроқ унумдорлигини ошириш имкониятини берадиган бошқа қатор тадбирлар ћам мавжуд. Аммо, фойдаланадиган ер сифатининг барча ижобий ўзгаришлари кўшимча маблағ ва међнат сарфи билан боғлиқ.

Иктиносидиёт фани асосан ќуйидаги тупроқ унумдорликларини ажратади: табиий, сунъий, потенциал, ћаки́кий ћамда иктиносидий.

Табиий унумдорлик табиатнинг ўзи орқали ћосил бўлади. У узоқ давом этадиган тупроқ пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнида иклим, ўсимликлар, жойнинг рельефи, она жинсларининг таъсири остида пайдо бўлади ћамда хоссасини ўзгариб туради. У тупроқларнинг физик, кимёвий ва биологик хоссалари билан тавсифланади. Аммо табиий унумдорликка асосланиб ернинг ћаки́кий сифатига баҳо бериб бўлмайди.

Тупроқда жуда кўп миқдорда озуқа моддалари бўлиши мумкин, аммо улар турли сабабларга кўра (намлик, ёруғлик ва бошқ.) ўсимликлар ўзлаштира олмайдиган ёки кам ўзлаштирадиган шаклда бўлиши мумкин. Бундан ташқари, битта ер участкаларида озуқа моддалари ўсимликлар осон ўзлаштирадиган, иккинчи участкада эса, аксинча, ќийин ўзлаштирадиган ћолатда бўлиши мумкин.

Сунъий унумдорлик табиий унумдорликка эга бўлаган ер участкаларида тупроқ хусусиятига инсон међнати орқали таъсир эти шва уларнинг бирлашиши натижасида ћосил бўлади. Бошқача ќилиб айтганда, табиий унумдорликка эга бўлган ер участкалари инсоннинг онгли фаолияти учун међнат предмети бўлиб хизмат ќиласди. Ҷаки́катдан ћам табиий ва сунъий унумдорликлар ўртасидаги чегара кўп жиҳатдан шартли, абстракт ћисобланади. Чунки табиий ва сунъий унумдорликлар табиатда соф ћолда алоҳида намоён бўлмайди. Турлича табиий унумдорликларга эга бўлган майдонлардаги маҳсус қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланиш даврида фақатгина табиат инъом этган озиқ моддаларни ўзлаштирибина ќолмасдан, балки улар ўсимликларнинг ўсиши ва ћосилдорлик учун сарфланадиган кўшимча харажатларни тупроқнинг юқори даражада чиринди билан бойиши эвазига ќоплади. Ушбу омилларнинг оқилона ќўлланилиши натижасида тупроқ унумдорлиги пасайиб кетмайди, аксинча, бунда унинг ижобий хусусияти намоён бўлади, яъни унумдорлиги ошади. Шундай ќилиб, ердан фойдаланиш тўғри ташкил этилганда у ишдан чиқмайди, аксинча, экинларга ишлов бериш жараёнида унумдорлик яратилади.

Потенциал ва ћаки́кий унумдорлик деб, табиий-иклимий ва бошқа омилларни ћисобга олган ћолда тупроқнинг қишлоқ хўжалик экинларини озуқа моддаларига бўлган талабини ќондириш ќобилиятига айтилади. Инсоннинг асосий вазифаси ушбу жараённи бошқариш, тупроқни ишдан

чиқишига йўл қўймаслик, ундаги озуқа моддаларни ўсимликлар ўзлаштиришига имкон яратишдан иборат.

Ер майдонларини чегараланганлиги, тупроқларнинг хилма-хиллиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг доимо ўсиб бориши, сифат жиҳатидан афзал ва афзал бўлмаган ерлардан ҳам фойдаланишни талаб қиласди. Бу ўз навбатида ерга сарфланаётган капитал маблағлар ҳажмини ошириш ва шунинг асосида маълум бир потенциал унумдорликка эга бўлиш эвазига эришилади. Натижада тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги вужудга келади.

Иқтисодий унумдорлик тупроқ унумдорлигининг ҳакиқий ифодаси сифатида гавдаланади. Ҳамда у деҳқончилик маданиятининг унумдорлик даражаси сифатида тавсифланади. Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги сарфланган капитал маблағлар миқдорига, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига, маҳсулотларни қайта ишлаш, сотиш ва бошқа омилларга боғлиқдир. Иқтисодий унумдорлик одатда абсолют ва нисбий унумдорликларга бўлинади. Абсолют унумдорлик - бу маълум бир шароитда етиштирилган маҳсулотлар миқдори билан ифодаланади ва маълум бирлиқдаги ер майдонининг ҳосилдорлик қўрсаткичи ёрдамида тавсифланади. Нисбий унумдорлик эса турлича ер майдонларининг қайд қилинган унумдорлиги билан ифодаланади ҳамда маълум миқдорда сарфланган харажатлар эвазига олинадиган маҳсулот миқдори билан тавсифланади. Ушбу, юкорида келтирилган унумдорликлар даражаларини белгилаш, ерларнинг қийматини аниқлаш мақсадида тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш каби маҳсус ер баҳолаш ишларини ўтказиш зарурати туғилади.

Эътироф этиш жоизки, иқтисодиёй муаммолар ичida Ўзбекистон Республикаси учун мавжуд фойдаланилаётган ерлар самарадорлигини ошириш, ерларни муҳофаза қилиш, тупроқлар унумдорликларини тиклаш ва ошириб бориш кабилар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу масалаларни ҳар томонлама тўғри ҳал қилиш иқтисодиёт тармоқларида ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни оқилона ечишда ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш сўзсиз ижобий самара беради. Жумладан, ер баҳолаш материаллари қуйидаги қатор масалаларни ижобий ҳал қилишда фойдаланилади: қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри жойлаштириш; қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштириш; қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятларини таҳлил қилиш асосида ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаларини аниқлаш; ер солиғи ставкаларини белгилаш; ижара ҳаки миқдорларини аниқлаш; қишлоқ хўжалик ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишда қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарарни ўрнини қоплаш миқдорларини ҳисоблаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳоларини белгилаш; хўжаликларо ва хўжаликда ер тузиш лойиҳаларини асослаш ва бошқалар.

### **3.3.1 . Тупроќ бонитировкаси ва уни ўтказиш услубияти**

Республикамизнинг ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, қишлоќ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини илмий асосланган ҳолда режалаштириш ер майдонларини ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг сифатини баҳолашни тақозо қиласди.

Тупроќ унумдорлигини белгиловчи хусусиятларига караб ерни сифат жиҳатдан аниқ баҳолаш усулларидан бири-унинг табиий унумдорлигини баҳолаш (бонитровка қилиш), яъни ерга энг муҳим агрономик хусусиятларига кўра балл билан солиштирма баҳо қўйиш ҳисобланади. Бу давлат ер кадастри тадбирлари ичидаги муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон қишлоќ хўжалик корхоналари ҳудудидаги сугориладиган ерларни унумдорлиги бўйича бонитровка қилиш биринчи марта XX асрнинг 70-йилларида "Ўздаверлойића" институтининг Ер кадастри бўлимни мутахассислари томонидан амалга оширилган.

Тупроќ бонитировкаси деб, деҳқончилик самарадорлиги ва агротехникасининг тенглаштирилган даражасидаги тупроќ унумдорлиги бўйича унинг сифатининг таққосланган баҳосига айтилади. У тупроқларнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган объектив белгилари ҳамда хусусиятлари асосида аниқланади.

Бонитровка қилишнинг асосий мақсади тупроқларнинг табиий унумдорлиги бўйича нисбий ҳамда барқарор хусусиятлари бўйича бир тупроќ хилининг иккинчисидан неча марта яхши ёки ёмонлигини кўрсатишдан иборат. Бонитровканинг обьекти бўйича аниқланган, қатъий таксономик бирликларда ифодаланган тупроќ хиллари хизмат қиласди.

Тупроќ бонитровкасининг мезони қилиб, ишлаб чиқариш натижаларига таъсир этувчи тупроқларнинг табиий диагностик ва маданийлашиш жараёни олинади.

Тупроќ бонитровкасининг минтақавий характерга эга бўлиши маълум бир табиий минтақаларга ва уларда етиштирилдиган қишлоќ хўжалик экинларига боғланиши зарур. Бунинг учун илмий асосланган табиий қишлоќ хўжалик минтақалаштиришни ўтказиш, маъмурий чегараларда қатъий қўлланиш мақсадида йирик минтақалар учун ўзларининг тупроќ бонитровкасини ўтказиш услубиятини ишлаб чиқиш зарур.

Тупроќ сифатини белгилайдиган унумдорликнинг асосий омили бўлган озука элементларининг миқдори, уларни маданий экинлар учун самарадорлик қиймати, сув ҳамда иссиқлик режими, сугориладиган минтақаларда тупроќ бонитровкаси балларини аниқлашга асос қилиб олинган. Тупроќ сифатини баҳолашда тупроќ пайдо бўлиш жараёнидаги биоген элементлар-углерод, азот, фосфор ва калийнинг ўсимликларнинг илдизи озиқланадиган минтақада тўпланишига ҳам катта аҳамият берилади. Бу омилларнинг миқдор қиймати бир метр қалинликдаги тупроқда ялпи

чиринди, азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатланувчи бирикмаларининг заъирасини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг сұғориладиган минтақаларида тупроқларнинг чиринди ва озуқа элементларининг миқдори шу тупроқларни генетик мансублиги ва механик таркиби, тупроқ пайдо бўлиш жинслари, тупроқ қатлами, майда донадор қатламининг қалинлиги, тузилиши ва бошқа диагностик белгилари билан узаро узвий боғлиқдир. Сұғориладиган тупроқларда озуқа моддаларининг миқдори асосан сұғориш даври ва маданийлашганлик даражасига қараб аниқланади.

Республикамизнинг дећончилик туманларидаги тупроқларнинг сифати у ёки бу қишлоќ хўжалик экинларини ўстириш имкониятини аниқловчи агроиқлим билан узвий боғлиқ қилиб белгиланган. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг сұғориладиган тупроқлари бонитировкасини аниқлаш услубияти тупроқларнинг экологик шароитларини ҳам ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Унумдорлик бўйича баћолаш ишлари муайян ердаги қишлоќ хўжалиги экинларига бўлган талабларни ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Ўзбекистоннинг сұғориладиган ерлари шароитида гўзанинг талаблари ҳисобга олингани эътиборда тутилади. Гўзанинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда аниқланган унумдорлик кўрсаткичлари пахтачилик мажмуига кирувчи бошқа ҳамма экинлар (шоли, каноп ва қўп йиллик мевали дараҳтлардан ташқари) экиладиган сұғориладиган ерларни баћолаш учун ҳам тўғри келади.

Ерларни баћолашда тупроқнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари: генетик аломатлари, сұғорила бошланган давр муддати, механик таркиби, тупроқ ҳосил қиласидиган жинслар генезиси, тупроқ қатламининг сизот сувларини ўтказувчанлиги, шўрланиш даражаси, эрозияга учраганлиги, тошлоқлик ва гипслашганлик даражаси ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Баћолаш 100 балли ёпик шкала бўйича ўтказилади. Энг яхши хусусиятларга эга бўлган ва энг юқори унум берадиган тупроқларга 100 балл белгилаб қўйилади.

Сұғориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласидаги сифат баћоси уларнинг генетик мансублиги, сұғориш даври ва маданийлашганлик даражаларига нисбатан бонитет балларида акс эттирилган. Шкалада бундан ташқари тупроқнинг гумус заъираси ва ўсимлик озуқа элементлари билан таъминланганлиги, сингдириш сиѓими, физик ҳусусиятлари ва биологик активлиги интеграл тарзда ҳисобга олинган.

Ўзлаштириш даврига қараб сұғориладиган тупроқларнинг ҳусусиятлари ҳам тубдан ўзгаради. Масалан, энг қадимдан сұғорилиб келинаётган тупроқлар базис тупроқлар бўлиб, барча ҳусусиятлари бўйича унумдор ҳисобланади.

Ўзбекистонда сұғориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласи маданийлашиш бўйича паст, ўртача ва юқори турларга бўлинган. Чиринди

зайраси ва фосфорнинг ҳаракатланувчи бирикмаларининг озлиги, биологик жараённинг сустлиги, тупроќнинг паст даражада маданийлашганлигидан далолат беради. Ю́кори даражада маданийлашган тупроќлар асосан ю́кори агротехник, тизимли тарзда ю́кори даражада минерал ва органик ўѓитлардан фойдаланиш ҳамда шунга мос ҳолда азот ва фосфорнинг ҳаракатланувчи бирикмалари билан ю́кори даражада таъминланганлиги, шу тариқа чириндига бойитилиши шароитида шаклланган. Қуйидаги жадвалда сугориладиган майдонларнинг бонитировка шкаласи келтирилган.

1 - жадвал

Ўзбекистоннинг сугориладиган ерларини унумдорлик бўйича баъолаш шкаласи.

Тупроќлар	Тупроќлар бонитетининг баллари		
	Ю́кори маданийлашган	Ўртча маданийлашган	Кам маданийлашган.
1	2	3	4

#### Қадимдан сугорилиб келинаётган тупроќлар.

Бўз	100	90	70
Ўтлоќи – бўз	100	80	60
Бўз тупроќлар минтаќасидаги ўтлоќ	100	80	60
Таќир	90	70	60
Ўтлоќи – таќир	100	80	60
Дашт минтаќасидаги ўтлоќ	100	80	60

#### Янгидан сугорилаётган ерлардаги тупроќлар

Оч тусли бўз	100	80	60
Типик бўз	100	80	60
Ўтлоќи бўз	90	70	50
Бўз – ўтлоќи	90	70	50
Бўз тупроќлар минтаќасидаги ўтлоќ	90	70	50
Бўз тупроќлар минтаќасидаги боткоќ	-	70	50
Ўтлоќ	60	50	40
Сур тусли кўнгир	-	65	50
Сур тусли кўнгир-ўтлоќ	80	60	50
Таќир	90	70	50
Таќир – ўтлоќи	80	60	50
Ўтлоќи – таќир		70	50
Дашт минтаќасидаги таќир		60	40
Дашт минтаќасидаги боткоќ – ўтлоќ			

#### Янги ўзлаштирилган ерлардаги тупроќлар

Оч тусли –бўз	-	-	50
Типик бўз	-	-	50
Ўтлоќи бўз	-	-	50
Бўз ўтлоќи	-	-	50

Бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлоқ	-	-	50
Бўз тупроқлар минтақасидаги боткоқ – ўтлоқи	-	-	50
Сур тусли кўнгир	-	-	40
Сур тусли кўнгир ўтлоқи	-	-	30
Тақир	-	-	40
Ўтлоқи – тақир	-	-	50
Тақир ўтлоқи	-	-	50
Дашт минтақасидаги ўтлоқ	-	-	50
Дашт минтақасидаги боткоқ – ўтлоқи	-	-	40
Дашт қумлар	-	-	50
Қумли ўтлоқ	-	-	50

Ушбу жадвал қулай шароитда етилган, яъни шўрланмаган ва эрозияга учрамаган, механик таркиби ва ер ости қатламининг сизот сувларининг ўтказувчанлиги яхши бўлган тупроқларнинг сифати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Лекин, амалий шароитда учрайдиган тупроқларнинг хусусиятлари турличадир. Унимдорликнинг пасайтирувчи турли-туман хусусиятларга эга бўлган тупроқларни баҳолашда 2-8 жадваллардаги тегишли пасайтириш коэффициентлари кўлланилади.

Ер унумдорлигини аниқловчи омиллар орасида иқлим алоҳида ўрин тутади. Иссик севар ўсимлик ҳисобланган гўза учун энг аҳамиятли агроиқлим кўрсатгичларидан бири – унинг ҳарорат ресурслари билан таъминланганлик ёки фойдали ҳарорат йиғиндинсинг  $10^0$  С дан ю́кори бўлишидир. Дарҳақиқат, тупроқ бонитети жойнинг кенглик минтақалари ва баландлик поғоналари бўйича гўзанинг термик ресурслари билан таъминланганлигига қараб табақаланади. Иқлим коэффициенти ёки биоиқлим коэффициентини хисоблаш қўйидаги формула ёрдамида амалага оширилади:

$$B_{ку} = \frac{\sum \mathcal{E}_{t\cdot\phi}}{\sum \mathcal{E}_{t\cdot\delta}} \times 100$$

бу ерда  $\sum \mathcal{E}_{t\cdot\phi}$  -  $10^0$  С дан ю́кори бўлган ҳақиқий самарали ҳарорат йиғинди;

$\sum \mathcal{E}_{t\cdot\delta}$  - базавий самарали ҳарорат йиғинди.

Жойнинг иқлим бўйича бонитет балларини табақалаштириш 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Кишлоқ хўжалиги минтақаларида кенглик ва баландлик минтақалари бўйича омилига кўра коэффициентлар

Т.р №	Табиий қишлоқ хўжалик минтақалари	Чўл зonasи

1	2	3	4	5	6
1	Қўйи –Амударё, Қўнғирот –Чимбой, Беруний-Туртқўл, Хоразм	2018 2275	Тез пишар Ўрта пишар Ўрта пишар	82 93 91	0,80 0,95 0,90
2	Жанубий Қизилқум, Навоий-Маликчўл, Бухоро, Қоракўл, Муборак	2350 2454 2685 3064	Ўрта пишар Ингичка толали тез пишар Ингичка толали Кеч пишар	96 100 110 125	0,95 1,00 1,10 1,25
3	Жанубий Сурхон- дарё, Шеробод -Сурхон				
4	Марказий Фарғона, Бўз – Ёзёвон, Қўқон	2375 2463	Ингичка толали ўрта пишар Ингичка толали кеч пишар	112 105	1,10 1,05
Типик бўз тупроқлар					
5	Чирчиқ –Оҳонгарон Янгийўл, Кўкорол-Пскент, Чирчиқ –Оҳонгарон	2193 2193 2055	тез ва ўрта пишар тез ва ўрта пишар тез пишар	89 89 84	0,90 0,90 0,87
6	Аровон, Андижон-Шахрихон	2053 2261	Тез пишар ингичка толали	84 109	0,85 1,10
Оч тусли бўз тупроқлар					
7	Жizzах-Мирзачўл, Сирдарё, Гулистан, Жанубий Мирзачўл, Марказий Мирзачўл	2325 2345 2418 2164	ўрта пишар ўрта пишар ўрта пишар тез пишар	95 95 98 88	0,95 0,95 1,00 0,90
8	Зарафшон- Самарқанд, Октош, Жомбой, Иштихон	2272 2252	тез пишар тез пишар	93 92	0,95 0,90
9	Избоскан-Учқурғон, Сух, Фарғона-Қува	2400 2735 2422	тез пишар ингичка толали тез пишар ўрта пишар	98 112 99	1,00 1,10 1,00
10	Қарши-Гузор, Чироқчи-Шахрисабз	2801	Ингичка толалаи ўрта пишар	114	1,15 1,15
11	Сурхондарё, Юқори Сурхон, Ўрта Сурхон	3037	Ингичка толалаи кеч пишар	124	1,25

Суғориладиган деҳқончиликнинг турли минтақаларида иқлимини баҳолаш - учун пишиб етилиш муддатларига кўра гўза навларининг қайси

гурӯғга мос келишини, шунингдек дон ёки силос учун мўлжалланадиган оралиқ ёки тақорорий экинларнинг мумкин бўлган биологик маҳсулдорлигини аниқлаш имкониятини беради.

Тупроқ унумдорлигини белгилайдиган мажмуанинг ҳусусиятлари орасида унинг механик таркиби ҳам муҳим ўрин эгаллади. Енгил ва ўрта қумоқли тупроқлар унумдор тупроқлар қаторига киради. Улар ишлов беришга қулай, яхши сув-физик хусусиятларга эга. Майда ва йирик тош аралашмалари сугориладиган тупроқларнинг сифатини ёмонлаштиради. Шу билан бирга техник механизмлар билан ишлашни қийинлаштиради ва тупроқнинг сув сингдириш хусусиятларини ёмонлаштиради. Шунинг учун ҳам тупроқ бойишини аниқлаш жараёнида хилма-хил тупроқларнинг механик таркиби бўйича пасайтириш коэффициентлари қўлланилади (3-жадвал).

3-жадвал

Тупроќнинг механик таркиби ва тошлоќлиги бўйича пасайтирувчи коэффициентлар

Механик таркиби	Бўз тупроќлар минтақаси									Чўл минтақаси								
	лёссе	Пролювиал	аллювиал	пролювиал			Элювий	Асосий тоғжинслари			Аллювий	пролювиал			Элювий	Асосий тоғжинслари		
				1	2	3		1	2	3		1	2	3		1	2	3
Соз	0,8	0,90	0,85	0,80	0,75	0,70	0,80	0,75	0,70	0,85	0,95	0,80	0,70	0,80	0,75	0,75	0,70	
Оѓир ёумоќ	0,9	0,90	0,85	0,85	0,80	0,75	0,85	0,80	0,75	0,90	0,85	0,85	0,80	0,90	0,85	0,75		
Ўрта ёумоќ		1,0	0,95	0,95	0,90	0,85	0,95	0,90	0,80	0,95	0,95	0,95	0,80	0,95	0,85	0,75		
Енгил ёумоќ	0,95	0,95	1,0	0,80	0,85	0,75	0,90	0,85	0,75	1,0	1,0	0,95	0,85	0,90	0,85	0,75		
Ҷумоќли	0,85	0,85	0,85	0,85	0,80	0,75	0,85	0,80	0,65	0,95	0,90	0,80	0,70	0,85	0,80	0,70		
Ҷумли	-	-	-	-	-	-	-	-	-	0,90	-	-	-	0,70	0,60	0,50		

Изоћ: 1- тошсиз – 1,0

2-сийрак тошли – 0,95

3-ўрта тошлоќлик – 0,90

4-юкори кўп тошлоќлик – 0,85

Сүгориладиган деңқончилик шароитида тупроқларни бағолашда унинг шўрланиш даражасини ва мелиоратив һолатини һисобга олиш муҳим аћамиятга эга. Ернинг сизот сувларини ўтказувчанлиги ва унинг қандай даражада шўрланганига қараб, бойитишни табақалаштириш коэффиценти 4- жадвалда келтирилган. Ушбу жадвалда турлича бағоланиши керак бўлган тупроқлар қўйдаги гуруҳларга ажратилади:

1. Шўрланмаган ва иккиламчи қайта шўрланишга учрамаган ерлар. Бу гуруҳга сизот сувлари чучук бўлган ёки чуқур жойлашган ерлар киради;

2. Щўри батамом йўқ бўлиб кетмайдиган ерлар. Бунга сизот сувлари чуқур жойлашган, шўр бўлган ерлар киради;

3. Тез эрувчан тузлар билан шўрланган ерлар. Бу гуруҳга киравчи ерлар шўр ерларнинг асосий қисмини ташкил этади. Агар шу сизот сувлари юза жойлашган бўлса ва секин һаракат қилувчи бўлса, бундай ерлар шўрланишда давом этаверади;

4. Карбонат-магний тузлари билан шўрланган, зич гипс ва корбонатли қатлами бўлган ерлар. Бу гуруҳга киравчи тупроқлар чучук гидрокорбонатли сизот сувлар юза жойлашган тартибда ривожланиб боради.

4-жадвал

#### Шўрланиш даражаси һамда сув ўтказувчанлик даражасига нисбатан тупроқ бонитетининг табақаланиши

Т.р	Тупроқларнинг шўрланиш даражаси	Бўз, тақир сур тусли қўнгир тупроқлар, ер ости сувлари (5 м)	Бўз ўтлоқи ва ўтлоқи тақир тупроқлар, ер ости сувлари (3-5 м)	Бўз минтақасидаги ва чўл зонаси-даги ўтлоқи бўз, ўтлоқи тупроқлар, ер ости сувлари (1,5-3 м)	Бўз минтақасидаги ва чўл зонаси-даги боткоқ ўтлоқи ва боткоқ тупроқлар, ер ости сувлари (0,5-1,5 м)
1	2	3	4	5	6
1	Шўрланмаган ва қайта шўрланмаган (бўз тупроқлар минтақаси) а) сув ўтказмайдиган ва кам сув ўтказувчан, соз ва оғир қумоқ қатлами қумли тупроқлар б) сув ўтказувчан тупроқлар		0,95 1,00	0,90 1,00	0,90 1,00
2	Кам шўрланган а) ер ости сувларининг				

	ћаракати таъминланган сув ўтказувчан тупроќлар б) ер ости сувларининг ћаракати таъминланган сув ўтказувчанлиги паст бўлган ћамда сув ўтказмайдиган тупроќлар	0,95 0,90	0,90 0,85	- -	- -
3	Тез эрийдиган тузлар билан шўрланган Ювилган Кам ювилган Ўртача шўрланган Кучли шўрланган	- - - - -	1,00 0,95 0,90 0,85	0,95 0,90 0,85 0,80	- 0,85 0,80 0,70

Сизот сувларининг оқиб чиқиб кетиш имкони катта бўлган ерлар учун тузатма кофицентлари 5-жадвалда келтирилган.

5- жадвал

Кучли сув ўтказувчан тупроќ ости жинслари, бўйича тупроќ бонитетини таќќослаш

Сув ўтказувчанлик даражаси	Бонитет коэффициенти
Кумоќ ћамда ќумли	0,90
50 см чуқурликдаги майда тошли ќумоќ	0,80
30 см чуқурликдаги майда тошли ќумоќ	0,70

Тупроќ унумдорлигини пасайтирувчи омиллар ќаторига сув ћамда шамол таъсиридан емирилиши (эрозия) ћам киради. У нотекс рельефли, янги сугорилаётган майдонларда, юқори ќияликларда ёрқин намоён бўлади. Бу минтақаларда тупроќ жинслари асосан лёсс пролювал ва аллювиал ётқизиклардан иборат бўлади.

Ювиладиган тупроќларнинг сифати нисбатан лёссларда камроќ пасаяди, чунки майдонларнинг тупроќни чуқур ќатламларида ћам потенциал унумдорлиги юқори бўлади. Ювиладиган тупроќларнинг пролювиал ва аллювиал-пролювиал ётқизикларда майдонларнинг сифатини кўпроќ даражада пасайиши кузатилади (6-жадвал).

6-жадвал

Эрозияга учраганлик даражасига нисбатан тупроќ бонитетини таќќослаш

Ювилиш даражаси	Тупроќ ћосил ќилувчи тоғ жинслари	
	Соз (лёсс)	Пролювиал – аллювиал
Ювилмайдиган	1,00	1,00
Кам ювиладиган	0,95	0,90

Үртача ювиладиган	0,80	0,75
Тез ювиладиган	0,70	0,60

Маълумки, кейинги йилларда сурғориш мақсадлари учун хилма-хил даражали гипсланган катта майдонлар ўзлаштирилган ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун қабул қилинган. Гипс эса ернинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради ҳамда тупроқ унумдорлигини пасайтиради. Бонитет балларини аниқлашда бошқа омиллар қатори алоҳида тупроқ хилларида гипс горизонтининг жойлашиши ва гипс миқдорига нисбатан ҳам пасайтирувчи коэффициентлар қўлланилади (7-жадвал).

7-жадвал

#### Тупроқнинг гипслилик даражасига қараб бонитетни пасайтирувчи коэффициентлар

Гипслилик даражаси	Гипс миқдори	Гипс қатлами ning бошланиш чуқурлиги, см			
		Юза кисмидаги ҳайдалма қатлам, 0-30	30-50	50-100	100-200
гипссиз	10 гача	1,0	1,0	1,0	1,0
кам гипсли	11-20	0,8	0,95	1,0	1,0
ўртача гипсли	21-40	0,7	0,8	0,9	1,0
калин гипсли	40<	0,5	0,7	0,8	0,9

Аниқ бир тупроқнинг бонитет балини асосий ҳусусияти тупроқ хилига берилган баллга хилма хил тузатма коэффициентларни кўпайтириш йўли билан аниқланади, яъни:

$$B_k = B_1 \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdots \cdot K_n$$

бу ерда  $B_1$  - асосий шкала бўйича тупроқнинг бонитет балли;

$K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdots \cdot K_n$  - тузатма коэффициентлар.

Алоҳида олинган тупроқ хилининг бонитет балини ҳисоблангандан кейин шу маълумотларга асосан хўжалик бўйича умумий сурғориладиган ерларнинг бонитет балларини ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун қишлоқ хўжалик турлари бўйича тупроқ хиллари майдонларини ҳисоблаш маълумотлари зарурдир.

Хўжаликнинг сурғориладиган экин майдонлари бонитет бали тупроқ қатламини ташкил этувчи турли тупроқ хилларининг бонитет балларини ўртача келтирилган қиймати тариқасида аниқланади, яъни:

$$B_{x.k.} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + \dots + B_n P_n}{P_1 + P_2 + \dots + P_n} = \sum_{i=1}^n \frac{B_i P_i}{P_i}$$

бу ерда  $B_1, B_2, \dots, B_n$ -тупроќ хилларининг бонитет балли;

$P_1, P_2, \dots, P_n$  - шу тупроќларнинг эгаллаган майдонлари, га.

Қуйида, пахтачилик хўжалигида ишлаб-чикариш бригадаси оила пудрати ерларининг ўртача бонитет балларини аниқлашга мисол келтирилган. Масалан, майдони 90,0 гектарга тенг бўлган бригада ҳудудининг 50,0 гектари 72 балл, 30,0 гектари 62 балл, 10,0 гектари 46 баллда баъоланган. Бунда бригада оила пудрати бўйича ўртача бонитет 66 баллга тенг бўлади, яъни:

$$B_{x.k.} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + B_3 P_3}{P_1 + P_2 + P_3} = \frac{(50,0 \cdot 72) + (30,0 \cdot 62) + (10,0 \cdot 46)}{50,0 + 30,0 + 10,0} = 65,8 \approx 66$$

балл.

### **Мустаќил ўрганиш учун саволлар.**

1. Ерларни баъолаш нима, унинг қисқача мазмуни.
2. Ерларни баъолашнинг асосий манбааси нима?
3. Қандай иқтисодиёт масалаларини ҳал қилишда ер баъолаш маълумотларидан фойдаланилади?
4. Тупроќ бонитировкаси нима?
5. Тупроќнинг қандай унумдорликларини биласиз?
6. Тупроќ бонитировкасини ўтказиш учун тузилган бонитировка шкаласига тупроќнинг қандай хусусиятлари асос қилиб олинади?
7. Тупроќ бонитировкасини ўтказишда унинг диагностик белгилари бўйича қандай тузатма коэффициентлар киритилади?
8. Тупроќ бонитировкасини ўтказиш услубиятини сўзлаб беринг.

### **3.3.2 Ерларни иқтисодий баҳолаш ва уни ўтказиши услубияти**

Ерларни иқтисодий баҳолаш - ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги солиштирма қийматини аниқлаш демакдир. Бу кўрсаткичлар ҳам нисбий катталиқда, яъни балларда, ҳам абсолют кўрсаткичларда, яъни ерга ҳисоблаб чиқилган шартли нархларда бўлиши керак.

Шунга алоҳида аҳамият бериш зарурки, ерни иқтисодий баҳолаш ва тупроқларни бонитировка қилиш ўртасида узвий боғлиқлик ва бир-бирига нисбатан кескин фарқ мавжуд. Тупроқларни бонитировка қилишда ишлаб чиқариш шароитлари эмас, асосан ўсимлик ўсиши учун зарур бўлган табиий хоссалари ҳисобга олиниб, гуруҳларга бўлинади. Иқтисодий баҳолашда эса ернинг табиий сифати ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари унинг табиий - иқтисодий шароитларига мос равишида ҳисобга олинади. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги шундан иборатки, тупроқларни бонитировка қилиш натижалари ерларни иқтисодий баҳолашда асос сифатида олинади.

Қайд қилиш зарурки, республикамиз иқтисодиёт тармоқларида, жумладан қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожланиб бораётганлиги мавжуд ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан меъёрий баҳолаш заруриятини туғдирди. Қишлоқ хўжалик ерларини меъёрий баҳолаш натижалари асосан ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш, ер солиғи ставкаларини аниқлаш, белгиланган меъёрда ажратилганидан ташқари қишлоқ жойларида уйжой қуриш ва деҳқон хужалигига ер бериш, банк томонидан кредит бериш, ер участкаларини ким ошди савдоси (аукционлар) орқали сотиш учун бошланғич баҳосини белгилаш ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа ҳоллар учун кўлланилади.

Барча қишлоқ хўжалик ер майдонлари ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш обьекти бўлиб хизмат қилади. Бунда ерларни баҳолаш бўйича белгиланган ҳудудий ҳисоб бирликлари қўйидагилардир:

-ички хўжалик миқъёсида: тупроқ сифати бўйича (бонитети) бир хил бўлган ҳайдалма ерлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларининг алоҳида участкалари. Бундай ҳолда ерларнинг баҳоси ички хўжалик масалаларини ҳал қилиш, дехкон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, қурилишлар, сугориладиган ерларни текислаш мақсадлари учун аниқланади;

-умумий жиҳатдан (умумий ер майдони бўйича) ерларнинг баҳоси ер учун солик ставкаси миқдорларини ҳисоблаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиб банқдан кредит олиш, пай миқдорларини аниқлаш учун ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ердан фойдаланувчилар ерларни иқтисодий баҳолаш субъектлари ҳисобланадилар.

Ерларни иқтисодий жиһатдан баһолаш жараёнида сұғориладиган ерларни баһолаш муһим амалий аћамиятга эга. Экинларни етиштириш учун муһим һисобланган ернинг табиий хусусиятлари бўйича қиёсий баһоси (тупроқ банитировкаси) ва қиймат кўрсаткичи сифатидаги меъёрий соф даромад сұғориладиган ерларнинг баһосини аниқлаш учун асос қилиб олинади.

Тупроќнинг табиий унумдорлигини, маћсулдорлигини һамда қишлоќ хўжалигига яроќлилигини һисобга олган һолда бонитет баллари бўйича республикадаги сұғориладиган ерларнинг 10 та синфи белгиланган. Агрономия нуќтаи назаридан бонитет баһосининг баллари қишлоќ хўжалик экинларини кадастр бўйича һисобланаган һосилдорликлари орқали белгиланади. Бу эса ўз навбатида 100 баллик баһолаш шкаласидан 1 гектардан олинадиган һосилни центнердаги ўлчами, яъни ц/га һисобида 1 баллга тўғри келадиган һар бир асосий қишлоќ хўжалик экини учун һисобланади. Республика қишлоќ хўжалиги вазирлиги томонидан 2001 йилда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси сұғориладиган тупроқларни бонитировка қилиш" услугбиятига мувофиқ қабул қилинган бонитет баллари бўйича асосий қишлоќ хўжалик экинларини кадастр һосилдорликлари қўйидаги жадвалда келтирилган

#### 8 - жадвал

Бонитет баллари бўйича асосий қишлоќ хўжалик экинларининг  
һосилдорлиги

(ц/га)

Бонитет бали	Пахта	Донли экинлар	Беда	Маккажўхори дон учун	Бир йиллик ўт	Ҷашаки лавлаги
10	4,0	6,0	20,0	7,5	30,0	90,0
20	8,0	12,0	40,0	15,0	60,0	180,0
30	12,0	18,0	60,0	22,5	90,0	270,0
40	16,0	24,0	80,0	30,0	120,0	360,0
50	20,0	30,0	100,0	37,5	150,0	450,0
60	24,0	36,0	120,0	45,0	180,0	540,0
70	28,0	42,0	140,0	52,5	210,0	630,0
80	32,0	48,0	160,0	60,0	240,0	720,0
90	36,0	54,0	180,0	67,5	270,0	810,0
100	40,0	60,0	200,0	75,0	300,0	900,0
Бир баллнинг қиймати	0,4	0,6	2,0	0,75	3,0	9,0

Турли сифатга эга бўлган сұғориладиган қишлоќ хўжалик ерларининг 1 га һисобига меъёрий соф даромади қўйидаги формула ёрдамидав аниқланади:

$$СД_m = \frac{ЯM_m \cdot P_m}{100},$$

Бу ерда:  $СД_m$  – 1 га қишлоқ хўжалик ерларидан олинадиган меъёрий соф  
Даромад, сўм;  
 $ЯM_m$  – 1 га қишлоқ хўжалик ерларидан олинадиган меъёрий ялпи  
маҳсулот, сўм;  
 $P_m$  – турлича сифатга эга бўлган ерларда вужудга келадиган қишлоқ  
хўжалиги ишлаб чиқаришининг меъёрий ҳисобланган фойдаси, %.

Меъёрий соф даромад экин майдонларининг таркибига ва қишлоқ  
хўжалигининг ихтисослаштирилганлигига қараб қўйидаги икки ечимдан биттаси  
бўйича ҳисобланиши мумкин:

- асосий экин бўйича;
- ер баҳолаш обьектида етиштириладиган асосий экинлар нисбати бўйича.

Асосий экин бўйича меъёрий ялпи маҳсулот ҳисоби ушбу экинни  
етиштиришда юқори ихтисослашганлик даражасига эга бўлиши керак.  
Ихтисослашганлик даражаси етакчи экинлар товар маҳсулотларининг  
солиштирма салмоғи 60 фоиздан кам бўлмаган ҳолда аниқланади.

Асосий экин бўйича 1 га ердан олинадиган меъёрий ялпи маҳсулот ушбу  
экиннинг кадастр ҳосилдорлигини (ц/га) уни сотиш баҳоси (сотиб олиш,  
шартномавий, бозор) га кўпайтмасига тенгdir.

Асосий экинлар қўшилмаси бўйича меъёрий ялпи маҳсулотни аниқлаш  
қўйидаги амалга оширилиши мумкин:

- ер баҳолаш обьекти бўйича экин майдонлари таркибининг ўртача қиймати ва  
ушбу экинларни сотиш баҳолари билан;
- ҳайдалма ернинг умумий майдонида ҳар бир қишлоқ хўжалик экинининг  
қийматини ҳисоблаш асосида.

Ҳисоблар қўйидаги формула ёрдамида бажарилади:

$$ЯM_m = \frac{X \cdot P_1 + 3 \cdot P_2 + K \cdot P_3}{(X + 3 + K)},$$

Бу ерда,  $X$  -1 га ҳисобига пахта хом-ашёсининг қиймати, сўм;  
 $3$  – 1 га ҳисобига донли экинларнинг қиймати, сўм;  
 $K$  – 1 га ем-хашак экинларининг қиймати, сўм;  
 $P_1, P_2, P_3$  -экинларнинг фоиз ҳисобидаги солиштирма миқдори,%.

Пахта-дон мажмуасида меъёрий ялпи маҳсулот ҳисобини соддалаштириш  
учун кадастр обьектидаги экинларнинг умумий таркибидаги нисбатига қараб

пахта бўйича ялпи маћсулот ёйматининг махсус һисобланган тузатма коэффициентларидан фойдаланиш мумкин (9-жадвал).

9 - жадвал

**Пахта бўйича ялпи маћсулот ёйматининг тузатма коэффициентлари**

Пахта экинини һайдалма ерлар умумий майдонидаги нисбати	Умумий һайдалма ердан олинган пахта хом-ашёси ёйматидан ялпи маћсулот ёйматининг тузатма коэффициентлари
K 30 %	0,526
K 40 %	0,594
K 50 %	0,661
K 60 %	0,729
K 70 %	0,797

Турлича сифатга эга бўлган ерлар учун қишлоќ хўжалиги ишлаб чиқаришининг һисобланган фойда меъёри асосан ялпи маћсулот ёйматига нисбатан фоизларда хисоблаш йўли билан аниқланади. Унинг ёйматлари қуидаги жадвалда келтирилган (10-жадвал).

10 - жадвал

**Қишлоќ хўжалиги ишлаб чиқаришининг һисобланган фойда меъёри (%)**

Бонитет бали	Фойда меъёри	Бонитет бали	Фойда меъёри
10	-	60	18,0
20	6,0	70	21,0
30	9,0	80	24,0
40	12,0	90	27,0
50	15,0	100	30,0

Бир гектар сугориладиган ернинг меъёрий баћоси қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$I_m = \frac{CD_m \cdot K_1}{P} \cdot 100,$$

Бу ерда,  $I_m$  – 1 га сугориладиган ернинг меъёрий баћоси;

$CD_m$  – 1 га сугорма ердан олинадиган соф даромад;

$P$  – капитал маблаѓларга қўйиладиган банк ссудасининг фоизи, 5 %;

$K_1$  – хўжалик юритиш даражасини һамда қишлоќ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлилик даражасини һисобга олиш коэффициенти.

Капитал маблаѓларда ссуда фоизи молияловчи банк томонидан молиялашнинг ўртacha ставкаси бўйича қабул қилинган. Хўжалик юритиш даражасини, қишлоќ жойларида истиқомат қилувчи аћолини ва қишлоќ хўжалиги

ишлиб чиқаришининг интенсивлилик даражасига нисбатан боғлиқлик коэффициентлари республика бўйича ўртacha даражага нисбатан қуидагича қабул қилинган:

Қоракалпогистон Республикаси-0.70; Бухоро-1.0; Жиззах-0.8; Қашкадарё-0.8; Навоий-0.8; Наманган-1.1; Самарқанд-1.2; Сурхандарё-1.3; Сирдарё-0.8; Тошкент-1.2; Фарғона-1.1 ва Хоразм -1.0, Ўзбекистон Республикаси бўйича ўртacha-1.0.

Суғориладиган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлашда уларни қишлоқ аҳоли пунктларига ва маҳсулотларни сотиш бозорларига нисбатан жойлашганлиги ҳам ҳисобга олинади. Ер майдонларини аҳоли яшаш пунктларига ва хўжаликларо обьектларга нисбатан узоқлик радиуси, яъни транспорт ҳаракатига

кулайлигига боғлиқлиги бўйича ҳам ерларни меъёрий баҳолашда маҳсус тузатма коэффициентлари киритилади (11-жадвал).

11 - жадвал

Ер участкасининг аҳоли пункти ва маҳсулотларни сотиш жойларидан узоқлиги бўйича тузатма коэффициентлар (суғориладиган минтақа учун)

Масосфаси, км		Масофаси бўйича тузатма коэффициентлар
Аҳоли пунктидан	Маҳсулотларни сотиш пунктидан	
2,0 гача	4,0 гача	1,50
2-4		1,47
4-6		1,44
6,0 дан ортиқ ўртacha		1,41
		1,46
2,0 гача	4-8	1,38
2-4		1,35
4-6		1,32
6,0 дан ортиқ ўртacha		1,29
		1,33
2,0 гача	8-12	1,26
2-4		1,23
4-6		1,21
6,0 дан ортиқ ўртacha		1,19
		1,22
2,0 гача	12-16	1,17
2-4		1,15
4-6		1,13
6,0 дан ортиқ ўртacha		1,11
		1,14

2,0 гача	16-20	1,09
2-4		1,07
4-6		1,05
6,0 дан ортиқ үртача		1,03
		1,06
2,0 гача	20 дан ортиқ	1,01
2-4		1,00
4-6		1,00
6,0 дан ортиқ үртача		1,00
		1,00

Ер участкаларини аћоли пунктларидан узоќлиги бўйича маълумотлар бўлмаган таќдирда ћамда ћисоб-китобларни осонлаштириш маќсадида хўжаликларни маћсулотларни сотиш бозорига ћамда моддий-техник таъминот марказларига нисбатан жойлашувини ћисобга оладиган үртача ќийматлар ќўлланилади. Хўжаликлар вилоят марказларидан 10-20 км радиусда жойлашган таќдирда ќўлланилган коэффициентлар 10-15 фоизга оширилиши мумкин.

Умумий тарзда суѓориладиган ерларни меъёрий баћолаш натижалари ќуйидаги, 12- жадвалда акс эттирилади.

12 – жадвал

### Ерларнинг меъёрий ќийматини ћисоблаш

Тартиб раќами	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирилиги	Ќиймати
1	Тупроќ бонитетининг үртача бали	бал	
2	Бир гектар ћайдалма ердан олинган ялпи маћсулотнинг меъёрий баћоси	минг сўм	
3	Фойда меъёри	%	
4	Меъёрий соф даромад (2x3):100	минг сўм	
5	Банк ссудасининг фоизи	%	
6	Хўжалик юритиш ва ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлик даражалари бўйича коэффициент		
7	Бир гектар ернинг базавий меъёрий баћоси (4x6x100:5)	минг сўм	
8	Жойлашган ўрни бўйича коэффициент		
9	Маћаллий шароит бўйича коэффициент		
10	Бир гектар ернинг меъёрий баћоси (7x8x9)	минг сўм	
11	Умумий майдон	га	
12	Ер участкасининг ёки контурнинг ялпи	минг сўм	

меъёрий баҳоси		
----------------	--	--

### **Мустақил ўрганиш учун саволлар.**

1. Ерларни иқтисодий жићатдан (меъёрий) баҳолашнинг мазмуни нималардан иборат?
2. Ерларни иқтисодий жићатдан баҳолашнинг асосига қандай кўрсаткичлар қўйилган?
3. Ер баҳолаш ишларининг натижалари халќ хўжалигининг қайси масалаларини ҳал қилишда қўлланилади?
4. Бир гектар ернинг меъёрий баҳоси қандай аниқланади?
5. Ер участкасининг (ёки контурнинг) ялпи меъёрий баҳоси қандай аниқланади?

## **IV боб Ер кадастрини юритиш тизими**

### **4.1. Корхона, муассаса ва ташкилотларда ер кадастри**

#### **4.1.1. Корхона, муассаса ва ташкилотларда ер кадастрининг вазифалари ҳамда аћамияти**

Корхона, муассаса ва ташкилотларда олиб бориладиган ер кадастри мамлакат бўйича юритиладиган ягона ер кадастрининг асосий, бирламчи таркибий қисми ҳисобланади. Ер кадастри маълумотлари - ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва мулкдорларига ишлаб чиқариш фаолиятлари учун: туман ташкилотларига ва бошқарув органларига эса-ерлардан тўғри фойдаланишни назоарт қилиш ҳамда давлат ер кадастрини юритишга рађбарлик қилиш учун зарурдир.

Ер кадастри айниса қишлоќ ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари учун катта аћамиятга эгадир. Чунки бу соћаларда ер асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида фаолият кўрсатади.

Қайд қилиш жоизки, ер кадастри қишлоқ хўжалик корхонасининг асосий хисоб турларидан бири сифатида намоён бўлади. Шу сабабли ҳам у алоҳида олинган ҳолда эмас, балки оператив-техник ва бухгалтерия ҳисоб-китоблари билан бирга мажмуали тарзда қаралиши зарур. Ер кадастри халқ хўжалигидаги бошқа хисобларни ердан фойдаланувчилардаги мавжуд бўлган ер турларининг таркиби, уларнинг сифат холати, ер майдонларининг баҳоси тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлайди. Ушбу мақсадалр учун ер кадастрининг план-харита ва ёзма-матн хужжатларидан кенг тарзда фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида оператив-техник ва бухгалтерия хисоблари қишлоқ хўжалик корхоналарида ерлардан фойдаланишини тавсифлайдиган иқтисодий, агротехник ва бошқа қўрсатгичларга эга эканлигидан далолат беришини қўрсатади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида юритиладиган ер кадастри нафақат хўжаликнинг ўзини, балки тумандаги барча корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳам давлат ер кадастрини юритиш учун зарур бўлган маълумотлар билан таъминлаши зарур.

Корхона, муассаса ва ташкилотларда юритиладиган ер кадастри асосий ва жорий турларга бўлинади. Асосий ер кадастрини юритишда маълумотларни ер кадастри хужжатларига илк бора туширган холда ердан фойдаланувчиларни, ер участкаси ижаракилари ва мулқдорларнинг ҳуқуқий, табиий ҳамда хўжалик холатлари тўғрисидаги тўла маълумотлар тўпланиши зарур. Жорий ер кадастрида ердан фойдаланишдаги барча ўзгаришлар аниқаланади, шунингдек, хужжатларда қатъий ёритиладиган бошлангич маълумотлардаги хато-камчиликлар тузатилади. Корхона, муассаса ва ташкилотларда ер кадастрини ўтказишда унинг узлуксизлиги, объективлиги, ер кадастри маълумотларининг кўргазмалилигини таъминланиш зарур.

Ер кадастри маълумотлари хўжаликларо ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиша жуда зарур, негаки, айниқса бозор муносабатлари шароитида ер майдонларига мулкий, ижара, эгалик ҳуқуқларининг пайдо бўлаётганлиги, турли типлардаги ва кўринишлардаги корхона ва ташкилотларнинг вужудга келаётганлиги энг биринчи галда худуддаги мавжуд ер майдонларининг миқдори ва сифатининг холати ҳақидаги маълумотларни билишни тақозо қиласди.

Ер кадастри маълумотлари хўжаликда ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиша ҳам кенг кўламда кўлланилади. Ер турлари ва экинларни алмашлаб экишлар жойнинг рельефига, тупроқ шароитга ҳамда ерларнинг мелиоратив холатига талаб кўяади. Шу сабабли, ердан фойдаланувчи субъектнинг худудида ер турлари ва алмашлаб экишларни илмий асосда тўғри жойлаштириш учун ер турларининг таркибини билиш, турли қишлоқ хўжалик экинларини ўстиришга ерларнинг яроқлилик даражаси тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш зарур. Бундай маълумотларга эга бўлиш кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар)ни барпо қилиш, сабзавот, дала ҳамда маҳсус алмашлаб

экишларни жойлаштириш учун ер участкаларини һар тамонлама асосланган һолда танлаш имконини беради.

Төзирги кунда ер кадастри материаллари, айни́са ердан фойдаланганлик учун тўланадиган һа́клар (ер солиғи, ижара һа́ки, қишло́к хўжалиги кўрадиган зарарни ўрнини қоплаш) ми́дорларини илмий асосланган тарзда ани́каш ва белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Доимий ердан фойдаланувчиларга, улар учун ажратиладиган ер майдонлари билан боғли́к ю́кори сифатли план-картографик материаллар, тупро́к, и́клим, геоботаник, агрокимёвий, мелиоратив ва бош́ка маълумотлар тайёр бўлиши зарур. Ер тў́грисидаги сифатли маълумотларни, одатда қу́йидагиларга ажратиш мумкин: давлат эхтиёжлари учун (соли́к, умумий режалар тузиш), ердан фойдаланувчилар, ер участкаси ижарачилари учун хўжалик юритиш маќсадларида барча ер майдонлари һа́даги һолисона ва һар томонлама ани́к маълумотлар.

Шу сабабли һам фойдаланишга берилган ер майдонларининг холати һамда қиймати тў́грисидаги маълумотларнинг тў́гри та́ксимланиши улардан амалиётда о́килона ва самарали фойдаланиш имконини таъминлайди.

#### **4.1.2. Корхона, муассаса ва ташкилотларда ер кадастрини ташкил этиш**

Ю́корида қайд қилинганидек, корхона, муассаса ва ташкилотларда юритиладиган ер кадастри ички хўжалик һисоб-китобининг бир тури һисобланади. Шу сабабли республикамиздаги асосий қишло́к хўжалик корхоналари (асосан ширкат хўжалигида) ер кадастри юритиш туман һоқимияти қошида ташкил этилган ер ресурслари хизматининг тў́гридан-тў́гри рађбарлигига амалий ёрдамида хўжаликнинг ер тузувчи мутахассисларига юклатилган. Бу вазифа, қоидага биноан, олий ёки ўрта маҳсус ер тузиш ва ер кадастри маълумотларига эга бўлган мутахассислар ер ресурслари туман хизмати бошлиғининг тавсиясига биноан тайинланадилар. Уларнинг асосий вазифаси – хўжалик ерларидан о́килона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш һамда давлат назоратини ўрнатишдан иборатдир.

Шуни алохида эътироф этиш жоизки, ер тузувчи лавозимимда хизмат қилювчи шахс айни́са ер кадастри хужжатларини юритиш тажрибасига эга бўлиши зарур, негаки һозирги пайтда қишло́к хўжалик корхоналари бўйича һам бир қатор ер кадастри хужжатлари доимий равишда юритиб борилади. Бу

мутахассисни бошқа ишга ўтказиш фақат туман ћокимияти билан келишилган холда амалга оширилади. Ер тузувчи мутахассис ўз иш фаолияти тўғрисида хўжалик бошқаруви ћамда ер ресурслари туман хизматининг бошлиғи олдида ахборот беради.

Ўзининг асосий хизмат бурчидан келиб чиќкан тарзда хўжалик ер тузувчи мутахассисига ќуйидаги вазифалар юклатилади:

- ердан фойдаланиш ва ер муносабатларини тартибга солишга оид ќонунларни мукаммал билиш, фуқаролар тамонидан унинг бекаму-кўст бажарилишини тизимли тарзда кузатиб бориш ва йўл ќўйиладиган камчиликларни тузатиш бўйича зарурий чора-тадбирлар кўрган ћолда аниқланган камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни хўалик бошқарувига ўз вақтида етказиб туриш;

- хўжалик ерларини миќдор ва сифат ћолатларини аниқ билиши ва улардан тўғри фойдаланиш бўйича назоратни тўла таъминлаши;

- хўжалик майдонларидан фойдаланиш тартибини хўжалик ер тузиш лойићасида белгилangan тарзда бажарилишини, чегара белгиларини сақланишини, алмашлаб экиш массивлари, бошқа ишлаб чиқариш бўлинмалари чегараларининг сақланишини кузатиши ва хўжалик бошқаруви орқали бузилган чегараларни ќайта тиклаш бўйича зарур чоралар кўриш;

- план-харита материалларидан фойдаланган холда назорат тариқасидаги турли ер ўлчови ишларини ўтказиб бориш;

- хўжалик ер тузиш жараёнида, ќурилиш лойихаларига мувофиқ хўжалик ерларидан ишлаб чиқариш участкалари ва оиласвий пудратлари учун ер ажратилади;

- хўжалик фаолияти натижасида ер турлари ва уларнинг сифати ва чегаралари ўзгарган холда дала ўлчови ишларини ўтказиши, чегараси ўзгарган контурлар майдонларини хўжалик харитасига ћамда ер кадастри китобига тушириб бориши;

- ширкат аъзолари умумий мажлисининг ќарорига мувофиқ хизматчилар, ширкат аъзолари ва бошқа фуқароларга жойда томорка ерларини ажратиши, олдин ажратилган томорка майдонларига зарурий тузатмалар киритиши, шунингдек ушбу ер майдонларида ўлчови ишларини ўтказиб бориши ћамда ер кадастри китобига ќонуний ўзгаришларни киритиб бориши;

- фойдаланилмаётган томарка ерларидан маќсадли фойдаланиш учун аћоли яшаш пунктлари ерларини тартибга солиш бўйича ишларни бажариш;

- хўжалик ерларида ќурилиш, геология-ќидирув, йўл ќурилиши ва бошқа идоралар томонидан ўз фаолиятлари тугаганидан сўнг ерларни рекультивация ќилинган-лигини, эрозияга ќарши тадбирларни амалга оширилганлигини кузатиб бориш;

- Ҳар йилнинг 1 январига бўлган холатда туман ер балансини тузиш мақсадлари учун хўжалик бошқаруви номидан хўжалик ерлари ҳамда томорқа участкалари майдонларининг ўзгариши тўғрисидаги зарурий маълумотларни тайёрлаш;

- ички хўжалик ер тузиш ва қишлоқ аҳоли яшаш жойлари лойиҳаларини тузища, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер ажратища, ер мониторинги шунингдек хўжаликда ва ўлчов ишлари ҳамда план-харита материалларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бажаришда қатнашиши;

- хўжалик заруриятлари учун туман ер ресурслари хизматининг бошлиғига план-картографик материаллар, турли шаклларни зарурлиги тўғрисида хўжалик бошқаруви номидан хатлар тайёрлаши зарур.

Шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, ер тузиш хизматининг ходимлари ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратчилари ҳисобланадилар. Ердан фойдаланиш бўйича давлат назоратидан кўзланадиган асосий мақсад - бу барча вазирликлар, қўмиталар, идоралар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек фуқаролар томонидан ер қонунларига риоя қилишни, ердан фойдаланиш тартибини, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш учун ҳамда ер тузиш ва ер кадастрини мукаммал юритишни таъминлашга қаратилгандир.

Кенг жамоатчиликни жалб қилиш мақсадида кўпинча ерлардан фойдаланишни назорат ишлари жамоатчи инспекторлар томонидан амалга оширилади. Бундай инспекторлар асосан хўжалик ер тузувчиларидан тайинланади. Ерга бўлган мулкчилик шаклларининг ранг-баранглиги, ердан фойдаланувчи субъектлар сонининг кескин ошиб кетаётган бугунги шароитда ерлардан фойдаланишни назорат қилишга бўлган талаб айниқса ортиб бормоқда. Шундай экан, айнан хўжаликда фаолият кўрсатаётган ер тузувчи мутахассислар назорат ишларини ер қонунларида кўзда тутилган тарзда олиб боришлари зарур.

#### **4.1.3. Корхона, муассаса ва ташкилотлар ердан фойдаланишни ҳамда ер мулкларининг тавсифи**

Ўзбекистон Республикасида ер давлат мулкидир, яъни, умуммиллий бойлиқдир. Ер давлат томонидан муҳофаза қилинади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айрибошланмайди, ҳадя этилмайди ва гаровга қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган холлар бундан мустасно. Юридик шахслар «Давлат ер кадастри тўғрисида» ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ мулк ҳукуқи, доимий фойдаланиш, муддатли фойдаланиш, ижара ҳукуклари асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин. «Ер кодекси» ва бошқа қонун хужжатларига мувофиқ холда жисмоний шахслар ер участкаларига мулк ҳукуқи, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик

қилиш, доимий фойдаланиш ва ижара һукулари асососида эга бўлишлари мумкин.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкалариiga мулк һукуки савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси обьектлари жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаи фуқаролари деҳкон хўжалигини юритиш, якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойни ободонлаштириш, жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш, шунингдек қонун хужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун ер олиш һукукига эгадирлар.

Ер участкалари корхоналар, муассасалр ва ташкилотларга қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш учун ҳам доимий фойдаланишга берилади.

Ер доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун:

- республика фуқаролариiga, шу жумладан жамоа полизчилигини юритиш учун;

- саноат, транспорт ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шугилланмайдиган бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга;

- фермер хўжаликлариiga;

- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга;

- чет эл юридик ва жисмоний шахсларiga берилади.

Ердан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли – уч йилгача, узоқ муддатли – уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари талаб қилинган ҳолларда бу муддатлар тегишлича қисқа муддатли ёки узоқ муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Яйлов чорвачилиги учун ер участкалари қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларiga 25 йилгача муддатга берилиши мумкин.

Ер участкаларидан фойдаланиш учун бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар шахарлар ҳокимлари томомнидан қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади. Фойдаланишдаги ер участкасини бошқа шахсларга бериш шу ер участкасини белгиланган тартибда олиб қўйилганидан кейингина амалга оширилади.

Саноат корхоналари, темир йўллар ва автомобил йўллари, алоқа ва электр узатиш тизимлари ва магистрал қувурларини қуриш учун, шунингдек бошқа эҳтиёжлар учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлмаган сифати ёмон ерлари берилади. Ер участкалари мазкур мақсадлар учун ўрмон фондига қарашли ерлардан асосан ўрмон билан қопланмаган майдонлар ёки бутазорлар ва арzon баҳо ўсимликлар билан қопланган майдонлар

хисобидан берилади. Ер тузиш хизмати органлари берилган ер участкасининг чегараларини жойнинг ўзида белгилангунча ва ундан фойдаланиш ћуќукини тасдиќлайдиган давлат хужжатлари берилгунча ана шу участкага эгалик ќилиш ва ундан фойдаланишга киришиш мумкин эмас.

Ер участкасининг ижараси – ер участкасининг ижара шартномаси шартларида, маълум муддатга, ћаќ тўлаш эвазига фойдаланишдан иборат.

Ер участкаларини ижара шартномалари асосида:

- Ўзбекистон Республикаси фуќароларига ва юридик шахсларига;
- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, Халќаро бирлашмалар ва ташкилотларга, шунингдек чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маѓкамаси ќарори асосида ћамда бошќа шартлар билан ћам берилиши мумкин.

Кишлоќ хўжалиги корхоналари ер участкаларини ички хўжалик ижараси тартибида фаќат ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиқариши учун ижарачиларга оила пудрати сифатида бириктириб ќўйиши мумкин. Ижарага берилган ер участкасини ёки унинг бир ќисмини иккиламчи ижарага бериш таќиќланади.

Кишлоќ хўжалигига мўлжалланган ерлар, ќоидага биноан ќишлоќ хўжалиги соҳасида фаолият қўрсатиш учун зарур бўлган ќишлоќ хўжалиги ерлари ва кўп йиллик дараҳтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммумикациялар, ўрмонлар, берк сув хавзалари, бинолар, иншоатлар ћамда иморатлар билан банд бўлган ерларга ажратилади. Ҷайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар ва бошқалар.) эгаллаган ерлар ќишлоќ хўжалиги ерлари жумласига киради. Қишлоќ хўжалиги ерлари махсус муҳофаза ќилинади. Қишлоќ хўжалиги ерларини ирригация ва сувдан фойдаланиш тизимиға асосланган сунъий суѓориш республикамиз ќишлоќ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асоси ва ердан самарали фойдаланиш ћамда улар унумдорлигни оширишнинг мућим шарти ћисобланади.

Кишлоќ хўжалигида фойдаланиш ва суѓориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари суѓоришни таъминлай оладиган суѓориш манбаси билан боѓланган доимий ёки муваќқат суѓориш тармағига эга бўлган ерлар суѓориладиган ерлар жумласига киради. Бу ерлар махсус муҳофаза ќилиниши зарур. Уларни суѓорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоћида холларда, тупроќ-мелиоратив ва иктиносидий шароитларни ћамда ерларнинг сув билан таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни эътиборга олган холда вилоят ћокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маѓкамаси билан келишилган тарзда амалга оширилади.

Кадастр баћоланишига кўра ўртacha туман бонитет балидан 20 фоиздан кўп ќимматга эга бўлган унумдор суѓориладиган ерлар жумласига киради. Бундай

ерлар маћус мұғафаза қилиниши лозим ва уларни сұғорилмайдыган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Шундай қимматта эга бўлган унумдор сұғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоатлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маћкамасининг қарорига биноан йўл қўйилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қўйидагиларга берилади:

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативларига (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари – товар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юритиш учун;

- тажриаба-ишлаб чиқариш, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари, илмий-тадқиқот ва бошқа таълим маќсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ҳамда илғор тажрибаларни тарғиб қилиш учун;

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – фермер хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш учун;

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – дећкон хўжалигини хусусий боѓдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни юритиш учун;

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – жамоа боѓдорчилиги, полизчилиги ва узумчилиги учун;

- қишлоқ хўжалиги билан шуғилланмайдыган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга – ёрдамчи қишлоқ хўжалигини юритиш учун.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчи ва ижаракилар ўзларига бириктирилган ер майдонларидан фойдаланиш соћасида қўйидаги мажбуриятларга эгадирлар:

- бизнес-режасида тупроќ унумдорлигини ошириш ва ерлардан оқилона фойдаланишга қаратилган аник тадбирларни назарда тутишлари;

- минтаќа шароити ва хўжаликнинг ихтисослашувига мувофиќ илмий асосланган алмашлаб экишни, дећкончиликнинг энг самарали ва иктисолий жићатдан оқилона тизимларини жорий этишлари;

- ҳайдаладиган ерларни асрарни ва уларнинг майдонини кенгайтирилишини таъминлашлари;

- мелиоратив жићатдан нобоп сұғориладиган ерларни мажмуали тарзда реконструкция қилишлари, яловларга сув чиқаришлари ҳамда уларнинг ҳолатини яхшилашлари;

- хўжаликнинг бутун ички сұғориш ва коллектор-зовур тармоғини ҳамда ундаги иншоатларни техник жићатдан соз ҳолатда сақлашлари;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сұғориладиган ерларнинг шўр босиши ва боткоўланишга, ерларнинг ва сув манбааларининг ифлосланиши ва захарланишига йўл қўймайдиган усуллар билан амалга оширишлари;

- кишлоқ хўжалик экинлари ва кўп йиллик дарахтларни парвариш қилишнинг сув тежаладиган технологияларини ва суғоришнинг илғор усулларини жорий этишлари;

- ерларни қайта тиклаш (рекультивация) чора-тадбирларини ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш.

Кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассаса ва ташкилотларининг ҳар бир аъзоси оиласига, шунингдек қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассислар оилаларига, деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдирадиган умурбод эгалик қилиш учун бериладиган ер участкаси, иморатлар ва ҳовлилар эгаллаган майдонни қўшган ҳолда суғориладиган ерларда 0,35 гектар ўлчамда, суғорилмайдиган (лалми) ерларда 0,5 гектар ўлчамда, чўл ва саҳро минтаасида эса суғорилмайдиган ерларда 1,0 гектаргача ўлчамда берилади. Айрим аҳоли пунктлари шаҳар худуди таркибига киритилган қишлоқ хўжалиги корхоналарида, муассасаларда ва ташкилотларда 5 йилдан ортиқ узликсиз ишлаган ва ишлашни давом эттираётган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги кохоналари аъзоларининг, шунингдек ўқитувчилар, шифакорлар ва бошқа ходимларга ҳовлилар эгаллаган майдонни қўшган ҳолда ана шу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда белгиланган ўлчамда мерос қилиб қолдириладиган умурбод эгалик учун ер участкаси берилиши мумкин. Деҳқон хўжалигини юритиш учун бериладиган ер участкаларининг аниқ миқдорлари ер ресурсларининг мавжудлигига қараб ҳамда фуқаролар оиласининг қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг жамоат ишлаб чиқаришидаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда ёки улар ваколат берган органларнинг қарори билан белгиланади. Мазкур қарор туман ҳокими томонидан тасдиқланади. Деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари 0,06 гектар доирасида мерос қилиб қолдириладиган умурбод эгалик учун ким ошди савдоси асосида сотилиши мумкин.

#### **4.1.4. Корхона, муассаса ва ташкилотларда ер ҳисоби**

Маълумки, ерлардан оқилона фойдаланиш уларни доимий равища хисобини юритиш билан чамбарчас боғлиқдир. Негаки, ер майдонлари ер турлари бўйича ва қишлоқ хўжалик ер турлари бўйича доимий равища миқдор жиҳатдан ўзгариб туради. Ушбу ўзгаришларни тизимли тарзда ҳисобга олиб бориш ҳамда натижаларни маълум ер ҳисоби хужжатларида ёритиб бориш муҳум амалий тадбир ҳисобланади.

Кишлоқ хўжалик корхоналарида юритиладиган ер ҳисоби одатда 2 турга бўлинади: ерларнинг миқдор ҳисоби, яъни ер турлари майдонларини миқдор

жихатдан ҳисобини юритиш ҳамда ерларнинг сифат хисоби, яъни тупроқларнинг сифати хусусиятларини ўзгаришини ҳисобга олишдир.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида сугориладиган ерлар алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли улардан оқилона фойдаланишга катта эътибор берилади. Суғориладиган ерлардан оқилона фойдаланишгни ташкил этиш уни энг биринчи галда ҳар томонлама ҳисобини тўғри юритишни талаб қиласди. Суғориладиган ерлардан қишлоқ хўжалигида ва умуман иқтисодиёт тармоқларида фойдаланишни назорат қилиш мақсадаларида ҳар йили уларни ҳисобини юритиб бориш ҳамда унинг натижаларини тахлил қилиш Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитасига юклатилган.

Суғориладиган ерлар ҳисобини ер турлари бўйича ялпи ҳисобининг таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у умумий тарзда қабул қилинган тасниф бўйича амалага оширилади. Бундан ташқари фойдаланиш характеристи бўйича суғориладиган ерларнинг хисоби ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Бундай ерларни наинки ер турлари бўйича, шу билан бирга алоҳида ерларни суғориш даври, суғориш усуллари, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларининг ҳолатлари бўйича ҳам ҳисобини юритишга зарурият туғилади.

Суғориладиган ерларни ҳисобга олиш уларнинг ҳақиқий холати ва фойдаланиш тури бўйича ўтказилади. Суғориладиган ерларнинг асосий ҳисобини ўтказиш учун план-харита материалларидан, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларини қуриш бўйича техник лойихалардан, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаларидан ҳамда суғориладиган ерларни йўқлама қилиш бўйича даврий равишда ўтказиладиган ишларнинг материалларидан фойдаланилади.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар ерларини йўқлама қилиш – ер майдонининг ўлчамини аниқлаш, фойдаланиш ҳукуқини берувчи хужжатларни кўриб чиқишдан иборат бўлган тадбир ҳисобланади. Ер кадастри хужжатлари туман ер ресурслари хизматидан олинади. Бу ишни ўтказишдан мақсад – ер участкаси ўлчамини, назоратини ҳисобини аниқ олиб бориш ва маъалмий бюджетга ер солиғини тўлиқ ундирилишини таъминлашдан иборатдир.

Ер кадастри хужжатларига қўйидагилар киради:

- ер участкасига бўлган ҳукуқни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома;
- ердан доимий фойдаланиш ҳукуқларини берувчи давлат хужжатлари;
- ер ажратиш тўғрисидаги туман (вилоят) ҳокимининг қарорлари ва қарор учун асос бўлган хужжатлар тўплами;

- харитадан қучирма;

- ер майдонларини ҳисоблаш қайдномаси.

Енгил типда қурилган савдо, матбуот дуконлари ва айвонлари йўқлама қилинмайди.

Ерларни йўқлама қилиш тадбирини бошлашдан аввал туман ҳокими ўринбосари раислигига туман ер ресурслари хизмати, туман солик инспекцияси, туман статистика бўлими, туман кўчмас мулк кадастри хизмати, туман бош меъмори, туман техник инвентарлаш бюроси, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошкармаси, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раисларидан иборат ишчи гурух тузилади. Бу тўғрида туман ҳокимининг фармойиши қабул қилинади.

Йўқламадан ўтказишни ташкил қилиш ва бу ишга раҳбарлик қилиш Қарақалпоғистон Республикаси Жўкориғи Кенгеши, вилоят ва туман ҳокимлари тамонидан амалга оширилади. Ишнинг натижаси бўйича ҳар бир корхона ташкилот учун йўқлама қилиш далолатномаси тузилади (1-шакл).

Туман бўйича йўқлама қилиш натижалари ер балансининг 22-шаклида тизимлар бўйича, яъни ширкат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, ёрдамчи хўжаликлар, ўқув-тажриба хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерлари, ўрмон хўжаликлари ерлари саноат, транспорт, савдо ва бошқа ердан фойдаланувчи субъектлар бўйича хисобот тузилади (1-жадвал).

1-шакл.

-----**ВИЛОЯТИ**  
\_\_\_\_\_тумани

ердан фойдаланувчи  
ерларни йўқлама ёилиш бўйича  
**ДАЛОЛАТНОМА**  
«\_\_\_» 200\_\_\_й.

Биз, далолатнома имзоловчилар, Ергеодезкадастр хизмати вакили

Ердан фойдаланувчи вакили \_\_\_\_\_  
Туман Ергеодезкадастр хизмати бошлиғи \_\_\_\_\_ лар  
200\_\_\_й «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунлари ерни йўқлама ёилиш ишларини бажардик.

Йўқлама натижасида юйидагилар аниқланди:

Ер ажратиш учун асос \_\_\_\_\_  
(карор, тартиб рақами ва ким

томонидан берилган)

Давлат хужжати берилган \_\_\_\_\_  
(давлат хужжатининг тартиб

раками, ёачон ва ким томонидан берилган)

Гувоённома берилган \_\_\_\_\_  
(ёачон, ким томонидан)

Ер участкаси юайси мақсадда берилган \_\_\_\_\_

Ҳақиқатда юандай мақсадда фойдаланилаяпти \_\_\_\_\_

Умумий ер майдони \_\_\_\_\_ га, ш.ж. сурориладигани \_\_\_\_\_ га

(га)

T/p	Тури	Карор бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи +, --
	Умумий ер майдони ш.ж. экин ерлари Боғлар Токзорлар Тутзорлар Бошқа ерлар			

### Экин турларининг ҳолати

Т/р	Экинлар номи	майдони, га	ҳолати
1	Сабзавот		
2	Полиз		
3	Картошка		
4	Буғдой		
5	Беда		
6	Пахта		
7	Маккажўхори		
8	Шоли		
	Жами экин ерлари		

Изоҳ: схемаси чизилади, ўлчамлари қўйилади.

Ергеодезкадастр хизмати вакили\_\_\_\_\_

Хўжалик, ташкилот вакили\_\_\_\_\_

Туман Ергеодезкадастр хизмати бошлиғи\_\_\_\_\_

1-жадвал

**Туман ерларини йўқламадан ўтказиш  
ХИСОБОТИ**

T.p	Ердан фойдаланувчилик номи	Ер ёндаидан мақсад учун ажратилган			Умумий майдони		Шу жумладан								
		Қарор бўйича	Ҳақиқатда ёндаидан мақсадда фойдаланаяпти	Қарор бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи +,-	Экин ери			Боғлар, токзорлар			Бошқа ерлар		
							Карор бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи +,-	Қарор бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи +,-	Қарор бўйича	Ҳақиқатда	Фарқи +,-
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Тумандаги йўқламадан ўтказилган ердан фойдаланувчиларнинг сони ва майдони ҳақидаги маълумотлар қуидаги, 2 –жадвал бўйича тайёрланади.

2-жадвал

**Тумандаги йўқламадан ўтказилган ердан фойдаланувчиларнинг сони ва майдони ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

T.p	Ташкилот жойлашган хўжалик номи	Ердан фойдаланувчилик		Шу жумладан										
		сони	Умумий майдони	Ёрдамчи хўжаликлар		Ўқувтажриба хўжалиги		Хусусийлашган фермерлар		Ўрмон хўжалик ерлари		Саноат, транс., алоқа, савдо майш. хиз. ва бош. ерлари		
				Сони	Майдони	Сони	Майдони	Сони	Майдони	Сони	Майдони	Сони	Майдони	
	Жами													

Белгиланганидан бошқа мақсадаларда фойдаланаётган ердан фойдаланувчилар рўйхати қуидаги, 3-жадвал кўринишида тўлдирилади.

3-жадвал

Туманда жолашган, ўз ер майдонларини белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланаётган ердан фойдаланувчилар  
РЎЙХАТИ

т.р	Хўжаликлар номи	Ердан фойдаланувчилар номи	Майдони, га	Мўлжалла нган мақсади	Бошқа мақсадда фойдаланаётган майдони	Олдинги ер эгаларига қайтариб бериш тўғрисида таклиф
	Жами:					

Ер майдонидан фойдаланаётган субъектлар бўйича маълумотлар қуидаги, 4-жадвал кўринишида тузилади.

4-жадвал

Тумандаги ердан фойдаланувчилар  
РЎЙХАТИ

т.р	Хўжаликлар номи	Ердан фойдаланувчилар номи	Майдони, га	Мўлжалла нган мақсади	Фойдалан аётган ер майдони, га	Ер ажратиш ҳақидаги туман ҳокимининг қарорларини бекор қилиш
	Жами:					

Йўқлама натижасида аниқланган ўзларига ажратилган ердан самарасиз фойдаланаётган, белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланаётган ёки ер майдонларидан умуман фойдаланмаётган субъектлар бўйича туман ҳайъати томонидан туман ҳокимига ерларни қайтариб олиш учун таклиф киритилади. Ўр навбатида туман ҳокими «Ер кодекси»нинг 36-моддасига биноан бу ер

майдонини аввалги фойдаланувчига қайтариб бериш һақида тегишли қарор қабул қилади.

Ерларни һисоб қилишда уларни йўқлама қилиш тадбири билан бир қаторда назоратли ўлчов ишларини бажариб бориш һам муҳим аҳамият касб қилади.

Қишлоқ хўалик экинларини ва ерларини инструментал назоратли ўлчов ишлари қишлоқ хўжалиги билан шуғилланувчи барча корхона, муассаса ва ташкилотларда олиб борилади. Бу иш асосан қўйидаги мақсадларда бажарилади:

- ер фондидан фойдаланишни назорат қилиш;
- ер фондидан фойдаланишдаги камчиликларни аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалик ерларининг майдонларини аниқлаш;
- келажакда ер фондидан фойдаланишни яхшилаш бўйича тадбирлар белгилаш.

Бериладиган топширикка мувофиқ инструментал ўлчов ишлари барча қишлоқ хўжалик ерларида ёки фақат сугориладиган ерларда барча ёки баъзи қишлоқ хўжалик экинлари, ер турлари майдонларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Ўлчов ишларини бошлашдан олдин һар бир қишлоқ хўжалик корхонаси бўйича топширикка биноан зарурий қўрсаткичларни туман статистика ташкилотларидан - қишлоқ хўжалик экинларининг майдонлари тўғрисидаги маълумотлар, туман ер ресурслари хизматидан – ер турларининг майдонлари тўғрисидаги маълумотлар кўчириб олинади ва улар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида тасдиқланади.

Ўлчов ишлари далада, хўжалик ердан фойдаланувчининг вакили иштирокида, сугориладиган майдонларда 1:10000 масштабли ва лалми минтақаларда 1:25000 масштабли план-хариталаридан фойдаланилган холда бажарилади. Агарда бундай план-хариталар бўлмаса қўшимча янги хариталар тайёрлаш бўйича иш бажарилади.

Ўлчовни бажаришда топографик элементларни тузатиш (корректировка қилиш) ишлари һам бажарилади: сугориш, коллектор-зовур ва йўл тармоқларининг кенгликлари аниқланади, янги қурилганлари харитага киритилиб, йўқ бўлган обьектлар ўчирилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари майдонларини ва ер турлари майдонларини ўлчаш тартиби маҳсус йўриқномалар ва қўрсатмаларга биноан амалга оширилади.

Ўлчов ишлари тугагандан сўнг һар бир хўжалик бўйича маҳсус «иш жилди» ташкил қилинади. Унга қўйидагилар киритилади:

- алоҳида қимматга эга бўлган ерлардан фойдаланиш бўйича маълумотлар;
- қишлоқ хўжалик экин турлари ва ер турларининг майдонларини һисоблаш қайдномаси;

- қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турларини ўлчангандиги тўғрисидаги далолатнома;

- инструментал ўлчов натижаси туширилган ер участкасининг харитаси.

Иш нихоясига етказилгандан сўнг барча туманлар, вилотлар бўйича умумий хисобот тузилади ва унинг таркибига қўйидаги хужжатлар киради:

- тушунтириш хати;

- қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турларининг майдонлари бўйича умумий кўрсаткичлар;

- қишлоқ хўжалик экинлари ва ерларнинг ўлчангандиги бўйича ҳар бир хўжалик бўйича алоҳида-алоҳида кўрсатилган ўлчов хисоботи.

Ўлчов натижалари белгиланган тартибда ишни бажариш бўйича берилган топширик асосида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Маълумки, суғориладиган ерларни ҳисоб килишда ер майдонлари билан бир қаторда сув ресурсларининг холати хамда улардан фойдаланишга ҳам тавсиф берилади.

Сувдан фойдаланиш режасини тузиш ва уни амалга ошириш учун сув хўжалиги ташкилотларига алоҳида олинган суғориш каналлари бўйича ва умуман суғориш тизими бўйича суғориладиган ерларнинг тўла тавсифи, қишлоқ хўжалик ер турларининг майдонлари, уларнинг сифат холатлари хамда қишлоқ хўжалик экинлари ва кўп йиллик дарахтзорларнинг жойлашиши бўйича хисобга олиниши зарур. Турли қишлоқ хўжалик экинлари ва дарахтзорлар даврида турли миқдорлардаги сувни, турли меъёрларда ва суғориш даврларида талаб қиласи. Бундан ташқари турлича механик таркибли ва ер ости сувлари чуқирликларига эга бўлган турли хил тупроқларга эга бўлган ерларга экилган бир хилдаги экинлар турлича миқдордаги сувни ва турлича суғориш муддатларини талаб қиласи. Шу сабабли ҳам ҳар бир суғориш канали бўйича наинки умумий суғориш майдонини, ва ушбу худуднинг сифат холатини ҳам билиш зарур. Бундан ташқари ҳар бир ер участкаси қандай қишлоқ хўжалик экинлари билан банд бўлиши мумкинлигини ҳам билиш зарур. Фақат шундагина сув хўжалиги органлари энг мақбул муддатларда зарур миқдордаги сувни етказиб беришлари мумкин.

Экин майдонлари ва дарахтзорлар таркибида, суғориш участкаларининг ўлчамларида ва уларнинг сифат холатларида юз берадиган ўзгаришлар суғориладиган ерларни тизимли тарзда миқдор ҳамда сифат жихатидан хисобини юритиб беришни тақазо қиласи. Суғориш сувини тақсимлаш, суғориш тармоғидан олиш ва уни ишлатиш режаларини тузиш, суғориладиган майдонларни кенгайтириш режали тарзда ички хўжалик сувидан фойдаланишни ташкил этиш ва бошқа ишлар бўйича тадбиркорликни режалаштириш режалаштириш суғориладиган ерларнинг жорий хисобига асосланади.

Суғориладиган ерларни нихоятда катта аниқликда ҳисобга олиш зарур, чунки ҳар бир гектар майдонни ирригация нуқтаи назаридан тайёрлаш жуда

қимматли ғисобланади. Қурғоқчилик минтақаларида сұғориш суви катта қимматга эга бўлиб у қишлоқ хўжалик экинлари хосилдорлигини тубдан оширади. Суғориладиган ерлар ғисобини катта аниқликка эга бўлган план-харита материаллардан фойдаланилган холда юритиш зарур. Планда ер турларининг контурлари, қишлоқ хўжалик экинлари, йўллар ва доимий сұғориш каналларининг кенглиги кўрсатилаган холдаги сұғориш тармоқлари, сувларнинг оўналишлари ва сұғориш каналлари бўйича бошқа маълумотлар кўрсатилиши керак. Суғориладиган ерлардаги тупроқларни механик таркиби, рельефи ва мелиоратив холатлари бўйича сифат тавсифлари бошқа алоҳида планда келтирилади.

Суғориладиган ерлар одатда доимий суғориладиган ва шартли (мавсумий) суғориладиган турларга бўлинади. Лиманли суғориладиган ерлар ғам алоҳида хисобга олинади.

Суғориладиган ерлар деб, қишлоқ хўжалигига фойдаланиш учун яроқли, сұғориш манбаси билан боғланган доимий сұғориш тармоғига, (каналлар, қувирлар, латоклар) эга бўлган ер майдонлари тушинилади. Суғориладиган ерларга мелиоратив холатини яхшилаш талаб қилинадиган ерлар ғам киради. Суғориладиган майдонларнинг чегаралари, ер турларининг сифати, сұғориш режими, шунингдек хўжалик юритишдаги аҳолини жойлашишининг мавжуд шакллари туғрисидаги маълумотлар ғам планга туширилади.

Доимий суғориладиган ерларга одатда қишлоқ хўжалик экинлари ва дараҳтзорларнинг қабул қилинган таркибини сұғориш учун сув (белгиланган меъёрлар бўйича) зарур миқдорларда ва энг мақбул муддатларда етказиб бериладиган ерлар тушинилади.

Шартли суғориладиган ерларга қишлоқ хўжалиги экинларини белгиланган сұғориш меъёрлари бўйича ўсув даврида сұғориш учун сув билан таъминланмайдиган ёки фақатгина алоҳида даврларда етарли даражада сұғориш мумкин бўладиган ер майдонлари киради.

Лиманли суғориладиган ерларга қор ва ёмғир сувларини ушлаб қолиш учун дўнгликлар, тупроқли тўсиқлар ёки бошқа гидротехник иншоатлар қурилган, шунингдек маҳсус қурилмалар ёрдамида сұғориш тизиимдан сув оқизиладиган ер майдонлари участкалари киради. Лиманлар чегаралари жойда ғаётин сув оқизиладиган майдонларни аниқлаган холда лойиҳа материаллари бўйича белгиланади. Лиманли суғориладиган ерлар доимий суғориладиган ва шартли суғориладиган турларга бўлинмаган ғолда суғориладиган ерлар таркибида хисобга олинади.

Суғориладиган ерларни ғисобга олишда ер турлари, уларнинг сифат холатлари, қишлоқ хўжалик экинлари, дараҳтзорлар турлари, алоҳида каналларнинг сұғориш бўйича таъсир доираси ғамда сұғориш тизимлари бўйича амалга ошириш зарур. Ер ғисобининг бирламчи элементи бўлиб сұғориш

участкаси хизмат қилади. У асосан бир хилдаги ер турининг контури бўлиб, битта кичик сугориш каналидан сугорилади.

#### **4.1.5. Ер турларининг сифат тавсифи**

Қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ерларни сифат ҳисоби одатда ер майдонларининг ишлаб чиқариш-генетик таснифига асосланади. Ер кадастри тизимида асосий қишлоқ хўжалик ерларининг сифат тавсифи ер тоифалари ва турлари, тупроқ қатлами ва тупроқларнинг механик таркиби, уларнинг физик, кимёвий ва бошқа хусусиятлари бўйича амалга оширилади. Ерларнинг сифат ҳолатини ўрганиш учун барча қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсус-тупроқ, агрокимёвий, мелиоратив ва геоботаник кузатувлар ўтказилади.

Тупроқ кузатувлари маълумотларининг аниқлиги тупроқ турлари чегараларини тасвирга олиш усулига ҳамда харита масштабига боғлиқ. Тупроқ кузатувлари учун олдинги тузилган планлардан фойдаланилади. Бундан ташқари кузатув учун ушбу хўжаликни тўла ва аниқ тавсифлайдиган бошқа планлардан ҳам фойдаланиш зарур.

Планнинг тўлиқлиги ва аниқлиги унинг масштабига ҳам боғлиқдир. Йирик масштабли планлар жойни анчагина аниқ ва равshan тавсифини беради. Ҷозирги пайтда республикамиздаги қишлоқ хўжалик корхоналарининг планлари, одатда аэрофототасвиirlар ёрдамида 1:10000 масштабда тайёрланган. Ер майдонларида анча тўла кузатувлар олиб бориш учун аэрофототасвиirlардан фойдаланиш айниқса катта самара беради. Аэрофототасвиirlардан фойдаланган ҳолда тупроқ турлари чегараларини, турли табиий ўтларга эга бўлган участкаларни, шунингдек турли мелиоратив тадбирларни талаб қиласидиган участкаларни белгилаш қулай ҳисобланади.

Тупроқ кузатувларининг масштаби тупроқ қатламиning мураккаблигига, хўжаликнинг ихтисослигига, ердан фойдаланиш мақсадига қараб белгиланади. Республикализнинг сугориладиган минтақаларида ўтказиладиган тупроқ кузатувларида 1:10000, сугорилмайдиган минтақаларда 1:25000 масштаб қўлланилади. Тупроқ эрозиясига учрайдиган ҳудудларда 1:10000 масштаб қўлланилади. Аммо кейинги йиллари қишлоқ хўжалиги корхоналари майдонларининг қисқариб кетаётганлиги, улар сонининг кескин ошиб кетаётганлиги сабабли ва кузатув натижаларини анча мукаммаллаштириш талаб қилинаётганлиги сабабли сугориладиган минтақаларда тупроқ кузатувларини 1:50000 масштабда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Умуман тупроқ кузатувлари жойлардаги маҳсус тузилган тупроқ-тадқиқот экспедицияси ёрдамида кузатувларни олиб бориш «Йўриқномаси» дан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Кузатувлар тупроқ қатламининг характеристи бўйича ерларни бир томонлама тавсифини беради. Ердан тўғри фойдаланишни ташкил этиш ҳамда ер баҳолаш ишларини ўтказиш учун бундай тавсиф етарли эмас. Шунинг учун тупроқ кузатувлари билан бир вақтда агрокимёвий ва мелиоратив кузатувларни, табиий ем-хашак ер турлари майдонларида эса, бундан ташқари, геоботаник кузатувлар ўтказиш зарур.

Агрокимёвий кузатувлар - тупроқларни озуқа моддалари билан таъминланганлик ҳолатига тавсиф беради. Бунда азот, фосфор ва калий билан кам, ўрта ва юқори таъминланган ерлар алоҳида-алоҳида ажратилади.

Мелиоратив кузатувлар - ер ости сувларининг чуқурлиги ҳамда ерларнинг намланганлик даражаси бўйича майдонларга тавсиф беришни ўз ичига олади. Бунда гидротехник, агротехник, маданий-техник ва ўрмон мелиоратив тадбирлар ўтказилиши зарур бўлган ерлар алоҳида-алоҳида ажратилади.

Геоботаник кузатувлар – табиий ўт-ўланларнинг таркиби бўйича табиий ем-хашак ва ер турларининг тавсифини ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган ҳар бир кузатув маҳсус топширик ва «йўриқномалар» асосида амалга оширилади.

Ерларни кузатув натижалари бўйича тупроқ харитаси тузилади. Харитага тупроқ хилларининг чегаралари, уларнинг шифрлари, тупроқларнинг механик таркиби, шунингдек тупроқ кесимлари туширилади.

Суѓориладиган минтақалардаги ерларда ўтказилган кузатувлар натижасида тупроқларнинг юқоридаги белгилари билан бир қаторда суѓориш даври ҳамда маданийлашганлик даражалари бўйича ҳам алоҳида-алоҳида ажратилади.

Суѓориш даврига қараб суѓориладиган ерлар одатда қадимдан суѓориладиган, янгидан суѓориладиган ҳамда янгидан ўзлаштирилган ерларга бўлинади. Шуларга мос ҳолда маданийлашганлик даражалари бўйича ҳам ерлар кучли маданийлашган, ўртача маданийлашган ва кам маданийлашган турларга бўлинади.

Қадимдан суѓориладиган ерларга одатда сувда эрийдиган тузлардан тозаланганди, текислик рельефига ва қалин агроирригация ётқизиқларига эга бўлган, тупроқнинг устки, ўсимликларнинг илдизлари жойлашадиган қатлами бил йилги ҳамда озуқа моддалари деярли баравар тарқалган ерлар тушунилади.

Янгидан суѓориладиган ерларда тупроқнинг асосан энг устки, 30-см ли қатлами ўзгаришга учраган бўлади. Бундай тупроқлар ҳайдаш горизонтининг деярли бил хиллилиги ҳамда унча яхши текисланмаган рельефи билан ажралиб туради. Янгидан ўзлаштирилган ерларга асосан кейинги 10-15 йил давомида қишлоқ хўжалигига жадал равишда фойдаланишга киритилган ерлар киради.

Асосий қишлоқ хўжалик ер турларининг сифатига тавсиф беришда тупроқларнинг шўрланиш даражалари алоҳида эътибор берилади. Тупроқлар шўрланиш даражасига қараб қуйидагиларга бўлинади: шўрланмаган ёки

ювилган, кам, ўртача ва кучли шўрланган. Бундан ташқари ерларни сифат ҳолатига тавсиф беришда тупроқларни сув ҳамда шамол эрозияларига мойиллигига ҳам эътибор бериш зарур. Тупроқларни шўрланиш ва эрозияга учраганлик даражалари дала шароитида аниқланади ҳамда лаборатория таълиллари натижаси бўйича тўлдирилади. Тупроқ эрозияси билан курашни ташкил этиш учун эрозияланган ерларнинг картограммаси ҳамда эрозияга қарши тадбирларни жойлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Картограммада турли даражада эрозияга учраган ерлар, шунингдек чизиқли сув эрозияси билан зарарланган ерлар алоҳида ажратилади.

Ерларнинг мелиоратив ҳолати картограммасида гидротехник, агротехник, маданий, техник ва ўрмон мелиоратив тадбирлар талаб қилинадиган ерлар алоҳида алоҳида ажратилади.

Табиий ем-хашак ер турларини яхшилаш бўйича асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш ва уларни баҳолаш учун ерларнинг геоботаник ҳолати бўйича картограммаси тузилади.

Йирик масштабли кузатувлар материаллари бўйича майдонлар ҳисобланади ҳамда тупроқлар ва уларнинг механик таркиби, тупроқларни озуқа элементлари билан таъминланиши, эрозияга учраганлик даражаси ва бошқа кўрсаткичлари бўйича ерларнинг экспликацияси тузилади.

Кузатув материалларига тупроқлар тавсифи ҳамда уларнинг унумдорлигини ошириш бўйича тавсия қилинадиган тадбирлар илова қилинади. Ерлардан фойдаланиш ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқища илмий-тадқиқот муассасаларининг, тажриба майдонлари ва агрокимё лабараторияларининг материаллари жалб қилинади.

### **Мустақил ўрганиш учун саволлар**

1. Корхона, муассаса ва ташкилотларда юритилаётган ер кадастрининг асосий вазифаларига нималар киради?
2. Корхона, муассаса ва ташкилотларда юритилаётган ер кадастри қандай амалий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган?
3. Корхона, муассаса ва ташкилотларда ер кадастрини ташкил этиш қандай амалга оширилади?
4. Ердан фойдаланиш ҳукуки Ўзбекистон Республикасида қандай вужудга келган?
5. Ер доимий ёки муддатли (вақтинча) фойдаланиш учун кимларга берилади?
6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар кимларга берилади?
7. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш бўйича ердан фойдаланувчилар ва ижаракилар қандай мажбуриятларга эга?

8. Корхона ва ташкилотларда ер ћисоби ќандай турларга бўлинади ва улар ќандай амалга оширилади?
9. Ерларни назоратли ўлчов ишларининг мазмуни ва моћияти нималардан иборат?

## **4.2. Мамурий туманда ер кадастри**

### **4.2.1. Маъмурий туманда ер кадастрининг мазмуни**

Туман республика бўйича асосий маъмурий-худудий бирлик ћисоблангани ћолда маћаллий ћокимият рађбарлигида жойдаги аћолининг маъданий-маиший, ташкилий, хўжалик ишлари бўйича амалга ошириладиган тадбирларини ер ресурсларини самарали бошқариш билан бирга олиб бориладиган объект ћисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конститутгиясининг 100 - моддасига биноан маћаллий давлат ћокимиятияга туман ћудудини иќтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш, атроф-мухитни мућофаза ќилиш, турли меъёрий хужжатларни ќабул ќилиш ћамда ушбу модда мазмунидан келиб чикќан ћолда Ер ресурслари давлат ќўмитасининг «Низоми»га мувофиқ Ер муносабатларини тартибга солиш, ердан фойдаланишда давлат назоратини ўрнатиш бўйича ваколатлар ва вазифалар юклатилган.

Туман ћокимияти ер ва кўчмас мулк кадастри ћамда ер ресурслари хизматлари билан бевосита боғлиќ ћолда ер ћукуки ќонун хужжатларига асосан турли корхона, муассаса ва ташкилотларга ер танлаш, ер ажратиш, ердан фойдаланишга оид низоларни ћал этиш, ердан фойдаланувчиларга давлат хужжатларини бериш ишларини бажаради. Булардан ташқари, туман ћокимияtlари тупроќ унумдорлигини ошириш, ерларни суѓориш, тупроќ эрозиясига ќарши курашиш, ихота дараҳтзорларини барпо этиш бўйича табирларни ердан фойдаланувчилар томонидан амалга оширишини назорат ќиладилар. Улар кенг тарқалган ер ости ќазилма бойликларини ќазиб олишни ташкил этадилар, ер кадастрини юритилишини ћамда ер балансини тузишни таъминлайдилар. Шундай ќилиб, туман ћокимияtlарига туман чегараларидаги ер майдонларини тасарруф ќилиш ва бошқариш бўйича катта ваколатлар берилган.

Юќорида санаб ўтилган вазифаларни бажариш учун туман ћокимияти ер фондининг ћолати тўғрисида бирламчи маълумотга эга бўлиши зарур. Бу эса ўз навбатида ер кадастрини юритилишини таќазо ќилади.

Туманда юритиладиган ер кадастри мамлакат бўйича ягона тартибда юритиладиган давлат ер кадастрини асосий ќисми ћисобланади. Алоћида ќишлоќ хўжалик ва бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бўлак-бўлак ер кадастри маълумотлари туман ер фондининг ћолати тўғрисида тўла фикр бермайди. Бундан ташқари кўпгина ташкилотларда ер кадастри мутахassisлар

томонидан бажарилмайди. Шу сабабли һам ер кадастри хизматининг шундай бир тизимини ташкил этишга зарурият туғилади. Бу хизмат алоһида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ер кадастрини тўғри ва мукаммал юритишида раҳбарликни һамда назоратни амалга ошириши, шунингдек туман бўйича ягона тарзда ер кадастри маълумотларини қайта ишлиши, ер кадастрини юритилишига раҳбарлик қилиши һамда ер фондининг һолати тўғрисида һисобот бериб туриши зарур. Бундай тизим-туман ер ресурслари хизмати һисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунига (1998 й) һамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабридаги 543-сонли «Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги қарорига биноан ер кадастрини юритиш қўйидаги ташкилотларга юклатилаган:

- шахарлар ва шахар типидаги пасёлкаларда-туман кўчмас мулк кадастри хизматлари томонидан;
- бошқа барча худудларда-туман ер ресурслари хизматлари томонидан амалга оширилади.

Умуман туман бўйича ер кадастрини юритишга умумий раҳбарлик ер ресурслари туман хизмати томонидан амалга оширилади. Шундай экан туман ер ресурслари хизмати бу ерда юритиладиган давлат ер кадастри ишларига тўлиқ масъул һисобланади.

Туманда юритиладиган ер кадастрининг яна бир аћамиятга молик жойи шундан иборатки, ер кадастри хизматининг барча юкори поғоналари (вилоят, республика органлари) жойларда ер кадастри ишларини тўғридан тўғри бажариш билан шуғулланмайдилар. Улар туманлардан келиб тушадиган маълумотлар асосида иш юритадилар. Тумандаги ер кадастри тасвирга олиш, кузатувлар, ер тузиш, хариталарини корректировка қилиш, майдонларни ўлчов ва бошқа бирламчи хужжатларга ва материалларга асосланадилар. Шу сабабли һам республикада юритиладиган ер кадастрининг сифати туманда олиб бориладиган ер кадастрининг сифатига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Туманда ўтказиладиган ер кадастрининг асосий вазифаси туман ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашдан иборатdir. Ер кадастрининг маълумотлари ердан самарали фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштиришга, экинлар хосилдорликларини режалаштиришга, ер учун тўловлар миқдорларини асослашга, шунингдек ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг қатор бошқа масалаларини һам һал қилишга йўналтирилган.

Туман ер кадастри ерларнинг һукукий, табиий хўжалик һолатлари тўғрисидаги зарур һамда аник маълумотларни ўзида жамлаши зарур. Шу сабабли һам у ер участкаларига бўлган һукукларни рўйхатга олиш, ерларни

ми́кдорий ва сифат һисоби, тупро́к бонитровкаси һамда ерларни и́ктисадий баҳолаш маълумотларини ўз ичига олади.

Туманда ер кадастри давлат аҳамиятига молик бўлган тадбир һисобланади. Ер участкаларига бўлган һуку́кларни руйхатга олиш ёрдамида у турли-туман субектларга ер бериш һуку́клари расмийлаштирилади. Ер кадастрининг кейинги таркибий қисмлари туман ер фондининг ми́кдорларини, ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар, ер турларининг таркиби, уларни сифат һолати бўйича та́ксимланишини ани́клияди, ерлар сифатини қиёсий баҳолашни ўз ичига олади.

Ер кадастри маълумотлари туманда ер тузиш схемасини ишлаб чи́киш, хўжаликларо ва хўжаликда ер тузиш ишларини ўтказиш учун жуда зарур бўлганманбаа һисобланади.

Ер тузиш схемасида ер кадастри материаллари бўйича ердан фойдаланишнинг мавжуд һолати тағлил қилинади, қишлоқ хўжалиги ишлаб чи́каришига, ўрмон хўжалигига, саноатга, транспортга ва бошқа ма́ксадларга ерларни алоҳида-алоҳида ажратган һолда истиқболда и́ктисадиёт тармо́клари бўйича ер фондининг та́ксимлаш масалалари һал қилинади. Айнан ушбу жойда ердан фойдаланувчиларнинг ўлчамлари, ер турлари бўйича уларнинг таркиби белгиланади. Янги ерларни ўзлаштириш, ерларни яхшилаш, уларни суѓориш бўйича тадбирлар белгиланади.

Ер кадастри материалларидан хўжаликларо ва хўжаликда ер тузиш лойи́жаларини ишлаб чи́кишда кенг фойдаланиш мумкин. Жумладан, ердан фойдаланувчиларни шакллантиришда, ишлаб чи́кариш бўлинмаларини жойлаштиришда, фермер хўжаликларини ташкил этишда, ер турлари ва алмашлаб экишлар таркиби һамда нисбатларини белгилашда, уларни жойлаштиришда, алмашлаб экиш худудларини ташкил этишда, турли ма́ксадлар учун ер ажратишида ер кадастри материалларидан кенг тарзда фойдаланиш ижобий самара беради.

Ер кадастри ер турларини яхшилаш бўйича зарурий тадбирларни режалаштириш ва бажариш учун һам ўзида маълумотларга эга бўлади. Давлат һар бир ердан фойдаланувчига ўзларига бириктирилган майдонлардаги тупро́клар унумдорлигини ошириш бўйича самарали тадбирлар белгилаш, шамол ва сув эрозияларига қарши ташкилий хўжалик, агротехник, ўрмон мелиоратив ва гидротехник тадбирларни амалга ошириш, ерлар холатини ёмонлашишидан муҳофаза қиласиган бошқа тадбирларни бажариш мажбуриятларини юклайди. Ерни тубдан яхшилаш бўйича йирик тадбирлар давлат томонидан молияланади. Туманда ерларни тубдан яхшилаш бўйича тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш ер турларининг сифат холатларини һар томонлама ўрганишга асосланиши зарур.

Ер кадастри маълумотлари ердан фойдаланганлик учун тўланадиган соликлар ва ижара һаќларини тўғри белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан

ташқари ер кадастри материаллари қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятларини таълил қилиш ва энг аввало, ердан фойдаланиш даражаларини аниқлаш ҳамда шу асосда ушбу майдонлардан келгусида фойдаланишни ҳар тамонлама яхшилаш бўйича асосий йўналишларни белгилашда муҳум аћамиятга эгадир.

Туманда ер кадастри мамлакат бўйича мавжуд бўлган ягона тизим асосида юритилади. Ўтказилиш даври ҳамда бажариладиган ишларнинг характеристи бўйича туманда ер кадастри асосий ва жорий турларга бўлинади.

Асосий ер кадастри муддатсиз, узоқ муддатили ва қисқа муддатли бўлиб, ердан фойдаланишнинг майдонлари, уларнинг ер турлари ҳамда сифат ҳолатлари тўғрисидаги тўлиқ ҳамда ишончли маълумотларни олиш ва туман ер кадастри хужжатларида қайд қилишдан иборатdir.

Хўжалик фаолияти натижасида ер майдонларини ер тоифалари, ер мулқдорлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимотда, ер турларининг таркиби ҳамда уларнинг холатларида маълум ўзгаришлар юз беради. Ушбу ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда ер кадастри хужжатларида ёритиб бориш мақсадида ҳам жорий ер кадастри юритилади.

Асосий ер кадастрини ўтказишга тайёрланиш тартибида туман ер ресурслари хизматини ўрни бор. Ушбу хизмат бошлигининг раҳбарлигида ердан фойдаланувчилар ўлчамлари, улардаги ер турларининг таркиби ҳамда сифат холатларини тўла тавсифлайдиган план-картографик, кузатув, ер баҳолаш, ер тузиш, ер мониторинги ва бошқа материалларни тўплаш, таълил қилиш, бир тизмiga келтириш бўйича ишларни бажаради. Бунда ерга бўлган ҳуқуқларни тасдиқловчи давлат хужжатлари, ва жамоат мақсадлари учун ер ажратиш материаллари, тасвирга олиш, агрохўжалик, тупроқ, агрокимёвий, мелиоратив, геоботаник ва бошқа кузатувлар материаллари, тупроқ бонитровкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш материаллари, хўжаликлараро ва ички хўжалик ер тузиш, ўрмон тузиш материаллари, олдинги йилликларда тузилган ер баланслари тўпланган бўлиши керак.

Олинган маълумотлар асосида ер ресурслари хизмати ердан фойдаланувчилар, ер мулқдорларининг таркиби ҳамда улар ўртасидаги ерлар тақсимотига аниқлик киритади. Ер кадастри маълумотларини бир тизимга келтириш ҳамда ундан фойдаланишга бўлиши учун тумандаги барча ердан фойдаланувчи юридик субъектларни алфавит тартибидаги рўйхати тузилади.

Ер кадастри учун туман ерларининг умумий майдонини аниқлаш муҳум аћамиятга эгадир. Ер кадастри бўйича катта ҳажмлардаги ишлар бажарилишига қарамасдан ҳозирга қадар кўпгина туманлар чегаралиридаги ер майдонлари тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам чегаранинг доимийлигига қарамасдан ҳар йилги ер хисботларида алоҳида туманлар ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларда кўпайиш ёки камайиш ҳолатлари

кузатилади. Бу асосан туман чегарасида мавжуд бўлган барча ердан фойдаланувчилар майдонларини жамлаш асосида аниқаланади. Бундай ёндошув албатта туманинг ҳақиқий ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни кафолатлай олмайди ҳамда умумий майдонни аниқалашни тўғрилигини назорат қилишга имкон бермайди. Шунинг учун албатта бундай хатоларга йўл қўймаслик учун туман ерларини ҳисоблашнинг ҳозирги вақтдаги илғор усулларидан фойдаланиш зарур.

Жорий ер кадастрини юритиш тартибида туман «Ергеодезкадастр» хизмати ўзларида хизматидаги хужжатлар ва маълумотлар асосида туман худудида рўй берган ўзгаришларни аниқлайди. Ушбу аниқаланган ўзгаришлар маҳсус текширилади, қонунийлиги аниқаланади. Шу билан бир вақда ушбу ўзгаришлар туман ер кадастри хужжатларига туширилади.

Туман ер ресурслари хизмати туман ерларининг ҳар йили 1-январга бўлган холати бўйича ер балансини тузади. Бу хужжат туман ҳокимиятида тасдиқланади ва вилоят ер ресурслари бошқармасига топширилади.

#### **4.2.2. Туманда ер кадастрини ҳамда ерлардан фойдаланишнинг давлат назоратини ташкил этиш**

Ер кадастрини ҳамда туманда ерлардан фойдаланишнинг давлат назорати билан боғлиқ барча ишлар туман ҳокимияти қошида ташкил этилган. «Ергеодезкадастр» туман хизматига юклатилган. Бу хизмат бошлиқ томонидан бошқарилади. Ушбу хизмат бошлиғининг ер кадастрини юритиш ҳамда ердан фойдаланиш бўйича берадиган барча кўрсатмалари тумандаги барча ердан фойдаланувчилар учун мажбурийdir.

Туман «Ергеодезкадастр» хизматининг бошлиғи туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда вилоятлардаги шу хизмат бошқармалари томонидан тайинланадилар.

Туман хизматларининг бошлиқлари айни пайтда туман худудида ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза этишини назорат қилиш давлат назоратчилари ҳисобланадилар.

Туман хизмати ўз фаолияти даврида ерлардан имкони борича тўла ва унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги учун ва бошқа заруриятлар учун яроқли янги ерларни аниқлаш мақсадларида туман ер фондини ўрганади. У ерлардан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бажарилишини, ер тузиш лойиҳаларини амалга оширилишини, чегара белгиларини сақланишини назорат қиласди.

Ўзининг юкорида қайд қилинган функцияларидан келиб чиқкан ҳолда ер ресурслари туман хизматига қўйидаги вазифалар юклатилган:

- туманда ер кадастрини умумдавлат тизими бўйича ягона тарзда юритиш;

- ўзларининг ваколатлари доирасида ер участкаларига бўлган ҳукуқларни рўйхатга олиш;

- ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари ва ижарачилари бўйича туман ер кадастри китобига, навбатчи кадастри харитасига бирламчи маълумотларни ҳамда жорий ўзгаришлар маълумотларини киритиб бориш;

- ердан фойдаланиш ва ерларга мулк ҳукуқларини берувчи давлат хужжатларини тузиш, расмийлаштириш, уларни рўйхатлаш ва бериш, доимий фойдаланишдаги ерларни кўпайиши ёки камайиши бўйича ўзгаришларни давлат хужжатларига киритиш;

- узоқ ва қисқа муддатли ердан фойдаланиш хужжатларини расмийлаштириш;

- йиллик миллий ер хисботини туман миќъёсида ишлаб чиқиши (ерларни тоифалари, турлари ва ердан фойдаланувчилар, ер мулкдорлари ва ижарачилар бўйича тақсимоти, миќдор ва сифат ўзгаришлари бўйича);

- туманнинг бошқа мутахассислари, Республика «Ўзгеодезкадастр» қўмитаси ходимлари иштирокида ер тузиш, ер кадастри, дала қидирув, ер баъолаш ва бошқа ишларни ҳамда ердан маќсадли фойдаланишни ташкил этиш ва ўтказиш;

- туман ер фондидан янада самарали, тўлиқ ва тўғри фойдаланиш, фойдаланиш мумкин бўлган қишлоқ хўжалигига яроқли ерлардан аниқлаш ва уларни бошқа маќсадлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши;

- тумандаги барча ердан фойдаланувчилар бўйича давлат ҳамда жамоат эҳтиёjlари учун ажратиладиган ер участкаларидан кўриладиган ва умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига етказилиши мумкин бўлган моддий зарарнинг умумий қийматини аниқлаш ҳамда асослаш бўйича аниқ таклиф-мулохазалар бериш;

- ердан фойдаланувчilarга уларга зарур бўлган ер кадастри хужжатлари ва план-харита материаллари билан таъминлаш, уларни юритиш бўйича зарур маслаҳатлар ҳамда кўрсатмалар бериш ер кадастри хужжатларини тўғри расмийлаштириш бўйича ишларга раҳбарлик қилиш ва ёрдам кўrsatiш;

- тумандаги барча ердан фойдаланувчилар томонидан ер кадастри хужжатларини юритиш ишларини назорат қилиш;

- туман ерларидан маќсадли ва белигланган тартибда фойдаланиш, ер тузиш, ер кадастри ва ер мониторинги бўйича тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни амалиётда қўллашни ташкил этиш ва назорат қилиш;

- ваколатли давлат органлари ёрдамида ердан фойдаланишдаги аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича назорат ишларини амалга ошириш;

- ерларни рекультивация қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, ер тузиш лойиҳаларини, ер мелиорацияси, тупроқ эрозияси, маданий яловларни яратиш, ер турларининг ҳолатини яхшилаш, аҳоли яшаш жойларидағи ердан

фойдаланишни тартибга солиш, қурилишлар учун ер ажратиш ва бошқа ер муносабатларини тартибга солишга доир тадбирларни ўз вақтида сифатли тарзда амалга оширилишини таъминлаш;

- янги ўзлаштирилган ва мелиоратив ћолати яхшиланган майдонларни сифат ва миќдор жићатдан ћисобга олиш ишларини олиб бориш;

- фермер хўжаликлариға ер ажратиш билан боѓлиќ хуќукий хужжатларни расмийлаштириш ћамда ушбу хўжаликларни жойида ташкил этиш билан боѓлиќ бўлган масалаларин ћал ќилиш;

- дећон хўжаликлариға ажратилган ва томорќа ерларни мунтазам ћисобкитобларини олиб бориш, қишлоќ хўжалик экинларини экиш ва хосилни йиѓишириб олиш бўйича тезкор майдон ћисобларини ўз вақтида, заруриятга ќараб амалга ошириш ва йўл ќўйилган хато-камчиликларни аниќлаш ћамда уларни тугатиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш;

- ердан фойдаланувчилар бўйича чегара белгиларини, қишлоќлар, далалар ва қурилиш объектлари чегараларига маҳсус белгиларни ўрнатиш ћамда уларни асраш бўйича зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаш;

- ердан фойдаланиш, ер мулкчилиги ва ижараси бўйича туман ћокимиятияига тушган ариза ва шикоятларни ўз вақтида ўрганиб чиќиш ћамда зарур бўлган талабни ќондиришга тавсиялар, чора-тадбирлар ишлаб чиќиш ћамда уларни ер муносабатларини тартибга солиш бўйича туман комиссиясига таќдим этиш;

- «Ергеодезкадастр» ва табиатни мућофаза ќилиш Давлат ќўмиталарининг вилоят бошқармаларига, қишлоќ ва сув хўжалиги вилоят бошқармасига ћамда зарурият туѓилган таќдирда республика миќъёсидаги идоралар, вазирликлар ва ќўмиталарга ер тузиш, ер кадастри ва мониторингини, тупроќ, мелиоратив, геоботаник кузатувларни, ерларни тасвирга олиш ва хариталаш, шунингдек бошқа дала-тадќиќот ишларини бажариш бўйича аризаларни ўз вақтида етказиб бериш ћамда уларни амалий жићатдан бажарилишини назорат ќилиш.

Ўзларига юқлатилган юќоридаги мажбуриятларни бажаришлари учун туман хизмати ходимлари туман худудидаги барча ердан фойдаланувчилар ћудудида ћеч бир тўсиќиз ерларни кузатиш ишларини ўтказишлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар раћбарларидан, фуќаролардан амалда бўлган ер ќонунларига риоя ќилишларини, ердан фойдаланишда вужудга келган хато-камчиликларни тўғриланишини талаб ќилишга ћаќли ћисобланади. Кузатув ишларини ва майдонларни назоратли ўлчов ишларини ўтказиш ћамда ерлардан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш учун туман хизматининг бошлиғи хўжаликларда фаолият қўрсатаётган ер тузувчи мутахассисларни жалб ќилиши мумкин.

Туман хизмати ўз ваколатларидан келиб чиќќан ћолда туман ерларидан фойдаланишни давлат назоратини ћам амалга оширади. Шу жићатдан ћам,

юқорида қайд қилинганидай, туман хизматининг бошлиғи бир вақтнинг ўзида ерлардан фойдаланишни назорат қилувчи бош инспектор һам һисобланади.

Ўзига юклатилган вазифаларга мос һолда ер ресурслари туман хизмати энг биринчи корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан, раҳбар шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаснинг «Ер кодекси» га, ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга йўналтирилган қарорлар, буйруқ ва йўриқномаларга риоя қилинаётганлигини назорат қилади. У тумандаги барча ердан фойдаланувчилар ва фуқаролар томонидан ер участкаларини асосий мақсадалари бўйича фойдаланилаётганлигини назорат қилади.

Йўриқномаларга биноан, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича туман давлат инспектори давлат назоратини амалга ошириш бўйича ишларни маҳсус режага биноан олиб боради. Бу режа һар йили 1 январга кечиктирилмасдан тузилади ва ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича вилоят бош инспектори томонидан тасдиқланади.

Назоратни ўтказиш жараёнида давлат инспектори муддатсиз ва вақтингчалик ерлардан фойдаланишнинг қонунийлигини тасдиқловчи һукукий хужжатларни ердан фойдаланувчиларда һакиқатдан һам мавжудлигини, ердан фойдаланувчилар ўлчамларини ер кадастри хужжатларидағи ёзувларга мос келишини, ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича хужжатларнинг тўғри юритилишини һамда тўлиқлигини назорат қилади.

Туман хизмати олдига турли иншоатларни қуриш ер ости қаазилма бойликларини қазиб олиш, қидирав ва бошқа ишларни бажариш жараёнида ерларни эрозияланишдан, шўрланишдан, боткоқланишдан, саноат корхоналарининг чиқиндилари билан ифлосланишидан огохлантириш бўйича ноқишлоқ хўжалик корхоналари муассасалари ва ташкилотлари томонидан тадбирлар ўтказилишини назоратни олиб бориш һам зарур.

Туман хизмати ерлардан тўғри фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга йўналтирилган тадбирларни режалаштиришда қатнашади, уларни бажарилишини назорат қилади. У ихота дараҳтзорларини яратиш нишабликларни поғоналаш эрозияга қарши гидротехник иншоатлар қурилишини, қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан турли маданий-техник ишларни бажарилиши бўйича ишлар сифатини текширишни ташкил этади.

Туман хизмати ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича янги самарали усуулларни жорий этишга муҳит яратади, ер қонунчилигини һамда ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишни яхшилаш бўйича тадбирларни кенг халқ оммасига ёйишда қатнашади. Шу билан бир қаторда бу хизмат қишлоқ хўжалик корхоналарида ва бошқа муассасаларда фаолият кўрсатаётган жамоатчи инспекторлар ишига раҳбарлик қилади.

Ерлардан фойдаланиш бўйича давлат назорати тўғрисидаги қоидалар ердан фойдаланишни назорати бўйича давлат инспекторларининг һукуқларини

аниқлайди. Улар қайси идора ёки органга бўйсунишларидан қатъий назар ер майдонларини берилган мақсадларида фойдаланиш ва муҳофаза қилиш масалалари бўйича корхона, муассаса ва ташкилотларга бажаришлари учун кўрсатмалар бериш ҳукуғига эгадирлар.

Туман давлат инспектори, агарда бундай ишлар давом эттирилса эрозияланиш, шўрланиш, боткоёкланиш ва тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи бошқа жараёнларнинг ривожланишига олиб келадиган бўлса, агротехник ва ўрмон милиоратив ишларини тўхтатиб қўйиши мумкин. Шунингдек, йул, гидротехник ва бошқа қурилишларни, қазилма бойликларни қазиб олишни, қидирав ва бошқа ишларни ўтказишини тўхтатиш тўғрисида ваколатли ташкилотларга таклифлар билан чиқишига ҳақлидир.

Мунтазам равища ер қонунчилиги бузилган тақдирда, ер участкаси берилган муддатдан бошлаб икки йилдан ортиқ вақт ўтишига қарамасдан шу ердан мақсадли фойдаланилмаса ёки натижасида тупроқнинг ҳолатини ёмонлашишига олиб келадиган ва қишлоқ хужалигига, саноатда ва бошқа мақсадларда фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги қоидалар бузилган тақдирда давлат инспектори ердан фойдаланувчилардан ер участкаларини тортиб олиш тўғрисида ваколатли органларга таклифлар киритиш ҳукуғига эгадирлар.

Давлат инспектори гидротехник иншоатлар, ерларни милиорациялаш, аҳоли пунктларини лойихалаш ва қуриш лойихаларини, ер тузиш схемаларини, шунингдек қишлоқ хўжалигидан ер ажратиш зарурлиги билан боғлиқ бўлган лойихаларни экспертизадан ўтказишида қатнашиш ҳукуқидан фойдаланиш мумкин. Хўжаликда ер тузиш лойихаларини экспертизадан ўтказиш, шунингдек асосий мақсадларига мос холда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширилишини текширишида қатнашишлари учун белгиланган тартибда турли мутахассисарни жалб қилиш ҳам унинг ваколатига киради.

Давлат инспектори мелиоратив ҳолати яхшиланган, рекультивацияланган ерларни, ићота дараҳтзорларини, эрозияга қарши гидротехник иншоатларни, тупроқ унумдорлигини оширишга ва ерларни муҳофаза қилишга қаратилган бошқа объектларни фойдаланиш учун қабул қилишда қатнашади. У ер қонунчилигини қўпол равища бузган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани туман ҳокимияти ва ҳукуқни назорат қилиш давлат органлари олдига қўйиши мумкин.

#### **4.2.3. Туманда ер кадастри ҳужжатлари**

Ер кадастрини юритиш ва туман ер фондидан фойдаланишида юз берадиган ўзгаришларни ўз вақтида ёритиш маълум ер кадастри хужжатлари билан

таъминланади. Туманда юритиладиган бундай ер кадастри хужжатлари асосан матн ва план-харита турларига бўлинади.

Матн хужжатларида туман ер фонди тўғрисидаги маълумотлар миқдор кўрсаткичларда ёритилади. Улар ер турлари бўйича, ерларни суғорилиш даражаси, тупроқ бонитровкаси ҳамда ерларни иктиносидий баҳолашни ўз ичига олган ҳолда асосий қишлоқ хўжалик ерларининг сифат холатлари бўйича муддатсиз узоқ ва қисқа муддатли фойдаланиладиган ерларнинг тавсифини беради.

План-харита хужжатлари хисобга олинадиган худудни график жихатдан ёритади. План-харита материалларида матн хужжатларида ҳисобга олинган, туман ер фондини асосий кўрсаткичлари бўйича тавсифлайдиган маълумотларнинг мажмуаси ёритилади. Туманнинг план-харита хужжатлари ер кадастри хариталари бўлиб ҳисобланади. План-хариталар таркибига қўйидагилар киради: ердан фойдаланувчилар харитаси, ер хисоби харитаси, тупроқ харитаси, ер баҳолаш харитаси.

Матн ва план-харита материаллари ўртасида маълум бир боғлиқлик мавжуддир. Матин хужжатларига барча маълумотлар план-хариталар асосидагина туширилади. Шу сабабли ҳам ер кадастрини матн хужжатларида келтирилган ер кадастри маълумотларининг аниқлиги ва тўлалиги план-харита материалларининг сифатига боғлиқдир.

Ер кадастрининг матн хужжатлари ҳисоб-китоб ва ҳисобот хужжатларига бўлинади. Туманнинг асосий ҳисоб-китоб хужжатига давлат ер кадастри китоби киради. Ер кадастрининг ҳисобот хужжати бўлиб туман ер баланси ҳисобланади. Ер хисоби хужжатлари туман ер фондининг холати тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган бўлиши зарур.

Ер ҳисоби ҳужжатлари асосида ҳисобот тузилади. Шунинг учун ҳам ер баланси ҳисобот ҳужжатларининг мазмuni кўпгина холларда ер ҳисоби ҳужжатларининг мазмuni билан аниқланади.

Давлат ер кадастри китоби асосий ҳисоб хужжати сифатида барча маъмурий туманларда вилоят аҳамиятига эга бўлган шахарларда ягона шаклда юритилади. Китобни юритиш «Ергеодезкадастр»нинг туман хизмати бўйича масъул мутахассисга юклатилган. Маълумотларнинг аниқлиги ва тўғрилигига ҳамда ушбу китобдаги маълумотларга асосланиб бериладиган маълумотномаларнинг ишончлилигига туман хизматининг бошлиғи жавобгардир.

Давлат ер кадастри китоби 4 та бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда туманда мавжуд бўлган барча ер участкаларида бўлган ҳуқуқлар рўйхатга олиш натижалари қайд қилинади. Бу иш давлат томонидан белгиланган тартибда услубий кўрсатмаларга биноан амалга оширилади.

Китобнинг биринчи бўлимида - ер участкаларига бўлган ҳуку́клар рўйхатга олинади, туманда мавжуд бўлган барча ердан фойдаланувчиларнинг, ер - мулкдорининг ва ижаракчининг номлари қайд қилинган ҳолда, фойдаланиш муддатлари ва ма́ксадлари, қайси ма́ксадлар учун берилганлиги, умумий майдони ва жойлашган ўрни, кадастр раќами, шунингдек, ердан фойдаланишни рўйхатга олиш хужжатнинг номи, кадастр баћоси-тупроќ бонитетининг ўртача келтирилган бали ва қийматни кўрсатган ҳолда туман (шаћар) даги барча ердан фойдаланувчилар рўйхатга олинади. Ер участкаларига бўлган ҳуку́кларнинг чекланиши сервитутлар деб аталади. Иккиламчи фойдаланиш учун берилган ерлар рўйхатга олинмайди.

Иккинчи бўлимда - барча ерлар ва алоћида барча ердан фойдаланувчиларнинг фойдаланишида бўлган сугориладиган ерлар, шунингдек туманларга бўйсинувчи шаћарлар, шаћар типидаги посёлкалар ва давлат заһира ерларининг миќдори ер турлари бўйича ҳисобга олинади.

Учинчи бўлимда - ерларнинг сифат тавсифи ҳисобга олинади.

Тўртинчи бўлимда - ерларнинг қиймат баћоси кўрсаткичлари келтирилади.

Ер кадастри китобнинг бўлимлари бўйича қайд қилинадиган хужжатлари ва уларни расмийлаштириш тартибида қўйида келтирилади.

Биринчи бўлим. Ер участкаларига бўлган ҳуку́кларни давлат рўйхати. Янгидан ташкил этилган ердан фойдаланувчиларни рўйхат қилиш учун маълум ма́ксадларга ер участкасини бериш тўғрисидаги масъул органнинг қарори ҳамда ер тузиш лойићасини жойга кўчирилганлиги ва жойдаги чегараларни маћкамланганлигини тасдиќловчи хужжат асос бўлиб хизмат қиласи. Янгидан ташкил этилган ердан фойдаланиш жойда ер участкасининг чегаралари маћкамланган кундан эътиборан 15 кундан кечиктирмасдан туман (шаћар) ер кадастри китобида рўйхатга олиниши зарур. Давлат рўйхати расмийлаштирилгандан сўнг, унга ердан фойдаланиш ҳуку́кини берувчи хужжат топширилади. Давлат ер кадастри китобида рўйхатга олинган ердан фойдаланувчилар, янгидан қайд қиилиш ваќтига агарда майдонлари ўзгармаган бўлса, олдинги рўйхатга олинган ваќти сақланган ҳолда Давлат ер кадастри китобнинг янги бўлимига ёзиб қўйилади. Хужжатларни текширилганлиги тўғрисидаги белги изоћда келтирилади.

Ердан фойдаланишни рўйхатга олишда ёзув қуйидаги тартибда олиб борилади: биринчи қаторда - доимий фойдаланишдаги ерлар ва иккинчи қаторда: шу жумладан ижарадаги ерлар қайд этилади.

Биринчи устунда - ердан фойдаланишнинг тартиб раќами ёзилади. Тартиб раќамлари ҳар бир ер тоифалари бўйича алоћида қўйилади. Иккинчи устунда ер участкасининг кадастр раќами қайд этилади. Учинчи устунда - номларни тўғрилигини тасдиќловчи низомлар, устивор ва бошқа ҳужжатлар асосида ердан

фойдаланувчилар номлари келтирилади. Бунда янги ёзувлар бўлимнинг барча устунлари бўйича қайд этилади.

Агарда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ердан фойдаланиши бир қанча маъмурий-туманларда жойлашган бир неча ер участкаларидан ташкил бўлган бўлса, асосий ишлаб чиқариш маркази қайси туманда жойлашган бўлса, ушбу туман ер кадастри китобида рўйхатга олинади. Охирги устунда эса хўжаликнинг бошқа ер участкалари қайси туманларда эканлиги қайд қилинади.

Бир неча маъмурий туманларда жойлашган ўрмон хўжалиги корхоналари, ўрмон махсулотларини қайта ишлаш корхоналари, темир ва автомобиль йўллари ва ҳоказолар ушбу ердан фойдаланувчилар қисмлари жойлашган туманлардагина рўйхатга олинади. Темир йўллар ва автомобиль транспорти йўллари алоҳида йўналишлари бўйича рўйхатга олинади.

Иккинчи бўлимда ер турларининг миёдорий ҳисобга олиш ишлари бажарилади. Маъмурий туман чегарасида жойлашган барча ерлар, шунингдек, коопратив (ширкат) хўжаликларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган ерлар давлат маблағи ҳисобига олиб борилади.

Қайси вазирлик ёки идора тасаррufига киришидан қатъий назар, барча корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳар йили январ ойидан кечиктирмасдан макроiktисодиёт ва статистика Вазирлиги тасдиқлайдиган шакл бўйича фойдаланишда бўлган ер турларида юз берадиган ўзгаришлар тўғрисида 1 январ ҳолати бўйича ҳисоботлар топширадилар. Ердан фойдаланувчилар томонидан берилган маълумотларнинг ҳақиқийлиги мавжуд юқори сифатли план-картографик материаллар асосида ёки назоратли ўлчовлар ёрдамида туман «Ергеодезкадастр» хизматининг бошлиғи томонидан текширилади.

Ерларнинг давлат ҳисоби ер турларининг ҳақиқий ҳолати ва фойдаланилиши бўйича ўтказилади. Ер ҳисоби юқори сифатли план-картографик материаллар, ердан фойдаланувчиларнинг ҳисобот маълумотлари, ягидан тасвирга олиш ёки тузатиш материаллари билан тўлдирилган ва тўғриланган олдинги йиллар ер ҳисоби, тасвирга олинган материаллар, назоратли ўлчов ва ерларни график тарзда ҳисобга олишдаги жорий ўзгаришларни ҳисоблаш маълумотлари асосида олиб борилади. Ҳар бир ердан фойдаланувчи бўйича ерларни миёдор ҳисобини ўтказишга асос бўладиган барча материаллар (планлар, жорий ўзгаришларни ҳисобга олиш ва майдонларни назоратли ўлчови материаллари, қарорлардан қўчирмалар, ердан фойдаланувчиларга тақдим этилган маълумотлар ва бошк.) «Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғида сақланади.

Ерларнинг миёдорлари бўйича Давлат ҳисоби туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг иккинчи бўлимида юритиб борилади. Иккинчи бўлим иккита жадвалдан ташкил топган: барча ерларнинг миёдорлари ва шу жумладан алоҳида суғориладиган ерлар. Бу бўлимда барча ердан фойдаланувчилар, давлат заҳира ерлари, шунингдек шаҳарлар, шаҳар типидаги посёлкалар ерлари, чорбог

посёлкалари ћамда ќишлок аћоли пунктлари ва бошќа ер тоифаларида ћисобга олинмаган ерлар ћам ћисобга олинади.

Ќишлок хўжалик кооперативлари (ширкатлари), хўжаликлараро ќишлок хўжалик корхоналари ва ташкилотлари, ёрдамчи хўжаликлар ва бошќа ќишлок хўжалик корхоналари бўйича Давлат ер кадастри китобининг иккинчи бўлими ћар йили, 1 январга бўлган ћолати бўйича тўлдирилади. Бошќа ердан фойдаланувчилар бўйича ёзувлар фаќатгина уларнинг ер турлари таркибида ўзгаришлар юз берган таќдирдагина амалга оширилади. Янги ёзувлар бўлимнинг барча устунлари бўйича амалга оширилади.

Ўрмон хўжалиги корхоналари ерлари ќоидага биноан учта ќаторда ћисобга олинади. Биринчи ќаторга уларнинг ћакирий фойдаланишдаги майдонлари, иккинчисига, жамоа хўжаликларига, ширкатлар ва бошќа ќишлок хўжалик корхоналарига узоќ муддатга фойдаланишлари учун берилган ерлар, учинчисига эса ўрмон-саноат корхоналарига ва бошқаларга узоќ муддатли фойдаланишга берилган ерлар ќайд ќилинади. Агарда ўрмон хўжалиги ћудудида (ўрмон-саноат корхонаси, ўрмон тайёрлаш корхонаси) аћоли пунктлари мавжуд бўлса, улар билан банд бўлган ер майдонларини ќайд ќилиш учун яна битта ќатор ажратилади.

Саноат, транспорт, алоќа ва бошќа ноќишлок хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ерлари, ќоидага биноан, икки ќаторга ёзилади: биринчиси - муддатсиз фойдаланадиган ерлар; иккинчисида - ердан фойдаланувчиларга бирламчи ердан фойдаланиш тартибида берилган муддатли (узоќ ва ќиска муддатли) фойдаланадиган ерлар ћисобга олинади.

Агарда ердан фойдаланувчилар ћудудида аћоли пунктлари бўлса, улар эгаллаган ер майдонларини ќайд ќилиш учун битта ќатор ќўшимча ќилиб ажратилади.

Агарда корхона, муассаса ва ташкилотларда фаќатгина доимий фойдаланишдаги ерлар бўлса ва улар ћудудида аћоли пунктлари бўлмаса, бундай ердан фойдаланувчилар бўйича ёзув битта ќаторда амалга оширилади. Бундай ћолларда китобнинг битта вароѓига бир неча ердан фойдаланувчиларни ёзиш маќсадга мувофиқдир.

Ширкатлар ва бошќа ќишлок хўжалик корхоналари ердан фойдаланувчиларни ћар йиллик ёзуви учун икки ќатор ажратилган.

Биринчи ќаторга-доимий фойдаланишдаги барча ерлар майдонлари, иккинчисига - шу жумладан ижара ерларининг майдонлари ёзилади.

а) "Барча ерлар" жадвалини тўлдириш тартиби.

Ҷайдалма ерлар 4-устунда ћисобга олинади. Індида ерга шунингдек иссиќхоналар ва парниклар майдонлари ћам кўшилади. Иссиќхоналар ва парниклар майдонлари 5-устунда кўрсатилади.

Кишло́к хўжалик экиш учун вақтинча фойдаланилаётган, боғлар ва бошқа кўп йиллик дараҳтзорлар ерлари 4-устунга қўшилмайди, кўп йиллик дараҳтзорлар майдонлари сифатида 6-устунда ҳисобга олинади.

6-10 устунларда террасаларда жойлаштирилганларни ҳам қўшган ҳолда барча кўп йиллик дараҳтзорлар ҳисобга олинади.

Йўллар ва йўл иншоатлари, шамол кучини пасайтирувчи чизиқли кўп йиллик дараҳтзорлардан ташқари ўрмон ҳимоя полосаларининг майдонлари кўп йиллик дараҳтзорлар майдонларидан чиқариб ташланади ва улар алоҳида ер турларида ҳисобга олинади.

11-устунда бўз ерлар, 12-устунда пичанзорлар ва 13-14 устунларда яйловлар ҳисобга олинади. 14-устунда шу жумладан сугориладиган яйловлар ва 15-устунда қишло́к хўжалик ер турларининг (ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар, бўз ерлар, пичанзорлар ва яйловлар) умумий майдонлари ҳисобга олинади.

16-20 устунларда ушбу ердан фойдаланувчи ҳудудида жойлашган, шахсий фойдаланишдаги ер участкалари мавжуд бўлган хўжаликлар, хизматчилар ва бошқа фуқароларнинг томорқа ерлари ҳисобга олинади.

18-устунда "ҳайдалма ер"- далачилик экинлари ва полизчилик экинлари эгаллаган ерлар ва 21-22 - устунларда - жамоа боғлари ва токзорлари (чорбоғ участкалари) ҳисобга олинади.

23-устунда мелиоратив қурилиш босқичида бўлган ер участкалари ҳисобга олинади. Бундай ерларга фақатгина янги мелиоратив қурилишлар олиб борилаётган қишло́к хўжалик ерлари, шунингдек дараҳтлари кесиб олинган, лекин ҳайдалмаган участкалар, ҳали дараҳтлари экилмаган, кўп йиллик ҳимоя ўрмон дараҳтзорлари экишга тайёрланган қишло́к хўжалик ерлари хам киради.

24-26 устунларида давлат ўрмон фондининг майдонлари ҳисобга олинади. Бунга давлат ўрмон хўжалиги органларининг ўрмон хўжалиги корхоналари ерларидаги ўрмон майдонлари, шаҳар ўрмонлари, ўрмонлар ва заповедниклар ерлари, шунингдек, қишло́к хўжалик кооперативлари (ширкатлари)нинг ўрмонлари, яъни муддатсиз фойдаланишга қишло́к хўжалик кооперативлари (ширкатларига) берилган ҳамда белгиланган тартибида ер-ҳисоби хужжатларида рўйхатга олинган ерлардаги ўрмонлар киради.

27-устунда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дараҳтли - бутали ўсимликлар эгаллаган майдонлар, яъни, қишло́к хўжалик кооперативлари (ширкатлари) ерларидаги далаларни ҳимоя қилувчи ўрмон полосалари билан ва бошқа ҳимоя ёки кўкаlamзорлаштирувчи дарҳтли-бутали ўсимликлар, темир ва автомобил йўллари, каналларга ажратилган полосалардаги ҳимоя дараҳтзорлари эгаллаган майдонлар ҳисобга олинади.

28-30 устунларда сув тагида бўлган ерлар қайд қилинади.

31- устунда йўллар билан банд ерлар ҳисобга олинади.

32- устунда жамоат ховлилари, кўчалари ва майдонлари билан банд ерлар қайд қилинади.

33-устунда жамоат қурилишлари эгаллаган майдонлар қайд қилинади.

34-устунда бошқа ерлар һисоб қилинади.

б) "сугориладиган ерлар" жадвалини тўлдириш тартиби.

Сугориладиган ерларни һисоб қилиш ягона давлат ер фондини хисоб қилишнинг бир бўлаги һисобланади. Сугориладиган ерларни һисоб қилишда ерларни ялпи һисоб қилиш класификацияси сақланади. Шундай экан, устунлар ва қаторларни тўлдириш тартиби ўзига хос тушунтириш талаб қилмайди.

Сугориладиган ерларни һисобга олиш уларнинг һақиқий һолати бўйича ўтказилади. У ёки бу ер турдаги ер участкалари уларнинг һақиқий фойдаланиш һолатларига қараб ажратилади. Лойиҳа хужжатларига мос һолда мелиоратив қурилишлар ўтказилган һамда давлат һайъатининг далолатномаси билан белгиланган тартибда хўжаликларга топширилган ёки бу ерда қишлоқ хўжалик экинлари экилганлиги ёки экилмаганлигидан катъий назар хўжаликлар томонидан хўжалик усулида ўзлаштирилган ва һозирда фойдаланишда (сугориладиган) бўлган ерлар һисобга олиб борилади.

1 январга кадар далолатнома асосида қабул қилинган, аммо топшириш муддати анча кеч бўлганлиги сабабли экин экишда фойдаланилмаган сугориладиган майдонларни далолатномада кўрсатилган ер турларидағи сугориладиган ерлар сифатида һисобга олиш зарур.

Янги қурилишлар натижасида сугориладиган ерлар майдонларнинг ўсиши мелиоратив объектларнинг қурилиши тугатилганидан сўнг қабул қилиш бўйича давлат һайъатининг далолатномалари асоси қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган чизмалар янги тасвирга олиш ёки жойдаги назоратли ўлчашлар асосида аниқланади. Агарда янги мелиоратив объект һудудида олдин сугориладиган ерлар бўлган бўлса, ундаги мавжуд тармоқлар қайтадан қурилган бўлса, бундай ер участкалари фойдаланишга янгидан қабул қилинган мелиорацияланган ерларга кирмайди.

"Сугориладиган ерлар" жадвалига барча сугориладиган ерлар шунингдек сугориш тармоғи билан боғланган аммо сув билан таъминланмаган, ёки қайта қуриш талаб қилинадиган сугориш тармоғи бўлган ер участкалари киради.

Сугориладиган ерлар - бу қишлоқ хўжалигига фойдалниш ва сугориш учун яроқли ерларни сугориш суви билан таминалайдиган сув ресурсларига эга бўлган сугориш манбалари билан боғланган доимий ёки вақтинчалик сугориш тармоқлари бўлган ерлардир. Сугориладиган ерларга мелиоратив һолатини яхшилаш талаб қилинадиган сугориш тармоқларини қайта қуриш талаб қилинадиган ерлар һам киради.

Сугориладиган майдонларнинг чегаралари ер турларининг сифати ва сугориш режимининг маълумотлари асосида, шунингдек, хўжалик юритиши,

аћолини жойлаштиришнинг мавжуд шакллари ва бошқа шароитлари асосида жойда белгиланади ва ердан фойдаланиш планига туширилади.

Учинчи бўлим. Ер турларининг сифатини қайд этиш тартиби.

Ер турларнинг сифат тавсифи унимдорликка таъсир этувчи механик таркиби ва хусусиятлари ва бонитет класслари бўйича қишлоќ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган барча ер участкалари бўйича олиб борилади. Тупроќ ва геоботаник кузатувларнинг юқори сифатли материаллари, план-картағрафик ва бошқа маълумотлар ерларнинг сифатини тавсифлаш учун асос бўлади.

Ерларни тўғри ва тўлиқ тавсиф қилишда учун табиий қишлоќ хўжалик минтақалаштириши қўлланилади.

Ер турларини сифатини тасвирлаш 2 жадвалдан иборат: - бонитет баллари бўйича қишлоќ хўжалик ерларини кадастр баҳолаш; - ерларнинг сифат тавсифи.

"Бонитет баллари бўйича қишлоќ хўжалик ерларини кадастр баҳолаш" жадвалини тўлдириш тартибини қўйидагича изоћлаш мумкин. Бу жадвал хўжаликнинг тупроќ харитасидаги экспликациясида келтирилган маълумотлар бўйича тўлдирилади. Уларни тўлдириш тартиби қўйдагича:

1-устунда хўжаликнинг тартиб рақами, 2-устунда хўжаликнинг номи ва 3-устунда суѓориладиган қишлоќ хўжалик ерларининг майдони ёзилади. Ўамма маълумотлар ердан фойдаланувчи субъектнинг ер балансидан олинади.

4-устунда тупроќ харитасининг экспликациясида келтирилган хўжаликнинг ўртача бонитет бали, 15-устунни тўлдириш учун қишлоќ хўжалик ерлари майдонидан, яъни 3-устундаги маълумотлар олинади ва 5 дан 14 устунлардаги майдонлар йиғиндиси олиб ташланади.

16-устунда лалми ерлардаги ҳайдалма майдонлар, 17-устунда лалми майдонлардаги бўз ерлар майдони, 18-устунда лалмикор минтақалардаги боѓлар майдони, 19-устунда жами лалми ерлар майдони 20-устунда эса ёмғир сувлари билан таъминланган лалми ерларнинг майдони ёзилади.

21-устунда ёмғир сувлари билан чала таъминланган лалми ерларнинг майдони, 22-устунда ёмғир сувлари билан таъминланмаган лалми ерларнинг майдони, 23-устунда охирги йилнинг ер баланси маълумотлари бўйича пичанзорлар майдонлари ёзилади.

24-устунда охирги йилнинг ер баланси маълумотлари бўйича суѓорилмайдиган яйловлар майдонлари, 25-устунда суѓорилмайдиган яйловлар ва пичанзорлар (23-24) ва 26-устунда чўл минтақасида мавжуд бўлган суѓорилмайдиган яйловлар ва пичанзорлар майдони, 27-устунда адир минтақасидаги суѓорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар майдонлари ва 28-устунда тоғ минтақасидаги суѓорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар майдонлари ёзилади.

"Ерларнинг сифат тавсифи" жадвалини тўлдириш тартиби. Ушбу жадвални тўлдириш учун зарур бўлган маълумотлар тупроќ - баҳолаш ва тупроќ-қидирав

ишиларининг материалларидан ћамда хўжаликнинг тупроќ харитасида келтирилган экспликациядан олинади. Қишлоқ хўжалик ерларининг майдонлари бўйича маълумотларни ер кадастри китобининг иккинчи бўлумидан олинади.

Ю́кори ќаторларда тумандаги хўжаликлар номи ва тупроќлар ќаторида тупроќлар типларининг номи ёзилади. Пастки ќаторларда механик таркиблари бўйича тупроќлар типларининг майдонлари ќайд қилинади.

Механик таркиби бўйича тупроќлар, 4 кичик гурућга бўлинган: лойли ва оѓир қумоқли, ўрта қумоқ, енгил қумоқли, қумоқли ва қумли. Бунда физик лойнинг миќдори ќуйдаги жадвал ёрдамида аниқланади (16 - жадвал).

16 - жадвал

#### Физик лойни аниқлаш жадвали

Кичик гурућлар тартиб раќами	Тупроќларнинг механик таркиби	Физик лойнинг миќдори
1	Лойли ва оѓир қумоқли	45 дан ортиќ
2	Ўрта қумоқли	30-45
3	Енгил қумоқли	20-30
4	Қумоқли ва қумли	20 дан кам

Кейинги ќаторда тупроќларни сув эрозиясига мойиллиги кўрсатилади. Сув эрозиясига мойил бўлган ювилган тупроќлар асосан тоғ олди ва тоғли ћудудларнинг дарё террасаларида кузатилади. Эрозияга учраганлик даражалари бўйича тупроќлар ќуидаги бўлинади (17 - жадвал). Тупроќларнинг шўрланиш даражаси эса 18-жадвал ёрдамида аниқланади. Ќуида келтирилган жадвалларда тупроќларнинг гипсланганик даражаси (20-жавдал), гипс горизонтининг ќалинлиги (21-жавдал), гипс горизонтининг ю́кори чегарасининг чуќурлиги (22-жавдал), 0-50 см ќатламидаги гумус (23-жавдал), фосфор (24-жавдал) ва калий (25-жавдал) миќдори даражалари берилган.

17 - жадвал

#### Тупроќнинг эрозияга мойиллик даражаси бўйича жойлашиши

Ювилиш даражаси	Жойнинг нишаблиги, градиусда	Жойлашиши
Ювилмайдиган	0,5 гача	Сувнинг бўлиниш жойида
Кам ювиладиган	0,5-2,0	Нишабликнинг ю́кори ќисмида
Ўртacha ювиладиган	2-5	Нишабликнинг ўрта ќисмида
Кучли ювиладиган	5 дан ортиќ	Нишабликнинг ќуи ќисмида

Шўрланиш даражасини аниқлаш учун В.В.Егоров ва Н.Минашиналар томонидан ишлаб чиқилган таснифлашдан фойдаланилади.

18 - жадвал

Шўрланиш даражасини аниқлаш жадвали

Шўрланиш даражаси	Тузларнинг миқдори %			
	НСО3	Cl	Na	SO4
Шўрланмаган	0,061 дан кам	0,01 дан кам	0,023 дан кам	0,08 дан кам
Кам шўрланган	0,061-0,122	0,01-0,035	0,023-0,046	0,08-0,17
Ўртacha шўрланган	0,122-0,244	0,035-0,070	0,046-0,092	0,17-0,34
Кучли шўрланган	0,244-0,488	0,070-0,140	0,092-0,184	0,34-0,86
Жуда кучли шўрланган	0,488 дан ортиқ	0,140 дан ортиқ	0,184 дан ор- тиқ	0,86 дан ортиқ

Тупроқларнинг тошлоқлиги уларнинг сув-физик хусусиятларини белгилайди, уни сув ўтказувчанлигига ва технологик хусусиятларига таъсир қилади.

Тошлоқлик горизонтининг чукурлиги буйича тупроклар қуидагиларга бўлинади:

- устки тошлоқлик -0-30см
- унча чуқур бўлмаган тошлоқлик -30-50см
- кам чуқур тошлоқлик -50-100см
- чуқур тошлоқлик - 100 см дан чуқур.

19 - жадвал

Тупроқларнинг тошлоқлик даражаси

Тошлилик даражаси	Тошларнинг миқдори
Кам тошлилик	0-10
Ўртacha тошлилик	10-20
Кучли тошлилик	20 дан ортиқ

20 - жадвал

Тупроқларнинг гипсланганик даражаси

Гипсланганик даражаси	Гипснинг миқдори
Кам гипсланган	11-20
Ўртacha гипсланган	20-40
Кучли гипсланган	40 дан ортиқ

21 - жадвал

### Тупроқларнинг гипс горизонтининг қалинлиги

Гипс горизонтининг қалинлиги, см	Тошларнинг миқдори
40	қалинлиги кам
40-100	ўрта қалин
100 дан ортиқ	қалин

22 - жадвал

### Гипс горизонтининг юқори чегарасининг чуқурлиги

Гипс горизонтининг чуқурлиги, см	Гипсланиш даражаси
0-30	юзаки гипсланган
30-60	юқори гипсланган
60-100	чуқур бўлмаган гипсланган
100-200	чуқур гипсланган
200 дан ортиқ	жуда чуқур гипсланган

23 - жадвал

### Тупроқнинг 0-50 см қатламидаги гумуснинг миқдори

Гумуснинг миқдори т\га	Таъминланганлиги
30 гача	жуда паст
31-60	паст
61-90	ўртacha
91-120	юқори
120 дан чуқур	жуда юқори

24 - жадвал

### Тупроқлардаги һаракатланувчи фосфорнинг миқдори

Фосфорнинг миқдори, мг\кг	Таъминланганлиги
15 гача	жуда паст
15-30	паст
30-45	ўртacha
45-60	юқори
60 дан юқори	жуда юқори

25 - жадвал

### Тупроқда һаракатланувчи калийнинг миқдори

Калийнинг ми́кдори, мг\кг	Таъминланганлиги
100 гача	жуда паст
100-200	паст
200-300	ўртacha
300-400	ю́кори
400 дан ю́кори	жуда ю́кори

Ю́корида берилган қийматлар бўйича туман бўйича уларнинг ўртacha кўрсаткичлари ёзилади.

**Тўртинчи бўлим.** Қишлоќ хўжалик ерларининг қийматини баҳолаш кўрсаткичлари.

Туман (шаһар) давлат ер кадастри китобининг тўртинчи бўлими иккита жадвалдан иборат бўлиб, улар белгиланган тартибда ўтказиладиган ишлар тугагандан кейингина тўлдирилади.

Биринчи жадвалга ерларнинг қиймат баҳоси (барча ерларни умумий баҳолаш, сұғориладиган ва сұғорилмайдиган ерлар алоҳида) натижалари ёритилади, кейинги жадвалда ћам шу тартибда ћайдалма ерларни баҳолаш маълумотлари ёзилади.

Ерларни қиймат баҳоси бўйича ћар бир жадвалга қўйидаги тартибда ер баҳолаш ишлари ўтказилган тумандаги барча хўжаликлар ёзилади:

- барча копператив хўжаликлар (ширкатлар);
- хўжаликларо қишлоќ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари;
- олий ва ўрта маҳсус қишлоќ хўжалик ўқув юртларининг ўқув-тажриба, тажриба-ишлаб чиқариш ва бошқа қишлоќ хўжалик корхоналари;
- ёрдамчи қишлоќ хўжалик корхоналари;
- бошқа ишлаб чиқариш қишлоќ хўжалик корхоналари.

Ер қиймати бўйича баҳолаш жадвалларига ер баҳолаш маълумотлари ћайдалма ерлар, қўп йиллик дархизорлар, пичанзорлар, яйловлар ва барча қишлоќ хўжалик ерлари учун ћар бир хўжалик бўйича ёзилади.

Давлат ер кадастри китобига ёзувлар туш ёки сиёҳда ёзилади, ћеч ќандай тўғрилаш, тозалаш ёки ўчиришга йўл ќўйилмайди. Хатога йўл ќўйилган тақдирда унинг устидан чизик тортилади ва янгиси унинг устки ќисмига ёзилади. Ўзгартирилганлик тўғрисида изоћ китобнинг охирида берилади.

Китобга ип ўтказилади ва унинг ҳар бир вароѓи рақамланади. Охирги бетда китобнинг ќанча вараги ипга ўтказилганлиги ќайд ќилинади. Китоб туман (шаһар) ћокими ћамда «Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғи томонидан имзоланади.

«Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғи ўзгарган тақдирда Давлат ер кадастри китобини қабул қилганлиги тўғрисида далолатнома тузилади ћамда

китобни қабул қилиб олган янги бошлиқ унинг охирига имзо чекади ва қабул қилиб олган кунини ёзиб қуяди.

Давлат ер кадастри китобини юритиш билан бир вақтда туман хизмати ходими туманнинг ердан фойдаланиш харитасини (навбатчи харитасини) хам юритиб боради. Давлат ер кадастри китоби «Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғи томонидан ёнгинга хавфсиз темир шкафда сақланади.

### **Мустақил ўрганиш учун саволлар**

1. Туман (шаҳар) давлат ер кадастри китобининг асосий мазмунни нимадан иборат?
2. Ер кадастри китоби ким томонидан юритилади?
3. Туман бўйича ер кадастри китоби қандай бўлимларни ўз ичига олади?
4. Ер кадастри китоби биринчи бўлимнинг асосий мазмунни нимадан иборат?
5. Ер кадастри китобининг иккинчи бўлимида нималар ёритилади?
6. “Суғориладиган ерлар” жадвали қай тарзда тўлдирилади?
7. “Ер турларининг сифати” маълумотларига қандай маълумотлар киради ва улар қай тарзда олинади?
8. Ер кадастри китобининг тўртинчи бўлимида қандай маълумотлар ёритилади?
9. Туман (шаҳар) давлат ер кадастри китоби қандай тартибда юритилади ва сақланади?

#### **4.2.4. Туманда ер участкаларига бўлган ћуќуќларни рўхатга олиш тартиби**

Маъмурий туман ћудудида жойлашган ва фаолият қўрсатаётган корхона, муассаса ва ташкилотларни ћамда жисмоний шахсларни ер участкаларига бўлган ћуќуќларини рўйхат қилиш давлат ер кадастрининг асосий таркибий ќисмларидан бири бўлиб, у маълум бир ер учаскасига мулкдорлик, фойдаланиш ёки ижара ћуќуқини расмийлаштириш ћамда давлат миќъёсида қабул қилинган ягона шаклдаги хужжатларда акс эттириш бўйича ћуќуќий тадбир ћисобланади.

Туманда ер участкаларига бўлган ћуќуќларни рўйхатга олиш маълумотлари ћуќуќий кучга эга. Албатта, ер участкаларини рўйхат қилиш ишчи тизим сифатида бирданига шаклланмаган. Рўйхатлаш ишлари хонликлар (XIX аср) ва собиқ Совет давлатини даврларидаёқ (XX асрнинг 20-30 йилларида) ўтказила бошланган. Дастребки даврларда ердан фойдаланиш ћуќуқини расмийлаштириш ерга давлат мулкчилигини таъминлашга йўналтирилган. Шу билан бир ќаторда унинг вазифасига ер майдонларининг ћуќуќий ва хўжалик ћолатлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тизимли тарзда сақлаш ва янгилаб туриш кирган.

Туманда ер участкаларига булган ҳуқуқларни рўйхатга олиш ер ћисоби билан узвий боғланган ћолда олиб борилади. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш-маълум бир ер участкасида эгалик ќилиш, фойдаланиш, мулк сифатида эгалик ќилиш, ижарага олиш ҳуқуқларини расмийлаштириш ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотларни ќабул ќилинган хужжатларда ќайд ќилиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. У биринчи навбатда ер участкаларининг ҳуқуқий ћолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат. Аммо, ердан фойдаланиш маълум бир маќсадга йўналтирилганлиги ћамда маълум ћудуд ва аниқ субъект билан боғлиқ бўлганлиги сабабли у ўз ичига ер участкаларининг хўжалик ћолати, жойлашган ўрни ва ердан фойдаланувчининг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларни олади.

Туманда ер участкасини ердан фойдаланувчига бериш тўғрисидаги ваколатли давлат органларининг ќарори ћамда ер тузиш лойићасини жойга кўчириш ва ер участкаси чегараларини жойда белгилаш тўғрисидаги далолатнома ердан фойдаланувчи ёки ер-мулкдорини рўйхат ќилиш учун асос бўлиб хизмат ќилади. Давлат рўйхатида расмийлаштирилгандан сўнг ердан фойдаланувчига ерга эгалик ќилиш ёки ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи хужжатлар топширилади.

Туман ћудудида ер участкалиридан фойдаланиш ёки уларни мулк тариқасида бериш ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маћкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаћри, туманлар ва шаћарлар ћокимлари томонидан ќонун хужжатларида белгилаб ќуйилган тартибда амалга оширилади. Фойдаланишдаги ер участкасини бошќа юридик шахсларга бериш шу ер участкаси белгиланган тартибда ќайтариб олингандан кейингина амалга оширилади.

Ерни ижарага олиш ҳуқуки ер участкасини ижарага олиш шартномаси асосида рўйхатдан ўтказилади.

Сервитутлар ва мулк ҳуқуқидаги бошќа чеклашлар ер участкалиридан фойдаланиш шартномалари ва суд ќарорлари асосида рўйхатдан ўтказилади. Ер участкасидан ўзгаларнинг ћам ќисман фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги хуқуќ давлат ћокимияти органларининг ќарорлари ёћуд ќонун хужжатларида назарда тутилган бошќа хужжатлар асосида рўйхатдан ўтказилади. Бундай ћолатларда ердан фойдаланиш томонлар ўртасида тузилган сервитут шартномаси асосида ташкил ќилинади.

Бинога, иншоатга ва иморатга бўлган мулк ҳуқуки бошќа шахсга ўтиши натижасидан юзага келган ћолда ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуки ана шу мулкдорларнинг олди-сотдиси, алмаштирилганлиги, хадя этилганлиги ёки васият ќилинганлиги тўғрисидаги тегишли шартномалар ва бошќа битимлар, мулкдорларнинг ёки улар томонидан вакил ќилинган органлар ва шахсларнинг

қарорлари асосида амалга оширилади. Шунингдек бинога, иморатга, иншоатга мулк ћуќуќи ундан бошќага ўтаётган шахснинг ер участкасиға тегишли хужжатлари (тегишли ћокимият органларининг қарори билан расмийлаштирилганидан кейин) асосида рўйхатдан ўтказилади.

Туман ћудудида жойлашган саноат корхоналари, темир ва автомобиль йўллари, алока ва электр энергиясини узатиш ќурилмалари, магистрал ќувурлар ќуриш учун, шунингдек, ќишлоќ хўжалиги билан боѓлик бўлмаган бошќа эҳтиёжлар учун ќишлоќ хўжалигига мўлжалланмаган ёки ќишлоќ хўжалиги учун яроќсиз бўлган ерлар ёћуд ќишлоќ хўжалигининг сифати ёмон бўлган ерлардан ажратилиди. Мазкур маќсадлар учун ўрмон фондига қарашли ерлардан ер участкалари асосан ўрмон билан ќопланмаган майдонлар ёки бутазорлар ва арzon баћо ўсимликлар билан ќопланган майдонлар ћисобидан берилади.

Тумандаги ердан фойдаланувчига битта ёки алоћида-алоћида жойлашган бир нечта ер майдонлари ажратилиши мумкин. Бунда биринчи ћолатда ћам иккинчи ћолатда ћам ердан самарали фойдаланишни ташкил этишга асос яратади, негаки бунда ердан фойдаланиш битта субъектдан иборат бўлади. Бундай субъект ћудуддан фойдаланиш бўйича маълум ћуќуќ ва мажбуриятларга эгабўлиб, ердан фойдаланишни рўйхат ќилинади. Ҷар бир субъект бўйича ўтказилган ер участкасиға бўлган ћуќуќни рўйхатлаш туман бўйича ќабул ќилинган рўйхат бирлигининг асосини ташкил этади. У ер участкаларига бўлган ћуќуќларнинг ва хўжалик юритиш обьекти сифатида намоён бўлади. Бундан ташќари рўйхатлаш хужжатлари ердан фойдаланувчининг фаолияти сифатида гавдаланади ћамда жойлашган ўрни ва ўлчамлари билан тавсифланади.

Ер участкаларига бўлган ћуќуќлар, яъни ер эгалиги, ердан фойдаланувчи ва бошќалар давлат томонидан ушбу ћуќуќларни тасдиқлайдиган хужжат оладилар. Ерлардан фойдаланиш турларига қараб ћуќуќий расмийлаштириш хужжатлари хамда ердан фойдаланишларни рўйхат ќилиш тартиби турлича бўлиши мумкин.

Туман ћудудида ердан фойдаланишни рўйхат ќилиш ер участкаларидан фойдаланиш муддатлари бўйича амалга оширилади, яъни муддатсиз ва ваќтинчалик (узоќ муддатли ва ќиска муддатли). Муддати олдиндан белгиланмаган фойдаланиш муддатсиз ћисобланади. Бошќача ќилиб айтганда, у доимий ердан фойдаланишdir. Бундай ердан фойдаланишлар туман ћокимиятлари томонидан ерлардан доимий (муддатсиз) фойдаланиш ћуќуќини берувчи Давлат далолатномалари бериш билан вужудга келади.

Туманда ердан муддатли фойдаланиш кискача муддатли-бир йилдан уч йилгача ва узоќ муддатли-уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиќариш эҳтиёжлари талааб ќилган ћолларда бу муддатлар ваќтинча фойдаланиш муддатларидан ортиќ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Яйлов чорвачилги учун ер участкалари ќишлоќ

хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига йигирма беш йилгача муддатга берилиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган ҳукуклари учун давлат рўйхатини амалга ошириш ердан фойдаланиш тоифалари бўйича белгиланган тартибда туман ва шаҳар ҳокимиятларида амалга оширилади. Ҳар бир ердан фойдаланиш бўйича муддатсиз, узоқ муддатли ва қисқа муддатли ерлар алоҳида-алоҳида рўйхат қилинади. Ер участкасига бўлган ҳукукларни асосий рўйхатнинг маълумотлари сифатида қўйидагиларни ажратиш мумкин: ердан фойдаланувчиларнинг номи, фойдаланиш тури, жойлашган ўрни, фойдаланиш муддати, ер майдони ва ердан фойдаланиш ҳукукини берувчи давлат хужжатининг номи, тартиб рақами ва бошқалар. Ердан фойдаланишнинг давлат рўйхати туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг биринчи бўлимида амалга оширилади.

Ер участкаларининг рўйхати бўйича маълумотлар туманнинг ва алоҳида ердан фойдаланувчиларнинг бошқа кадастр хужжатларида ҳам қайд қилинади. Масалан, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ер кадастри китобининг биринчи бўлимида туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобининг биринчи бўлимида қайд қилинган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг асосий ер рўйхати маълумотлари киритилади. Китобнинг бешинчи бўлимида эса фуқаролар томорқа ерларининг майдонлари қайд қилинади. Томорқа ерлар тўғрисидаги маълумотлар қишлоқ фуқаролар йиғинида юритилаётган хўжалик дафтарида ҳам қайд қилиб борилади.

Туманда ер участкаларига бўлган ҳукукларни рўйхатга олиш асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик) турларга бўлинади. Бирламчи рўйхат қилинда янги ердан фойдаланувчиларни расмийлаштириш, ер рўйхати хужжатларига бирламчи зарур маълумотларни тушириш ва тизимга келтириш бўйича ишлар амалга оширилади. Уни ўтказиш жараёни натижасида ер участкалирига бўлган ҳукуклар бўйича бирламчи ёзув туширилади. Кейинчалик хўжалик фаолиятининг ривожланиши натижасида ердан фойдаланишнинг ўлчамлари ва таркибида у ёки бу кўринишлардаги қонуний ўзгаришлар рўй беради. Бу ҳол эса ерларнинг ҳукукий ҳолатини аниқлашга зарурат туғдиради. Масалан, давлат ва жамоат заруриятлари учун ер ажратилиши натижасида ердан фойдаланишнинг умумий майдони, жумладан алоҳида ердан фойдаланиш турларининг майдонлари ўзгаради. Бундай ҳол айниқса ердан вақтинчалик фойдаланинда кўп учрайди. Баъзи ҳолларда эса аксинча, ердан фойдаланувчига олдин ундан олинган ер участкаси қайтариб берилади, негаки, энди олдин ажратиб берилган мақсадлар учун ердан фойдаланишга эҳтиёж қолмаган. Ердан фойдаланиш жараёнида бундан бошқа ҳам қатор қонуний сабаблар бўлиши мумкин.

Туман ҳудудида рўй бериши мумкин бўлган ердан фойдаланишдаги бундай қонуний ўзгаришларни расмийлаштириб бориш ва ушбу ўзгаришларга ҳамда бирламчи рўйхат маълумотларига ва хужжатларга зарурий аниқликлар киритиш

ердан фойдаланишнинг жорий рўйхатлаши тартибида амалга оширилади. Шу тарзда ер участкаларининг рўйхатлаш маълумотлари доимий равишда шу кун талаби даражасида бажариб борилади.

Ер участкасига бўлган ҳуку́кларнинг юзага келиши, ўзгага ўтиши, чекланиши ва бекор қилиниш ҳолатлари ҳам давлат рўйхатига олиб борилади. Ер участкаларига бўлган ҳуку́кларни рўйхатга олганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш йигими ундирилади. Давлат рўйхатига олиш белгиланган тартибда, юридик ёки жисмоний шахснинг ер участкаларига бўлган ҳуку́кларини давлат рўйхатига олиш ишларини амалга оширувчи органга берган аризасига асосан амалга оширилади. Рўйхатга олиш ариза берган кундан эътиборан ун кунлик муддатда амалга оширилади ва масала ижобий ҳал этилган тақдирда ердан фойдаланувчи субъектга уни давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуку́кларни давлат рўйхатига олиш ваќтида туман (шахар) ер кадастри китобига қўйидаги маълумотлар киритилади:

- ер участкасига бўлган ҳуку́кни олган шахс тўғрисидаги;
- ер участкаси тўғрисидаги (ернинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, ернинг тури, унинг сифати, чегаралари, майдони, кадастри рақами ва бошқалар);
- ер участкасини фойдаланиш учун берилиш шартлари, уни сақлаш вазифалари ва сервитутлар тўғрисидаги;
- туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг, Корақолпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ер участкасини давлат ёки жамоат эктиёжлари учун ажратиладиган минтақасига киритиш хусусидаги қарорлари тўғрисидаги;
- давлат рўйхатига олинганлик ҳақидаги гувоҳноманинг тартиб рақами ва у берилган сана тўғрисидаги.

Ер участкаларига бўлган ҳуку́кларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи хужжатлар ана шу ҳуку́кларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

### **Мустакил ўрганиш учун саволлар.**

1. Ер участкаларига бўлган ҳуку́кларни рўйхатга олиш нима?
2. Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган қандай ҳуку́клар мавжуд ва улар ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
3. Ер участкаларини рўйхатга олиш обьекти нима?
4. Ер участкаларига бўлган ҳуку́клар қай тартибда рўйхатга олинади?

5. Рўйхатга олинган ер участкалари ер кадастрининг қайси хужжатида ёритилиб борилади?
6. Ер участкаларига бўлган ҳукуқларни давлат рўйхатига олиш даврида туман (шаҳар) ер кадастри китобига қайси маълумотлар киритилади?

#### **4.2.5. Туманда давлат ер һисоби**

Энг муҳим бойлигимиз һисобланган ер қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг асосий вазифаси ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантишни маконий базиси һисобланади. Ер шундай хусусиятга эгаки, ундан тўғри ва оқилона фойдаланилса, у бошқа ишлаб чиқариш воситаларига ўхшаб эскирмайди, аксинча маҳсулдорлиги ошиб боради. Шу нуқтаи назардан һам ер һисоботини доимий юритиб бориш, унда мавжуд ер участкаларининг субъектлари номи, ундан қай тарзда фойдаланилаётганлиги тўғрисида маълумотлар тўплаб бориш муҳим амалий ахамият касб этади. Туман ер һисоботи (баланси) ер һисоби асосида тузилади.

Ер һисоби ишларнинг натижалари туман иқтисодиётини ривожлантириш режасини тузишда, биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ва унга зарур бўлган ер майдонлари эҳтиёжини аниқлашда катта аҳамиятга эгадир.

Тумандаги қишлоқ хўжалиги ерларини һосилдорлигини оширилиши, һар гектар ерга камрок ҳаражат қилган һолда етиштириладиган маҳсулотни һажмини ва сифатини ошириб бориш, иқтисодий жиҳатдан натижали фойда келтирадиган, илмий асосланган деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришда экин майдонларини энг мақбул тузилиши белгиланади. Тумандаги қишлоқ хўжалиги маҳулотлари етиштириш мумкин бўлган һамма ерлар қишлоқ хўжалигида фойдаланишга топширилиши керак. Аммо, һар бир ер участкаси майдонининг миқдорини ва сифатини билмасдан туриб агротехника ва мелиоратив һолатини яхшилаш тадбирларини белгилаб бўлмайди.

Туманда олиб бориладиган ер һисоби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Ер һисоби жуда аниқ бажарилиши зарур. Бунинг учун ер һисобини ер тоифаларига, жамоа, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларига, ер турларига, жумладан, һайдалма ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар, пичанзорлар, яйловлар ва бошқаларга бўлинган һолда олиб бориш талаб қилинади.

Маълумки, республикамиз маъмурий туманлари һудудларининг табиий ва иқтисодий шароитлари хилма-хиллигини һисобга олиниб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишда ер һисобига қўйидаги талаблар қўйилади:

-хўжаликнинг йирик шаҳар, саноат маркази ва қайта ишлаш корхоналарига нисбатан жойлашиши;

- қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер миқдорининг сифати ва табиий шароити;
- чорвачиликда иқтисодий фойда келтирадиган у ёки бу экин турларини танлаш;
- қишлоқ хўжалигини ихтисослаштириш.

Булардан ташқари ҳар бир туманда, вилоятларда асосий қишлоқ хўжалик маћсулотларининг ялпи манбай ҳисобланган, истеъмол молларининг ҳажми ҳам аниқланади. Хўжаликларо ва ички ер тузиш ишлари, хўжаликларининг марказларини белгилашда, ширкат хўжаликларининг ишлаб чиқариш бўлинмаларини ёки оила пудратчилар майдонини аниқлашда ер ҳисобини юритиувчи ходимлар зиммасига маълум даражада маъсулият юклатилади.

Туман ҳудудидаги ери давлат ёки жамоат эҳтиёjlари учун олиб борилишида ҳам хўжалик ерларининг миқдори, сифати, ер турлари ва улардан фойдаланиш даражаси, ўзлаштириладиган янги ер майдонларининг ҳисобкитоблари ер ҳисобига асосланади. Булардан ташқари, ер ҳисоби ҳамда ернинг қиймати ҳакидаги маълумотлар ердан фойдаланганлик учун тўланадиган соликка асос бўлади.

Туманда олиб борилдиган ер ҳисоби давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда хўжалик ҳисобининг бир тури ҳисобланади. Уни олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар ер майдонларининг ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги хусусиятлари билан боғлиқдир. Иқтисодиёт тармоқларида ер турли хил белгилangan мақсадларда фойдаланилади. Шундай экан, туман ҳудудида ер ҳисобини доимий равишда юритиб бориш амалга оширилади. Ер участкаси уй-жой биноларини, саноат, транспорт, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхоналари, маданият муассасалари, соглиқни сақлаш масканлари, савдо шаҳобчалари ва бошқаларни жойлашиш ўрни сифатида ҳисобга олинади.

Туман ҳудидаги ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ерларни ҳисоб қилишда, бир томондан умумийлик, иккинчи томондан эса ўзига хос хусусиятлар ҳам мавжуддир. Бу ҳол ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ва инсон фаолия-тининг бошқа соҳаларида ернинг тутган ўрни билан боғлиқдир. Ҳамма жойда ер кенглик асоси сифатида ҳисоб-китоб қилинади. Шу сабабли ҳам у энг аввало, ўзининг ўлчамлари ва кенгликдаги жойлашуви билан характерланади. У ёки бу саноат корхонасини жойлаштириш ва қуриш учун ушбу мақсадга берилган ёки ажратилган ер майдони тўғрисида маълумотга эга бўлиши зарур. Аммо зарур ўлчамдаги майдон битта ёки бир нечта алоҳида жойлашган участкалардан ташкил топган бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли ҳам ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш учун корхонага ажратилган ернинг макон ҳолати тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш зарур.

Тумандаги ишлаб чиқаришнинг баъзи тармоқларида (қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги) ерларни макон сифатида ҳисоб қилишдан ташқари, унга асосий

ишлиб чиқариш воситаси сифатида һам қараш зарур бўлади. Бу эса ўз навбатида ерлардан фойдаланиш ва уларнинг сифат һолати тўғрисидаги маъсус маълумотлар олиш заруриятини тұғдиради. Бунга биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ерларининг таркиби ва сифат һолати тўғрисидаги маълумотлар киради.

Ерларнинг миқдор жиҳатидан һисобини юритиш һамда сифат тавсифини бериш учун одатда натурал ўлчовлар қўлланилади. Ер һисоби иқтисодиётини режалаштириш, туман ва мамлакат ягона ер фондидан оқилона ва самарали фойдаланиш һамда уларни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ер майдонларининг миқори, сифати ва хўжалик жиҳатдан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш һамда бир тизимга келтирган һолда сақлашга йўналтирилган. Ер муҳим хўжалик аҳамиятига эга. Ундаги мавжуд маълумотларнинг мазмуни энг аввало қишлоқ хўжалиги зарурияти бўйича аниқланади. Негаки ер иқтисодиётнинг алоҳида тармокларида турли туман мақсадларда фойдаланилар экан, шу сабабли һам ер һисобига турлича аниқлик ва талаблар қўйилади.

Кўйилган аниқ вазифаларга ва мақсадларга қараб ер һисоби турлича аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Баъзан у давлат ва баъзан маълум бир тармоқ бўйича тадбир сифатида гавдаланади. Умумдавлат вазифаларни бажаришда (халқ хўжалигини режалаштириш, мамлакат ягона ер фондидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш ва һ.к.) у давлат тадбири сифатида намоён бўлади. Бундай шароитда унинг вазифаси, мазмуни һамда юритиш тартиби давлат томонидан белгиланади; ер һисоби маълумотлари ва уларни олиш усуллари; һисоб-китоб ва һисобот хужжатларининг шакллари ва мазмуни; уни амалга оширувчи органлар ва мутахассислар; ерларни һисоб қилиш ишларини доимий юритиб бориши.

Ҳисоб-китоб ва һисобот ишларини юритишнинг белгилаб берилган тартиби мамлакатнинг барча һудудлари учун ва жумладан туман учун һам мажбурийдир. Давлат ер һисобининг обьекти бўлиб ягона мамлакат ер фонди хизмат килади.

Туман иқтисодиётининг у ёки бу тармоғи масалаларини муваффақиятли һал қилиш мақсадида ушбу тармоқ устидан раҳбарлик қилаётган идорага шу тармоқ корхоналари фойдаланаётган ерлари тўғрисида маълумотлар зарур. Масалан, ўрмон хўжалиги корхоналари томонидан ўрмон хўжалигини оқилона ва самарали юритиш учун улар ихтиёрида фойдаланилаётган, ўрмон блан қопланган һудуднинг һолати ва мавжуд фойдаланилиши тўғрисида аниқ маълумотлар зарур. Шаҳар һокимияти ва унинг органларига шаҳар чегарасидаги ерларнинг һолати ва һақиқий фойдаланилаётганлик даражаси тўғрисида маълумотлар зарур. Шу мақсадлар учун хам ерларнинг давлат һисоби билан бир қаторда тармоқ һисобининг обьекти бўлиб, маълум бир вазирлик (идора) ихтиёридаги ерлар хизмат қиласи. Ушбу һисоб турлари ўртасида маълум бир узвий алоқа бўлиши зарур.

Туман бўйича тармоқ ер ҳисоби давлат ер ҳисобининг мазмуни ва талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилади. У ўз таркибига тармоқ ишлаб чиқариши бўйича давлат ер ҳисоби учун зарур бўлган барча маълумотларни, шунингдек аниқ бир тармоқ масалаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган ўзига хос маълумотларни олади. Шунинг учун туманда олиб бориладиган ҳам ерларнинг тармоқ ҳисобини юритиш тартибини ўрнатишда ушбу масалалар ерларни давлат ҳисобини амалга ошириш функцияси юкланган органлар билан келишилган булади.

Туман ерларининг мавжуд ҳолати ва фойдаланиш бўйича ҳисоб-китоб ишлари юқори сифатли план-харита материаллари асосида олиб борилади. Тумандаги барча ер фонди маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ҳисоб қилинади. Ерни шўрланиш даражаси, тупроқ қатлами, тупроқларнинг озуқа моддалар билан таъминланганлик холати, жойнинг рельефи, табиий ўтларнинг ҳолати, ер майдонларининг мелиоратив ҳолати ва бошқамаълумотлар ердан фойдаланувчи субъектлар бўйича аниқланади.

Ерларни ҳисоб қилиш мамлакат бўйича ва туман миқъёсда ягона услубият асосида ўтказилади. Бу эса ўз навбатида ҳисобга олинадиган ер тоифалари ва республиканинг алоҳида минтақалари бўйича маълумотларни таққослашни таъминлайди. Шу мақсадларда ерларни ягона тартибда таснифлаш, ер ҳисоби бўйича маълумотларни олиш, қайта ишлаш ва уларни тизимли тарзда гуруҳлашнинг ягона шакллари кўлланилади.

Туман ер ҳисобининг обьекти ягона давлат ер фонди бўлганлиги сабабли у кимнинг ихтиёрида бўлишидан, ушбу ер майдонлари маълум мақсадларда фойдаланилаяптими ёки йўқми, булардан қатъий назар, барча ерлар ҳисоб қилинади. Бошқача қилиб айтганда, ер ҳисоби ягона давлат ер фондининг барча майдонларини ер ҳисоби қамраб олиши керак. Бу эса ўз навбатида, умумий майдонни, уни ер тоифалари ва ер турлари бўйича тақсимланишини тўғри аниқлаш имконини беради.

Туманда ер ҳисобини тўғри ташкил этишнинг муҳим шарти, уни ўз вақтида ва узлуксиз юритишдир. Бу эса ер ҳисоби маълумотларини давр талаби даражасида тутишга имкон беради. Бу тамоил ер майдонларининг ҳолати ва фойдаланишида рўй берадиган миқдорий ва сифат ўзгаришларин тизимли тарзда ҳисоб қилиб боришга зарурият тутғидиради.

Ер майдонларини ҳисоб қилишда барча ўзгаришлар натурада (жойда) қайд қилинганидан сўнггина ер ҳисоби хужжатларига қайд қилиш зарур. Миқдорий маълумотларни турли графиклар ва диаграммалар тарзида курсатиш мақсадга мувофиқдир. Ер хисоби ва ер ҳисоботи хужжатлари ўртасида мантиқий жиҳатдан доимий равишда боғлиқлик бўлиши керак. Чунки ер ҳисобининг натижалари ер ҳисоботини (ер балансини) тушишга бирламчи асос бўлиб хизмат қиласади.

Ер ћисобини ўтказиша имкони борича камроќ харажат талаб ќиладиган маълумотларни олиш ва ќайта ишлаш усуллари ћамда техник воситалардан фойдаланиш зарур. Замонавий компьютерларни ва тасвирга олиш ћамда кузатувнинг анчагина такомиллашган усулларини ќўллаш мамлакат ягона ер фонди ћисобини тўғри, ўз вақтида юќори сифатда амалга оширишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида давлат ер кадастрини муваффақиятли юритишга замин бўлади.

**Туманда олиб бориладиган ер ћисобининг турлари.** Туман ер ћисоби ишлари ўз вазифасига, мазмунига ва ўтказиш хусусиятига ќараб давлат ер кадастри сингари асосий (бирламчи) ва жорий (кундалик) турларга бўлинади. Бундай ћисоб турлари ўзаро боғлиқдир ћамда ягона ер ћисоби жараёнининг маълум босқичларини ўзларида намоён ќилади.

Асосий ер ћисобининг вазифаларига ќуйидагилар киради:

- ћисоб ќилинадиган ћудуд учун барча мавжуд план-харита материалларини олиш, бир тизимга келтириш ва таълил ќилиш;
- зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва план-харита материалларини олиш маќсадида тасвирга олиш ћамда кузатув бўйича дала ќидирув ишларини ўтказиш;
- ћисоб ќилинадиган барча ерлар ўлчамларини, сифат ћолатини, таъсимланиш ва фойдаланиш холатини ани́глаш;
- маҳсус ер ћисоби хариталарини тайёрлаш ва ер ћисоби матн хужжатларига бирламчи ёзувларни киритиш;
- ер фонди таркибини ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар, ер-мулқдорлари ва ер турлари бўйича ани́глаш, ерларни туман бўйича сифат жиҳатидан тавсифлаш.

Асосий ер ћисобини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ишлар миќъёсини умумий ћолатда баҳолаш учун мисол тариқасида ќуйидаги маълумотларга мурожаат ќиласиз: Республикализ ягона ер фонди 44410,3 минг га бўлиб, Ќоракалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, 165 маъмурий туман, 40 дан ортиқ мамлакат ва вилоят аћамиятидаги шаһарлар бўйича ћисобга олинади ва тавсифланади. Ердан фойдаланувчилар сони ћозирги кунга келиб ўртacha ћар бир туманда 20-30 минг субъектдан дан, жумладан, ќишлоќ хўжалик корхоналари 500-1500 дан ошади. Туман ќишлоќ хўжалик ерлари ћисобида, синфлар, тупроќларнинг механик таркиби бўйича тўла тавсиф берилади, барча ќишлоќ хўжалик ерларини баҳолаш натижалари ќайд этилади.

Туманда асосий ер ћисоби майдонларни тасвирга олиш ва кузатув план-хариталар тузиш, майдонларнинг юзаларини ћисоблаш билан боғлиқ. Ҷисоб ќилинаётган ерларнинг миқдори ва сифати тўғрисида тўлиқ ва ћаќоний маълумотлар олиш юќори малакали мутахассислар томонидан ўтказилади. У ќуйидаги иш босқичларини ўз ичига олади: тайёргарлик, дала ќидирув ва ћисоб натижаларини расмийлаштириш.

Тайёргарлик ишлари жараёнида ћисоб ќилинадиган ћудуддаги барча ерларнинг миќдори ва сифати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган барча мавжуд материаллар ва хужжатлар тўпланади. Тўпланган материаллар ўз моћиятига ќараб гурућланади, ер ћисоби учун яроќлилиги нуќтаи назардан таћлил ќилинади ва баћоланади. План-харита материаллари ва ички хўжалик ер тузиш лойићаларининг маълумотлари, ер участкаларига бўлган хуќуќларни руйхатга олиш хужжатлари тўпланади ва ўрганилади. Шундан сўнг олинган материаллар ва маълумотларнинг сифати ва аниќлигига ќараб ћисоб учун улардан фойдаланиш имкониятлари тўғрисидаги масала ћал ќилинади. Агарда тўпланган материаллар эскирган бўлса, улар жойдаги мавжуд ћолатни тўла ёритиб бера олмаса, план-хариталарни таћрир ќилиш ёки янгидан тасвирга олиш ва кузатув бўйича ишлар белгиланади, яъни, янги босқич ишларига дастур аниќланади.

Дала-ќидирав ишлари асосан жойдаги зарурий ер ћисоби маълумотларини белгилаш бўйича маҳсус ишларни ўз ичига олади. Буларга асосан: тасвирга олиш, кузатув, мавжуд план-харита материалларини таћрир ќилиш киради.

Дала ишлари ўз нићоясига етказилгандан сўнг маҳсус тадбирлар: тупроќ анализи; ер ћисоби маълумотларини расмийлаштириш, майдонларни ўлчаш ва боѓлаш; маҳсус ћисоб-план хужжатларини тузиш ишлари амалга оширилади. Шундай тарзда олинган маълумотлар белгиланган тартибда кўриб чиќилади ва тасдиќланади. Шундан сўнггина улар бирламчи маълумотлар сифатида ќабул ќилинади ва матн хужжатларига тўла ёзилади.

Асосий (бирламчи) ћисобни ўтказиш пайтида аниќланган ва ќайд ќилинган маълумотлар ваќт ўтиши билан ћаќиќий ћолатга мос келмай ќолади. Бу ћол шу билан тушунтириладики, ер майдонларидан хўжалик фаолияти жараёнида фойдаланиш натижасида улар таркибида ва таќсимланишида маълум ўзгаришлар содир бўлади. Масалан, сўнгги йилларда давлат ва жамоат маќсадлари учун ўн минглаб гектар ер ќишлоќ хўжалик майдонларидан ажратилган. Ер майдонларида турли хил агротехник ва мелиоратив тадбирларнинг муваффаќиятли олиб борилиши натижасида ер турлариниг сифат ћолати ўзгаради. Хатто томорќа ерларида ћам катта аниќликда ћисоб ишларини ўтказилиши талаб ќилинади. Шунинг учун ћам ер кадастри хужжатларига туширилган бошлангич маълумотлар ваќт ўтган сайин эскиради, шунинг учун уларни тизимли тарзда янгилаб туриш зарур булади. Бу ишлар жорий ер ћисоби сифатида амалга оширилади.

Туманда бажариладиган жорий ћисобнинг вазифасига ќуйидагилар киради: биринчидан, ерларнинг миќдори, сифати ва таќсимланишида юз берадиган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни аниќлаш ва ер ћисоби хужжатларида ќайд ќилиш; иккинчидан, бирламчи ћисобда йўл ќўйилган хато ва камчиликларни аниќлаш ћамда ер ћисоби хужжатларига аниќликлар киритишдир.

Хужжатларда фақатгина қонуний ўзгаришлар қайд қилинади. Шунинг учун һисобда фақатгина ћаки́кий юз берган ўзгаришларни ани́глаш билан чекланиб ќолмасдан, шу билан бирга ушбу ўзгаришларнинг қонунийлигини ћам ани́глаш зарур. Жорий һисоб ишлари мазмунининг фарќи шундан иборатки, уни ўтказишда асосий һисоб материалларидан фойдаланилади ва фақатгина ернинг ћолати ћамда фойдаланишдаги ўзгаришларгина қайд қилинади. Бунда жойни ќайтадан тасвирга олиш ишлари бажарилмайди ва план-харита материаллари тайёрланмайди. Шундай ќилиб, жорий һисоб асосий һисобдан иш ћажми ва мазмуни бўйича фарќ ќилади. Ўз характери бўйича юз берадиган ўзгаришлар ќуйидаги турларда бўлиши мумкин: ер турларининг, жумладан ќишлоќ хўжалик ер турларининг бир турдан иккинчисига ўтиш натижасида ер турларининг майдонларида; тупроќларнинг сифат холатларида; ер ажратиб олиш ва ер ажратиб бериш натижасида ердан фойдаланувчиларнинг алоҳида тоифаларининг ер майдонларида; асосий ер тоифалари майдонларида; маъмурий бирликлар худудининг майдонларида.

Туман ћудудида бажариладиган асосий ва жорий ер һисоблари ўртасида узвий боғли́клик мавжуд. Биринчиси иккинчисини ўтказишга замин яратади, унинг таъсир доирасини ани́клади; иккинчиси эса биринчисининг маълумотларини талаб даражасида ушлаб туради. Асосий ва жорий һисобларда ми́кдор кўрсаткичлар билан бир ќаторда сифат кўрсаткичлари ћам ёритилади.

Ер һисобини тўғри йўлга ќўйишда жойни тасвирга олиш катта аћамият касб этади.Faқатгина тасвирга олиш ва шу асосда олинган хариталардан фойдаланиш туман ер фондини мумкин ќадар тўғри һисоб ќилишга имкон беради. Тасвирга олиш материаллари ердан фойдаланувчилар майдонлари, ер турларининг таркиби тўғрисидаги ани́к ва ишончли маълумотларни олиш имконини беради. Бу олинган маълумотлар ерларнинг сифатини һисоб ќилиш учун ћам зарурдир.

Тасвирга олиш асосан ер устида, аэрофототасвирга ћамда фазодаги тасвирга олиш турларига бўлинади. Ћозирга пайтда аэрофототасвирга олиш ерларни давлат һисобидан тасвирга олишнинг асосий тури бўлиб ќолмокда. У мамлакат ягона ер фондини, жумладан ћар бир ердан фойдаланувчи субъектнинг ер майдонларининг ћолати ва фойдаланиш даражаси, ўлчамлари, рельефи тўғрисидаги тез ва нисбатан кам харажатли зарурий маълумотлар олишга имкон беради. Унинг маълумотлари ћамда ердан фойдаланишни һисобга олиш учун зарур бўлган жойнинг элементлари ер устида тасвирга олишга нисбатан кўпроќ ва ани́кроќ ёритилади. Масалан, аэрофототасвир материалларида ер турларининг фақатгина контурларигина эмас, балки турли хилдаги экин майдонларининг чегаралари, сув ва шамол эрозияларининг ривожланиш даражалари ва бошқалар ћам қайд қилинади.

Аэрофототасвир ёрдамида тайёрланган хариталар унча катта бўлмаган ер участкаларига эга бўлган томорќа ерларини һисоб ќилишда жуда ќимматли

манбаа ћисобланади. Ушбу материаллар асосида ер ћисобини бугунги давр талаби даражасида ушлаб туриш мумкин. Кейинги йилларда ер ћисобига фазодан тасвирга олиш материаллари ћам кириб келмоќдаки, бу якин истиќболда мућим хўжалик аћамиятига эга бўлган тадбирлардан бирига айланиши шакшубћасиздир. Негаки, фазодан ер майдонларининг устки ќисминигина тасвирга олибгина ќолмасдан ер остки ќатламлари тўғрисида ћам ишончли маълумотлар олиш мумкин. Булардан ташқари ер ћисобида якин келажакда электрон хариталардан фойдаланиш ҳам кўзда тутилади.

Туман бўйича ер ћисоби маълумотларини олишнинг жуда мућим усулларидан бири-бу кузатувдир. Давлат ер ћисобида ўтказиладиган кузатув ишларининг вазифасига асосан ер турларининг ћаќиќий ћолатини ва фойдаланишини аниќлаш, шунингдек, уларни ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиќаришида мумкин ќадар тезкор фойдаланиш имкониятларини аниќлаш киради. Ер кадастри маќсадлари учун ўтказиладиган кузатувлар асосан икки турга бўлинади: маҳсус ва агрохўжалик. Маҳсус кузатувларга тупроқ, геоботаник ва мелиоратив кузатувлар киради. Агрохўжалик кузатувда асосан ћар бир контур ва ер турининг жойдаги ташқи белгилари ва ћолати бўйича унинг сифати ћамда истиќболдаги имкони борича оқилона фойдаланиш йўллари аниќланади.

Ер майдонларининг тезкор ћисоби, жумладан суѓориладиган ерларни йўклама ќилиш ер ћисобининг таркибий ќисми сифатида ќабул ќилинган.

Ерларни йўклама ќилиш бир ваќтнинг ичида ўтказиладиган тадбир бўлиб, унда ћар бир ердан фойдаланувчи субъект бўйича ќуйидагилар амалга оширилади:

- ќишлоќ хўжалик ер турларининг майдони тўғрисида аниќ маълумотлар олиш ва уларни план-харита асосида кўрсатиш;
- тупроќ кузатув хужжатлари асосида ќишлоќ хўжалик ер турларининг сифатига тавсиф бериш;
- ер устини текислаш, коллектор-зовур ва суѓориш тармоќларини ќуриш ћамда реконструкция ќилиш учун зарур бўлган майдонларни аниќлаш.

Ерларни йўклама ќилиш ишлари натижаларини умумлаштириш ва тасдиќлаш вилоят ћокимияти топширигига биноан туман ва вилоят ћокимиятлари ќошида маҳсус хайъатлар ташкил ќилинади. Вилоят бўйича тузиладиган ћайъат таркибига ќуйидагилар киради:

- ќишлоќ ва сув хўжалиги бошкармасининг бошлиғи (ћайъат раиси);
- сув тармоќларини эксплуатация ќилиш бошкармасининг бошлиғи;
- ћокимият ќошидаги ер ресурсларини ћудудий бошкармасини бошлиғи;
- статистика бошкармасининг бошлиғи;
- "Ўздаверлойића" институтининг вилоят бўлинмасининг директори ёки бўлим бошлиқлари.

Туманда тузиладиган ћайъат таркибига ќуйидагилар киритилади:

- туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи (ҳайъат раиси)
- туман суғориш тармоқларидан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи;
- туман ҳокимиятидаги ер тузиш хизматининг бошлиғи;
- "Ўздаверлойића" институтининг вилоят бўлинмасининг етук мутахассиси.

Ерларни йўқлама қилиш "Ўздаверлойића" институтининг ер тузувчи мутахассиси томонидан хўжалик ер-тузувчи-инженери, гидротехники, хўжалик рађбарлари ва бошқа мутахассислар билан биргаликда бажарилади. Ерларни йўқлама қилиш асосан 1:10000 масштабдаги план-хариталар асосида амалга оширилади. Айrim майдонлар учун план-хариталар бўлмаса, бу иш план-харита янгидан тайёрланган ҳолда амалга оширилади.

Суѓорма дећкончилик туманларида ерларни ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятларга эга. Бизга маълумки, республикамизда фойдаланилаётган 4,3 млн суѓориладиган майдондан 90 % ялпи қишлоқ хўжалик маћсулотлари етиштирилади. Демак, суѓориладиган ерлар энг қимматли ер турларига киради.

Суѓориладиган ерларни йўқлама қилиш ишлари қуйидаги босқичларда бажарилади:

- тайёргарлик ва ташкилий ишлар;
- дала тадќиќот ишлари;
- майдонларни аниқлаш ва қайдномаларни тўлгазиш;
- хужжатларни расмийлаштириш ва қўпайтириш;
- йўқлама қилиш ишларини қўриб чиќиш ва тасдиќлаш.

Тайёргарлик ва ташкилий ишлар даврида ҳар бир хўжалик бўйича ердан фойдаланиш плани, ер баланси ва бошқа ер тузиш хужжатлари танлаб олинади. Дала ишлари давомида суѓориладиган майдонларни тўғрилиги аниқланади ва барча ўзгаришлар планга туширилади. Суѓориладиган ерларни йўқлама қилиш қайдномаси шу ерларнинг ҳар бир хўжалик бўйича тузилишига асосан ер турлари контурларига кўра майдонни ҳисоблаш орқали олинади. Агар олдин хисоблаб чиќилган майдон ўзгармаган бўлса, унинг қайдномасидан фойдаланиб йўқлама қилиш шакллари тўлғаизилади. Агар хўжалик майдонининг бир ёкими ёки айrim бўлагида тегишли ўзгаришлар бўлган бўлса, бу ўзгаришлар йўқлама қилиш шаклларини тўлғазишда кўрсатиб ўтилади.

Суѓориладиган ерларни йўқлама қилиш натижалари ҳар бир хўжалик бўйича З нусхада далолатнома тузиш орқали расмийлаштирилади. Далолатнома ҳайъат аъзолари, хўжалик рађбари ва бош агроном томонидан имзоланади. Йўқлама қилиш якуни туман буйича туман ҳокимияти ва вилоят ҳокимияти томонидан қўриб чиќилиб қарор билан тасдиќланади.

1-илова

(вазирлик, қўмита, идора)

вилояти

туманидаги

хўжалик номи ва унинг ихтисослиги

**Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш далолатномаси**

1. Туман юкимининг қарорига биноан 200\_й сонли

2. Кўйидаги таркибда ҳайъат тузилади:

туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи  
(райс)

туман сугориш тармоқларидан фойдаланиш бўлимининг бошлиғи

туман ер тузиш хизматининг бошлиғи

лойиҳа бош инженери (ёки етук мутахассис)

хўжалик раҳбарик

хўжалик бош агрономи

200\_йилдан гача бўлган даврда сугориладиган ерлар йўқлама қилинди.

3. Йўқлама қилишда қўйидаги хужжатлардан фойдаланилди:

план-харита асосларидан (литооттиск, масштаби) нашр қилинган йили

тупроқ кузатуви ишлари

ерларнинг сифатини ҳисоблаш

4. Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш натижалари қўйидаги иловаларда акс эттирилган

1) Суғориладиган ерларни йўқлама қилиш бўйича ер турларининг якуний натижаси;

2) Ер баланси маълумотларини ва сугориладиган ерларни йўқлама қилиш бўйича қиёсий қайдномаси;

3) Қишлоқ хўжалик ер турларининг сифати бўйича тавсифномаси;

4) Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тавсифномаси;

5) Хўжаликнинг масштабдаги ердан фойдаланиш плани

Раис

(имзо)

(Фамилияси, исми шарифи)

Хайъат аъзолари

(имзо)

(Фамилияси, исми шарифи)

вилояти

200 \_\_ йил \_\_ дан

туманидаги

Сүгөриладиган ерларни йўқлама  
қилиш далолатномасига

2-илова

Ер баланси маълумотларини ва сүгөриладиган  
ерлар йўқламаси натижаларининг қиёсий  
**ҚАЙДНОМАСИ**

Ертурлари номи	01.01_____ йил ер баланси бўйича, га	_____ йил йўқлама қилиш якуни бўйича, га	Фарқи +,- га	Фарқ қилиш сабабла ри
1. Ўайдалма ер, жами ш.ж.доимий сүгөриладиган ерлар 2. Кўп йиллик дараҳтзорлар 3. Бўз ерлар, жами ш.ж.доимий сүгөриладиган ерлар 4. Пичанзорлар 5. Яйловлар 6. Кишлоқ хўжалик ер турларининг жами ш.ж.доимий сүгөриладиган ерлар 7. Томорқа ерлар 8. Ихота ўрмон тизимлари ва ўрмонлар Сүгөриладиган ерлар, жами				

Тузувчи \_\_\_\_\_

Текширди \_\_\_\_\_

Бирламчи маълумотларни олиш ва сүгөриладиган ерлардан фойдаланишни назорат қилиш мақсадларидан даврий равишда, эҳтиёжга қараб экин майдонлари ёки томорқа ерларини умумий назоратли ўлчов ишлари ўтказиб борилади. Назоратли ўлчов асосан геодезик асбоблар ёрдамида бир муддатда ҳамма ер участкаларида ёки танланган яъни алоҳида олинган майдонда амалга оширилади. Ёппасига ўлчовда-барча майдонлар қамраб олинади, танланган ҳолда эса худуднинг айнан танланган қисмигина ўлчов ишларига тортилади.

Хўжаликда, корхона, муассаса ва ташкилотларда йил давомида олиб борилган ер хисоби ишларининг натижалари бўйича йил якунида туман ер тузиш хизмати томонидан туманда ер ҳисоботи (ер баланси) тузилади. Ер ҳисоботига йил давомида бажарилаган хўжаликлараро ер тузиш, хўжаликларнинг ички ер тузиш, ўтказилган назорат ўлчовлар ва бошқа ер тузиш ишларига таалуқли бўлган маълумотлар асос қилиб олинади. Бу маълумотлар маҳсус шаклларга, чизма хужжатларга ҳамда тушунтириш хатларида қайд қилинади. Ер ҳисоботи 22 ва 22 «а» ҳамда уларга илова қилинадиган шаклларда олиб борилади.

Туман (шаҳар) ер ҳисоботи республика бўйича тузиладиган миллий ер ҳисботининг асоси ҳисобланади.

### **Мустақил ўрганиш учун саволлар.**

1. Ер ҳисобининг қисқача мазмуни тўғрисида сўзлаб беринг?
2. Ер ҳисоботи (баланси) нима ва унинг аћамияти қандай?
3. Ер ҳисоби билан ер ҳисоботи (баланси) ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
4. Ер ҳисоби қандай турларга бўлинади?
5. Асосий ер ҳисобининг вазифаларига нималар киради?
6. Жорий ер ҳисобининг мазмуни қандай?
7. Ер ҳисобининг натижалари қайси хужжатларда акс эттирилади?
8. Ерларни йўқлама қилиш ишининг мазмуни нималардан иборат?

#### **4.2.6. Туманда ер сифатини ҳисобга олиш**

Республикамиз туманларида ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини илмий асосланган ҳолда режалаштириш ер майдонларини ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг сифатини баҳолашни тақозо қиласди.

Тупроќ унумдорлигини белгиловчи хусусиятларига караб ерни сифат жиҳатдан аниқ баҳолаш усулларидан бири-унинг табиий унумдорлигини баҳолаш (бонитровка қилиш) ҳисобланади. Ерларнинг табиий унумдорлигини аниқлаш ерга энг муҳим агрономик хусусиятларига кўра балл билан солиштирма баҳо қўйиш бўлиб, бу давлат ер кадастри тадбирлари ичida муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудидаги суғориладиган ерларни унумдорлиги бўйича бонитровка қилиш биринчи марта 70-йилларда "Ўздаверлойиҳа" институтининг Ер кадастри филиали мутахассислари томонидан амалга оширилган.

Тупроќ бонитировкаси деб, деҳкончилик самарадорлиги ва агротехникасининг tengлаштирилган даражасидаги тупроќ унумдорлиги бўйича унинг сифатининг таққосланган баҳосига айтилади. У тупроқларнинг

ривожланишида мућим аћамиятга эга бўлган объектив белгилари ћамда хусусиятлари асосида аниќланади.

Бонитировка ёилишнинг асосий маќсади тупроќларнинг табиий унумдорлиги бўйича нисбий ћамда барќарор хусусиятлари бўйича бир тупроќ хилининг иккинчисидан неча марта яхши ёки ёмонлигини кўрсатишдан иборат. Бонитировканинг обьекти бўлиб, ёатъий таксономик бирликларда ифодаланган тупроќ хиллари хизмат ёилади.

Маълумки, ер сифатини баћолаш асосан белгиланган бир муддатда маъмурий туман ћудудидаги барча ёишлоп хўжалигида фаолият кўрсатаётган субъектлар ћудудида ўтказилади.

Шунинг учун республика бўйича ёабул ёилинган услугуб моћиятини билиш зарур бўлади. Бонитировка ёилишда тупроќ унумдорлигини баћолаш амалга оширишда энг аввало, унумдорлик тушунчасига ёискача тўхталиб ўтиш маќсадга мувофиќдир. Маълумки, ернинг ёишлоп хўжалигида асосий ишлаб чиќариш воситаси сифатидаги хусусияти унинг унумдорлигидир. Ўсимликлар уларга зарур бўлган озуќа моддалари ва намлик билан таъминлай олиш ёобилиятига тупроќ унумдорлиги дейилади. Инсон тупроќ унумдорлигини ошириш учун ерга турлича таъсир ўтказади: ерни ћайдайди, юмшатади, суѓоради, тупроќка ўѓитлар солади ва ћоказо. У тупроќдаги озуќа моддалар миќдорини оширади ћамда уларни ўсимликлар томонидан осон ўзлаштирилишига имконият яратади. Туѓри, тупроќ унумдорлигини ошириш имкониятини берадиган бошқа ёатор тадбирлар ћам мавжуд. Аммо фойдаланадиган ер сифатининг барча ижобий ўзгаришлари ёўшимча маблаѓ ва мећнат сарфи билан боғлиќ бўлади.

Агротехникада ёкидаги тупроќ унумдорликлари ажратилади: табиий, сунъий, потенциал, ћакирий ћамда иќтисодий. Табиий унумдорлик табиатдаги табиий жараёнлар орќали ћосил бўлади. У узоќ давом этадиган тупроќ пайдо бўлиш жараёни натижасида иќлим, ўсимликлар, жойнинг рельефи, она жинсларнинг таъсири остида пайдо бўлади ва ривожланади. У тупроќнинг физик, кимёвий ва биологик хоссалари билан тавсифланади. Аммо табиий унумдорликка асосланиб ернинг ћакирий сифатига баћо бериб бўлмайди. Тупроќда жуда кўп миќдорда озуќа моддалари бўлиши мумкин, аммо турли сабабларга кўра (намлик, ёруғлик ва бошқ) улар ўсимликлар томонидан ўзлаштира олмайдиган ёки кам ўзлаштириладиган шаклларда бўлиши мумкин. Демак сунъий унумдорлик табиий унумдорликка эга бўлган ер участкаларида тупроќка инсон мећнатининг ёшилиши натижасида ћосил бўлади. Бошқача ёилиб айтганда, табиий унумдорликка эга бўлган ер участкалари инсон фаолияти учун мећнат предмети ћисобланади. Ћакиридан ћам табиий ва сунъий унумдорликлар ўртасидаги чегара кўп жићатдан шартли, абстракт ћисобланади. Чунки унумдорлик соф ћолда намоён бўлмайди. Турлича табиий унумдорликка эга бўлган майдонлардаги маҳсус ёишлоп хўжалик экинлари уларнинг ўсиш

даврида фақатгина табиат инъом этган озука моддаларни ўзлаштирибгина қолмасдан, балки улар ўсимликлар ўсиши ва ривожланишга кетадиган қўшимча сарф харажатларни тупроќнинг юқори даражада чиринди билан бойиши эвазига қоплайди. Ушбу омилларнинг оқилона қўлланилиши натижасида тупроќ унумдорлиги пасайиб кетмайди, аксинча, бунда унинг ажойиб фазилати намоён бўлади, яъни унумдорлиги ошади. Шундай қилиб, ердан фойдаланиш тўғри ташкил этилганда у ишдан чиқмайди, аксинча, экинлар тупроќни бойитади ҳамда шу орқали табиий унумдорлик яратилади.

Потенциал ёки ҳақиқий унумдорлик деб, табиий-иклим ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда тупроќнинг қишлоқ хўжалик экинларини озука моддаларга бўлган талабни қондириш қобилиятига айтилади. Инсоннинг асосий вазифаси шу жараённи бошқариш, тупроќнинг ишдан чиқишига йўл қўймаслик, ундаги озука моддаларни ўсимликлар ўзлаштиришга имкон яратишдан иборат.

Ер майдонларининг чегараланганлиги, тупроќларнинг хилма-хиллиги, қишлоқ хўжалик маћсулотларига бўлган талабнинг доимо ўсиб бориши сифат жиҳатдан афзал ва афзал бўлмаган ерлардан ҳам фойдаланишни талаб этади. Бу эса ўз навбатида капитал маблаѓлар ҳажмини ошириш ва шу билан маълум бир потенциал унумдорликка эга бўлиш эвазига эришилади. Шу асосда тупроќнинг иктиносидий унумдорлиги вужудга келади.

Иктиносидий унумдорлик тупроќлар унумдорлигининг ҳақиқий ифодаси сифатида гавдаланади ҳамда у дехқончилик маданиятининг унумдорлик даражаси сифатида тавсифланади. Тупроќнинг иктиносидий унумдорлиги унга сарфланган капитал маблаѓлар миќдорига, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига, маћсулотларни қайта ишлаш, сотиш ва бошқаларга боғлиқдир. Ушбу унумдорликлар миќдорини аниқлаш ва тупроќлар сифатини баъолаш бўйича иктиносидий баъолаш ишлари ўтказилади.

Тупроќ бонитровкасининг мезони қилиб ишлаб чиқариш натижаларига таъсир этувчи тупроќларнинг табиий диагностик ва маданийлашиш жараёни олинади.

Тупроќ бонитировкасининг минтақавий характерга эга бўлиши маълум бир табиий минтақаларга ва уларда етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинларига боғланиши зарур. Бунинг учун илмий асосланган табиий қишлоқ хўжалик минтақаларида ўтказиш туман, маъмурий чегараларда қатъий қўлланиш маќсадида йирик регионлар учун ўзларининг тупроќ бонитровкасини ўтказиш услугиятини ишлаб чиқиши зарур.

Тупроќ сифатини белгилайдиган унумдорликнинг асосий омили бўлган озука элементларининг миќдори, уларни маданий экинлар учун самарадорлик қиймати, сув ҳамда иссиқлик режими, Ўзбекистоннинг сугориладиган минтақаларида тупроќ бонитировкаси балларини аниқлашга асос қилиб олинган.

Тупроқ сифатини баҳолашда тупроқ пайдо бўлиш жараёнидаги биоген элементлар-углерод, азот, фосфор ва калийнинг илдиз озиқланадиган минтақада тўпланишига ҳам катта аҳамият берилади. Бу омилларнинг миқдор қиймати бир метр қалинликдаги тупроқда ялпи чиринди, азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатланувчи бирикмаларининг заҳирасини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг сұғориладиган минтақаларида тупроқларнинг чиринди ва озуқа элементлари миқдори шу тупроқларнинг генетик мансублиги ва механик таркиби, тупроқ пайдо бўлиш жинслари, тупроқ қатлами, майда донадор қатламининг қалинлиги, тузилиши ва бошқа диагностик белгилари билан узаро узвий боғлиқдир. Сұғориладиган тупроқларда озуқа моддаларининг миқдори асосан сұғориш даври ва маданийлашганлик даражасига қараб аниқланади.

Республикамизнинг деҳқончилик туманларидаги тупроқларнинг сифати у ёки бу қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш имкониятини аниқловчи агройклим билан узвий боғлиқ қилиб белгиланган. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг сұғориладиган тупроқлари бонитировкасини аниқлаш услубияти тупроқларнинг экологик шароитлари асосида тузилади.

Унумдорлик бўйича баҳолаш муайян ердаги қишлоқ хўжалиги экинларига бўлган талабларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Ўзбекистоннинг сұғориладиган ерлари шароитида гузанинг талаблари ҳисобга олингани эътиборда тутилади. Гузанинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда аниқланган унумдорлик кўрсаткичлари пахта мажмуига кирувчи бошқа ҳамма экинлар (шоли, каноп ва

кўп йиллик мевали дарахтлардан ташқари) сұғориладиган ерларни баҳолаш учун хам тўғри келади.

Ерларни баҳолашда тупроқнинг асосий хусусиятлари ва табиий шароитлари: генетик аломатлари, сұғорила бошланган давр муддати, механик таркиби, тупроқ ҳосил қиласиган жинслар генезиси, тупроқ қатламининг сизот сувларини ўтказувчанлиги, шўрланиш даражаси, эрозияга учраганлиги, сертошлиги, гипслашганлик даражаси ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Баҳолаш 100 балли ёпик шкала бўйича ўтказилади. Энг яхши хусусиятларга эга бўлган ва энг юқори унум берадиган тупроқларга 100 балл қўйилади.

Сұғориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласидаги сифат жиҳатидан баҳоси унинг генетик мансублиги, сұғориш даври ва маданийлашганлик даражаларига нисбатан бонитет балларида акс эттирилган. Бу шкалада бундан ташқари тупроқнинг гумус заҳираси ва уни ўсимлик озуқа элементлари билан таъминланганлиги, сингдириш сибими, физик ҳусусиятлари ва биологик активлиги интеграл тарзда ҳисобга олинган.

Ўзлаштириш даврига қараб сүғориладиган тупроқларнинг ҳусусиятлари һам тубдан ўзгаради. Масалан, энг қадимдан сүғорилиб келинаётган тупроқлар базис тупроқлар бўлиб, барча ҳусусиятлари бўйича унумдор ҳисобланади.

Ўзбекистонда сүғориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласи маданийлашиш бўйича паст, ўртача ва ю́кори турларга бўлинган. Чиринди заһираси ва фосфорнинг һаракатланувчи бирикмаларининг озлиги, биологик активликнинг сустлиги тупроќнинг камроќ маданийлашганлигидан далолат беради. Ю́кори даражада маданийлашган тупроқлар асосан ю́кори агротехник, тизимли тарзда ю́кори дозаларда минерал ва органик ўѓитлардан фойдаланиш һамда шунга мос ҳолда азот ва фосфорнинг һаракатланувчи бирикмалари билан ю́кори даражада таъминланганлиги, шу тариқа чириндига бойитилиши шароитида шаклланган. Қуйидаги жадвалларда сүғориладиган майдонларнинг бонитировка шкаласи келтирилган (4,5,6,7- жадваллар).

4 - жадвал

Ўзбекистоннинг сүғориладиган ерларини унумдорлик бўйича баҳолаш шкаласи

Тупроқлар	Тупроқлар бонитетининг баллари		
	ю́кори маданийлашган	ўртача маданийлашган	кам маданийлашган.
1	2	3	4

5 - жадвал

Қадимдан сүғорилиб келинаётган тупроқлар.

Бўз	100	90	70
Ўтлоќи – бўз	100	80	60
Бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлоќ	100	80	60
Таќир	90	70	60
Ўтлоќи – таќир	100	80	60
Дашт минтақасидаги ўтлоќ	100	80	60

6 - жадвал

Янгидан сүғорилаётган ерлардаги тупроқлар

Оч тусли бўз	100	80	60
Типик бўз	100	80	60

Үтлоқи бўз	90	70	50
Бўз – ўтлоқи	90	70	50
Бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлоқ	90	70	50
Бўз тупроқлар минтақасидаги боткоқ	-	70	50
–			
Ўтлоқ	60	50	40
Сур тусли кўнгир	-	65	50
Сур тусли кўнгир-ўтлоқ	80	60	50
Тақир	90	70	50
Тақир – ўтлоқи	80	60	50
Ўтлоқи – тақир		70	50
Дашт минтақасидаги тақир		60	40
Дашт минтақасидаги боткоқ – ўтлоқ			

7 - жадвал

#### Янги ўзлаштирилган ерлардаги тупроқлар

Оч тусли –бўз	-	-	50
Типик бўз	-	-	50
Ўтлоқи бўз	-	-	50
Бўз ўтлоқи	-	-	50
Бўз тупроқлар минтақасидаги ўтлоқ		-	50
Бўз тупроқлар минтақасидаги боткоқ	-	-	50
– ўтлоқи	-	-	40
Сур тусли кўнгир	-	-	30
Сур тусли кўнгир ўтлоқи	-	-	40
Тақир	-	-	50
Ўтлоқи – тақир	-	-	50
Тақир ўтлоқи	-	-	50
Дашт минтақасидаги ўтлоқ	-	-	50
Дашт минтақасидаги боткоқ – ўтлоқи	-	-	40
Дашт қумлар	-	-	50
Қумли ўтлоқ	-	-	50

Ушбу жадвал қулай шароитда етилган, яъни шўрланмаган ва эрозияга учрамаган, механик таркиби яхши, ер ости қатламининг сизот сувларининг ўtkазувчалиги қониқарли бўлган тупроқларнинг сифати тўғрисида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Лекин, амалий шароитда учрайдиган тупроқларнинг хусусиятлари турличадир. Унимдорликнинг пасайтирувчи турли-туман хусусиятларга эга бўлган тупроқларни баҳолашда 5,6,7 - жадваллардаги тегишли пасайтириш коэффициентлари қўлланилади.

Ер унумдорлигини аниқловчи омиллар орасида иқлим алоҳида ўрин тутади. Иссиқ севар ўсимлик ҳисобланган гўза учун энг аћамиятли агроиқлим

кўрсатгичларидан бири экиннинг ҳарорат ресурслари билан таъминланганлик ёки фойдали ҳарорат йиғиндисининг  $10^0 C$  дан юқори бўлишидир. Дарҳакиқат, тупроқ бонитети жойнинг кенглик минтақалари ва баландлик поғоналари бўйича ғўзанинг термик ресурслари билан таъминланганлигига қараб табақаланади. И́клим коэффициенти ёки бизнингча, биои́клим коэффициентини хисоблаш қўйидаги формула ёрдамида амалага оширилади:

$$B_{кц} = \frac{\sum \mathcal{E}_{t\cdot\phi}}{\sum \mathcal{E}_{t\cdot\delta}} \times 100$$

бу ерда,  $\sum \mathcal{E}_{t\cdot\phi} \cdot 10^0 C$  дан юқори бўлган ҳақиқий самарали ҳарорат йиғиндиси;

$\sum \mathcal{E}_{t\cdot\delta}$  - базавий самарали ҳарорат йиғиндиси ( $2450^0 C$ ).

Жойнинг и́клим бўйича бонитет балларини табақалаштириш \_\_\_\_ жадвалда келтирилган.

Суѓориладиган дећончиликнинг турли минтақаларида и́климни баҳолаш - шу минтақалар учун пишиб етилиш муддатларига кўра ғўза навларининг қайси гуруҳга мос келишини, шунингдек дон ёки силос учун мўлжалланадиган оралиқ ёки такрорий экинларнинг мумкин бўлган биологик мађулдорлигини ани́глаш имкониятини беради.

Тупроқ унумдорлигини белгилайдиган мажмуанинг ҳусусиятлари орасида унинг механик таркиби ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Енгил ва ўрта қумоқли тупроқлар унумдор тупроқлар қаторига киради. Улар ишлов беришга қулай, яхши сув-физик ҳусусиятларга эга. Майда ва йирик тош аралашмалари суѓориладиган тупроқларнинг сифатини ёмонлаштиради, механизмлар билан ишлашни қийинлаштиради, тупроќнинг сув сингдириш ҳусусиятларини ёмонлаштиради. Шунинг учун ҳам тупроқ бойишни ани́глаш жараёнида хилмахил тупроқларнинг механик таркиби бўйича пасайтириш коэффициентлари қўлланилади.

Суѓориладиган дећончилик шароитида тупроқларни баҳолашда унинг шўрланиш даражасини ва мелиоратив ҳолатини ҳисобга олиш муҳим аћамиятга эга. Ернинг сизот сувларини ўтказувчанлиги ва унинг қай даражада шўрланганига қараб, бойитишни табақалаштириш коэффициенти - жадвалда келтирилган. Бунда турлича баҳоланиш керак бўлган тупроқлар қўйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Шўрланмаган иккиламчи қайта шўрланишга учрамаган ерлар. Бу гуруҳга сизот сувлари чучук бўлган ёки чуќур жойлашган ерлар киради.

2. Шўри батамом йўќ бўлиб кетгмайдиган ерлар. Бунга сизот сувлари чуќур жойлашган, шўр бўлган ерлар киради.

3. Тез эрувчан тузлар билан шўрланган ерлар. Бу гурућга киравчи ерлар шўр ерларнинг асосий қисмини ташкил этади. Агар шу сизот сувлари юза жойлашган жойда бўлса ва секин һаракат қилувчи бўлса, бундай ерлар шўрланишда давом этаверади.

4. Корбонат-магний тузлари билан шўрланган, зич гипс ва корбонатли қатлами бўлган ерлар. Бу гурућга киравчи тупроќлар чучук гидрокорбонатли сизот сувлар юза жойлашган тартибда ривожланиб боради.

Сизот сувларининг оқиб чикиб кетиш имкони катта бўлган ерлар учун тузатма коффицентлари -жадвалда келтирилган.

Тупроќ унумдорлигини пасайтирувчи омиллар қаторига сув һамда шамол таъсиридан емирилиш (эрозия) һам киради. У нотекс рельефли, янги сугорилаётган майдонларда, юқори қияликларда ёрқин намоён бўлади. Бу минтақаларда тупроќ жинслари асосан лёсс пролювал ва аллювиал ётқизиклардан иборат.

Ювиладиган тупроќларнинг сифати нисбатан лессларда камроќ пасаяди, негаки майдонларнинг тупроќ чуќур қатламларида һам потенциал унумдорлик юқори бўлади. Ювиладиган тупроќларнинг пролювиал ва аллювиал-пролювиал ётқизикларда майдонларнинг сифатини кўпроќ даражада пасайиши кузатилади. (-жадвал)

Маълумки, кейинги йилларда сугориш мақсадлари учун хилма-хил даражали гипсланган катта майдонлар ўзлаштирилган ва қишлоќ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун қабул қилинган. Гипс эса ернинг мелиоратив һолатини ёмонлаштиради һамда тупроќ унумдорлигни пасайтиради. Бонитет балларини аниқлашда бошқа омиллар қатори алоҳида тупроќ хилларида гипс горизонтининг жойлашиши ва гипс миқдорига нисбатан һам пасайтирувчи коэффициентлар қўлланилади.

Аниқ бир тупроќнинг бонитет балини асосий һусусияти тупроќ хилига берилган баллга хилма хил тузатма коэффициентларини кўпайтириш йўли билан аниқланади, яъни:

$$B_k = B_1 \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdots \cdot K_n$$

бу ерда,  $B_1$  - асосий шкаладан олинган баллар;

$K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdots \cdot K_n$  - тупроќнинг ҳусусиятлари бўйича тузатма коэффициентлар.

Ҳар бир алоҳида олинган тупроќ хили бонитет балини һисоблангандан кейин шу маълумотларга асосан хўжалик бўйича умумий сугориладиган ерларнинг бонитет балларини һисоблаш мумкин. Бунинг учун қишлоќ хўжалик турлари бўйича тупроќ хиллари майдонларини һисоблаш материаллари зарурдир.

Хўжаликнинг суғориладиган экин майдонлари бонитет бали тупроқ қатламини ташкил этувчи тупроқ хилларини бонитет балларининг ўртача келтирилган қиймати тариқасида аниқланади, яъни:

$$B_{x.k.} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + \dots + B_n P_n}{P_1 + P_2 + \dots + P_n} = \sum_{i=1}^n \frac{B_i P_i}{P_i}$$

бу ерда,  $B_1, B_2, \dots, B_n$  - тупроқ хиллари бўйича бонитет баллари;

$P_1, P_2, \dots, P_n$  - тупроқ хилларининг майдони, га.

Қуйида, пахтачилик хўжалигида ишлаб-чикариш бўлинмасидаги оила пудратлари ерларининг ўртача бонитет балларини аниқлашга мисол келтирилган. Масалан, майдони 90,0 гектарга тенг бўлган бригада ҳудудининг 50,0 гектари 72 балл, 30,0 гектари 62 балл, 10,0 гектари 46 баллда баҳоланганди. Бунда бригададаги оила пудратлари бўйича ўртача бонитет 66 баллга тенг бўлади, яъни:

$$B_{x.k.} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + B_3 P_3}{P_1 + P_2 + P_3} = \frac{(50,0 \cdot 72) + (30,0 \cdot 62) + (10,0 \cdot 46)}{50,0 + 30,0 + 10,0} = 65,8 \approx 66 \text{ балл}$$

Айнан шу услубда ҳар бир оила пудрати ер майдонини ҳам бонитет бали кўрсаткичини аниқлаш мумкин.

### Мустақил ўрганиш учун саволлар

1. Тупроқ бонитировкаси нима?
2. Тупроқнинг қандай унумдорликларини биласиз?
3. Тупроқ бонитировкасини ўтказиш учун тузилган бонитировка шкаласига тупроқнинг қандай хусусиятлари асос қилиб олинган?
4. Аниқ бир тупроқнинг бонитировкасини ўтказишида унинг диагностик белгилари бўйича қандай тузатма коэффициентлар киритилади?
5. Тупроқлар бонитировкасини ўтказиш услубиятини сўзлаб беринг.

### 4.2.7. Туман ер баланси

Туман ер фонди ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар ер турлари бўйича тақсимланиши, ерларнинг сифат ҳолати ва иқтисодий баҳолаш маълумотларини акс эттирадиган ер ҳисоботи ҳар 5 йилда тузилади.

Ер балансини тузишда ҳисобот даврида ердан фойдаланишдаги юз берган барча ўзгаришлар ҳисобга олинади. Бунда ердан фойдаланувчининг умумий ўлчамларидаги ўзгаришлар шунингдек ер турларида рўй берган ўзгаришлар хужжатлар асосида расмийлаштирилган ва асосланган бўлиши зарур. Ер балансини тузиш учун ер таркибида вужудга келган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ердан фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги корхона, муассаса ва ташкилот

рађбарларининг ћисоботи асос ќилиб олинади. Шунингдек, давлат ер кадастри китобидаги маълумотлардан олинадиган йиллик ер балансидан кузатув, тупроќ бонитировкаси ва ерларни иктиносидий бањолаш, жорий ўзгаришларни график ћисоби материалларидан, ердан фойдаланишнинг давлат назорати маълумотларидан ћам фойдаланилади.

Ер балансини тузишда ердан фойдаланувчилик ўртасида ер майдонлари тўғрисидаги маълумотларни ћаќиќий ћолатидан камайтириб ёки ортиқча ќўшиб ёзишга йўл ќўйилмайди. Ер балансида ердан фойдаланувчилик томонидан маъмурий туман чегарасидан ташќарида фойдаланилаётган ерлар, шунингдек, ќўшни тумандаги ердан фойдаланувчилик томонидан тумандаги ерлардан фойдаланиш алоҳида - алоҳида ажратилади.

Ер баланси таркибида ќуйидаги хужжатлар киради:

- ер фондининг мавжудлиги ва ер тоифалари, уларни ердан фойдаланувчилик ва ер турлари бўйича ер фондининг таъсимланиши тўғрисида ћисобот (22 -шакл);
- сурориладиган ерларнинг мавжудлиги ва ердан фойдаланувчилик ва ер турлари бўйича таъсимланиши (22 “а” - шакл);
- ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуѓулланувчи корхоналардаги ќишлоќ хўжалик ер турлари майдонларининг ўзгариши (шахсий фойдаланишдаги томорќа ерларисиз) бўйича маълумотнома;
- давлат, жамоат ва бошќа заруриятлар учун доимий ва узоќ муддатга (3 йилдан ортиқ) ер ажратиш тўғрисида ћисобот;
- сурориладиган ерларнинг мелиоратив ћолати тўғрисида маълумотнома (22 “а” шаклга илова).

Юќорида келтирилган хужжатлардан ташќари ер балансига тушунтириш хати, ћисоботни тасдиқлаш тўғрисидаги туман ћокимининг ќарори ћамда ердан фойдаланишдаги камчиликларни тугатиш бўйича таклифлар, шунингдек туман бўйича ерларнинг ћолати ва улардан фойдаланишни тўлдирадиган ва акс эттирадиган бошќа матн ћамда график хужжатлар илова ќилинади.

Ер балансининг асосий хужжатлари республика бўйича бир хил шаклга эгадир. Бу хужжатлар Вазирлар Маћкамаси томонидан тасдиқланган ва туман ер фондини тавсифлайдиган расмий хужжатлар ћисобланади ћамда туман ћокими, «Ергеодезкадастр» хизматининг бошлиғи томонидан имзоланади.

Юќорида ќайд ќилинганидек, туман ер балансининг асосий хужжати - бу туман ер фондининг мавжудлиги ва ер тоифалари, ердан фойдаланувчилик ћамда ер турлари бўйича таъсимланиш тўғрисидаги ћисобот (22-шакл) дир. Бу шакл туманнинг барча ерлари (шу жумладан сурориладиган ерлар билан бирга) бўйича тўлдирилади. Катта миќдордаги ўзгаришлар ќишлоќ хўжалик ерлари таркибида рўй беришини ћамда бу ўзгаришларнинг аћамиятини эътиборга олган ћолда ћисобот ќисқартирилган шаклда ћар йили тузатилади. Тўла шаклда эса ћар 5 йилда бир марта тузатилади.

Ҳисоботни тузишда туман ердан фойдаланувчилари гуруғларга бўлинади. 22 - шаклнинг бўйлама қаторларида асосий ердан фойдаланувчилар гуруғлари келтирилган. Тик устунларда ҳисоботни автоматлаштирилган тарзда катта ишлар учун зарур бўлган шифрлари ва уларнинг ер турлари бўйича тақсимланиши кўрсатилади. 22 - шаклда асосан 8 та - гуруғ ажратиб кўрсатилади.

Биринчи гуруғга жамоа, ширкат хўжаликлари ерлари, иккинчи гуруғга давлат хўжаликларининг барча ерлари ва учинчи гуруғга хўжаликлараро қишлоқ хўжалик корхоналарининг жами ерлари, шу жумладан ижара асосида фаолият кўрсатаётган барча фермер хўжаликлари ерлари асосий қишлоқ хўжалик ерлари турлари бўйича кўрсатилади. Бу учта гуруғ ерлари бирлашган һолда тумандаги қишлоқ хўжалик ерларини ташкил этади.

Тўртинчи гуруғга давлат заъирасидаги ерлар, яъни ҳисобот давригача ћеч бир ердан фойдаланувчига доимий ёки вақтинчалик фойдаланишга ажратиб берилмаган ерлар тўпланади.

Бешинчи гуруғ давлат ўрмон фонди ерларини ташкил этади. Бу гуруғ таркиби ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ерларини ўз ичига олади. Алоһида қаторга ўрмон хўжалиги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ихтиёрида бўлган ќўриқхоналар ерлари ёзилади. Бундан ташқари, алоһида қаторга жамоа, ширкат хўжаликлар, хўжаликлараро корхоналарнинг узоқ муддатли фойдаланишида бўлган давлат ўрмон хўжалиги корхоналарнинг ер майдонлари кўрсатилади.

Олтинчи гуруғга ширкат, жамоа, давлат ва бошқа қишлоқ хўжалик, хўжаликлараро корхоналари ерлари таркибида ҳисобга олинган аҳоли пунктлари ерлари киради. Аҳоли пунктларининг умумий ер майдонида шаҳарлар, шаҳар типидаги посёлкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг ерлари алоҳида-алоҳида қаторларда ёзилади.

Еттинчи гуруғни саноат транспорт, табиатни муҳофаза қилиш, дам олиш заповедниклар ва бошқа ноқишлоқ хўжалик аҳамиятига молик ерлар ташкил этади. Саноат корхонари (Заводлар, фабрикалар, тоғ-кон саноати корхоналари ва бошқ.) ерлари; темир йўл транспорти ерлари; автомобил таранспорти ерлари; шаҳарлардан ташқарида ва аҳоли пунктлари ерлари таркибида ҳисобга олинмаган курортлар ерлари; давлат ўрмон фонди ерларида ҳисобга олинмаган заповедниклар ерлари; бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ерлари алоҳида-алоҳида қаторларда қайд қилинади.

Саккизинчи гуруғга давлат сув фонди ерлари киради. Бунга асосан гедротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоатлари, шунингдек белгиланган тартибида сув ћавзалари ќирғо́клардан ажратилган полосалари, олдинги гуруғларга кирмаган муҳофаза минтақалари эгаллаган ерлар киради. Бу гуруғга белгиланган тартибида ажратилган хўжаликлараро суғориш тармоқлари,

коллектор-зувурлар ћамда уларда жойлашган гидротехник ва сув хўжалиги ишоатларининг ерлари ћам киради.

Барча гурућлар ердан фойдаланувчилар ќайд ќилингандан сўнг туман маъмурий чегарасидан ташќарида фойдаланилаётган еларни алоћида ажратган ћолда умумий ер майдони жамланади. Бошќа туманлар субъектлари томонидан фойдаланилаётган ерлар алоћида ќаторда ќайд ќилинади. Туман маъмурий чегарасидан ташќарида фойдаланилаётган ер майдонларини айирган ћамда бошќа туманлар томонидан фойдаланилаётган туман ерларини ќўшган ћолда туман маъмурий чегарасидаги умумий майдонлар аниқланади.

Суѓориладиган ерларнинг мавжудлиги ћамда уларнинг ер турлари ва ердан фойдаланишлар бўйича таќсимланиши тўѓрисидаги ћисоботда\_(22- шакл) ћам асосий, 22 - шаклдаги ердан фойдаланишлар гурућларидаги қўрсаткичлар келтирилади. Ўар бир гурућ бўйича ердан фойдаланувчилар сони, суѓориладиган ерларни ажратган ћолда суѓориш тармоқли ерларнинг умумий майдонлари ёзилади. Ҷайдалма ерлар, бўз ерлар, ћамда қишлоќ хўжалик ерларининг умумий майдонларидан алоћида тарзда доимий суѓориладиган ва шартли суѓориладиган майдонлар қўрсатилади.

Ћисобга дећкон хўжаликлари ва фуќароларнинг суѓориладиган томорќа ерлари, хизматчи ва ишчиларнинг жамоа боѓлари ва токзорлари, шунингдек, дарахтзорлари ќўшилади. Алоћида тарзда суѓориладиган ерлардаги каналлар, йўллар, қурилишлар ва майдонлар қўрсатилади.

Шахсий фойдаланишдаги томорќа ерларсиз жамоа, ширкат ва бошќа қишлоќ хўжалиги билан шуѓулланувчи корхоналарда қишлоќ хўжалик ер турларининг ўзгариши тўѓрисидаги маълумотнома ћисоботга маҳсус илова ћисобланади. Маълумотнома санаб ўтилган хўжаликларнинг барча қишлоќ хўжалик ер турларига, алоћида тарзда суѓориладиган қишоќ хўжалик ерларига тузилади. Маълумотномада жамоа корхоналаридаги муддатсиз ва ваќтинчалик фойдаланишда бўлган ћайдалма ерлар, бўз ерлар, кўп йиллик дархтзорлар, яйловлар, ва пичанзорлар таркибининг ўзгариши таћлил ќилинади.

Ердан фойдаланувчилар чегарасида ћайдалма ерлар, бўз ерлар, кўп йиллик дархтзорлар, пичанзорлар ва яйловларни давлат ер заћирави, жамоа хўжаликлардан, бошќа ноќишлиқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотлардан ќўшиб олиши, бошќа ер турларидан трансформация ќилиш тартибида ўзгартириш, томорќа ерларини ќисқартириш, мелиоратив тайёргарликдаги ерларни ўзлаштириш, янгидан тасвирга олиш ва планларга тузатма киритиши материаллари бўйича маълумотларга аниқликлар киритиши ћамда маъмурий чегараларни ўзгариши ћисобига кўпайиши тўѓрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади. Шундай тартибда бошќа ердан фойдаланувчиларга ер ажратиш, бошќа ер турларига ўтказиш, ихота ўрмонзорларини ћамда бошќа ћимоя дарахтзорларини экиш, хўжалик қурилишлари, томорќа ерлари учун ажратиш ва

бошқа сабаблар ћисобига асосий ќишлоќ хўжалик ерларининг камайиши ёритилади. Суѓориладиган ерларга маълумотнома тузиша ќишлоќ хўжалик ерларининг суѓориладиган ерлар ћисобига кўпайиши кўрсатилади. Агарда кўпайиш янги суѓориш ћисобига рўй берган бўлса, у янги мелиоратив ќурилишлар сифатида ёритилади.

Асосий ќишлоќ хўжалик ер турлари майдонларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотнома белгиланган ќонуний тартибда ерларни бериш ёки ажратиш тўғрисидаги хукumat ќарорлари билан тасдиқланиши зарур. Асосий ќишлоќ хўжалик ер турларининг ўзгариш сабаблари тушунтириш хатида келтирилади. Асосий ќишлоќ хўжалик ер турларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотнома ерларни график усулда ћисобга олиш жараёнида тўғриланган план - харита материаллари асосида тузилади ћамда туман ћокими ва «Ергеодезкадастр» туман хизматининг бошлиғи томонидан имзоланади.

Давлат, жамоат ва бошқа маќсадлар учун доимий ва узоќ муддатли (3 йилдан ортиқ) фойдаланишга ерларни ажратиш тўғрисидаги ћисобот алоҳида илова тариқасида тузилади. Бу ћисоботда заводлар, фабрикалар ва бошқа саноат корхоналарини ќуриш; гидротехник сув хўжалиги, суѓориш ва зах ќочириш тизимлари ва иншоатларини ќуриш; темир йўл, автомобил йўллари, ќувур йўллари ва бошқа чизиқли иншоатларни ќуриш; ер ости ќазилма бойликларини ќазиб олиш; шаћарлар ва шаћар типидаги посёлкалар майдонларини кенгайтириш учун; ўрмон хўжалиги ташкилотларига бериш учун; бошқа заруриятлар учун ер ажратиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилади. Ҷар бир ер ажратиш тури бўйича асосий ќишлоќ хўжалиги ерлари майдонини ажратган ћолда алоҳида тарзда ћайдалма ерлар ва кўп йиллик дараҳтзорлар, шунингдек жамоа, ширкат хўжаликларидан, бошқа ќишлоќ хўжалик корхоналаридан ва давлат заћира ерларидан ќанча ва ќандай ерлар ажратилганининг умумий майдони кўрсатилади.

Ерларни доимий ва узоќ муддатли фойдаланишга ажратиш тўғрисидаги ћисобот ќишлоќ хўжалиги ерларидан ажратилган майдонлар ўрнига янги ерларни ўзлаштириш учун вазирликлар ва идоралардан келиб тушган маблаѓлардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирилади.

Ерларни доимий ва узоќ муддатли фойдаланишга давлат, жамоат ва бошқа маќсадлар учун ажратиш тўғрисидаги ћисоботни тўлдиришга Республика Вазирлар Маћкамасининг ёки вилоят ва туман ћокимларининг ќарорлари ва ер участкасини жойда ажратилганлигини тасдиқловчи хужжат асос бўлиб хизмат ќилади. Ер ажратиш ва бериш ћисоботи туман ћокими ва туман «Ергеодезкадастр» хизматининг бошлиғи томонидан имзоланади.

Суѓориладиган ерларнинг мелиоратив ћолати тўғрисидаги маълумотнома 22 “а” шаклдаги ћисоботнинг иловаси ћисобланади. Ушбу шакл жамоа, ширкат, давлат хўжаликлари ва хўжаликлараро ќишлоќ хўжалик корхоналарининг суѓориладиган ерлари учун тузилади. Суѓориладиган ерларнинг умумий

майдонидан ёпик ва вертикал дренаж тармоқлари билан таъминланган ерлар алоҳида ажратилиб кўрсатилади. Сифатини яхшилаш бўйича капитал ишларни бажаришни талаб қиладиган суғориладиган ерлар коллектор-зовур тармоқларини қайта қуриш ва тузиш, суғориш тармоқларини қайта қуриш ва жиҳозлаш, сув билан таъминлашни ошириш ҳамда, ер участкаларининг устки қисмини капитал текислашни талаб қилувчи ерларга бўлинади.

Юқорида келтирилган хужжатлардан ташқари туман ер баланси ўз ичига яна қатор ёрдамчи хужжатлар ва жадвалларни олади. Бундай хужжатларга ердан фойдаланувчилар рўйхати, хўжаликларни ер тузувчи мутахассис ходимлар билан таъминланиш ҳолати ва бошқалар киради.

Беш йилда бир марта тузиладиган тўлиқ ер баланси, ерларнинг минтақавий турлари, гуруҳлари, синфлари ва кичик синфлари бўйича сифат тавсифларни ёритадиган, механик таркибини, рельефини, тупроқларни ювилиш даражасини, турланишини, тошлоқлилиги, ер ости сувларининг жойлашганлигини акс эттирувси жадваллар, шунингдек ер баҳолаш материаллари киритилади.

Тушунтириш хати ер балансининг матн қисми ҳисобланади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексини, Ўзбекистон Республикаси "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги қонунини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабридаги "Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида"ги 543 - сонли қарорини ҳамда ушбу қарор билан қабул қилинган "Ер кадастрини юритиш тўғрисидаги низом"ни, "Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси органлари томонидан ер қонунчилигни бузган қонунбузарларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича муваққат йўриқнома"ни ва давлат ер кадастрини, ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширишга йўналтирилган меъёрий хужжатларни амалда хаётга тадбиқ этилаётганлиги тўла-тўқис ёритилади.

Шунингдек, туман ер ҳисоботининг тушунтириш хатида туман ер фондининг умумий майдони, ердан фойдаланувчилар ва ер тоифалари бўйича, ерларнинг тақсимланиши ва ер турлари таркиби буйича, ерларнинг сифат ҳолатларида ҳамда ерлардан фойдаланиш жараёнида юз берадиган ўзгаришлар асосланади.

Хатда ердан фойдаланувчиларнинг умумий майдонлари ҳамда туман ҳудудидаги ўзгаришларни таълил қилишга катта аћамият берилади. Бундай ўзгаришларни сабабларини кўрсатган ҳолда жадвалларда келтириш, асосларни эса маъмурий чегараларни ўзгариши тўғрисидаги қарорларни келтирган ҳолда ёзма равища бериш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжалик ерларига ва биринчи навбатда ширкат, жамоа ва хўжаликларо қишлоқ хўжалик корхоналари ерларига тўлиқ тавсиф берилади. Ҳисобот матнида тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналари бўйича ердан

фойдаланиш масалалари анча кенг ёритилади. Қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар бир гектаридан имкон борича тўлиқ ҳамда талабга мувофиқ фойдаланиши амалга ошириш бўйича қандай тадбирлар ўтказилганлиги, қандай майдонларда суғориш бўйича ишлар бажарилганлиги, тупроқ эрозиясига қарши кураш, майда контурлиликни тугатиш, пичанзор ва яйловларни тубдан яхшилаш портов ерлар тугатиш бўйича бажарилган ишлар қайд қилинади. Бундан ташқари, матнда кейинги йилда қанча майдонларда ердан фойдаланишга йўналтирилган қандай ишларни бажариш зарурлиги кўрсатилади.

Ширкат, жамоа, давлат хўжаликлари ва хўжаликларо қишлоқ хўжалик корхоналаридағи ҳайдалма ерларнинг майдонлари тўғрисидаги ер балансининг маълумотлари тезкор ҳисоботлардаги экин майдонларининг миқдорлари билан таққосланади. Агарда улар ўртасида маълум бир фарқлар бўлса тушунтириш хатида алоҳида ердан фойдаланиш бўйича аниқ мисол келтирилган ҳолда тўла тушунтириш берилади.

Тушунтириш хатида туманда ва алоҳида ердан фойдаланувчиларда ер кадастрини ўтказиш бўйича маълумотларга эътибор берилади. Бунда куйдаги ишлар бажарилади;

- туман (шаҳар) Давлат ер кадастри китобини ҳамда, корхона, муассаса ва ташкилотлар ер кадастри китобини ўз вақтида тўлдирилиши, шунингдек, ер участкаларига доимий фойдаланиш бўйича Давлат далолатномаларига ўзгаришлар киритиш;
- ер кадастри учун план-харита материалларидан фойдаланиш, қайси хўжаликларда ва қандай майдонлarda юқори сифатли план-харита материалларини мавжудлиги, қандай майдонларда планларни корректировка қилиш ва янги тасвирга олишни бажариш;
- ширкат, жамоа, давлат хўжаликларида ва хўжаликларо қишлоқ хўжлик корхоналаридағи жорий ўзгаришларни график ҳисобини юритишида план-картографик материаллар қандай фойдаланилади;
- қандай майдонларда, қайси хўжаликларда суғориладиган ерларни йўқлама қилиш ишлари ўтказилган;
- туманда тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий жихатдан баҳолаш бўйича қандай ишлар бажарилган;
- туман ер ресурслари хизматини ходимлар билан таъминланиши, уларнинг маълумотлари ва касбий қўнимларни, умумий ва касбий меҳнат фаолияти (муддати) тўғрисида маълумотлар берилади. Хўжаликларда ер кадастрини юритишини кимлар таъминлайди, уларнинг таянч маълумоти тўғрисида ҳам маълумотлар тайёрланади.

Тўлиқ ҳолда тузилган туман ер баланси, туман ҳокимиятида кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Туман ҳокимиятида тасдиқланган ер баланси хақиқий кучга эга бўлади ва 10 кун ичида вилоят ер ресурслари бошқармасига топширилади.

### **Мустақил ўрганиш учун саволлар**

1. Туман ер балансини тузиш тартиби қандай?
2. Ер балансининг таркибига қандай хужжатлар киради?
3. Ер баланси учун тайёрланадиган тушунтириш хатининг мазмунини қандай?
4. Ер баланси қандай тартибда тасдиқланади?

## 22-шакл

Кимга топширилди \_\_\_\_\_

(қабул қилувчининг мазмуни)

тумани (шаҳри)  
вилоятиЎзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси  
билин келишилган

1992 йил 14 август 11:48 – 273-сон

Ердан фойдаланувчиларда қишлоқ хўжалик ер турларининг мавжудлиги ва уларнинг тақсимланиши бўйича

2005 йил 1 январгача бўлган

ҲИСОБОТ (гектар ҳисобида)

Т. р	Ердан фойдаланувчилар ва ер тоифаларининг номи	Са- тр- лар	Ер эга- лари ва еर- дан фой дала нув- чи- лар	Уму мий ер майд они	Экин ерла ри	Шу жум- ладан иссиқ хона- лар	Кўп йиллик дараҳтзорлар					Бўз ерлар	
							Жа- ми	Шу жумладан					
								Боғ лар	ток- зор- лар	Тут- зор- лар	мева- ли кў- чат- зор- лар	Бош- Қа кўп йил- лик да- раҳт- зор- лар	
1	2	2	3	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Қишлоқ хўжалик кооператив (ширкат)лари	01											

## **4.3. Вилоятда ер кадастрини ташкил этиш ва юритиш**

### **4.3.1. Вилоятда юритиладиган ер кадастрининг мазмуни ва аћамияти**

Вилоятда қишлоќ хўжалиги ишлаб чиќаришини ривожлантиришда унда мавжуд бўлган ер ресурсларининг ҳукукий, табиий ва хўжалик холатлари тўғрисида чуқур ва ҳар томонлама маълумотларга эга бўлиш муҳим аћамиятга эгадир. Бунда вилоятда юритилаётган ер кадастри ишларининг натижалари катта аћамиятга эга. Чунки улар вилоят ерларидан фойдаланишнинг тўғрилигини, ер турларини таркибий ўзгаришини ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш воситаси ҳам хисобланади. Қайд қилиш зарурки, ҳар бир вилоят табиий шароитлари ва иќтисодий холати бўйича турличадир. Шу сабабли ҳам уларни иќтисодий жиҳатдан доимий ривожланишини таъминлаш учун ўз навбатида улардаги мавжуд ер фондининг ер турлари бўйича тавсифлайди. Уларнинг сифат холатлари, ҳар бир маъмурий туманлар бўйича тупроќ бонитировкаси ва ерларни иќтисодий жиҳатдан баҳолаш кўрсаткичлари асосида амалга оширилиши мумкин. Демак, вилоятда ер кадастрининг асосий вазифаси - бу маъмурий туман ёки алоҳида табиий-иќтисодий минтақалар бўйича қишлоќ хўжалиги ишлаб чиќаришини ривожлантириш шароитлари ва хусусиятларини аниқлашга имкон берадиган маълумотлар олишдан иборатdir.

Вилоятда ер кадастри маълумотлари катта амалий аћамият касб қиласи. Жумладан, қишлоќ хўжалиги ишлаб чиќаришини тўғри жойлаштириш, ихтисосликларни илмий асосда белгилашда, қишлоќ хўжалигини саноат асосида қайта ташкил этишда ер кадастри маълумотларидан фойдаланилди. Ер кадастри маълумотлари асосида маъмурий туманда ердан фойдаланиш, жумладан сугориладиган ерлардан фойдаланиш даражаси ва хўжаликларнинг ишлаб чиќариш фаолияти таълил қилинади. Шу асосда ердан ҳамда бошқа ишлаб чиќариш воситаларидан келгусида юқори даражада фойдаланиш имкониятлари аниқаланди. Ер тутғрисидаги аниқ маълумотлар вилоят ҳокимияти органларига ҳамда ушбу ҳудудни тўғри бошқариш учун зарурдир. Булардан ташқари, ер турларини яхшилаш, мелиоратив тадбирларни ўтказишни режалаштириш, бу тадбирларни ўтказиш учун давлат бюджетидан маблаѓлар олишни асослаш учун ҳам ер кадастри маълумотларидан фойдаланилди.

Вилоятда ер кадастри маълумотлари ер ресурсларидан фойдаланиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш учун зарурдир. Ер кадастри маълумотлари бўйича энг аввало ер майдонларини асосий маќсадларга биноан фойдаланилаётганлиги назорат қилинади. Бу иш «Ерлардан фойдаланишни давлат назорати тутғрисидаги Низом»нинг талабларига биноан ўтказилади.

Ер кадастри маълумотлари айни́кса давлат ва жамоат маќсадлари учун ер ажратиш йўли билан вилоят ер фондини тарқатиш ва ёйта тарқатишда катта аћамият касб ёилади. «Ер кодекси»га биноан ер участкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маћкамаси, вилоятлар ва туманлар ђокимиятларининг ёарорларига биноан ер ёконунларида кўзда тутилган тартибда ажратилади. Бунда ёишлоќ хўжалик ва ўрмон хўжалиги ерларидан бошќа маќсадлар учун ер ажратган таќдирда ёзириги кунда ушбу ажратилган ер майдонлари учун ёишлоќ ва ўрмон хўжалиги кўрадиган заарлар уларга тўланади. Айнан ушбу заарлар миќдорларини аниќлашда ёнам ер кадастри маълумотлари зарур бўлади.

Ёишлоќ хўжалиги ва умуман вилоят иќтисодиётини янада ривожлантириш тадбирларини муваффаќиятли амалга ошириш ер фонди ђолатини ёар томонлама билишни талаб ёилади. Ер кадастри ер миќдорини ва кенглиқда жойлашиши тўғрисидаги, ёаки́кий холати ва фойдаланиши бўйича ер фондининг тавсифи тўғрисида аниќ маълумотлар берилиши керак. Шу сабабли ёнам ер кадастрини асосий ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар гурухлари, ер турларининг таркиблари, алоћида маъмурий туманлар ёиркимида вилоят бўйича ерларнинг сифат холати ва баћолаш бўйича ўтказиш зарур. Бундай маълумотлар вилоятда асосий ер кадастрини ўтказиш натижасида олинади.

Жорий ер кадастрини юритиш натижасида вилоят ерлари таркибида ёнамда уларнинг таќсимотида юз берадиган барча ўзгаришлар ёритилади.

Вилоятда ер кадастрини ўтказишнинг асосий усули-бу хужжатлилик хисобланади, яъни ер кадастри маълумотларини олиш манбааси бўлиб турли хужжатлар хизмат ёилади. Бундай хужжатлардан энг асосийси-вилоят ер балансидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги ёконунига ёнамда Вазирлар Маћкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги 543-сонли ёарорига мувофиќ вилоят бўйича ёар йили ёишлоќ хўжалик ер турларининг миќдори, жорий йилда корхона, муассаса ва ташкилотларга ноќишлоќ хўжалик маќсадлари учун ажратилган ерлар ёакидаги малумотларни ёўшган холда ер турлари ва ердан фойдаланувчиларга уларнинг тарқатилиши тўғрисида хисбот тузилади. Ёар беш йилда бир марта вилоят ер баланси ер тоифалари, ер турлари ва ердан фойдаланувчилар бўйича ер таќсимоти тўғрисида, шунингдек ерларнинг сифат холати ва уларнинг баҳолари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган холда тузилади.

Бундан ташќари, вилоятда ер кадастри маълумотларини олиш учун тасвирга олиш, худудни кузатув, ер тузиш, ўрмон тузиш ва бошќа материаллардан фойдаланиллади. Кейинчалик бошќа табиий ресурслар тўғрисидаги кадастр маълумотларининг тўпланишидан олинган материаллар ва хужжатлар вилоят ер кадастрини юритишда ёулланиллади.

### **4.3.2. Маъмурий туман ва шаҳар ер балансини қабул қилиш тартиби**

Вилоятда амалгаа ошириладиган ер кадастри ишларидан бири-туман ва шаҳарлар ер балансларини текшириш ва қабул қилиш ҳамда вилоят бўйича йиғма ер балансини тузиш хисобланади.

Ер ресурслари вилоят худудий бошқармасининг давлат ер кадастри бўйлимига туманлар, вилоятга бўйсунувчи шаҳарлардан келиб тушган ер баланслари ер кадастри бўйича, жумладан ерларни хисобга олишни амалга оширувчи мутахассислар томонидан синчиклаб текширилади. Текшириш учун жорий хисботлар, кузатув ва ер тузиш маълумотлари, тасвирга олиш материаллари, шунингдек олдинги йиллар ер баланслари кенг кўлланилади.

Текшириш чоғида асосий эътибор ер балансидаги маълумотларнинг ҳаќқонийлиги ва аниқлигига қаратилади. Текшириш ишлари ер баланси маълумотларини бошқа хужжатлар билан таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Туман чегарасидаги ерларнинг умумий майдонларини текширишда маъмурий туман чегарасидан ташқарида ердан фойдаланувчиларнинг ер майдонларининг мавжудлиги, шунингдек бошқа туманлар ердан фойдаланувчиларининг майдонлари аниқланади. Бунда туманлар ер балансларининг маълумотлари бўйича туманлар аро алмасиниш ва ер ўлчамларининг келишилганлиги аниқланади. Бу маълумотлар туманлар ер балансларига илова қилинган худуддан ташқарида фойдаланилаётган ерлар тўғрисидаги маълумотларни таққослаш йўли билан амалга оширилади.

Ер балансига қўйидаги хужжатлар киради: ер тоифалари, ер турлари ва ердан фойдаланувчилар бўйича ерларнинг мавжудлиги ва уларни тарқатилиши тўғрисида хисбот; ер турлари ва ердан фойдаланувчилар бўйича сўғориладиган ерларнинг мавжудлиги ва уларни тақсимоти тўғрисида хисбот; шахсий фойдаланишдаги томорқа ерларисиз жамоа, ширкат ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи хўжаликларда қишлоқ хўжалик ер турларининг таркибий ўзгариши тўғрисида маълумотнома; давлат, жамоат ва бошқа мақсадлар учун доимий узоқ муддатга (3 йилдан ортиқ) ер ажратиш, ажаратилган ерлар ўрнига қишлоқ хўжалик ерларини ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигига фойдаланиш учун ерларни қайтариб бериш тўғрисида хисбот; давлат жамоат ва бошқа мақсадлар учун вақтинчалик фойдаланишга (3 йилгача) ер ажратиш тўғрисида хисбот; жамоа, ширкат ва қишлоқ хўжалиги билан шуғилланадиган бошқа хўжаликлар фойдаланишида бўлган қишлоқ хўжалик ерларининг сифат холати тўғрисида маълумот; сўғориладиган ерларни мелиоратив холати тўғрисида маълумотлар; тушунтириш хати ҳамда туман ҳокимиятининг ер балансини тасдиқлаганлиги тўғрисидаги қарор.

Ер балансининг тузилганлиги хужжатларда келтирилган маълумотларни таққослаш, шунингдек ердан фойдаланувчилар ва ер

турларининг бир гурухининг майдонларини танлов асосида назорат йўли билан текширилади.

Ер балансини қабул қилиш чоғида хисбот йилида туман ер фондида юз берган ўзгаришларнинг асосланганлигига алоҳида эътибор берилади. Ҳисбот йилидаги ер балансининг маълумотларини олдинги йилдаги маълумотлар билан таққослаш йўли билан фарқлар аниқланади.

Ер балансини қабул қилиш чоғида давлат, жамоат ва бошқа мақсадлар учун ажратилган ерлар ўрнига қишлоқ хўжалик ерларини ўз вақтида ўзлаштирилганлигига, олдин ажратилган ерларни қишлоқ ва ўрмон хўжалигида фойдаланиш учун ўз вақтида қайтариленганлигига, шунингдек ерларни ўзлаштириш учун пул маблагини ўз вақтида тушганлигига ва ундан тўғри фойдаланилганлигига алоҳида эътибор берилади.

Ер турлари таркибини таълил қилишда ширкат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғилланадиган бошқа давлат хўжаликларидағи асосий қишлоқ хўжалик ерлари майдонларининг камайишини қонунийлиги аниқланади. Бундай текшириш қишлоқ хўжалик ер турларининг ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотнома ҳамда ер балансига илова қилинадиган тушунтириш хати бўйича оширилади.

Суғориш ҳамда коллектор-зовур тармоқларига эга бўлган майдонларнинг ўзгариши айни́са жуда синчковлик билан текширилади. Ер балансининг бундай ерлар бўйича маълумотлари суғориш ҳамда коллектор-зовур тармоқли янги ерларни фойдаланишга топшириш тўғрисидаги статистик хисботларнинг маълумотлари, шунингдек хисбот йилида суғориладиган ерларнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар билан таққосланади. Агарда улар ўртасида фарқ мавжуд бўлса унинг қонунийлиги ва асослилиги аниқланади.

Асосий диққат-эътибор суғориладиган ерларнинг тўлиқ ёки қисман қишлоқ хўжалигига фойдаланилмасдан қолганлиги сабабларини таълил қилишга қаратилади. Агарда суғориладиган ерларда экилган экинларнинг бир қисми табиий офатлар натижасида нобуд бўлган бўлса, хисботга экинларни хисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома илова қилиниши ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларининг майдонини ошириш бўйича қабул қилинган тадбирлар кўрсатилиши зарур.

Ҳайдалма ерлар майдонини статистик органларнинг экин майдонлари тўғрисидаги маълумотлари билан таққосланади. Агарда фарқ мавжуд бўлса унинг сабаблари ва асослилиги аниқланади.

Ер балансини қабул қилишда асосий эътибор қўп йиллик мевали дарахтзорлар майдонлари ўзгаришини тахлилига ҳам қаратилади. Бу тахлил хисбот ва олдинги йиллардаги ер баланслари маълумотларини таққослаш йўли билангина ўтказилмасдан, балки хисбот йилида янги боғлар ва бошқа қўп йиллик дарахтзорлар яратилганлиги тўғрисидаги тезкор хисботлар маълумотларини келтириш йўли билан ҳам ўтказилади. Қишлоқ хўжалик корхоналида ерлардан фойдаланиш ҳолати тахлил қилинганидан сўнг бошқа гуруҳлардаги ердан фойдаланувчилар бўйича ерлардан фойдаланиш

характери ўрганилади. Ер балансини қабул қилишда туманда ердан фойдаланишнинг давлат назорати даврида ердан фойдаланишда ва ер кадастрини юритишда қандай камчиликлар очиб ташланди һамда уларни тугатиш учун қандай чора-тадбирлар белгиланганлиги тўғрисидаги маълумотлар һам ўрганилади. Ер кадастри бўйича мутахассис ер балансини текшириш натижасида ерлардан оқилона фойдаланиш һамда ер кадастрини яхшилаш учун ерларни һолатини кузатув ва янги тасвирга олишни ўтказиш зарурияти тўғрисидаги ер балансининг тушунитириш хатида берилган таклифларнинг асослилигига холоса беради.

Ер балансини текшириш даврида аниқаланган барча камчиликлар «Ергеодезкадастр» туман хизматида ер балансини тузиш билан шуғулланадиган мутахассис томонидан тўғриланиши зарур.

### **4.3.3. Вилоят ер балансининг мазмуни ва уни тузиш шартлари**

Барча туманлар һамда вилоят бўйсинувидаги шаҳарлар ер баланслари текширилганидан ва қабул қилинганидан сўнг вилоят йиғма ер баланси тузилади. Вилоят ер балансига һам туман ер балансига кирган хужжатлар киради.

Вилоят ер баланси 0,1 минг гектаргача аниқликда ва минг гектар ўлчам бирлигига тузилади. Шунинг учун ер балансига туширишдан олдин барча майдонлар миқдорлари 0,1 минг гектарга яхлитланади. Ер балансининг асосий хужжати ерларнинг мавжудлигига ва уларни ер тоифалари, ер турлари ва ердан фойдаланувчилар бўйича тарқатилиши тўғрисидаги һисобот (22-шакл) һисобланади. Ҳисоботда ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар, ер турларининг таркиби ва уларнинг таркибий қисмлари бўйича гурухлар келтирилади.

Суғориладиган ерларнинг мавжудлиги һамда ер турлари ва ердан фойдаланувчилар бўйича тақсимланиши тўғрисидаги хисобот (22а-шакл) қишлоқ хўжалик ер турлари доимий суғориладиган ва шартли суғориладиган ерларни ажратган холда суғориш тармоқларига эга бўлган ерларнинг мавжудлиги бўйича ердан фойдаланувчиларнинг асосий гуруҳларига тавсиф берилади. Ҳисоботга алоҳида илова тариқасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив холати тўғрисида маълумотлари берилади. Ҳисоботга илова қилинадиган шахсий фойдаланишдаги томорқа ерларисиз ширкат хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган қишлоқ хўжалик корхоналаридаги қишлоқ хўжалик ерларининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотномада вилоят қишлоқ хўжалик корхоналаридаги һайдалма ерлар, бўз ерлар, кўп йиллик дараҳтзорлар, пичанзорлар ва яйловлар таркибидаги хисобот йилидаги ўзгаришлар таҳлили берилади. Ўзгаришлар таҳлили асосий қишлоқ хўжалик ер турларининг умумий майдонлари бўйича, суғориладиган ерлар бўйича алоҳида амалга оширилади.

Давлат, жамоат ва бошқа мақсадлар учун доимий ва узок муддатга (3 йилдан ортик) фойдаланиш учун ер ажратиш, ажратилган ерлар ўрнига қишлоқ хўжалик ерларини ўзлаштириш ҳамда қишлоқ ва ўрмон хўжалигида фойдаланиш учун ерларни қайтариш тўғрисида хисобот тузилади. Ҳисобот йилида амалга оширилган саноат, гидротехник, темир йўллар, шаҳар ва бошқа қурилиш ишлари, қазилма бойликларни қазиб олиш учун ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжларига ер ажратиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Давлат, жамоат ва бошқа мақсадлар учун вақтинчалик (3 йилгача) фойдаланишга ер ажратиш тўғрисидаги хисобот ўз ичига геология-қидирав, топографик ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, ўрмончилик ташкилотлари, давлат заҳираси ва бошқа ердан фойдаланувчилар ерлари хисобига бошқа қидирав ишлари учун ер ажратиш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Беш йилда бир марта вилоятнинг ер баланси мукаммал кўринишда тузилади. Унда юқорида санаб ўтилган маълумотлардан ташқари тупроқлар унумдорлигига таъсир этувчи тупроқларнинг механик таркиби, рельефи, тупроқларнинг ювилиш даражаси, кислоталилиги, шўрланиши, тошлоқлилиги, боткоқланиши, ер ости сувларининг чуқурлиги ва бошқа белгилари бўйича асосий қишлоқ хўжалик ерларининг сифат холати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ер баҳолаш кўрсаткичлари келтирилади.

Санаб ўтилган хужжатлардан ташқари ер балансига кенг қамровли тушунтириш хати ҳам киради. Унда вилоят ер фонди таркибида юз берган ўзгаришлар асосланган ҳолда ёритилади. Маъмурий чегараларнинг ўзгариши, шунингдек вилоят ерларнинг умумий ва чегараларидаги ўзгаришлар бўйича майдонлари масалаларга алоҳида эътибор берилади. Агарда вилоятдаги ердан фойдаланувчиларнинг вилоят чегарасидан ташқарида ерлари бўлса, тушунтириш хатида ер турларининг таркиби бўйича ташқарида фойдаланилаётган ерларнинг ўлчамлари кўрсатилади.

Тушунтириш хатида вилотдаги ер кадастрининг ҳолатига «баҳо» берилади. Бу ерда давлат ер кадастри ишлари билан шуғилланаётган ходимлар, уларнинг маълумоти ишлаб чиқариш стажи ва малакалари тўғрисида маълумотлар келтирилади.

Вилоят ер баланси вилоят ҳокимиятида кўриб чиқилади ҳамда тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

#### **4.3.4. Вилоятда ер кадастрини ва ердан фойдаланишнинг давлат назоратини ташкил этиш**

Маълумки, ҳаракатдаги қонунларга мувофиқ вилоятда давлат ер кадастрини ҳамда ерлардан фойдаланишни давлат назоратини ташкил этиш вилоят ҳокимиятидаги «Ергеодезкадастр» бошқармасидаги ерларни хисобга олиш, улардан фойдаланиши ва муҳофазасини назорат қилиш бўлимига

юклатилган. Бундан ташқари, ћар бир вилоят бошқармасининг бошлиқлари вилоят ерларидан фойдаланиш ва муҳофаза ќилиш бўйича бош инспектор бўлиб хисобланадилар. Вилоятда ер кадастри ишлари амалий жиҳатдан «Ўздаверлойића» - республика илмий-лойићалаш институтининг вилоят бўлинмалари томонидан бажарилади. Уларнинг таркибида ер кадастри бўйича маҳсус ишлаб чиќариш бўлимлари ташкил этилган. Ер тузиш бўйича лойића институти ер кадастри маќсадлари учун тасвирга олиш ва кузатув ишларини, ердан фойдаланишни рўйхат ќилиш, ерларни миќдор ва сифат хисоби, тупроќ бонитровкаси ћамда ерларни иктиносидий жиҳатдан юймат баћосини аниќлаш ишларини бажаради. Бу ишлар асосий ва жорий ер кадастрини ўтказиш тартибида бажарилади.

Вилоят ћокимияти ќошидаги «Ергеодезкадастр» бошқармасининг бошлиғи, ердан фойдаланиш ва муҳофаза ќилишнинг назорат ќилишнинг вилоятдаги бош инспектори сифатида унг ќуйидаги вазифалар юклатилади:

- вилоятда давлат ер кадастрини юритиш;
- вилоят ер фондини ўрганиш бўйича давлат назорати ишларини, аћоли яшаш пунктлари ерлари билан биргаликда ширкатлар, жамоа, давлат хўжаликлари ва бошқа ќишлоќ хўжалик корхоналари, шаћар, туман ћокимиятларида ер кадастри ишларини юритилаётганлигини назоратини ташкил этиш ва амалага ошириш;
- туман хокимиятларидағи «Ергеодезкадастр» хизматларининг бошлиқлари, шунингдек ер тузвучи мутахассисларни ер кадастрини ташкил этиш масалалари бўйича назорат ќилиш;
- алоҳида ердан фойдаланувчилар томонидан ердан тўғри фойдаланишни назорат ќилиш;
- ќишлоќ хўжалик хариталарини тузиш ва ўз вақтида нашрга топшириш учун материалларни тайёрлаш;
- ер тузиш, тасвирга олиш, кузатув ва ер баћолаш ишларини ўз вақтида ћамда юќори сифатда бажарилишини назорат ќилиш;
- вилоят бўйича йиллик ер балансини тузишни ташкил ќилиш;
- ердан фойдаланишни яхшилаш ћамда ер кадастрини юритишни такомиллаштириш бўйича тадбирлар ишлаб чиќиш ва амалиётга тадбиќ ќилиш;
- тасвирга олиш ва кузатув материалларини, ер кадастри хужжатлари ћамда ердан фойдаланиш ва ер тузиш бўйича бошқа материалларнинг тўғри сақланишини назорат ќилиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун бош инспекторга ќуйидаги ћуќуќлар берилади:

- вилоят худудидаги барча туманлар, ширкат, жамоа хўжаликлари ћамда ер участкалари берилган барча корхона, муассаса ва ташкилотларга ћеч ќандай тўсиксиз ташриф буюриши ва уларнинг ћудудида ердан фойдаланиш бўйича давлат назоратини ўтказиши;

- ер кадастри ишларини юритиш тасвирга олиш, кузатув, рўхатга олиш, ер ҳисоби, ер баъолаш, хисботи ва ердан фойдаланиш бўйича бошқа хужжатлар ҳамда материалларнинг саёланиш холатларини текшириш;
- ердан фойдаланувчилардан ерлардан фойдаланишни тавсифлайдиган зарур материаллар ва хисботларни олиш;
- ерлардан фойдаланишда аниқаланган камчиликларни тузатилишини, шунингдек, ер кадастрини юритиш бўйича амалдаги йўрикномалар ва низомларнинг бажарилишини барча ердан фойдаланувчилардан талаб қилиши;
- туман хокимиятидаги ер ресурслари хизматларининг бошликлари ишларини назорат қилиши, ердан фойдаланишнинг давлат инспекцияси ишларига ер тузувчиларни, раҳбарлари билан келишган холда ширкат, жамоа хўжаликлари, корхона, муассаса ва ташкилотлардаги ер тузувчилар ва бошқа қишлоқ хўжалик мутахассисларини жалб қилиш;
- ер қонунларининг бузилганлиги тўғрисидаги материалларни зарур холларда, айборларни маъмурий ҳайъатга ёки жиноий жавобгарликка тортиш учун судга ошириши мумкин.

Ер кадастри ишларини ўтказиш ва умуман вилоят ерларидан фойдаланишни ташкил этиш, вилоятда ер муносабатларини тартибга солиш, ердан фойдаланишни давлат назоратини ўрнатиш ишларининг якунлари бўйича вилоят «Ергеодезкадастр» бошқармаси Республика «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитасига хисбот берадилар.

#### **4.4. Республикада ер кадастри. Миллий ер ҳисботи.**

##### **4.4.1. Республикада ер кадастрини ва ердан фойдаланишни давлат назоратини ташкил этиш вазифалари**

Республикада ер кадастрини юритиш ҳам вилоятда ер кадастрини юритиш каби мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида режали тарзда фойдаланиш мақсадида ер фонди тўғрисидаги аниқ ва зарурий маълумотларни олишни кўзда тутади.

Ер кадастри маълумотлари қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни илмий асосланган ҳолда жойлаштириш, ерларни мелиорациялаш, тупроқни сув ҳамда шамол эрозияларидан муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши, ер солиги миқдорларини белгилаш, ижара ҳакини аниқлаш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини режалаштириш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

Илмий-техникавий жараёнларни жадаллашганлик шароитида ер кадастри маълумотлари, биринчидан, қишлоқ хўжалигидаги ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича, иккинчидан, ерларни тармоқлараро муқобил тақсимлаш ва ерларни муҳофаза қилиш бўйича масалаларни ҳал қилиш учун зарурдир. Қишлоқ хўжалигига ердан

фойдаланиш бўйича оптималлаштириш масалаларини қўйиш ва ҳал қилиш мамлакатнинг у ёки бу минтақасида, қишлоқ хўжалигини юритиш учун ерларнинг яроқлилиги тўғрисидаги маълумотларни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан йирик масштабли тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий баҳолаш бўйича бажарилган ишлар катта аҳамиятга эгадир. Шу билан бир қаторда ер кадастри маълумотлари қишлоқ хўжалигига ерлардан фойдаланишнинг устуворлиги тўғрисидаги талабларни бузмаган ҳолда тармоқлараро муносабатларда ерларни муҳофаза қилишни таъминлаш учун зарурдир.

Ер кадастрини юритиш соћасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маћкамаси, давлат ҳокимияти маћаллий органлари ва маҳсус ваколат берилган давлат бошқаруви органлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси давлат ер кадастрини юритиш соћасидаги маҳсус ваколат берилган давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Республикада давлат ер кадастрини юритиш соћасида қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маћкамасининг ваколатларига киради:

- ер ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган ягона давлат сиёsatини ишлаб чиқиши;
- молиялаш ва инвестициялаш соћасидаги устивор йўналишларни белгилаш ва масалаларни ҳал қилиши;
- ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йили миллий ҳисоботни тасдиқлаш;
- ер участкаларига бўлган ҳукуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш тартибини белгилаш;
- топография – геодезия, картография ишларига ҳамда давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ бошқа ишларга лицензия бериш тартибини белгилаш;
- қонун хужжатларига биноан бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Давлат ер кадастрини юритиш соћасида қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ваколатларига киради:

- Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида давлат ер кадастрини юритишига доир ягона давлат сиёsatини амалга ошириш ва бу ишларни мувофиқлаштириш;
- давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиши;
- Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тайёрлаш;
- Давлат кадастри ягона тизимиға тақдим этиладиган ер кадастрига доир ахборотларнинг таркиби, ҳажмлари ва уларга қўйиладиган техник талабларни белгилаш;
- шаҳар ва посёлкаларда давлат ер кадастрини юритилишини ташкил этиши;

- давлат ер кадастрини юритиш учун зарур бўлган аэрокосмик суратлар, турли масштаблардаги план-картографик асослар, топографик ишлар ва маълумотлар билан белгиланган тартибда таъминлаш;
- туманлар ва аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаш) га доир ишларни ташкил этиш ва юритиш;
- меъёрий хужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Мамлакатда давлат ер кадастрини ташкил этиш билан «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳамда унинг таркибига кирган “Давлат кадастрлари” бошқармаси шуғулланади.

Давлат ер кадастри ва ерларни ҳисобга олиш бошқармасига республикада ер фондида ер кадастрини юритиш, республика ер балансини тузиш, вилоятларда давлат ер кадастрини юритишни ташкил этиш ва назорат қилиш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ер кадастри ҳисоб ва ҳисобот хужжатларининг янги шаклларини ишлаб чиқиш, йўриқномалар, қоидалар ва кўрсатмалар тайёрлаш юклатилган.

Қўмита шунингдек ер тузиш, ер мониторинги ва давлат ер кадастрини юритиш билан боғлиқ маҳсус тадқиқотлар ва изланишларни, лойиҳалаш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган аэрокосмик суратга олиш материаллари, турли масштаблардаги план-картографик материаллар, топографик ишлар ва маълумотлар билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ер тузиш, ер мониторингини амалга ошириш ва давлат ер кадастрини юритиш бўйича бош буюртмачи ҳисобланади.

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-loyiҳa институти бош лойиҳаловчи – дастлабки лойиҳа, лойиҳа ишлари, қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган режалаштириш ва картография материалларини тайёрлаш ва нашр этиш ҳамда ер тузиш, ер мониторинги ва давлат ер кадастрига боғлиқ бошқа изланишларни бажарувчиси ҳисобланади.

Тупроқшунослик ва агрокимё институти тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ва қайта тиклаш билан боғлиқ илмий ишлар, бошқа тадқиқотлар ва изланишларни бажарувчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси раиси Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бош давлат инспектори ҳисобланади.

«Ергеодезкадастр» Давлат қўмитаси раисининг ўринbosарлари ўз навбайтда Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бош давлат инспекторининг ўринbosарлари ҳисобланадилар.

#### **4.4.2. Республика бўйича ер балансини тузиш. Миллий ер һисоботи**

Республика ер фондининг хуқуқий, табиий ва хўжалик ҳолатлари тўғрисидаги барча маълумотлар мажмуаси республика ер балансида жамланади. Вилоятлар ер баланслари вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланади ва бир хафта муддат ичida «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитасига тақдим этилади.

Ер балансини қўмита томонидан қабул қилишда, зарурий хужжатларнинг мавжудлиги, уларни тўғри тузилганлиги ҳамда ердан фойдаланувчилик гуруҳлари, ер турларининг таркиби ҳамда һисобот йили учун уларнинг сифат ҳолатлари бўйича ер фондининг тақсимланиши ва ўзгаришларининг асосланганлиги текширилади. Ушбу маълумотларни таълил қилиш ва текшириш вилоят ҳамда маъмурий туманлар бўйича амалга оширилади.

Текширилган ва қабул қилинган вилоятларнинг ер баланслари асосида республика миқъёсида ер баланси тузилади. Республика ер балансида республика ва вилоятлар бўйича фойдаланувчилик, ер турлари бўйича ер фондининг тавсифи келтирилади. Республика ер балансига ер фондини ердан фойдаланувчилик ва ер турлари бўйича тақсимланиши бўйича һисобот ва алоҳида тарзда сугориладиган ерларни ердан фойдаланувчилик ва ер турлари бўйича мавжудлиги ва тақсимланиши тўғрисидаги һисобот киради. Ҳисобот иловаларида ерларни тақсимланиши ҳамда ҳисобот йилида ердан фойдаланишда юз берган ўзгаришлар таълими берилади. Ушбу ўзгаришларнинг асоси республика ер балансининг тушунтириш хатида келтирилади. Ер фондининг ҳолатини, уни ер турлари ва ердан фойдаланишлар бўйича тақсимланишини тўлароқ тавсифлаш ва кўргазмалилигини таъминлаш учун ер баланси график-чизма материаллар билан тўлдирилади. Беш йилда бир марта Республика ер баланси ерларнинг сифат ҳолати ва баҳолаш маълумотлари билан тўлдирилади.

Республика ер баланси Вазирлар Маъкамасида маҳсус қарори билан тасдиқланади. Ер фондининг ҳолати, уни ер турлари ва ердан фойдаланувчилик бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлардан кенг миқъёсда фойдаланиш учун ер балансининг асосий кўрсаткичлари ҳар йили маҳсус статистик тўплам сифатида чоп этилади.

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисобот ҳар йили тайёрланади ҳамда бутун мамлакат ва маъмурий – ҳудудий бирликлар бўйича ерларнинг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда уларнинг баҳоси, ерларни тоифаларга бўлиниши, тармоқлар, ер участкаларидан фойдаланувчилик, ер участкаси ижарачилари, мулкдорлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотларни ва ер кадастрига оид бўлган бошқа ахборотларни ўз ичига олади.

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботга киритиладиган маълумотларни тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **4.4.3. Дунё ер фонди таркибида Ўзбекистон Республикаси ер майдонларининг тавсифи**

Ўзбекистон Республикаси ер фондига тавсиф беришдан олдин дунё бўйича мавжуд бўлган ер майдонлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтиш лозим.

Расмий маълумотларга асосан ер шарининг умумий майдони 51,0 млрд. га деб эътироф этилади. Ушбу майдоннинг қуруқлик қисми 14,8 млрд. га ни ташкил этади. Шунинг 1,4 млрд. гаси доимий музликлар билан қопланган. Шундай экан, амалда инсоният тасарруфида 13,4 млрд. га ер майдони қолади. Бугунги кунда ушбу майдоннинг 10,8 фоизи, яъни 1457 млн. гасини инсонлар томонидан бевосита фойдаланилмоқда ва турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда иштирок этмоқда. Умумий майдондан 2987 млн. гаси, яъни 22,3 фоизи яйловлар билан банд, 4041 млн.гаси (30,1 фоизи) – ўрмонлар ва 4907 млн. га (36,8 фоизи) - бошқа ерлар билан банд.

Дунё ер майдонлари миқдор жиҳатидан катта бўлишига қарамасдан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун ерларнинг ўзлаштириш даражаси унчалик катта эмас (33,1 фоизни ташкил этади). Ерларни энг юқори қишлоқ хўжалик ўзлаштирилиши Австралия ва Океанияда (59,8 фоиз), ундан камроқ Европада (48,7 фоиз) ва Осиёда (35,4 фоиз). Қишлоқ хўжалик ўзлаштирилиши Жанубий Америкада пастроқ (25,1 фоиз), Шимолий ва Марказий Америкада (28,1 фоиз).

Ўзбекистон Республикасининг ер фонди тўғрисида сўз юритиладиган бўлса шуни қайд қилиш мумкинки, «Ергеодезкадастр» Давлат қўмитасининг берган маълумотларига қараганда, 2005 йил 01 январь ҳолати бўйича мамлакатнинг умумий ер фонди 44410,3 минг гани ташкил этади. Ушбу майдоннинг 9,1 фоизини, яъни 4056,2 гасини ҳайдалма ерлар, 342,6 минг гасини (0,8 фоизи) кўп йиллик дарахтзорлар, 22209,7 минг гасини (50,0 фоизи) яйловлар ва пичанзорлар ташкил этади. Республика ер фондини ер тоифалари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қўйидаги жадвалда келтирилади.

-жадвал

Республика ер фондининг ер тоифалари бўйича таксимланиши  
(2005 йил 01 январ ҳолатига)

Т.р	Ер тоифалари	Майдони	
		Минг га	Умумий майдонга нисбатан %
1	Кишлоқ хўжалиги ерлари	25477,7	57,4
2	Аћоли пунктлари ерлари	234,0	0,5
3	Саноат, транспорт, алоќа, мудофаа ва бошқа маќсадларга мўлжалланган ерлар	1928,1	4,3
4	Табиатни мућофаза ёилиши, соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий маќсадларга мўлжалланган ерлар	72,5	0,2
5	Ўрмон фонди ерлари	8409,2	18,9
6	Сув фонди ерлари	819,2	1,8
7	Заћира ерлари	7469,6	16,8
	Жами ер фонди	44410,3	100,0

1-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, республика умумий ер майдонининг 57,4 фоизи кишлоқ хўжалиги маћсулотлари етиштириш учун турли корхона, муассаса ва ташкилотларга ижара ҳукуки асосида берилган. 18,9 фоиз ерлар ўрмон фондини ташкил этади. Бугунги кунда давлат тасарруфида турган, ћеч бир тоифага ажратилмаган ерлар умумий майдонининг 16,8 фоизини ташкил этади.

Маълумки бугунги кунда республикамиз маъмурий чегарасида 12 вилоят ва Қорақолпоғистон Республикаси ћамда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаћри мавжуд. Ушбу маъмурий бирликлар бўйича ћам республика ер фондини асосий ер турлари бўйича таксимланиши тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтиш берилаётган тавсифни тўлдиради (2-жадвал).

2-жадвал

Республика ер фондининг вилоятлар бўйича таксимланиши (минг га.)

Т.р	Вилоятлар	Умумий майдони	Шу жумладан			
			Ҳайдал-ма ерлар	Кўп ўйллик дарахт-зорлар	Жами ё/ћ ерлари	Томор-ќа ерлар
1	Қорақолпоғистон Республикаси	16100,6	419,5	9,0	5293,8	46,3
2	Андижон	430,3	197,4	28,2	251,7	52,0
3	Бухоро	4193,7	199,6	23,5	2913,3	56,3

4	Жиззах	2117,8	477,7	15,7	1240,0	32,6
5	Қашқадарё	2856,8	668,4	34,0	2214,1	74,3
6	Навоий	10937,4	112,0	10,2	10137,8	19,7
7	Наманган	718,1	198,1	36,5	391,1	45,7
8	Самарқанд	1677,4	444,6	53,3	1299,1	83,1
9	Сурхондарё	2009,9	282,5	33,2	1167,7	58,9
10	Сирдарё	427,6	255,7	6,7	297,3	19,0
11	Тошкент	1526,3	334,3	40,4	767,9	54,1
12	Фарғона	700,6	255,0	37,9	317,5	66,0
13	Хоразм	681,6	210,9	13,9	402,2	44,2
14	Тошкент шаҳри	32,2	0,5	0,1	0,6	5,3
	Республика бўйича	44410,3	4056,2	342,6	26694,1	657,5

2-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, энг катта майдонлар Қорақолпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятига бириклирлган. Аммо ҳайдалма ерларнинг майдони бўйича Навоий вилояти энг кам майдонни ташкил этади, яъни умумий майдонига нисбатан бор йўғи 1,0 фоизни ташкил қиласди. Республика бўйича кўп йиллик дарахтзорлар умумий майдоннинг 0,8 фоизини ташкил қиласган. Кўп йиллик дарахтзорлар Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Наманган вилоятларида нисбатан катта майдонларни эгаллаган.

Республика ер фондига тавсиф беришда асосий ер турларининг 2005 йилдаги мавжуд майдонларни олдинги йиллар билан таққослаш муҳим аћамиятга эгадир (3-жадвал)

### 3-жадвал

Республика ер фонди таркибидағи асосий ер турлари майдонларининг ўзгариши

Т. р	Ер турлари	Майдони, минг га			2005 йил 1985 йилга нисбатан, %
		1985 й	1995 й	2005 й	
1	Умумий майдон Шу жумладан:	45585	44457,9	44410,3	97,4
2	Ҳайдалма ерлар	4203,5	4092,8	4056,2	96,5
3	Кўп йиллик дарахтзорлар	325,7	374,5	342,6	105,3
4	Бўз ерлар	46,8	69,2	85,6	182,9
5	Яйловлар ва пичанзорлар	23543,2	22502,7	22209,7	94,3
6	Томорқа ерлари	225,5	601,5	665,6	295,2
7	Мелиоратив тайёргарли ҳолатидаги ерлар	149,4	75,3	80,3	53,7
8	Ўрмонзорлар	1415,4	1254,7	1374,3	97,1

3-жадвалдан кўринадики, таълил даврида ҳайдалма ерлар 1985 йилга нисбатан 2005 йилда 3,5 фоизга, яйловлар ва пичанзорлар – 5,7 фоизга, мелиоратив тайёргарлик ҳолатидаги ерлар – 46,3 фоизга ва ўрмонзорлар – 2,9 фоизга камайган ва аксинча, кўп йиллик дарахтзорлар майдони 5,3 фоизга, бўз ерлар 82,9 фоизга ҳамда томорқа ерлари деярли 3 баробарга ошган.

Бундай таќкослаш натижалари бўйича маълум амалий хулосаларга келиш мумкин бўлади.

## V боб

### Ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш

#### **5.1. Иќтисодиёт тармоќларида ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш**

Ерни ҳар томонлама яхшилаш, унинг ћосилдорлиги ћамда иќтисодий самарадорлигини доимий равища ошириб бориш мамлакат иќтисодиёт тармоќларини, жумладан ќишлоќ хўжалигини келгусида ривожлантиришнинг муђим омилларидан ћисобланади. Қишлоќ хўжалик маћсулотлари етиштириш ћажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ердан оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, ќишлоќ хўжалиги ишлаб чиқаришининг илмий тизимини ташкил этишни таќозо ќиласди.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар ќандай воситаларидан тўғри ва самарали фойдаланиш кўп жићатдан унинг энг муђим хусусиятлари ќанчалик чуќур ва ҳар томонлама ўрганилганлигига боғлиқдир. Бу энг аввало, ерга тегишли бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш, сугориладиган дећончилик минтаќаларида эса, айни́са, унинг хусусиятларини чуќур ўрганиш, илмий асосланган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишига изчиллик билан ёндошиш ва амалиётда тўпланган илғор тажрибаларга риоя ќилинган ћолда ташкил этилиши мумкин. Бунда албатта давлатнинг асосий ташкилий тадбирларидан бири ћисобланган ер кадастрининг ћам аћамияти беќиёсdir.

Ўзбекистон Республикасида жадаллик билан иќтисодий ислоћатларнинг амалга оширилаётганлиги бозор муносабатларини изчиллик билан хаётга тадбиќ этилаётганлиги, «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги, «Дећон хўжалиги тўғрисида» ги, «Қишлоќ хўжалиги тўғрисида», ги, «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги ва бошқа ќонунларни ћамда меъёрий хужжатлар ќабул ќилиниши ер кадастрига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириб юборди. Бу сўзиз ќонуний ћолдир, чунки ердан фойдаланиш билан боѓлиќ бўлган барча ћукуй, ташкилий ћамда техник масалаларнинг тўғри ва асосли ћал ќилинишида ћам ер кадастри маълумотларидан фойдаланилади.

Хўжалик юритишни турли-туман шаклларининг мавжудлиги, ќишлоќ хўжалиги ривожланиш даражасининг хилма-хиллиги, республика регионлари табиий, иќтисодий, демографик шароитларининг ранг-баранглиги ерга бўлган мулкчиликнинг турли шакллари ривожланишини таќозо ќиласди. Бунда асосан, у ёки бу хўжалик юритиш шаклини ривожланишининг бош мезони бўлиб ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўрсаткичи бўлмоѓи зарур. Юќори рентабеллик кўрсаткичига эга бўлган

ширкат ва бошқа хўжаликлар ўз фаолиятини давом эттираверадилар. Лекин мулкчилик муносабатларининг такомиллашиб бориши уларнинг ҳам бошқарув тизимларида чуқур ўзгаришларни юз беришига олиб келади. Бу ўзгаришлар асосан хўжалик бошқарувига иқтисодий усулларни изчиллик билан жорий қилишни кўзда тутади. Бунинг натижасида хўжаликларга тўлиқ эркинлик беришга имконият яратилади. Муаммоларни ҳал қилишда ҳам ер кадастри маълумотларидан жумладан ер баҳолаш материалларидан кенг кўламда фойдаланилади.

Маълумки, аҳолининг ўсиши уни энг биринчи галда, ер майдонларига бўлган талабини оширади. Жамиятда мавжуд бўлган ерларнинг барчаси ҳам юқори унумдорли, қишлоқ хўжалиги нуқтаи назардан яхши ерлар эмас, албатта. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнида юқори унумдорли ер майдонлари билан бир қаторда унумдорлиги паст бўлган ерлардан ҳам фойдаланиш зарур бўлади. Бунда албатта етиштирилган ҳар бир маҳсулот бирлигига сарф бўладиган моддий ва меҳнат харажатлари унумдорлиги юқори бўлган ерларга нисбатан 1,5-2,0 баробар бўлади. Бундай ҳолатларда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш баҳоларини табақалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу каби масалаларни ҳал қилишда ҳам ер кадастри маълумотларидан фойдаланилади.

Ер кадастри маълумотлари қўйидаги қатор масалаларни тўғри ва объектив ҳал қилишда ҳам маълум амалий аҳамият касб қиласди. Масалан: қишлоқ хўжалиги тармоқларини жойлаштирилишини иқтисодий асослаш; маҳсулотларни сотиб олиш баҳоларини белгилаш ҳамда уларни минақалар бўйича табақалаштириш; ер солиғи ставкаларини ва ер учун ижара ҳақларини белгилаш; қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш асосида ер ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаларини аниқлашда, ер тузиш лойиҳаларни асослашда бошқа масалаларни ҳал этишда.

Ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш чегараси ер ресурсларидан фойдаланишни башоратлаш ҳамда режалаштириш ишларини йўлга қўйилиши муносабати билан янада кенгайди. Чунки, ер кадастри материаллари асосида ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкаси, ижарачилари ва ер турлари нисбатларини асосли тарзда белгилаш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ер майдонларидан фойдаланишнинг жадаллашганлик даражаларини аниқлаш имконияти туғилади.

Ер кадастри маълумотлари айниқса хўжаликларо ва ички ер тузиш лойиҳаларини иқтисодий жиҳатдан асослашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бозор муносабатлари ривожланаётган ҳозирги даврга келиб, ер баҳолаш материалларидан ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишни тартибга солишда фойдаланишга зарурият айниқса якъол сезилмоқда. Чунки айнан шу асосда ушбу масалаларнинг энг мақбул ечимларини топиш мумкин бўлади. Ер ҳисоби ва ерларни баҳолаш маълумотлари ширкат

хўжаликларининг ички хўжалик ер тузиш лойићаларини иќтисодий жићатдан асослашда ёам мућим аћамиятга эга.

Умуман ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш соћаси кенг ёкамровлидир. Бу соћаларнинг барчаси асосий ишлаб чиќариш воситаси ёисобланган ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ёамда уларни зарурий даражада мућофаза қилишга йўналтирилгандир.

### **Мустаќил ўрганиш учун саволлар.**

Суѓорма дећончилик шароитида ер кадастри ёндай амалий аћамиятга эга? Кишлоќ хўжалигига амалга оширилаётган иќтисодий ислоћатларнинг ёуќукий асослари нималар?

Иќтисодиёт тармоќларини бозор муносабатларига ўтказишни изчиллигини таъминлашда ер кадастрининг ёндай маълумотларидан фойдаланилади? Ер кадастри маълумотлари ёндай хўжалик масалаларини ёал қилишда ёўлланилади?

## **5.2. Кишлоќ хўжалик корхонасининг ишлаб чиќариш фаолиятини таћлил қилишда ер кадастри маълумотларини ёўллаш**

Маълумки, қишлоќ хўжалигига ер, маћсулотлар ишлаб чиќаришда тўғридан-тўғри асосий ишлаб чиќариш воситаси сифатида қатнашади. Етиштириладиган маћсулотларнинг миќдори ер майдонларининг ўлчамларига ёамда сифат хусусиятларига боѓли́дир. Ернинг унумдорлиги ёнчалик юкори бўлса етиштириладиган маћсулотнинг миќдори ёам шунчалик кўп бўлади ва аксинча. Шундай экан, қишлоќ хўжалик корхоналарининг фаолияти уларга биритирилган ер майдонларининг сифатига тўғридан-тўғри боѓли́дир. Ушбу боѓли́клини миќдорий жићатдан аниќлаш ёамда хўжалик юритувчи қишлоќ хўжалик субъектларининг фаолиятига тўғри баҳо бериш учун таћлил қилишда ер кадастри, аниќроғи ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш маќсадга мувофиќдир.

Кишлоќ хўжалиги корхоналари фаолиятини ер баҳолаш маълумотлари асосида таћлил қилиш яхши ишлаб чиќилган услубиятлардан бири ёисобланади. Таћлилнинг асосий вазифаси – алоћида олинган қишлоќ хўжалик корхонаси ёки унинг бўлинмалари ишлаб чиќариш натижаларига таъсир этувчи объектив ёамда субъектив омилларни бир-бирларидан ажратган ёлда хўжалик юритишга тўғри баҳо бериш ва улар фойдаланаётган ер, моддий ва мећнат ресурслардан фойдаланиш даражаларини аниќлашдан иборатдир. Булардан ташќари, таћлил натижасида аниќланган қолоќлик сабабларини очиш ва уни тугатиш йўлларини кўрсатиш, ишлаб чиќаришни юксалтириш имкониятларини

топиш ҳамда хўжалик юритишининг самарадорлигини оширишдан иборат вазифалар ҳам бажарилади.

Ю́коридаги масалаларни тўғри ҳал қилиш учун биринчи навбатда таълил қилиш кўрсаткичларини бир-бирлари билан таќќосланишини таъминлаш зарур. Агарда ҳақиқий эришилган натижани, масалан, деҳќончиликда (ялпи маҳсулот қиймати, экинлар ҳосилдорлиги, соф даромад, фойда ва бошк.) ҳайдалма ерларнинг физик ва ҳақиқий майдонига нисбатан олинса, ҳосил бўлган нисбий кўрсаткичларни (1 га ҳисобида) таќќослаб бўлмайди, чунки бундай натижавий кўрсаткичлар унумдорлиги турлича бўлган майдонларда ҳосил бўлган. Ҳақиқатдан ҳам, унумдорлиги анча ю́кори бўлган масалан, 80 баллик ер майдонида етиширилган ялпи маҳсулот миёдорини 50 баллик ердан олинган шундай кўрсаткич билан, физик майдон ҳисобида таќќослаб бўлмайди. Чунки, бу кўрсаткичнинг миёдорлари бир хил бўлган таќдирида ҳам улар турлича харажатлар эвазига олинган бўлади. Шу сабабли ҳам таълил қилинувчи кўрсаткичларни зарурий таќќосланишини таъминлаш маќсадида ҳисоблаш натижалари бўйича оддий, аммо самарали кўрсаткич қабул қилинади. Бундай кўрсаткични олиш учун ишлаб чиқариш натижаларини физик майдонга эмас, балки кадастр майдонига нисбатан олиш тавсия қилинади. Кадастр гектари ( $P_k$ ) қуидаги ифода ёрдамида аникланади:

$$P_k = \frac{P_\phi * B}{100}$$

бу ерда,  $P_\phi$  - қишлоқ хўжалик ерларининг физик майдонлари, га;

*B* - ерларнинг баъоси, балл.

Қуидида, хўжалик фаолияти натижаларини асосий иќтисодий кўрсаткичлар бўйича таълил қилиш ва баъолашнинг услугиятини Хоразм вилояти Қўшкўпир туманининг бир қисм хўжаликлари мисолида кўриб чиқамиз. Қуидаги, 1-жадвалда ушбу туман хўжаликларидағи кадастр майдонларини ҳисоблаш натижалари келтирилади.

1-жадвал

Туман ҳужаликлари қишлоқ хўжалиги ерларининг кадастр майдонлари

Хўжаликлар	Ҳайдалма ерлар			Қишлоқ хўжалик ерлари		
	физик майдони, га	бонитет балли	кадастр майдони, га	физик майдони, га	бонитет балли	кадастр майдони, га
«Гулистон»	1340,0	80	1072,0	1891,0	80	1513,0
«Иттифоқ»	1324,0	72	953,0	1381,0	72	994,0
«Обод»	1865,0	70	1306,0	1946,0	70	1362,0
«Хоразм»	1013,0	60	608,0	1062,0	60	637,0
«Тошкент»	1807,0	60	1084,0	1860,0	60	1116,0

Кадастр майдонларини һисоблашда һосил бўлган натижалардан кўринадики, ер баҳолаш кўрсаткичи қанчалик юкори бўлса, кадастр майдони һам катта бўлади.

Хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлардан бири – бу ҳар гектар ҳайдалма майдонга тўғри келадиган ялпи маҳсулот қиймати һисобланади. Ушбу кўрсаткич бўйича таълил натижалари кўйидаги 2-жадвалда келтирилади.

## 2-жадвал

Суғориладиган ҳайдалма ерлардан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини етиширилган ялпи маҳсулот миқдори асосида таълил қилиш

Хўжаликлар	Физик майдони, га	Етиширилган ялпи маҳсулот, 1 га физик майдон һисобига	Кадастр майдони, га	Етиширилган ялпи маҳсулот, 1 га кадастр майдон һисобига		
«Гулистон»	1340,0	241,0	1	1072,0	301,2	3
«Иттифоқ»	1324,0	214,0	3	953,0	297,3	4
«Обод»	1865,0	208,0	4	1306,0	297,0	5
«Хоразм»	1013,0	206,0	5	608,0	343,2	2
«Тошкент»	1807,0	231,0	2	1084,0	385,1	1

2-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, туман хўжаликлари турли шароитларда ўз фаолиятларини амалга ошироқдалар. Масалан, «Хоразм» ва «Тошкент» хўжаликларини таъкослайлик. Бу хўжаликлар ҳайдалма ерларининг сифат кўрсаткичлари бир хил, яъни 60 балл. Аммо иккинчи хўжалик ўзининг ресурс салоҳиятидан унумли ва яхшироқ фойдаланганлиги сабабли биринчисига нисбатан 11,2 фоизга ортиқ ялпи маҳсулот етиширишга муюссар бўлган.

Ер майдонларининг сифат хусусиятларини һисобга олиш юкори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эга бўлган хўжаликларни ўз имкониятларидан тўла фойдалана олмаётганлигини һам аниқлашга имкон беради. Масалан «Гулистон» хўжалиги ялпи маҳсулот етишириш бўйича таълилга тортилган хўжаликлар ичida биринчи ўринни эгаллаган. Аммо ер майдонларининг сифат кўрсаткичини һисобга олган ҳолда таъкосласак бу хўжалик биринчи ўриндан учинчи ўринга тушиб қолади. «Хоразм» хўжалиги эса аксинча, бешинчи ўриндан иккинчи ўринга кўтарилади. Бу эса айнан ушбу хўжалик ер майдонларини сифат кўрсаткичи нисбатан паст бўлишига қарамасдан ер, моддий ва меҳнат ресурсларидан бошқаларга нисбатан унумли фойдаланганлигидан дарак беради.

Ер баҳолаш маълумотлари алоҳида хўжаликлар бўйича қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни объектив таълил қилиш имкониятини берибина қолмасдан, шу билан бирга, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш һамда суғориладиган ерлардан фойдаланишнинг мавжуд даражасини аниқлашга эришиш мумкин. Бунинг учун алоҳида

олинган хўжаликнинг майдон бирлигига бўлган ялпи маҳсулот кўрсаткичи илғор хўжаликнинг шундай кўрсаткичи билан тақкосланади. Илғор хўжалик деб, ҳар бир кадастр майдони ҳисобига етиштирилган маҳсулот миқдори энг юқори бўлган хўжалик саналади (3-жадвал).

### 3-жадвал

Суғориладиган ҳайдалма ерлардан фойдаланиш даражасини аниқлаш  
(фрагмент)

Хўжаликлар	Кадастр майдони,га	1 га кадастр майдони ҳисобига етиштирилган маҳсулот, минг сўм	Илғор хўжаликка нисбатан кам етиштирилган маҳсулот,			Ердан фойдаланиш даражаси, %
			Кадастргектар ҳисобига, минг сўм	Жами, минг сўм	Ҳақиқий етиштирилганига нисбатан, %	
«Гулистон»	1072,0	301,2	84,3	90369,6	21,9	78,1
«Иттифоқ»	953,0	297,3	88,2	84054,6	22,9	77,1
«Обод»	1306,0	297,0	88,5	115973,0	23,0	77,0
«Хоразм»	608,0	343,2	42,3	25718,0	11,0	89,0
«Тошкент»	1084,0	385,1	-	-	-	100,0

3-жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики, таълилга тортилган хўжаликлар ўз ер майдонларидан турли даражада фойдаланмоқдалар. Масалан, «Гулистон» хўжалигида суғориладиган ерлардан фойдаланиш даражаси 78,1 фоизни, «Иттифоқ» хўжалигида –77,1 фоизни, «Обод» хўжалигида –77,0 фоизни ташкил қиласиди. Бу маълумотлардан кўринадики, ушбу хўжаликлар ўз ер, меҳнат ва моддий ресурсларидан паст самарада фойдаланмоқдалар. Бу эса ўз навбатида ялпи маҳсулот миқдорларини ошириш бўйича бу хўжаликлар ҳам катта имкониятларга эга эканлигини ҳам кўрсатади.

Ҳўжалик фаолиятини таълил қилиш ҳамда суғориладиган майдонлардан фойдаланиш даражасини аниқлашда алоҳида экинларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда хўжаликлар Ҳақиқий олинган ҳосилдорлик кўрсаткичи билан тупроқ унумдорлигига мос келадиган ҳосилдорлик кўрсаткичи тақкосланади (4-жадвал).

### 4-жадвал

Гўза ҳосилдорлигининг кўрсаткичлари бўйича ер майдонларидан фойдаланиш даражасини ҳисоблаш

Хўжаликлар	Ернинг баҳоси, балл	Ҳақиқий олинган ҳосилдорлик, ц/га	Меъёрий ҳосилдорлик, ц/га	Фарқ(+,-) ц/га	Ердан фойдаланиш даражаси
«Гулистон»	82	28,7	32,8	-4,1	0,88
«Иттифоқ»	74	25,9	29,6	-3,7	0,88

«Обод»	62	26,8	24,8	+2,0	1,08
«Хоразм»	54	24,0	21,6	+2,4	1,11
«Тошкент»	60	30,2	24,0	+6,2	1,26

4-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, олдинги иккита хўжалик ерларининг унумдорлиги анча юқори бўлишига қарамасдан ҳақиқий олинган ҳосилдорлик миқдори анчагина паст. Натижада пахта экилган ерлардан фойдаланиш даражалари ҳам бу хўжаликларда пастдир. Кейинги хўжаликлар ерларининг унумдорлиги нисбатан паст бўлишига қарамасдан барча агротехник қоидаларга тўғри риоя қилганлари ҳолда нисбатан юқори ҳосил олишга эришганлар. Ердан фойдаланиш даражаси бу ерда ҳақиқий ҳосилдорлик кўрсаткичини меъёрий ҳосилдорликка нисбати билан аниқланган.

Меъёрий ҳосилдорликни аниқлашда асосан илмий ташкилотлар томонидан ер майдонларининг энг юқори унумдорлигига (100 баллга) мос келувчи экинларининг меъёрий ҳосилдорлик кўрсаткичларидан фойдаланилди. Бу кўрсаткичлар 5-жадвалда келтирилади.

#### 5-жадвал

##### 100 баллик ерга тўғри келадиган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Қишлоқ хўжалик экинлари	100 баллик ерда етиш- тириладиган ҳосилдорлик, ц/га	1 баллга тўғри келадиган ҳосилдорлик, ц/га
Пахта	40,0	0,40
Беда, 1-йил, соф ҳолда (пичан учун экилганда)	100,0	1,00
Қоплама экин тариқасида экилган беда, 1- йил	75,0	0,75
Дон учун экилган маккажӯхори	75,0	0,75
Иккинчи ва учунчи йилги беда	200,0	2,00
Бошоқли дон экинлари:		
Соф ҳолда экилганда	60,0	0,60
Қоплама экин тариқасида эктлганда	25,0	0,25
Силос учун экилган маккажӯхори	650,0	6,50
Хашаки лавлаги	950,0	9,50
Бир йиллик ўтлар (кўк поя)	300,0	3,00
Оралиқ экинлари (кўк поя)	250,0	2,50

Ушбу услубиятдан ва 5-жадвалдаги маълумотлардан фойдаланилган ҳолда хўжаликда экилган бошқа қишлоқ хўжалик экинлари эгаллаган ерлардан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатларини аниқлаш мумкин бўлади.

Шуни алоһида эътироф этиш жоизки, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияит натижаларига фақатгина ернинг унумдорлиги эмас, балки шу билан бирга қатор бошқа ишлаб чиқариш омиллари ҳам таъсир қиласди. Масалан, ялпи маҳсулотнинг миқдори ёки ҳосилдорликка унумдорлик билан бир қаторда сарфланган моддий ва меҳнат харажатларининг, асосий ва айланма фондларнинг миқдорлари, сугориш сувининг сарфи, ўғитлар миқдори ва бошқалар ҳам тўғридан – тўғри таъсир кўрсатади.

Олинган юқори ҳосилдорлик ердан фойдаланишнинг юқори даражасини билдирамайди, чунки у катта харажатлар эвазига етиширилган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, юқорида қайд қилинган омиллар ернинг баҳоси билан бир хил ўзаро боғлиқликда бўлмайдилар. Агарда ялпи маҳсулотнинг қиймати ва унга сарфланган харажатлар миқдори ернинг сифатига боғлиқ бўлса, асосий фондлар ва меҳнат ресурсларининг миқдорлари ерларни баҳолаш кўрсаткичлари билан унчалик боғлиқ эмас.

Шунинг учун ҳам ер майдонларидан фойдаланиш даражасини аниқлашда қуйидаги кўринишдаги кўп омилли регрессия тенгламасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

$$Y = a_0 + a_1x_1 + a_2x_2 + \dots + a_nx_n,$$

бу ерда,  $Y$  - ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм/га;

$a_0$  - тенгламанинг озод ҳади.

$a_1, a_2 \dots, a_n$ , - тенгламанинг номаълум ҳадлари.

$x_1, x_2, \dots, x_n$  - ишлаб чиқариш омиллари, яъни, 1 га майдон

ҳисобига сарфланган харажат, меҳнат, сув сарфи, ернинг баҳоси, сарфланган минерал ўғитлар ва ҳоказолар.

Маълум бўлган математик йўллар билан ёки маҳсус дастур ёрдамида компьютерда ҳисоблаш асосида тенгламанинг номаълум ҳадлари топилади. Натижада вужудга келган тенгламанинг  $x_1, x_2, \dots, x_n$  ларига қийматларини ўрнига кўйган ҳолда ялпи маҳсулот миқдорини аниқлаш мумкин. Худди шундай тенгламани экинлар ҳосилдорликларини ҳисоблашда ҳам фойдаланиш мумкин.

### Мустақил ўрганиш учун саволлар

1. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини чуқурлаштиришда ер кадастри маълумотлари қандай амалий аҳамиятга эга?
2. Қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятини таълил қилишда ер кадастри маълумотларини кўллаш қандай услубиятга асосан амалга оширилади?
3. Ердан фойдаланиш даражасини аниқлашда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш услубиятининг мазмуни нима?
4. Қишлоқ хўжалиги экинларининг мавжуд ҳосилдорликлари бўйича ердан фойдаланиш даражаси қандай аниқланади?
5. Қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболдаги ҳосилдорликлари ер баҳолаш маълумотлари асосида қандай амалга оширилади?

### **5.3 Ер тузишда ер кадастри маълумотларидан фойдаланиш**

Эътироф этиш жоизки, ер кадастри маълумотлари ер турларининг ресурс салоҳиятини аниқ тавсифлашга, шунингдек қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ҳудудий ташкил этиш бўйича илмий асосланган ҳисобкитобларни амалга оширишга имкон беради. Шу билан бир қаторда хўжалик ҳудудини ташкил этишда ер кадастри хусусан ер баҳолаш маълумотлари тўла фойдаланилмайди.

Ер кадастрининг барча таркибий қисмлари ер тузиш тадбирларининг асосига қўйилади. Бунда ер баҳолаш материалларига алоҳида эътибор бериш зарур. Негаки бу иш натижалари ҳам хўжаликларо ҳамда ички хўжалик ер тузишининг кўпгина амалий масалаларини илмий асосланган ҳолда ҳал қилишга имкон беради.

Яқин вақтларга қадар хўжаликларо ер тузишнинг хўжаликлар чегараларида учрайдиган хато – камчиликларни тугатиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни ишлаб чиқиши чоғида тупроқларининг сифатини ҳисобга олмасдан ер участкаларини тенг майдонли алмашуви амалга оширилар эди. Майдонларни ташкил этишга бундай механик ёндошув ўзини оқламайди ҳамда лойиҳаланаётган тадбирларни самарадорлигини баҳолашга имкон бермайди.

Алмашинадиган ер участкалари фақатгина сифат ҳолатлари бўйича қаралиши ва баҳоланиши зарур. Ер тузишнинг самарадорлиги эса ер участкаларининг маъсулдорлик имкониятларига қараб аниқланади. Бундай ҳолда ҳам юқоридаги каби шартли кадастр майдонидан фойдаланиш ўнгайдир. Кадастр майдони, келтирилган кўрсаткич каби тенглаштирилган майдон бўлиб, у ер тузиш тадбирлари самарадорлигин тўғри баҳолашга имкон беради.

Суѓориладиган дећончилик шароитида ўтказиладиган хўжаликларо ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқишида мавжуд тупроќ қатламишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. У кўпгина ҳолларда тупроќ – мелиоратив ҳолат билан бажарилаётган ишни мураккаблаштиради.

Ер баҳолаш материаллари аниқловчи кўрсаткич сифатида ҳозирги кунда мавжуд бўлган тупроқларни турли сифатлилигини ёритади. Ҳозирги даврдаги ерларни баҳолаш тупроқларнинг мелиоратив номутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда тупроќ турлари бўйича ўтказилади.

Бундан ташқари тупроқларнинг шу кундаги баҳосини ва сифатини аниқлаш билан бир қаторда уларнинг истиқболдаги баҳоси ҳам аниқланади. Ерларнинг мелиоратив ҳолати, ювилиш даражаси маҳсус тадбирларни ўтказиш натижасида яхшиланиши мумкин. Масалан, тупроқларнинг шўрланишини камайиши натижасида ювилиш даражаси пасайиши мумкин. Натижада тупроќ унумдорлиги нормал даражага етиши мумкин. Бу эса ўз

навбатида умумий тупроқ унумдорлигини келгусида оширишга имкон беради.

Ҳайдалма ерларни мелиоратив жићатдан маќсадга мувофиќ эмаслигини ћисобга олиш ќишлоќ хўжалик корхоналарида ердан фойдаланишини такомиллаштириш бўйича ўтказиладиган хўжаликларо ер тузиш масалаларини объектив ћал ќилишга имкон беради. Бундай ёндошув тупроќ унумдорлигини илғаб олишга, ер тузиш тадбирларининг зарурлиги ћамда уларнинг самарадорлигини аниќлашга имкон беради. Худди шундай тарзда ќишлоќ хўжалик корхоналари ерларидан ноќишлоќ хўжалик маќсадлари учун ер ажратиш масалалари ћал ќилинади.

Ички хўжалик ер тузишда ќишлоќ хўжалик ер турларининг ўлчамлари ва ћудудий жойлашуви, алоћида алмашлаб экиш массивлари, бригада участкалари, алмашлаб экиш далалари ва суѓориш участкаларининг ўлчамлари ва уларнинг ћудудий жойлашувини ер баћолаш кўрсаткичлари ёрдамида асослаш зарур.

Ер кадастри материаллари шуни кўрсатадики, ер баћолаш маълумотларидағи фарќ хўжалик бўйича катта ќийматга эга бўлиши мумкин. Демак, бошќа шароитлар бир хил бўлган таќдирда ћам ќишлоќ хўжалик экинларининг ћосилдорлик кўрсаткичларида катта фарќлар кузатилиши мумкин.

Шундай ќилиб, агарда ќишлоќ хўжалик экинлари экологик жићатдан энг маќбул ерларга жойлаштирилса ќўшимча сарф-харажатларсиз юќори ћосил олиш мумкин бўлади.

Экологик жићатдан энг маќбул ерлар деб шундай майдонлар тушуниладаки, ўзининг унумдорлиги бўйича ишлаб чиќаришнинг жадаллашганлигини кўрсатадиган мелиорация, кимёлаштириш, механизациялаштириш ва бошќа тадбирларга ќўшимча капитал маблаѓлар сарфланмасдан кам яроќли ерларга нисбатан ќишлоќ хўжалик экинларидан юќори ћосил олишга имкон берадиган ерлардир.

Олинган кўрсаткичлар ва ер участкаларининг унумдорлиги бўйича гурућлаш натижалари кадастр картограммасини тузишга имкон беради. Ерларнинг экологик яроќлилик картограммаси алмашлаб экиш тизимида асосий экинлар бўйича тузилади.

Кишлоќ хўжалик ер турлари ва алмашлаб экишни ташкил этишда ер баћолаш маълумотлари уларнинг таркибини белгилаш ћамда жойлаштиришга имкон беради.

Алоћида ќишлоќ хўжалик экинларини етиштиришнинг энг маќбул бўлган ћудуд чегарасидагина ќишлоќ хўжалик экинларини тўѓри жойлаштириш ва алмашлаб экишнинг оќилона тизимини яратиш мумкин.

Ердан фойдаланишнинг лойићаланган тартибини, жумладан, алмашлаб экишни ўзлаштиришдаги бузилишининг асосий сабабларидан бири ћам ќишлоќ хўжалик экинларини ўстиришда тупроќларнинг экологик яроќлилиги ћисобга олинмаётгани маълум. Бу эса аниќ бир ќишлоќ хўжалик экинининг биологик шароитларига тупроќнинг мос келмаганлигига олиб

келади. Афсуски, ер тузиш илми ва амалиёти бу масалага етарли эътибор бермасдан келди. Ер тузиш лойиҳаларида сифат кўрсаткичларига эмас, балки миқдор кўрсаткичларига катта эътибор бериб келинган. Эндиликда геометрик жиҳатдан тўғри, тенглик ва бошқа ҳудудни ташкил этиш талабларининг аҳамияти бўйича ўринлари ерларнинг сифат салоҳиятларидан оқилона фойдаланиш, сув билан таъминланганлик ҳамда сугориш шароити масалаларига ўрин бериш зарур.

Маълумки, сугориладиган минтақаларда хўжалик ер тузиш лойиҳасининг муҳим таркибий қисми бўлиб алмашлаб экиш майдонларини ташкил қилиш ҳисобланади. Бунда асосан далаларни жойлашириш, уларнинг сон ва майдон миқдорига муҳим аҳамиятга эга. Суғорма деҳқончилик хўжаликларида алмашлаб экиш даласи асосий ҳудудий бирлик ҳисобланиб, жойнинг сугориш шароитлари билан узвий боғлиқ бўлиши зарур. Алмашлаб экиш майдонларини ҳудудий жойлашиши ҳамда миқдорлари қатор омилларга боғлиқ. Жумладан, алмашлаб экиш майдонларига, қишлоқ хўжалик экинларининг алмашиш схемаси ва таркибига, далаларни ижарачиларга бириктириш тартибига, жойнинг ҳудудий хусусиятларига, тупроқ хилларига, экин майдонларини каналлар, коллекторлар, йўллар ва бошқа чизиқли элементлар билан бўлинганлигига ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Маълумки, алмашлаб экиш йиллар бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тенг миқдорда етиштирилишини таъминлаши зарур. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш воситалари ҳамда ишчи кучларидан тенг миқдорларда фойдаланишни билдиради. Шу сабабли ҳам тенг майдонли алмашлаб экиш далаларини лойиҳалашни тақозо қиласи. Умуман далаларни миқдор жиҳатдан тенглигини баҳолашда уларни ҳақиқий майдонлари далаларнинг ўртacha қиймати билан таққосланади. Қадимдан сугориладиган минтақаларда, ҳайдалма ерлар турли сугориш тармоқлари, йўллар ва жойдаги бошқа чизиқли элементлар билан бўлингани сабабли тенг майдонликни таъминлаш мураккб масалардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам одатда ҳақиқий майдонлар учун уларнинг ўртacha қийматидан 13,0-17,0 фоиз фарқ қабул қилинади. Алмашлаб экиш далаларини қабул қилинган тенглиги шароитида қишлоқ хўжалик экинлари майдонларининг доимийлиги фақат бир хил сифатдаги тупроқли алмашлаб экиш массивида сақланиши мумкин. Хилма-хил тупроқли алмашлаб экиш массивларида қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи маҳсулот ҳажмлари алоҳида далаларнинг тупроқ унумдорлиги турлича бўлганлиги сабабли ҳам йиллар бўйича ўзгариши мумкин. Демак етиштириладиган маҳсулотларнинг тенглигига далаларнинг миқдорларидан ташқари экин майдонларининг сифати ҳам таъсир қиласи.

Тузилган хўжалик ер тузиш лойиҳаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики ўрганилган, 160 бригададан 92 тасининг ер майдонлари 72-80, қолганлариники эса 52-70 балл билан баҳоланганди. Битта хўжалик ҳудудида

жойлаштирилган 2 та алмашлаб экиш далалари сифатлари бўйича қўйидаги баҳоларга эга бўлган ҳолда жойлаштирилган (1-жадвал).

1-жадвал  
Далаларини жойлашиши бўйича бонитет баллари

Алмаш- лаб экиш тартиб сони	Алмашлаб экиш номлари ва схемалари	Ўртача бонитет бали, балл	Шу жумладан далалар бўйича									
			I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
1	Пахта-беда- дон1:2:4:1:2	72	70	82	64	74	80	80	70	58	60	64
2	Пахта-дон 1:2:1:2:1:2	60	64	74	80	60	72	38	40	42	40	44

1-жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, ҳақиқатдан ҳам далалар сифати бўйича турлича жойлаштирилган. Масалан, биринчи алмашлаб экиш бўйича баъзи далаларнинг сифати бошқаларига қараганда 1,5 баробар паст ҳолда жойлаштирилган. Бунда далалар майдонларининг миқдорлари teng бўлиши мумкин, аммо сифатнинг ёмонлиги ва пастлиги сабабли етиштириладиган маъсулотлар миқдорлари teng бўлмайди. Бу ушбу далалр бириктирилган ижаракиларнинг ишлаб чиқариш натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бундай тенгсизликка барҳам бериш учун ер баҳолаш маълумотларига мурожаат қилиш зарур. Ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланган ҳолда юқоридаги алмашлаб экиш далалари бўйича майдонларни тарқатилишини таълил қилиш қўйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал  
Хўжалиқда жойлаштирилган алмашлаб экиш далаларини  
тенглигининг таълили

Алмаш- лаб экишлар	Кўрсаткичлар	Умумий майдони, га	Шу жумладан далалар бўйича									
			I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
1	Ҳақиқий майдони Кадастр майдони A) ҳақиқий майдон бўйича Б)кадастр майдони бўйича	335,0 241,0	34,6 24,2	36,1 29,6	29,1 18,6	29,6 21,9	33,7 27,0	30,9 24,7	31,0 18,0	37,9 22,7	36,8 25,8	35,3 22,6
			1,1	2,6	4,4	3,9	0,2	2,6	2,5	4,4	3,3	1,8
			0,1	5,5	5,5	3,2	2,9	0,6	6,1	1,4	1,7	1,5

2-жадвалдаги маълумотлар кўрсатадики, ҳақиқатдан ҳам ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланмаган ҳолда далаларнинг майдонлари деярли қабул қилинган ўртacha майдонга mos келади. Аммо кадастр майдонлари бўйича баъзи бир далаларнинг майдонлари ўртacha қийматдан катта фарқ

қиладилар. Бу эса ўз навбатида далалар бўйича ялпи маћсулотлар миќдорларини турлича бўлишига олиб келади.

Шундай қилиб, бир хил миќорда ялпи маћсулот етиштиришни таъминлаш учун далаларни лойићалашда сугориладиган майдонларни сифати бўйича тенглаштириш зарур. Ҳар бир далани, уни ер баћосини ћисобга олган ћолда майдонини ћисоблаш учун ќуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$P_\delta = P_{урт} \pm \Delta P$$

бу ерда:  $P_\delta$  - ер баћосини ћисобга олган ћолда аниќланадиган даланинг майдони, га;

$P_{урт}$  -далаларнинг ўртача майдони, га;

$\Delta P$  - ўртача майдонга эга бўлган даланинг баћолаш баллари ћисобига фарќларига тузатма, га.

$$\text{Ўз навбатида: } \Delta P = \frac{B_{урт} - B_\delta}{B_\delta} * P_{урт};$$

Бу ерда:  $B_{урт}$  - алмашлаб экиш массивининг ўртача бонитет бали;

$B_\delta$  -ҳар бир алоћида олинган даланинг бонитет бали.

Юќоридаги тенгламаларни бирлаштириш асосида ќуйидаги ифода вужудга келади.

$$P_\delta = P_{урт} \pm \frac{B_{урт} - B_\delta}{B_\delta} * P_{урт};$$

Ушбу ифодадан фойдаланган ћолда ерларни сифатини ћисобга олиш асосида далаларнинг маќбул майдонларини ћисоблаш мумкин. Бундай майдонларни жойлаштириш натижасида уларда етиштириледиган ялпи маћсулотлар миќорнинг тенглигини таъминлаш мумкин бўлади.

### **Мустаќил ўрганиш учун саволлар**

1. Қандай ер тузиш ишларини бажаришда ер кадастри маълумотларидан кенг фойдаланилади?
2. Хўжаликларо ер тузиш ишларини иќтисодий асослашда ер баћолаш маълумотларидан ќай тартибда фойдаланилади?
3. Ноќишлоќ хўжалик маќсадлари учун ер ажратишни иќтисодий асослашда ер кадастрининг қандай маълумотларидан фойдаланилади?
4. Ички хўжалик ер тузишни ќайси масалаларини иќтисодий асослашда ер кадастри маълумотларидан фойдаланилади?
5. Фермер хўжаликлари майдонларини ташкил этишда қандай ер кадастри маълумотларидан фойдаланилади?

## VI боб

### Хорижий мамлакатларда ер кадастри

#### **6.1. Мустақил давлатлар ћамдўстлигига (МДұ) ер кадастрини юритиш хусусиятлари**

МДұ давлатларида ер кадастри асосан республикамизда юритилаётган давлат ер кадастрининг тамойилларига ћамда вазифаларига яќин услубда олиб борилади. Аммо шу билан бир ќаторда баъзи бир хусусиятларга эгадир. Бундай хусусиятлар асосан МДұ давлатларида ер майдонларининг бир ќисмини хусусийлаштирилганлиги, тўғридан – тўғри бозор муносабатларига тортилганлиги билан боғлиқдир.

Россия Федерациясида ер кадастрини юритиш асосан ер ресурслари ва ер тузиш Давлат ќўмитасига юклатилган. Давлат ќўмитаси ўз фаолиятини Россия Федерациясининг Конституциясига, ќонунларига, Президенти фармонларига, Давлат думасининг ва Россия Федерацияси ћукуматининг ќарорларига мувофиқ ћолда амалга оширади.

Россия Федерацияси ер ресурслари ва ер тузиш Давлат ќўмитасининг асосий вазифаларига ќуйидагилар киради:

- ерлардан оқилона фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, атроф муҳитни яхшилаш бўйича давлат сиёсатини ўтказиш;
- ерларни хусусийлаштириш билан боғлиқ бўлган ишларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўйича давлат назорати;
- давлат ер кадастри ва мониторингини юритиш;
- ер тузиш, давлат ер кадастри ва мониторинги ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- федерал ва бошқа ерлар тўғрисидаги маълумотлар банкини юритиш;
- ердан оқилона фойдаланиш ва хўжалик юритишнинг барча шаклларини ривожлантиришнинг иқтисодий манфаатдорлиги бўйича тадбирлар ишлаб чиқиши.

Ўзига юклатилган юќоридаги вазифаларга мос ћолда Россия Федерацияси ер ресурслар ва ер тузиш давлат ќўмитаси ќуидаги вазифаларни бажаради:

- ер муносабатларини тартибга солиш бўйича давлат сиёсатининг бош йўналишларини ишлаб чиқади;
- ер муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган маќсадли давлат дастурларини, ќисқа ва узоқ муддатли башоратлар ишлаб чиқишида ќатнашади;
- ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш давлат дастурларини ишлаб чиқади;

- ер тузишни ўтказиш, давлат ер кадастри ва мониторингини юритиш бўйича ишларни ташкил этади;
- ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг давлат назоратини амалга оширади;
- ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича илмий, услубий ҳамда моддий-техник тадбирларни таъминлайди;
- ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш учун топографо-геодезик, картографик, тупроқ, агрокимёвий, геоботаник ва бошқа тадқиқотлар ҳамда қидирув ишларини ташкил этади ва ўтказади;
- ер солиги ставкалари ва ерларнинг меъёрий қийматларини аниқлаш, шунингдек ердан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг иқтисодий манбаатдорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;
- ер ресурсларининг миқдори ва ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг ягона банкини яратади;
- ер тузиш ва ер кадастри хизмати учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- илмий-техник ва иқтисодий ҳамкорликни ташкил этади ва ҳоказолар.

Илмий-тарихий манбалар шундан гувоҳлик берадики, Россиядаги кадастр тўғрисидаги биринчи маълумотлар X асрга таалуқли бўлиб, у ҳам бўлса ер солигини йиғиш ва ерларни баҳолаш ишлари билан боғлиқдир. Кадастр чегаралаш ва ерларни ажратиш учун хариталаш бўйича ишларни юритиш тўғрисидаги биринчи қайдлар 1843 йилга тааллуқлидир. Россия ер кадастридаги картографик материалларда асосан рўйхатлаш, чегаралаш ва кузатиш дафтарларидан олинган маълумотлар бўлган. Бу маълумотлар асосан жода ерларни ўлчаш натижалари бўйича тузилган. Ерларни ўлчаш ишлари асосан «ўлчов иплари» (иплар 20,40,80 саженли, 1 сажен=2,1336 м) ёрдамида амалга оширилган. Ерлар сифати бўйича асосан «яхши», «ўртacha» ва «ёмон» га ажратилган.

XVIII асрнинг ўрталарига келиб ерларни чегаралаш ишлари ер эгаларининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш мақсадлари учун анча кенгайтирилди. 1765 йили ерларни давлат чегаралashi тўғрисида комиссия тасдиқланди. Россия империясининг ерларини чегаралаш бўйича ишлар асосан XIX асрнинг бошларига келиб якунланди. XVII асрнинг охирига келиб Россияда қишлоқ хўжалик ерлари ва ўрмон фонди ерлари эмас, ҳатто шаҳар ҳовлиларини ҳам қайд қилиш ва ҳисобини юритиш хужжатлари тузиладиган бўлди.

Ерга ва бошқа табиий ресурсларга давлат мулкчилигининг вужудга келиши муносабати билан уларнинг ва бошқа обьектларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг бир тизимга келтирилган тўплами сифатида кадастр турли минтақалар ва яхлит мамлакатни марказлашган иқтисодий бошқарувнинг муҳим бир механизм сифатида намоён бўлиши зарур эди. Шунинг учун ҳам табиий ресурсларнинг турларидан қатъий назар Россияда

яратилган барча кадастрлар давлатнинг тадбири бўлиб қолаверади ва улар ягона, аммо бир тармоќнинг ҳар бир ресурсга бўлган талабига мос ўтказилади.

Кадастр дунёning барча мамлакатларида юритилади. У ҳисоб-китоб, баъолаш, турли табиий ресурсларнинг, инженерлик фаолиятларининг ва экологик ҳолат тушунчалари билан узвий блгли́дир. Чет эл амалиётида “кадастр” тушунчасини кўпинча “кўчмас мулк” тушунчаси билан боғлайдилар. Айрим манбалар унга “ер участкаларининг миќдори, қиймати ва мулкчилиги бўйича маълумотларни ўзида жамлаган “ижтимоий қайднома” қоидасини берадилар, бошқалари эса “архив билан чамбарчас боғлиқ бўлган, чегараларни тасвирга олиш ва харитада график ёритилган, мулкнинг ҳолати, ҳукуки, табиати, ўлчамлари ва фойдаланишига асосланган барча кўчмас мулкнинг ижтимоий услубий ташкил этилган инвентари” қоидасини берадилар. Бунда кўчмас мулк деб уни устки қисми билан биргалиқда ерни ҳамда атроф муҳитни, ҳаво кенглигини, тупроқ остини, бино ва иншоатларни, турли-туман табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий воқейликларни тушуниш мумкин.

Бугунги кунда Россия Федерациясида юритилаётган кадастрни ўз моҳияти бўйича учта катта тоифага бўлиш мумкин: солик ёки фиксал – соликка тортиш тартиби ва миќдорларини аниқлаш маќсадида кўчмас мулкни тавсифлаш учун; ҳукукий ёки юридик – мулк эгалиги ҳукукларини ҳимоя қилиш учун; кўп маќсадли –кенг спектрдаги ҳукукий, иқтисодий, экологик, қурилиш масалалари, шунингдек ҳудудни ривожлантиришни бошқариш ва режалаштириш муаммоларини ҳал қилиш. Кўп миќсадли кадастр ўз ичига турли типдаги обьектлар: ер, ўрмон ва бошқа табиий ресурслар, инфратизимлар, ижтимоий-иқтисодий воқейликлар тўғрисидаги маълумотларни олади.

Юқорида берилган маълумотлар ва услубларни таълил қилиш республикамизда юритилаётган ер кадастрини назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ривожлантириш имконини беради.

### **Мустақил ўрганиш учун саволлар**

1. МДҶ давлатларида юритилаётган ер кадастрининг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Россия Федерациясида ер кадастрини юритиш қандай ҳукукий асосларга мувофиқ амалга оширилади?
3. Россия Федерацияси ер ресурслари ва ер тузиш давлат қўмитасининг асосий вазифаларига нималар киради?
4. Россияда ер кадастри тўғрисидаги биринчи маълумотлар қайси даврларга тўғри келади ва уларнинг асосий мазмuni нималардан иборат?
5. Марказий Осиё Республикаларида ер кадастри қандай тамойилларга мувофиқ ўтказилади?
6. Россия Федерациясида юритилаётган ер кадастри ўз моҳияти бўйича қандай тоифаларга бўлинади?

## **6.2 Ривожланган мамлакатларда ер кадастри**

Гарбий Европа давлатларининг кадастр тизими умумий жићатдан бир хилдир, яъни участкалар регистрини юритиш, кадастр хариталар тузиш ва Ѯуќуќий ёзувларни юритиш. Ривожланган давлатларда, яъни ер эгаликларини ћисоб ќилиш техникаси турличадир, шунга ќарамасдан кўчмас мулк участкаларининг реестри ћар бир мамлакатда мавжуд. Бундай реестр одатда ерларни рўйхат ќилиш ер китоби бўйича ёки унинг таркибий ќисми бўлиши мумкин. Кадастр учун тасвирга олишларнинг мажмуаси сифатидаги ва ерларни рўйхатга олиш, ќоидасига биноан, ягона ташкилий хизматни яратади. Баъзи ћолларда бу хизмат турлича йўналишларда иш бажаради, аммо маълумотларни алмашишда ўзаро назоратни ва кўп маќсадли кадастрни яратишда улар ўзаро бирлашишади. Гарбий Европа давлатларида кадастр тизимининг умумий белгиси шундан иборат бўлиб, улар маълумотларни доимий равишда янгиланиб туришини таъминлайдилар. Ердан фойдаланиш бўйича маълумотлар тизими учун ягона кафолатдир. Уларнинг умумий белгиларига рўйхатга олиш маълумотларини юритиш техникасининг ўхшашлигини киритиш мумкин. Қоидага биноан, ер участкаси ердан фойдаланишнинг типлари, майдони, унда жойлашган ќурилмаларнинг турлари, жойлашган ўрни, эгаси тўѓрисидаги маълумотлар ва бошқа регистрларга мурожаат ќилиш ћамда ћудуд ва унинг эгаси тўѓрисидаги ќўшимча маълумотларни ўзида жамлаши билан тавсифланади. Бундай турдаги маълумотлар бошқа маълумотлар билан биргалиқда мулқдорлик ћамда улар эгалигидаги ер участкалари тўѓрисидаги кўп ќиррали маълумотларни олиш имконини беради.

Умумевропа тушунчаси бўйича инглиз кадастр тизими юќоридаги умумий ќоидалардан фарќ ќиласди. Англияда кадастр фаќатгина картографик маълумотлардан иборат бўлиб, асосан ер участкаларининг чегаралари ҳамда кўчмас мулкнинг таркиби тўѓрисида маълумот беради. Европанинг бошқа давлатларидағи кадастр тизимлари белгиларининг бир хиллиги шу билан тушунириладики, улар тўѓридан-тўѓри ёки ќисман француз наъмунаси асосида вужудга келган.

Француз кадастр тизимининг бош маќсади-ерларни солиќка тортишни таъминлашдан иборатдир. Ҷозирги кунгача у фискал тизим сифатида хизмат кўрсатади: унинг маълумотлари турли хил ер ва кўчмас мулкка таалуќли бўлган мулк солиқларини ћисоблаш асоси ћисобланади. Аммо Францияда барча Ѯуќуќий ќўшилмалар билан биргалиқда ер рўйхати мамлакатнинг бутун ћудуди бўйича тизимли маълумотлар билан тўла таъминлай олмайди. Париж, Лилль, Марсел каби йирик шаћарлар ўз ћудудларининг хусусий кўп маќсадли кадастр тизимларини яратган.

Германияда солиқ кадастрдан ривожланган холда юридик тизимнинг бир қисми сифатида расмийлашган кадастр тизими мавжуд бўлиб, у ер эгаликлари ва ердан фойдаланиш ҳамда топографик тасвир маълумотларининг функциялари тўғрисидаги кенг кўламдаги маълумотларни ўз ичига олади. Гарбий Германияда 1935 йилда юз берган ер тузишнинг барча информацион тизимини қайта ташкил этиш, кейинчалик эса, 1945 йилдаги мамлакатни урушдан сўнги қайта қуриш мавжуд кадастр тизимнинг қайта кўриб чиқиши талаб қилди. Кадастр хариталарини ишлаб чиқиши ердан фойдаланиш ва ер тузишга таалуқли бўлган маълумотларни қайта ишлаш билан бирлаштирилди. 1970 йилдан округлар ва йирик шаҳарлар ерларида ер китобларида, кўчмас мулк кадастри, солиқ кадастри ва картографик материаллардаги маълумотларни ўзида жамлаган кўчмас мулк тўғрисидаги автоматлаштирилган маълумотлар базаси яратилди. Германиядаги турли информацион хизматлар ўртасидаги ўрнатиладиган алоқалар натижасида ер ва кўчмас мулк тўғрисидаги кўп мақсадли автоматлаштирилган маълумотлар банки шакллантирилади. Бошқа автоматлаштирилган маълумотлар банки билан биргаликда бу банк умуммиллий информацион тизимни ташкил қилади. Бу тизим ердан фойдаланиши, кўчмас мулкни ҳудудий режалаштириш ва иктиносиди билан боғлиқ кенг муаммоларни ҳал қилади.

Голландия кадастр хизмати ерга тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган, аммо қонун бўйича кўчмас мулкка кирадиган бир қанча қўшимча маълумотларни рўйхатини юритиб боришга масъулдир. Масалан, кемалар, самолётлар ва уларнинг эгалари тўғрисидаги маълумотлар. Кадастр маълумотларини бу каби кенгайтирилиши бир қатор фуқаролик статистикиаси («очик кадастр» концепцияси) йўналишлари хизматини ёйиш мажбуриятини юкловчи қонун билан боғлиқдир.

Швеция кадастри аста-секинлик билан кўчмас мулк тўғрисидаги автоматлашган миллий маълумотлар банкини аҳоли, иктиносидий статистика, солиқка тортиш ва рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар банки билан қўшилиб кетиши натижасида ер ва кўчмас мулк тўғрисидаги кўп мақсадли информацион тизимга айлантирилди. Бу давлатларда ер кадастри иккита регистрдан иборат ҳолда юритилади. Ер ва кўчмас мулк. 1936-1974 йиллари 1:10000 масштаблардаги фотоплёнкалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда ер участкалари ва бинолар чегараларини ягона қайд қилиш тизимига асосланган мамлакатнинг бутун ҳудудини қамраб олган кадастр хариталарининг миллий фондини яратиш дастури амалга оширилган. 1974 йилдан бошлаб бу мақсадлар учун 1:2000 масштабдаги кадастр хариталаридан фойдаланилди. Уларни тузиш учун маълумотлар асосан кўчмас мулк тўғрисидаги умумдавлат автоматлаштирилган маълумотлар банкидан фойдаланилди. Тиғиз қурилган шахарлар ҳудудининг кадастр хариталари тузилади ёки маҳаллий муниципал хизматга буюртма берилади, улар 1:500 гача катталиқдаги масштабларга эга бўладилар.

Швеция сингари Норвегия кадастри ћам эгаликлар, манзиллари ва бинолар типлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида жамлаган информацион кадастр тизимида бирлаштирилган. Турли гурућ маълумотлар бир-бирлари билан боғланган ћамда координатали ёки объектларнинг индентификацион кодлари орқали географик жићатдан ажратиш мумкин.

Норвегияда ћам Швеция сингари объектларни ќайд ќилиш стандартлари улар ўртасидаги информацион алоќалар ќонун билан белгиланган. Тизимнинг ўзи эса давлат томонидан назорат ќилиниб, уларни ишлаб чиќиш ва ќўллаш давлат томонидан молияланади.

Финландияда объектни кадастр баћолаш ишларини ташкил ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти, ќишлоќ ћудудларининг регистри давлат томонидан, шаћарлар ћудудининг регистри эса муниципал маъмурият органлари томонидан амалга оширилади. Яќин келажакда умуммиллий электрон информацион тизимга ўтиши натижасида юќоридаги фарќ ћам барћам топади.

Жанубий Европа давлатларидан ћисобланган Италияда юритиладиган кадастр Марказий Европада тарќалган тизимга ўхшашдир. Кадастрни (ер участкаларининг регистри) ер эгалари тўғрисидаги (ер регистри билан) маълумотлар билан боѓликлиги фаќатгина мулк эгаларининг исмларидан фойдаланган ћолда мумкин бўлади. Автоматлаштирилган маълумотлар банкини киритиш асосида ушбу иккита регистрни бирлаштириш рўйхатга олиш тизимида ћам ўзгартиришлар киритишни талаб ќиласди. Италия кадастрининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, бу ерда 1939 йилдан буён биноларнинг регистри тизимли тарзда юритилиб келинмоќда.

АҚШда ерларни ўрганиш ќишлоќ хўжалик Вазирлигидаги тупроќларни муђофаза ќилиш маҳсус хизмати томонидан олиб борилади. У марказий органдан, штатлардаги филиаллардан ва тупроќни муђофаза ќилиш бўйича 2400 га яќин бўлинмалардан ташкил топган. Тупроќни муђофаза ќилиш хизмати тупроќ ќатламларини ўрганишга катта аћамият беради. Ушбу материаллар ерларни таснифлаш орқали ќишлоќ хўжалиги маќсадлари учун фойдаланилади. Бу хизмат тупроќ кузатувларини амалга оширади, ерлардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги зарур тавсияномаларни ва ќарорларни чоп этади. Тупроќ кузатувлари маълумотларини амалий зарурият учун фойдаланиш маќсадида жамлаш асосида ерларни таснифлаш амалга оширилади. Қўйилган вазифаларга ќараб АҚШда ерларни таснифлашнинг турли тизимлари ќўлланилади. Масалан, тупроќлар ќишлоќ хўжалигида фойдаланишга яроќлилиги бўйича, ерларнинг маћсулдорлиги бўйича ва бошќа синфларга гурућланиши мумкин.

АҚШда ерларни сифат жићатдан баћолаш ќишлоќ хўжалик ерларининг маћсулдорлиги бўйича амалга оширилади. Ҷайдалма ернинг маћсулдорлиги энг камида 10 йил давомидаги асосий ќишлоќ хўжалик экинларининг ћосилдорликлари бўйича аниќланади. Ҷосилдорлик эса сўров

натижалари ёки маҳсус анкета ёрдамида аниқланади. Аммо ҳосилдорлик хўжалик юритиш даражасига чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли ҳам ҳосилдорлик тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда алмашлаб экиш тизими, тупроқларни ишлаш, ўғитларни қўллаш, мелиорация ва бошқа тадбирлар тўғрисида ҳам маълумотлар тўпланади. Ушбу маълумотлар асосида хўжалик юритиш синфлари белгиланади.

Энг маћсулдор ерларни аниқлаш маќсадида АҚШда ерларни иқтисодий жиҳатдан таснифлаш ўтказилади. Бунда қатор табиий омиллар билан бир қаторда баъзи иқтисодий кўрсаткичлар, жумладан, хўжаликнинг ўлчамлари, ердан фойдаланишнинг таркиби, жадаллашганлик даражаси, хўжаликнинг жойлашган ўрни ва даромадлилиги, међнат харажатлари ва бошқалар ҳисобга олинади.

АҚШда ҳам ҳалигача ерларни иқтисодий баћолашнинг ягона услугияти яратилган эмас. Алоҳида штатларда фойдаланилайдиган бир қанча услугиятлар мавжуд. Улар ичida кенг тарқалгани, қишлоқ хўжалик маћсулотларини сотиш натижасида олинадиган соф даромад қиймати бўйича ерларни баћолаш услугиятидир.

### **Мустаќил ўрганиш учун саволлар**

1. Гарбий Европа давлатларида юритилаётган ер кадастри тизими ўз ичига асосан нималарни олади?
2. Гарбий Европа кадастстр тизимининг умумий белгилари нималардан иборат?
3. Инглиз кадастри қандай ўзига хос хусусиятларга эга?
4. Германияда юритилаётган кадастстр тизими қандай вазифаларни бажаришга қаратилган?
5. Швеция кадастрининг асосий мазмuni ва моћияти нималардан иборат?
6. Жанубий Европа давлатларида юритиладиган кадастстр тизимиининг моћияти нималардан иборат?
7. АҚШда юритиладига ер кадастри асосан қайси масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган?